

Маҳмудхўжа
БЕҲБУДИЙ

ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР



83.393.1,
Б-68.

Истиқлол қаҳрамонлари

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ


ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Тузатилган ва тўлдирилган 3-нашри

6166/14155 7914/7914
2/3 4226 2/3

1605 2/3
5091

УР



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2006

Нашрга тайёрловчи, тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар
муаллифи — проф. Бегали Қосимов

«Азиз китобхон!»

Қўлингиздаги китоб нашриётимизнинг дастлабки маҳсулотидир. Уни янги ўзбек мактаби, матбуоти, театри бешигини тебратган, 10-йиллардаёқ «Беҳбудия нашриёти»ни ташкил этиб, дарсликлар чиқаришни йўлга қўйган буюк маърифатчи бобомиз асарларидан бошламоқдамиз.

Бундан қарийб ўн йил аввал яхши ниятлар билан иш бошлаган «Маънавият» нашриётининг илк китобидаги аннотацияга ана шундай жумлалар битилган эди. Китобни катга илҳом ва иштиёқ билан нашрга тайёрлаган марҳум олимимиз Бегали Қосимов «Истиқлол қаҳрамонлари» рукни остида миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти намояндаларининг асарларини чоп этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Бу олимнинг саъй-ҳаракатлари билан мазкур рукнда ўн бешга яқин китоб чоп этилди, адабиётимизнинг деярли бўшлиқдек бўлиб ётган жадидчилик даври ушбу нашрлар ҳисобига баҳоликудрат тўлдирилди. Китобхонлар ҳам бу асарларни илиқ кутиб олишди ва уларга талаб тобора ортиб бормоқда. Китобхонларимизнинг ушбу эҳтиёжини ҳисобга олиб, аллома адибимиз Маҳмудхўжа Беҳбудий «Танланган асарлар»ининг учинчи нашрини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Б 64

Беҳбудий М.

Танланган асарлар// Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар:
Б. Қосимов. — 3-нашри, тузатилган ва тўлдирилган. — Т.:
«Маънавият», 2006. — 280 б. — (Истиқлол қаҳрамонлари).

Уз 1

Б 4702620204-6
М25(04)-06

© «Маънавият», 2006

КАРВОНБОШИ

Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимнинг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтидаги жадидларидан унга тенг келадигани йўқ деб ўйлайман.

Файзулла Хўжаев

Маҳмудхўжа Беҳбудий уйғониш даври ўзбек адабиётида биринчи ўрнини олурга лойиқ зотдир.

Ҳожи Муин ибн Шукрулло

Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср бўсағасидаги Туркистоннинг орзу-армонларидан бири сифатида майдонга келди. У ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаракатларида фаол қатнашган энг йирик намояндаси, янги замон ўзбек маданиятининг асосчиси эди. Туркистон жадидларининг тан олинган раҳнамоси, мустақил жумҳурият ғоясининг яловбардори, янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси, ўзбек драмачилигини бошлаб берган биринчи драматург, театрчи, ношир, журналист эди. У тарихимизнинг ғоят оғир ва мураккаб бир даврида яшади. XVI асрдан бошланган инқироз ва турғунлик, жаҳолат ва мутаассиблик авж пардасига чиққан, ўзаро жанжал, маҳаллий уруғчилик низолари миллатни беҳад ҳолдан тойдирган эдики, бу имкондан фойдаланиб ўлкани забт этган Россия зўр бериб, уни турғун ва тутқун сақлашга уринар эди. Мана шундай бир шароитда миллатни бутунлай маҳв бўлиш ва Ватанни буткул ғорат этилиш хавфидан асраб қолиш, авлодларни эрк ва озодлик, мустақиллик руҳида тарбиялаш, маърифат ва тараққиётга бошлаш жадидлар номи билан тарихга кирган Беҳбудий бошлиқ фидойилар зиммасига тушди.

Тарихимизнинг сўнгги юз йилдан ортиқроқ даврида халқимизнинг энг катта армони бўлиб келган бугунги истиқлол куртаги дастлаб мана шу жадидлар кўксига ниш уриб етилган эди.

XX аср ўзбек маорифи ва маданияти, қолаверса, бугунги мустақиллик тафаккуримиз, эҳтимолки, шу жадид-

лар олдида бурчлидир. «Усули жадид», «усули савтия» номлари билан шуҳрат топган янги мактабни Туркистонда шулар ташкил қилдилар. Шулар биринчи бўлиб замонавий олий мактаб ғоясини илгари сурдилар, ўнлаб жамиятлар, ширкатлар уюштириб, улар ёрдамида қанчадан-қанча ёшларни тараққий қилган Оврупо мамлакатларига ўқишга юборишга муваффақ бўлдилар. Ўзбек театрининг биринчи гиштини қўйган, нашру матбуотини бошлаб берган ҳам шулардир.

Жадидлар ўз ҳисобларидан мактаблар очиб, ёш авлодни истиқлолга тайёрладилар, шеър ва мақолалар, саҳна асарлари орқали миллий онгни шакллантиришга, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришга уриндилар. (Русия қонунлари имкон берган даражада Туркистон мусулмонларининг шаъну шарафини ҳимоя қилдилар), инқилоб йилларида эса мустақиллик байроғини баланд кўтардилар.

Маҳмудхўжа Беҳбудий мана шу фидойилар орасида мумтоз бир ўринни эгаллайди. У мана шу Туркистон жадидчилиқ ҳаракатининг бонийсидир. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида 20-йилларда маҳаллий матбуотда Садриддин Айний, Ҳожи Муин ибн Шукрулло, Лазиз Азиззода каби замондошлари томонидан бир қатор мақола, хотиралар эълон қилинган. Кейинги йилларда, хусусан, мустақилликка эришилгандан сўнг жадидлар фаолиятини ўрганишга ҳаракат кучайди. Беҳбудий асарлари ҳам қайта нашр этила бошланди. Шу муносабат билан 20-йиллар адабиётшунослиги материалларига эҳтиёж ўсиб борди. Жумладан, Беҳбудий таржимаи ҳолини ёритишда Ҳожи Муиннинг 1922–23 йилларда ўзи муҳаррирлик қилган «Меҳнаткашлар товуши» (1922), «Зарафшон» (1923) газеталарида чоп этган мақолалари муҳим аҳамиятга эга. Беҳбудий ҳақида 70-йиллардан бугунги кунгача эълон қилиниб келаётган Солиҳ Қосимов, Аҳмад Алиев, Наим Каримов, Сирожиддин Аҳмедов, Шерали Турдиев ва бугунги ёш тадқиқотчилар Ҳалим Сайид, Нормурод Авазров, Зебо Аҳророва ишларининг барчасида мана шу Ҳожи Муин маълумотлари асос қилиб олинади¹.

¹ Аслида ҳам Ҳожи Муин (1883–1942) Беҳбудийни яқиндан билган, унинг эътиборига сазовор бўлган ҳамкасабаси, шогирди эди. 1914 йилда Беҳбудий ҳаж сафарига кетар экан, «Ойна» журналининг муваққат муҳаррири қилиб Ҳожи Муинни қолдирганлиги маълум.

Унинг келтиришича¹, Маҳмудхўжа Бехбудий 1875 йилнинг 19 январида (ҳижрий 1291, 10-зулҳижжа²) Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида руҳоний оиласида дунёга келган. Отаси Бехбудхўжа Солиххўжа ўғли туркистонлик, Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан, она томондан бобоси Ниёзхўжа урганчилик бўлиб, амир Шоҳмурод замонида (1785—1880) Самарқандга келиб қолган.

1894 йилда отаси имом-хатиблик билан шуғулланиб келган Бехбудхўжа вафот этади. Ёш Маҳмудхўжа тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқнинг тарбия ва қарамоғида ўсиб вояга етади. Араб сарфу наҳвини кичик тоғаси Одилдан ўрганади. 18 ёшидан қозихонада мирзолик қила бошлайди. Дарвоқе, Бехбудийнинг мактаб-мадраса ҳаёти ҳақида ҳам маълумотлар ниҳоятда кам. Унинг замондошлари билан бўлган суҳбатларидан аён бўладиги, Бехбудий дастлаб Самарқанд мадрасасида, сўнграқ Бухорода яхшигина таҳсил кўрган. Анъанавий мадраса илмини пухта эгаллаган Бехбудий 1915 йилда этнограф Г. Андреев саволларига жавоб берар экан, мадраса таҳсилни алоҳида тилга олгани маълум³. Хуллас, анъанавий таҳсил, сўнг эса ўз устида кунт ва сабот билан ишлаш орқали у шариятнинг юксак мақомлари — қози, муфти даражасигача кўтарилади.

Тахмин қилиш мумкинки, ёш Маҳмудхўжа дунёқарашининг шаклланишида Русия жадидчилиги ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспиралининг хизмати катта бўлган. Шарқу Фарбнинг тарих ва маданиятини чуқур билган, араб, форс тиллари билан бир қаторда инглиз, немис, француз тилларида ҳам эркин сўзлаша олган бу киши 1881 йилда рус тилида «Русия мусулмонлиги» китобини ёзади. Бу китобда у, Русияда яшовчи барча мусулмонларнинг ўзлигини сақлаб

¹ Қаранг. Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Бехбудий. «Зарафшон» газетаси, 1923 йил, 25 март.

² Айрим тадқиқотларда бу сана 1874 йил март («Совет Ўзбекистони санъати» ж., 1989 й., 2-сон) деб, бизнингча, янглиш кўрсатилади 1291 йилнинг бошланиши (1-муҳаррам) 1874 йилнинг 18 февраль чоршанба кунига тўғри келади. (Қаранг. Таблица согласования... Х. К. Баранов, Арабско-русский словарь, М., 1977, 940—942-бетлар.) Зулҳижжа сўнги ойдир. Унинг 10-си 335-кун бўлиб, жамланганда 1875 й. 19 янв. келиб чиқади.

³ Андреев Г. Самаркандский журнал «Ойна» и его редактор-издатель Махмуд Ходжи Бегбуди, «Туркестанские ведомости» газетаси, 1915, 17 сент.

қолиш йўли битта, у ҳам бўлса, маърифат ва у орқали мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётига тенгма-тенг аралашшига эришмоқдир, деган фикрни илгари суради. Бу йўлдаги биринчи қадам «усули жадид», «усули савтия» номлари билан тарихга кирган янги мактабларни ташкил қилиш бўлди¹. «Ал-он Русиядаги минглар ила низомлик мактаблар ва собиқ нашр бўлган ва ҳозир феълан нашр бўлиб турган юзлар ила исломий мажалла ва жаридаларнинг барча муҳаррир ва муридлари ул зоти сутуда сифотни шогирдларидурлар»², деб ёзган эди Бехбудий 1914 йилда.

1884 йилда Исмоилбекнинг машхур «Таржумон» газетасига обуна бўлган 1000 кишининг 200 таси Туркистондан эди.

Исмоилбек 1892 йилда Туркистондаги мактабларни ислоҳ қилиш, «усули савтия»ни жорий этиш таклифи билан генерал-губернатор барон Вревскийга мурожаат этди³. Жавоб ололмагач, 1893 йилда Тошкентга келади, Самарқанд, Бухорода бўлади. Маҳаллий халқ билан гаплашиб, дастлабки

¹ Гаспдали 1884 йилда Боқчасаройда бир мактаб очади ва унга «усули жадид мактаби» деб ном беради. «Мусулмонлар аввал бу мактабга унча ишонқирамай қарадилар, — деб ёзади у бу ҳақда, — аммо биринчи оммавий очиқ имтиҳондан сўнг ўқувчиларнинг сони бирданига 9 дан 30 болага кўпайди... ўқитишда «усули савтия» (товуш усули) қўлланилиши туфайли, менинг раҳбарлигимда хўжа (муаллим) болаларга олти ойда туркча ва арабча ўқитишни, туркча ёзиш ва бошланғич диний қоидаларни ўргатишга муваффақ бўлди» (қаранг, «Гулистон» ж., 1995 йил, 2-сон).

² «Ойна» ж., 1914 й., 50-сон.

³ Барон Вревский. Гаспдали хатини Туркистон ўқитувчилар семинарияси директори, «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири, машхур миссионер Н. П. Остроумов билан Туркистон ҳақида кўплаб китоблар ёзган В. П. Наливкинларга бериб, уларнинг бу борадаги фикрларини сўрайди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Гаспдали таклифларини рад этадилар. Остроумов ёзма жавобда шундай муҳим масаланинг «Туркистонга мутлақо алоқаси бўлмаган (?) жаноб Гаспринский... томонидан муҳокама қилиниши йўл қўйиб бўлмайдиган иш» деб ҳисоблайди. «Ғайрижинсларни руслаштириш секин ва ишончсизроқ тарзда бораётганидан ниҳоятда қайғурганлигини» изҳор этади ва «Гаспдали сингариларни» «энг зарарли кишилар» сирасига киритади.

Гаспдали мурожаати («Туркистон генерал-губернаторига мактуб») ва «Остроумовнинг жавоби» тарихчи С. Холбоев томонидан «Гулистон» журналининг 1995 йил 2-сонига эълон қилинди.

Барон Вревский ҳар икки мутахассис муносабатини аниқлагач, Гаспдали хатига: «Оқибатсиз қолдирилсин», — деб имзо қўяди.

янги усул мактабларини очишга муваффақ бўлади. Сўнг 1897 йилда яна Туркистонга келади...

Барча нарсага қизиқувчан Маҳмудхўжанинг Яқин ва Ўрта Шарқда номи танилган Исмоилбек Гаспралининг Туркистон сафарларидан беҳабар қолиши қийин эди. Тўғри, Исмоилбек келиб Туркистонда очиб кетган янги мактаблар узоқ давом этмади, ғайришаръий сифатида мутаассиблар томонидан ёпилди. Лекин «Таржумон»нинг муштариёлари кўпайиб борди. Устоз-шоғирд муносабатлари самимий дўстликка айланди. Беҳбудий ўз хотираларида устоз билан учрашувларини ихлос ва муҳаббат билан тилга олади.

1899–1900 йилларда Беҳбудий бухоролик дўсти Ҳожи Бақо билан ҳаж сафарига чиқади¹. «1318 санаи ҳижрияси тавофи Байтуллоға Кафказ йўли ила Истанбул ва Миср ал-Қоҳира воситаси-ла бориб эдим. Муддати сафарим саккиз ойдан зиёда чўзилуб эди»², — ёзади Беҳбудий бу ҳақда. Дунё кўриши изсиз кетмайди. Сафар янги мактаб ҳақидаги қарашларини мустаҳамлайди. Унинг ташаббус ва ғайрати билан 1903 йилда Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи (С. Сиддиқий), Ражабамин (А. Шакурый) қишлоқларида янги мактаблар ташкил топади. Адиб ушбу мактаблар учун дарсликлар тузишга киришади. Кетма-кет унинг «Рисолаи асбоби савод» (1904), «Рисолаи жуғрофияи умроний» (1905), «Рисолаи жуғрофияи Русий» (1905), «Китобат ул-атфол» (1908), «Амалиёти ислом» (1908), «Тарихи ислом» (1909) каби китоблари пайдо бўлади.

1903 йилда Ҳалвойида қурилган мактаб биноси ҳозир ҳам сақланиб келмоқда. Шакурый мактабини эса Беҳбудий 1908 йилда Самарқандга ўз ҳовлисига кўчириб олиб боргани маълум.

Тошкентда, Фарғона водийсида янги мактаблар ташкил топа бошлайди. Ибрат, Мунавварқори, Авлоний, Сўфизода номлари тилга тушади. Булар ҳали кифоя эмас, миллат болаларини тараққий топган шаҳарларга ўқишга юбориш керак. Мирмуҳсин Шермуҳамедов ва бир қатор ўзбеклар Марказий Русияга — Уфадаги «Олия» мадрасасига йўл оладилар. «Олия»

¹ Қаранг. Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Беҳбудий. «Зарафшон» газетаси, 1923 йил, 25 март.

² Қаранг. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Қасди сафар, «Ойна» ж., 1914 й., 31-сон.

да ўндан ортиқ ўзбек ўқийди. 10-йилларда Варшавада, Олмонияда, Москва, Петербургда ўзбеклар ўқигани маълум. Маҳмудхўжа 1903—1904 йилларда Москва, Петербургга боради, 1906 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Булар саёҳат эмас, хизмат сафари эди. Масалан, Нижний Новгородда 1906 йилнинг 23 августида Русия мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига бағишланган қурултой чақирилади. Беҳбудий бу қурултойда туркистонликлар гуруҳини бошқаради ва катта нутқ сўзлайди¹.

25 кунга чўзилган бу сафар ҳақида Беҳбудий сўнгроқ шундай маълумот берган эди: «1325 санаи ҳижриясида Русия мусулмонларининг муҳтарам зиёли ва акобирларининг Нижни Ёрминкасида миллий ишлар тўғрисида машварат қила турган мажлисига мушарраф бўлмоқ учун Ўрунбург йўли ила Маскуф, Петербург, Қозон воситаси-ла Нижни Новагўрд бориб эдим»².

Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилинмасди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ, миллат ва Ватаннинг аҳволдан, кундалик ҳаётидан огоҳ бўлмоқ керак эди. Бинобарин, миллат учун шундай ойна керак эдики, унда у ўз қабоҳатини ҳам, малоҳатини ҳам кўра олсин.

Мана шу эҳтиёж ва зарурат Беҳбудийни театр ва матбуот сари бошлади. «Падаркуш» шу тариқа майдонга келди. Бироқ унинг дунё кўриши осон кечмади. Бунга сабаб: биринчидан, чор ҳукумати мустамлака Туркистонининг маърифат йўлига кзириб, ўз ҳуқуқини танишидан манфаатдор эмас эди. 1916 йилдаги Туркистон генерал-губернатори Н. Р. Куропаткиннинг ўз кундалигида ёзган ва бугун жуда машҳур бўлиб кетган: «Биз тубжой халқни тараққиётдан, мактабдан, рус ҳаётидан 50 йил четда тутдик», — деган сўзларини эслаш кифоя. Иккинчидан, турғунлик ва тутқунлик туфайли авж олган жаҳолат, мутаассиблик. «Кимики саҳнада кўрсанг, они жасорати бу», — деб ёзган эди шоир Тавалло. Бу, бежиз эмас. (Хуллас, 1911 йилда ёзилган «Падаркуш» драмаси 1913 йилдагина босилиб чиқади. Китоб жилдидаги: «Бородино жанги

¹ Қаранг. А. А. Пясковский. Революция 1905—1907 годов в Туркестане, М., 1958, 559-бет. 1905 йилдан Русия мусулмонлари сиёсий фоллашдилар. 1905 йил 15 августда Нижний Новгородда уларнинг I съезди, 1906 йил 13—23 январда Петербургда II съезди чақирилди. «Русия мусулмонлари иттифоқи» тузилди.

² «Ойна» ж., 1914 йил, 31-сон, 598-бет.

ва Россиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг юбилей санасига бағишланади», — деган ёзув ва унинг Тифлис цензурасининг рухсати билан чоп этилиши шуни кўрсатадики, иш осон кўчмаган. Пьеса босилиб чиққандан кейин ҳам, уни сахнага қўйиш учун яқин бир йил вақт кетди. Муаллиф бу ҳақдаги хатларга жавобан: «Ўйнайтургон одам йўқ. Азбаски, Туркистонда бекор одам йўқки, халқ учун ишласа. Бекор киши йўқки, театру сахнасига чиқиб, «масхарабозлик» қилса»¹, — деб ёзади.

«Падаркуш» — ўзбек драмачилигининг ҳамма яқдил эътироф этган биринчи намунасидир. Мутахассислар уни ҳам жанр, ҳам мазмунига кўра янги ўзбек адабиётини бошлаб берган бир асар сифатида баҳолайдилар. Муаллиф «Миллий фожиа» атаган 3 парда 4 манзарали бу драма ҳажман жуда ихчам, мазмунан ниҳоятда содда ва жўн. У жаҳолат ва нодонлик ҳақида ўқимаган боланинг бузук йўлларга кириб, ўз отасини ўлдиргани ҳақида ҳикоя қилади. Орқа-олдини ўйламаган бойнинг Тошмурад исмли ўғли бор. Ўғли ўқимаган. Бой атрофидагиларнинг гапига кирмайди. Ўғлини ўқитмайди, оқибатда у кўча безориларига кўшилади. Ресторанда маишатга пули етмай, шерикларини тунда уйига бошлаб келади. Бой уйғониб, уларни сезиб қолади, лекин уни ўлдириб, пулини олиб кетадилар. Хулоса: жаҳолат ва нодонлик отанинг ҳам, боланинг ҳам бошига етади. Агар бутун миллат шу аҳволга тушса-чи?!

«Падаркуш» дастлаб, Самарқандда 1914 йилнинг 15 январиди сахнага қўйилди. «Халқ ниҳоят кўп келиб, белат етмагани ва жойни йўқлиги учун уч-тўрт юз киши қайтиб кетди»², — деб ёзади маҳаллий матбуот.

Яна ўша ерда ўқиймиз: «Белатлар бир-икки кун аввал ёшларни ғайрати илан сотилиб тамом бўлуб эди. Баъзи кишилар белатларини икки баҳога фоидаси илан бошқага сотдилар. Соат еттидан минглаб халқ ибратхонага ҳужум қилган. Аммо белат йўқ, Уч сўм³ бериб, тикка турмоққа ҳам рози, яна ер йўқ...»

Спектакль ўз маишатиға ўралиб дунёни унутган миллатдошларга чақмоқдек таъсир этди. Унда бой ролини Аб-

¹ «Ойна» ж., 1913 йил, 5-сон.

² «Ойна» ж., 1914 йил, 14-сон.

³ Муқояса учун: 1914 йилда 2 сўмга ўртача бир қўй келган.

дусалом Абдурахим ўгли ўйнаган эди. «Бойни ҳамбоза (хуррак) ва уйқуси ҳамда ҳаракатидан аҳоли ихтиёрсиз ва фосиласиз куларди», — ёзади тақризчи. «Домла (Мардонқул Шомоҳмуд ўгли) ва зиёли (Мирза Нўъмон Мулла Фозил муфти ўгли) ни насихати халойиқни кўнглига таъсир этарди, ҳатто, ваъзу пандга йиғлаганлар бор эди» — ўқиймиз тақризда. Айниқса, бойнинг ўз ўгли ёрдамида ўлдирилиб, мол-дунёсининг фақшу ишрат учун олиб кетилиши воқеалари кишиларни ларзага солган. «Бу фаже ва аламлик манзарани парда ёпар. Халқга ҳаддан зиёда таъсир. Баъзи кишилар фожиадан кўз юмарлар...»

Чамаси, асарнинг ижроси ҳам баланд савияда бўлган. Тақриздаги: «Рус, яҳудий ва мусулмонлар таҳсин этарди. Ҳатто, 20 йилдан бери театр маъмуриятиндаги одамлар таъриф қилурди... Аҳолидаги олқиш ибратхонани гумбирлатур...» — деган жумлалар шунга ишора қилади.

Тошкентда 1914 йилнинг 27 феввалида қўйилди. Авлониининг «Турон» труппаси Колизей (ҳозирги Савдо биржаси биноси) да ўз фаолиятини мана шу «Падаркуш» билан бошлаган эди. Спектакль олдидан машҳур Мунавварқори театрнинг жамият ҳаётидаги роли ва ўрни ҳақида нутқ сўзлайди. Бой ролини Абдулла Авлониининг ўзи ижро этади. Маҳаллий матбуот бу кунни «тарихий кун»¹ деб ёзади.

«Турон» труппаси 1914–16 йилларда бу спектакль билан бутун Фарғона водийсини айланиб чиқди. «Падаркуш» Туркистонни жунбушга келтирган қирғинбарот инқилоб йилларида ҳам саҳнадан тушмади. Бир томондан, миллатни маърифат ва тараққиёт сари ундашда буюк роль ўйнаган бўлса, иккинчи ёқдан, профессионал ўзбек театри ва драмачилигининг майдонга келиши ҳамда тараққиётида муҳим хизмат қилди.

Бу асарнинг ўз даврида адабий ҳаракатчиликка етказган таъсири ҳақида қайдлар кўп. Бунинг шохиди сифатида Абдулла Қодирийнинг машҳур: «1913 йилларда чиққан «Падаркуш» пьесаси таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзиб юборгонимни ўзим ҳам пайқамай қолдим», — деган эътирофини эслаш кифоя. 1916 йилда Тошкентга келиб Колизейда «Турон» нинг қатор спектакларини кўрган

¹ Қаранг. Туркистон вилоятининг газети (ТВГ), 1914 й., 18-сон, 2 март.

А. Н. Самойлович ёзади: «Туркистонда янги адабиёт майдонга келди. Бу мен учун кутилган ҳол эди... Янги адабиётнинг маркази — Самарқанд... Ёш қаламкашларнинг бош илҳомчиси самарқандлик муфти Маҳмудхўжа Беҳбудийдир»¹.

Драманинг биргина ўзбек эмас, татар, озарбойжон театрчилигига ҳам таъсири ҳақида гапириш мумкин. Туркистонда шу йиллари Заки Боязидский, Алиасқар Асқаров, Сидқий Рухилло, Илёсбек Ошқозорский каби кўплаб қардош режиссёрлар фаолият кўрсатганини хотирга олайлик.

1913 йилдан Беҳбудий матбуот ишлари билан шуғулланади. Апрельдан «Самарқанд» газетасини чиқаради. Газета туркий ва форсий тилларда, ҳафтада икки марта, дастлаб икки, сўнг тўрт саҳифада чоп этилган. 45 та сонидан кейин моддий танқислик туфайли чиқиши тўхтаган. Ўша йилнинг 20 августидан у «Ойна» журналини чиқара бошлайди. Бу суратли ҳафталик мажалла, асосан, ўзбек тилида бўлиб, унда ихчам форсий шеър, мақолалар, русча эълонлар ҳам бериб бориларди... «Бошда ҳафтада бир марта ва иккинчи йилдан эътиборан 15 кунда бир қатла чиқиб, йингирма ой чамаси давом қилди... Кафказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркиягача тарқалар эди... Жадидларнинг севикли журналлари эди. Шунинг учун улар томонидан ҳурматланди, севилиб ўқилди»², — деб ёзган эди Зиё Саид. Журнал редакцияси муҳаррирнинг Янги шаҳардаги уйида (Решетников, 3; ҳозир Мирсаид Барака, 1, алоқа ходимлари касаба уюшмасининг вилоят ташкилоти биноси) жойлашган.

Беҳбудий шу йиллари нашр ишлари билан қизгин шуғулланди. «Нашриёти Беҳбудия» номи билан ўз хусусий нашриётини очди. Фитратнинг «Баёноти сайёҳи ҳинди» асарини 1913 йилда русчага таржима қилдириб, нашр этди³. Туркистон харитасини тузиб босмадан чиқарди. Кутубхона-

¹ Самойлович А. Драматическая литература сартов, Вестник, «Имп. об-ва вост.», № 5, Петроград, 1917, 4-бет.

² Зиё Саид. Танланган асарлар, Т., 1974, 44–45-бетлар.

³ Қаранг. Пясковский А. А., Революция 1905–1907 гг. в Туркестане, М., 1958, 546-бет. Дарвоқе, бундан икки йил олдин Фитратнинг «Мунозара» асари ҳам рус тилига таржима қилинган экан. Бироқ у чор маъмуриятининг махсус хизмати учун мўлжалланган бўлиб, алоҳида кишиларгина фойдаланганлар. Таржима полковник Ягелло томонидан амалга оширилган (Қаранг. Пясковский А. А., ўша бет).

ни йўлга қўйди. Ўша давр вақтли матбуотида «Беҳбудий кутубхонаси» ҳақидаги хабарларга тез-тез дуч келасиз.

1914 йилнинг 29 майида Беҳбудий иккинчи бор араб мамлакатларига саёҳатга отланади.

Муаллиф саёҳати арафасидаги кайфиятини шундай ифодалайди. «7 санадан бери икки дафъа Бухоро ва бир дафъа Фарғонани зиёратидан бошқа сафарга чиққаним йўқ эди. Азбаски, тириклик касалига мубталолик, рўзгор қайдиға гирифторлик саёҳат неъматидан маҳрум этар. Етти йиллик хонанишинлик, дигар тарафдан алойиқи рўзгор, тижорат ва 7–8 рисоалар таҳрир ва нашри, дорулқазо ишлари, хусусан, бир санадан бери собиқ «Самарқанд» жаридаси ва ҳозирги «Ойна» идорасининг ишлари руҳан ва жисман заиф этди. Аъзоу ҳавосларға касолат пайдо бўлди. Сингир (асаб)... гайри мунтазам ишлайдур. Атиббо истироҳат ва саёҳатга машварат берарлар. Табиат у қадар ноқобил ва бузуққи, саёҳатдан ҳам нафрат этар, истамаз».

Шунга қарамасдан, сафарга чиқмаса бўлмайди. Аввало, «Кутубхонаи Беҳбудия» учун Истанбул, Миср, Қрим, Кавказ, Қозон, Русия ва хорижиянинг манзаралари, иморатлари, кишиларининг суратлари, турли-туман қолип (клише)лар ва яна бошқа жуда кўп нарсалар керак. Хуллас, бормаса бўлмайди. Маршрут: Кавказ, Қрим, Истанбул, Юнонистон, Байрут, Миср Қоҳираси ва яна орқага — Истанбулга қайтиб, темир йўл билан Булғористон, Австрия ва Берлин орқали Русияга, ундан Туркистонга келиш. Муддати икки ой. Биринчи июнга қолмай йўлга тушиш керак. Беҳбудий Петербургда бўладиган Миллий мажлис маслаҳатига таклиф қилинган эди. Саволларга жавобини ёзиб юборади, узрини айтади. Хуллас, 29 майда йўлга тушади. Поездга ўтириб Байрамали орқали Ашхободга ўтади. Красноводскдан пароход билан Бокуга боради. 2 июнда Минералние Води — Кисловодск — Пятигорск, Железноводск — Ростов — Одессани кезиб, 8 июнда Истанбулга кириб келади. Ундан Адирнага саёҳат қилади. Яна Истанбулга қайтиб, 21 июнда сув йўли билан Қуддусга йўл олади, Байрут, Ёфа, Халил ар-Раҳмон, Порт Саид, Шом шаҳарларини томоша қилади. Саёҳат июлнинг бошларида ҳам давом этади...

Саёҳат хотиралари ҳар жиҳатдан гоят муҳим бўлиб, Беҳбудий уларни ўз журнали «Ойна» нинг 1914 йил сонла-

рида мазкур ном остида пешма-пеш бериб боради (ҳозирча 18 сонда учратдик)¹.

«Саёҳат хотиралари»нинг биринчи қисми журналнинг 14 июнь 34-сонидида чоп этилган. Муаллиф унга «31 май, Баҳри Ҳазар. Маҳмудхўжа» деб имзо чекади. Рақамлаш ва сана ҳамда ёзилган жойини кўрсатишга биринчи олти сонидагина риоя қилинган. Бу «Хотиралар» ҳам маърифий, ҳам адабий-эстетик жиҳатдан ниҳоятда муҳим. Улар адабиётимиздаги анъанавий тарихий-мемуар жанрининг XX аср бошидаги ўзига хос намунасидир. Муаллиф бу мемуарларда йўл таассуротларига, машҳур ёхуд оддий кишилар билан учрашувларининг ибратли томонларига кенг ўрин беради. Қайси шаҳарга бормасин, унинг тарихи, обидалари, у ердан чиққан буюк зотлар ҳақида маълумотлар тўплайди. Турли-туман миллатлар, уларнинг урф-адумлари, турмуш маданияти билан қизиқади. Қишлоқлардаги деҳқончиликдан тортиб, шаҳарлардаги эскалатор («осонсур») гача унинг эътиборидан четда қолмайди. Айниқса, дин, эътиқод масалаларига катта аҳамият беради. Қадимий муқаддас обидалар, Расулulloҳ пойқадами теккан қутлуғ даргоҳлар, хусусан, Қуддуси шарифдаги машҳур Масжид ал-Ақсо зиёратидан ниҳоясиз завқ-шавққа тўлади. Саждага бош кўяркан, дилининг туб-тубидан Оллоҳ иштиёқи қалқиб чиқади. «Оҳ, на руҳоний ҳолатлар, на лазиз важдангиз убудиятлар, на ашкрез ноз-ниёзлар... Нуроний, фусункор, порлоқ мозийким, анинг асари қудсият самари минг бу қадар сана сўнгра бизни маҳвият даражасинда келтурар», — деб ёзади у.

Муаллиф Оллоҳга нидо қилади: «Илоҳо, у азиз ва фаол бандаларинг ҳурматиға бизға басират бер. Эшитар қулоқ, англр ақл бер...

Эй Оллоҳи азим уш-шон. Бу магар сенинг газабингми-дур. Афв эт, биз инсонларни. Ҳидоят эт. Ер юзинда сулҳ ва силоҳи умумий ато айла. Инсонларға инсоният бер. Золимларни қаҳр эт, маҳв бўлсун зулм. Яшасун адолат ва ҳаққони-ят, омин...»

«ЎЗАС» ҳафталиги Ингеборг Балдауфнинг мазкур хоти-

¹ Афсуски, журналнинг 1913 йил 20 августдан 1915 йил июнгача чиққан 1720 саҳифалик 68 сонининг тўла, мукамал комплектини топиш анча қийин. Олмон олимаси проф. И. Балдауф ҳам Москва, Ленинград, Хельсинки кутубхоналаридаги «Ойна» саҳифаларининг сукутли эканлигидан зорланган эди (қаранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993 й., 21 май, 21-сон).

раларнинг олмонча таржимаси муносабати билан ёзилган «Маҳмудхўжа Беҳбудий Фаластинда» (1993 № 21) мақола-сини эълон қилди. Муаллиф унда Беҳбудий кузатишларининг ўзига хослиги ҳақида ёзган, адиб қалбини ўртаган энг катта дард — эрк ва маърифат эканлигини айтган.

Беҳбудийнинг ушбу сафари билан бугунги кун орасида 80 йилдан ортиқроқ тарих турибди. Саксон йилда муболағасиз саккиз юз йиллик воқеалар бўлиб ўтди. Шуларга қарамай, «Хотиралар»даги маърифий руҳ, изтироб тўла фикр-мулоҳазалар, муаллифнинг ташна нигоҳи сизни бефарқ қолдирмайди. Хусусан, Ватан туйғуси бугун сиз билан биз учун айтилгандек туюлади. У Қуддуси шарифдаги Ҳазрати Довуд мақбарасини, Биби Марям ва Ҳазрати Исо калисоларини зиёрат қилар экан, тошкентлик ёш бир атторга дуч келади. «Дўкониға бир оз ўлтурдик, — ёзади Беҳбудий, — мамлакатдан сўради. Қўлиға бир неча нусха «Ойна» ва Туркистон харитасини бердим. Аҳли савод экан. Тошканд шаҳрини кўрсатдим. Беихтиёр харита устиндаги Тошкандни ўпиб, кўзиға суртди. («Хуббул ватани мин ал-иймон».) Хусусан, ватан ва аҳли диёрни қадр мусофиратга маълум бўлур. Ҳақиқатан ватан муқаддасдур. Қадрини билмоқ керак».

«Ойна» журнали маърифат ва маданият тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқига, тил-адабиёт масалаларига, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилган. Айниқса, тил масалалари муҳаррирнинг ҳамиша диққат марказида бўлган. Беҳбудий миллатнинг тараққийси учун бир неча тил билишни шарт ҳисобларди. Масалан, журналнинг 1913 йил 20 август, биринчи — нишона сонидеъ, «Икки эмас, тўрт тил лозим» деган мақола билан чиққан эди.

Фитратнинг журналда босилган мақолаларидан бири «Ҳиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдур» деб номланган. «Тушундигим замон кўнглум ёнар, йиғламоқ истарман, кўзёшларим келмайдур», деб бошланар эди мақола. Адиб тараққиёт ва турмушда Овруподан ер ва осмон қадар узилиб қолган Туркистоннинг фожиали аҳволдан сўз очган эди (1915 й., 7-сон). «С. А.» имзоли кишининг «Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар» (1914 й., 35-сон) мақоласида бошқа тилларни ўрганиш қаторида ҳар бир миллат ўз тилининг муҳофазаси билан шуғулланиши шарт, деган

фигр жуда кўп далиллар билан исбот қилиб берилади. «Агарда тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай, анга ажнабий луғат ва сўзларни қўша берсак, бир оз замонда тил ва миллиятимизни йўқотурмиз. Миллиятимизни йўқотганда диёнатимиз ўз-ўзи ила албатта, йўқолур», — деб ёзади муаллиф ва «Бас, бизга тилимизни ажнабий сўзлардан муҳофаза қилмоқлик энг биринчи муҳим бир вазифадур», — деб хулоса чиқаради.

✓ Журналнинг 1915 йил 11–12-сонларида босилган Беҳбудийнинг «Тил масаласи» мақоласида тилларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги баҳс давом этади. Улуғ маърифатчи тилларнинг бир-биридан ўринли луғат олишини табиий жараён деб қарайди. Энг бой тиллардан бўлган инглизчанинг ҳам «ўн минглар ила бегона луғатларни мажбуран олганлигини» далил қилиб кўрсатади ва масаланинг бошқа жиҳатига — ягона адабий тил, тил бирлигига диққатни қаратади.

Беҳбудий адабий танқидга катта эътибор берди. Навоийдан кейинги бир неча асрлик сукунатдан сўнг бу соҳанинг хос хусусиятларини тайин этиб, адабиётда унинг тенг ҳуқуқлиги масаласини ўртага қўйди. «Танқид сараламоқдур» (1914 й., 27-сон) деб номланган эди унинг ушбу мавзуга бағишланган жиддий мақолаларидан бири.

Туркистон забт этилгач, руслар маҳаллий халққа «сартлар» деб ном бердилар. Н. Остроумовнинг бир китоби худди шундай номланганлиги ҳаммага маълум. Бу сўз аслида турли вақтда турли этник қатламга, гоҳо социал қатламга нисбатан айтилган. 10-йилларда бу сўз атрофида яна баҳс кетди. Чунончи, Бухоро амирининг русчага таржимони Баҳромбек 1911 йилда «Шўро» журналига: «Биз, Туркистон ва Бухоро халқининг турклиги маълум бўлиб туриб... на учун сарт атайдурлар?» — деган савол билан мурожаат қилади. Журналнинг 19-сониди Беҳбудийнинг: «Сарт сўзи мажхулдур», — деган жавоби босилади. 24-сониди эса самарқандлик Бақохўжа «Сарт сўзи аслсиздур» деган мақола билан чиқади. Бу билан баҳс босилгандай бўлади. Бироқ орадан 2–3 йил ўтиб, «Садойи Фарғона»нинг 1914 йил 30-сониди Мулла Абдуллабек деган кишининг «Сарт сўзи маълумдур» деган мақоласи босилади. Табирийки, Беҳбудий ундан қаноатланмайди, чунки унда мавзуга доир бирор янги гап айтилмагани ҳолда, «маълум» деб даъво қилинган эди. Шу сабабли Беҳ-

8091
1608

4276 79141 7914

2/3

будий «Сарт сўзи маълум бўлмади» деган мақола ёзиб, «Садойи Фарғона» га юборадди. Бироқ газета мақолани босмайди. Шундан сўнг муаллиф мақолани ўз журналида (1914 й. 39-сон) беришга мажбур бўлади.

Журналда Беҳбудийнинг «Сарт сўзи мажҳулдур» мақоласи ҳам қайта босилган. Мақола ҳажман салмоқли, журналнинг бир неча сониди давом этган. Адиб ушбу калиманинг халқона этимологиясидан тортиб, Алишер Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Абулғози Баҳодирхоннинг асарларигача, Н. Остроумов китобидан Д. Г. Логофетнинг «Бу-хоро хонлиги»ю Л. М. Будагов луғатларигача, И. И. Гейер «Саёҳатнома»ларидан А. Вамбери «Кундаликлари»гача, жадидчилик ҳаракатининг Аҳмад Заки Валидийдан Исмоилбек Гаспринскийгача бўлган намоёндаларининг бу соҳадаги кузатишларини тўплаб, хулосалайди.

Адибнинг барча тарихий-илмий мавзудаги мақолалари сингари бу ҳам ўтмишга камоли эҳтиром ва эътиқод билан ёзилган. «Қабиласини(нг) исмини ва етта отасининг отини билмайдургонларни «кул» — «марқуқ» дерлар», — деб ёзади у (1914 йил, 23-сон, 340-бет). Бу сўз Ч. Айтматов туфайли «манкурт» бўлиб, янги умрини бошлади.

Беҳбудий, миллат ўзини англагандагина ижтимоий-сиёсий масалаларга бошқалар билан тенг аралаша олади, деган фикрда бўлди. Шунинг учун ҳам тарихга алоҳида эътибор берди.

«Ҳаёт ва мамот масалалари қадар муҳим бўлган неча масалалар кўзимиз олдига турган ҳолда аларни эҳмол этуб, фақат сарт сўзи ила шуғулланиб, фурсатларни бўшқа ўткармоқлик яхши эмас», — деб ёзади у. «Лекин, — давом этади, — ёврполилар қошида миллият масаласи муҳим ва муқаддас тутилган бир замонда бизлар ҳам миллият масаласидан саналган «сарт» ҳақида гоҳ-гоҳ баҳс этуб, миллиятимизни хотирлаб турганда, зарар кўрмасмиз».

Умуман, Беҳбудийнинг публицист сифатидаги фаолияти адиб истеъдодининг жуда ёрқин бир қиррасини ташкил этади. У ўз умри давомида юзлаб мақолалар ёзди. Ўзининг Миллат ва Ватан, жамият ва ахлоқ ҳақидаги фикрларини кўпроқ мақола ва чиқишларида ифода этди. Баъзилар унинг мақолалари ададини 200, бошқалар 500 деб белгилайдилар. Унинг барча ёзганлари ҳисоблаб чиқилмаган, ҳатто, аниқ-

ланмаганлари қанча. Муаллифлар ўзларининг исми шарифларини ўз газета-журналларида кўп-да қўйвермаганлар. Ҳар қандай ҳолда ҳам Беҳбудий ғоят сермахсул қаламкаш эди. Муҳими шундаки, у XX аср бошидаги Туркистоннинг йирик сиёсий арбоби эди. Унинг Миллат ва Ватан тақдири ҳақидаги барча қарашлари, аввало, мана шу мақолаларида акс этган эди. Бу жиҳатдан унинг 1906 йил 10 октябрда «Хуршид» газетасида (6-сон) босилган «Хайрул умури авсатуҳо» («Ишларнинг яхшиси ўртачасидур») мақоласи характерли. Бу мақола узоқ йиллар шўро тарих фани нуқтаи назаридан баҳоланиб Беҳбудийни қоралаш учун нишон бўлиб келди. Гап шундаки, Беҳбудий ўша 1906 йилдаёқ социалистик таълимотни ва уни Россияда амалга оширишга бел болаган Ленин партиясини кескин рад этган эди. Муаллиф мақолада Русиядаги мавжуд сиёсий партиялар ҳақида тўхталганда қуйидагиларни тилга олади:

1. Мустабид фирқаси (хукумат партияси).
2. Машрутаи авомия (кадетлар партияси).
3. Иштирокиюни оммавиюн (социал-демократлар партияси).

4. Русия мусулмонлари иттифоқи¹.

Беҳбудий «иштирокиюни оммавиюн»нинг «шариатга зид» томонларига диққатни қаратади ва уни «хаёлий», ҳатто, «зарарли» («бу тоифага қўшилмоқ биз, мусулмонлар учун ниҳоятда зарарликдир») ҳисоблайди. Кадетлар партиясини қўллайди. «Русия мусулмонлар иттифоқи»нинг ҳам, позицияси кадетларга яқин эканлигини таъкидлайди². Табиийки, бу фикрда у яқка эмасди. Унинг бу хусусдаги фикрлари устози Исмоилбек Гаспринскийнинг «мазҳаби иштиро-

¹ «Русия мусулмонлари иттифоқи» Русия мусулмонларининг 1906 йил 13–23 январда Петербургдаги II съездида тузилганини юқорида айтган эдик. Тарихчи А. А. Пяковскийга ушбу ташкилот Беҳбудий томонидан партия сифатида тилга олиниши ва умуман, муаллифнинг сиёсий қарашлари ёқмайди, шекилли, уни «ғирт саводсиз»га чиқариб қўяди (қаранг: А. А. Пяковский, Революция 1905–1907 годов в Туркестане, М., 1958, 559-бет).

² Русия мусулмонларининг 1905 й. Нижний Новгородда бўлган I съезди кадетлар партиясига қўшилиш таклифи билан чиққан, II съездда эса бу қарор билан тасдиқланган (қаранг: юқоридаги асар, 544-бет). 1917 йилда Беҳбудий, Мунавварқори кўплаб Бухоро жадидлари қаторида кадетлар қаршидан ҳам қайтганлар (қаранг: Заки Валиди Туган, Воспоминания, Уфа, 1994, 186-бет).

кино»ни қаттиқ танқид қилган «Оврупо маданиятига бир назари мувозана» рисоласи ва «Дор ур-роҳат мусулмонлари» ҳамда «Юз йилдан сўнг 2000-сана» романларидаги мулоҳазаларга таянар эди. Беҳбудий ҳам ўз устози каби социализмни зўравонлик ҳисоблади, ижтимоий тенгликни адолатсизлик деб билди. Шахс манфаатдорлигида, миллат равақида тараққиётнинг буюк омилини кўрди. Худди шу эътиқод уни Туркистоннинг мустақиллиги учун курашга етаклади.

Беҳбудий бир қатор дарсликлар ёзди. ЎзСЭ даги «Беҳбудий» мақоласи муаллифи марҳум С. Қосимов адибнинг 6 та дарслигини қайд этади: «Мунтахаби жуғрофияи умумий» («Қисқача умумий география»), «Китобат ул-атфол» («Болалар мактублари»), «Мухтасари тарихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи»), «Мадхали жуғрофияи умроний» («Аҳоли географиясига кириш»), «Мухтасар жуғрофияи Русий» («Русиянинг қисқача географияси»¹).

Шулардан биттасига — «Мунтахаби жуғрофияи умумий»га тўхтаймиз. Асарнинг тўла номи «Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия». 1905 йил 24 августда Санкт-Петербург цензурасидан руҳсат олиниб, 1906 йил Самарқандда Г. И. Демуров матбаасида чоп этилган. 106 саҳифадан ташкил топган. Муаллиф бу «қадим фан»га тааллуқли «туркий, арабий, форсий, русий луғатларга тасниф бўлган ўттуз қадар қадим ва жадид кутуб ва рисоли жуғрофия, ҳайъати риёзий, тарихий, табиий»лардан ва яна жуда кўп турли-туман маълумот — манбалардан фойдаланиб ёзганини қайд қилади (1-бет).

«Жуғрофия деган сўз юноний, луғати арабийга таърифи ард маъносиға, яъни ер ва туфроқни баён қилатурғон илмни айтилу», — изоҳ беради муаллиф. Сўнг Беҳбудий унинг турларига тўхтайди. «Чунончи, — ёзади у, — Ерни шаклдан, осмон ила Ер аросидаги хосияти ва осмондаги нимарсалар ила нисбати ва ҳаракатидан баён қилатурғон илмни «жуғрофияи риёзий», Ерни хосияти, туфроқ пасту

¹ Қаранг. ЎзСЭ, 2-жилд, 202–204-бетлар. С. Қосимов «Беҳбудий ва жадидчилик» (ЎзАС, 1990, 3–4-сонлар) мақоласида қомусдаги мазкур мақоланинг қандай курашлар билан дунё кўрганлигини ҳимоя қилар экан, «қайта ишлаш»лар натижасида «афандининг қуши»га айлантириб нашр этилганини айтади (ушбу газета, 1990, 3-сон).

баландлиги, ҳар хил гиёҳу конлари, тоғ-дарё, қўл, миждо-зу ҳавосидин баҳс қилатурғон илмни «жуғрофияи табиий» аталадур».

Муаллиф хулоса қилади: «Ер устига бўлган воқеалар тўғрисида ҳар бир навъ ишни ушбу илмга баён қилиб, жуғрофия калимасини охирига ўшал ишга тааллуқ илм ва фанни оти қўшиладур. Чунончи, «жуғрофияи тарихий» ва бошқаларидек. Хулоса, бу замонга жуғрофия илми дунёни ва андаги халойиқ, ҳайвонот, умронот (ободлик) ва ҳарнаки дунёга бордур, билдиратурғон кераклик бир илми жаҳоннамодур».

Китобнинг дастлабки саҳифаларида жуғрофиянинг фан сифатида майдонга келиш тарихи, қадим Туркистон олимларининг бу соҳадаги хизматлари ёритилади, асарлари келтирилади. Муаллиф Шамсиддинбек Сомийнинг (1850–1904) 6 жилдлик машҳур «Қомус ул-аълум» ва Исмоилбек Гаспринскийнинг «Туркистон уламози» китобларидаги хужжат ва диллиларга суяниб фикр юритган.

Бобларнинг бири «Жуғрофияни ўқумоқ мусулмонларга лозимдур» деб аталган. Унда Ер ҳақидаги хурофий тушунчалар танқид қилинган. Чунончи:

«Аммо ҳозирги жуғрофия илми, тажриба ва рўяти бошлариндан билинадурки, Ер курравий — юмалоқ, остига хўкуз, балиғ йўқ, атрофига девори йўқ ва Ер айланадур, ҳавога муаллақ турадур. Бизни назаримизга сокин ва аммо ҳақиқатда айланадур» (14-бет).

«Эски ва янги донишмандлар» фаслида қадим Батлимус (Птоломей) дан қолган геоцентризм ва унга қарама-қарши гелиоцентризм ҳақида гап кетади. Илми ҳайъатдаги «сабъ-айи сайёр», «тўққуз осмон» иборалари изоҳланади.

«Аҳли ҳайъати жадида, яъни янги ҳукамолар айтадурки, Офтоб дунёни ўртасига халқ бўлубдурки, Аторуддан бошлаб қадимда беш сайёра ва янги топилган икки сайёра ва кўз ила кўрилмай, янгидан дурбин ила топилган уч юзга яқин сайёралар ва буларни ичига биз устида турғон Еримиз Офтобни атрофига ҳар бири ўзига тегишли доира айланасига айланиб юрадурлар. Еримиз Офтобга нисбатан учланчи сайёра — юргувчи юлдуздур! Югурувчи юлдузларни ҳаммаси бенур ва ёруғликни Офтобдан оладур» (22-бет), — ўқиймиз китобда.

Муаллиф, шу тариқа, жуда содда қилиб осмон жисмла-

рининг жойлашиш ва ҳаракатини тушунтириб беради. Буларнинг айримлари Куръон ва Ҳадис хабарига рост келмаслигини ҳам айтади. Шунга қарамасдан «Янги ҳукамолар осмондаги юлдузларни аҳволидин эскилардин кўра яхшироқ огоҳ бўлбтурлар», — деб ёзади. Чунончи, Ой, Миррих (Марс) ҳақидаги замондошлари маълумотларини жамлаб ва уларнинг қадим ҳукамога насиб этмаган аниқ ва пухта замонавий асбоблар ёрдамида тўпланганини таъкидлаб, «...хукм қиладурларки, албатта, Миррихда одам бор ва илми бизлардан зиёдадур!» деган фикрни илгари суради.

«Бизни Еримиздек бошқа юлдузларда одам бўлса, бизни Еримизни ҳам юлдуздек ёруғ кўрмоқлари тайиндур», — ўқиймиз яна бир ўринда, «Олами шамсия жадвали»да Аторуд, Зуҳра, Ер, Ой, Миррих, Муштарий, Зуҳал, Уран, Нептун сайёраларининг Қуёшга нисбатан жойлашган ўрни, масофаси, ҳаракати ва ҳоказо ҳақида муҳим маълумотлар берилган. «Ерни шакллари», «Ҳукамо қавлича, Ерни(нг) юмалоқлиги аломатлари фаслларида муаллифнинг ўз кузатишлари кўпроқ сезилади. Ушбу фаслларга Петербург, Тошкент вақти дунёнинг бошқа шаҳарларига қиёсан берилган 2 жадвал илова қилинган.

Ернинг тузилиши, тоғлар, дарёлар, қўллар, қуруқлик, Ой тутилиши, қуйруқлик юлдузлар, ҳаво, атмосфера, кунтун, ёз, қиш, тупроқ, сув ҳолатлари ҳақидаги фасллар ҳам анча мароқли ёзилган. Китобнинг маълум қисми дунё кишиларининг маиший ҳаётларига — ижтимоий, иқтисодий, сиёсий масалаларга бағишланган.

«Мартабаи инсониятга ноил ўлмакга, ҳар бир инсонни жамияти инсониятга ва дини илоҳияга эҳтиёжи бор, — ёзади муаллиф.— Ушбу сабабдандурки, инсонлар комил инсонларни қўл остига жамияти башарияни барпо қиладурлар. Олло таоло анбиё воситаси ила қонуни шариат, хавфу қалбу рижо юборибдурки, анго дохил ва солиқ бўлмоқ лозим ва вожибдур. Динсиз дунёда яшамоқ инсоният ва маданиятдан эмас, ҳайвонийликдур. Динсиз мутамаддун (маданиятли) бўлмоқ муҳол (қийин)дур. Жамияти башарияни барқарор турмоқиға дин, шаръ (шариат), низом ва буларни бошқарувчиларға биринчи сабабдур. Бас, жамият илм, инсоф ва ҳунар сабаблари ила уч хил бўлинадурки, ваҳшоният, бадавият, маданият аталган. Ва буларни(нг) ҳар бирини яна

бир неча синфга тақсим қилмоқ одамларни аҳволига қараб мумкин бўладур».

«Ваҳшоният уларни шундай фарқлайди: «Ваҳшоният мартабаси фақат одамни ҳоли ҳайвониятга истиқоматидурки, на ақл-қомил ва на илм-маърифат, диндиёнат, инсоф-диёнат — ҳеч-ҳеч бир инсонга ёқимлик ҳолати, ҳаракати, феъли бўлмайдур. Бу навъ одамлардан Африқо чўлларига, Америко тоғларига, Австралия жазираларига бордур. Илм, хунар, дин, диёнатдин бутун бебаҳра, умрлари ҳайвониятга ўтиб кетадур. Маҳали истиқоматлари бошқа ҳайвонотдек дарахтлар устида, ичида ёинки ин-уя чуқурларда ўт-хашаклар ила паноҳ бўлган казолардадур. Емоқлари хом ўт-ғиёҳ, мурдорлар. Хулоса, ҳар на топилса, удур. Сайду шикор, яна топилса, одам емоқ ила машғулдурлар. Шакллари инсон ва барча ҳаракатдаги ит-кўппакдан бадтардурки, инсонларни бидоят ҳоли ёинки илму адаб-сизлик мартабасидур.

Ҳозирги замонамизда ҳам бу синф одамлар мавжуд ва ададлари кўпдур.

Бадавият одамлари. Иккинчи хили бадавийлардурки, ваҳшониятдан тараққий ёинки маданиятдан таназзул қилиб, бир ҳолга келгон ваҳший ила маданий аросида воситадурки, бадавий ва саҳройи маҳз аталадурлар. Буларни маконлари саҳро ва чўлларда, тоғу тошлар аросида чодир ичида ё туфроқ тўла ичларинда ва аксар кўчиб юргувчи илму хунардин бебаҳра халқдур. Бу тоифани умрлари мол боқмоқ, емоқ, ётмоқ ила сарф бўлуб, жамияти башарияга керагича ёрдамлари етмайдур. Чунки илмлари камдур. «Кўчманчи», «бадавий», «саҳройи», «бодиянишин» аталадурларки, ҳар бирининг аросида яна фарқ кўпдур. Маданийларга ёқмайтургон феъллар буларда камиллик ва тарбиятсизликларидан кўброқ воқеъ бўладур. Аларни ичида маданийларни(нг) истиқомати қарийб мумкин йўқдур. Ушбулар «эл», «уруғ», «қабилла», «ашират»ларга тақсим бўлуб, бек, бий, шайх, раис, сардорларни қўл остида чўлларда, шаҳарлардан узоқ жойларда юрадурлар. Аларни(нг) баъзиси ўз ишларини, расмларини маъқул ва одамиятга муносиб билиб, шаҳарий ва маданийларни уят ва ҳатто, нафрат қиладур. Ушбуларни тамаддун доирасига киргизмоқ мавруду замон ила бўладур. Маданият. Шаҳарларда ва катта жамиятлик, илму хунар-

лик, маҳаллаларда туратурғон, илм, фазл ва ҳунарлик халқни ва ё алар ила бирга тургувчи инсонларни «маданий» аталадурки, бошқа исм ила «шаҳарий» аталадурлар. Буларни аксар ишлари тартиб ва тажриба, илм ва фан ва қоида бўйича бўладур. Мактаб, мадраса, масжид, маҳкама, руҳоний-уламо, ибодатхона, амир, ҳукмрон, подшоҳлари бордур. Бовужуд шул маданийлар ичида ваҳший ё бадавийга ўхшаш инсонлар, феълу одатлар кўлдур. Хануз ер юзида бир шаҳар йўқки; барча одамлари инсони комил ҳисоблансин, бу уч хилни ҳар бири яна ним маданий, ним ваҳший деган қисмларга бўлинадурлар».

«Ер юзидаги бадавий ва маданий халқларни ҳукмдор ва сардорлари бўладурки, — деб бошланади «Ҳукумат ва ҳукмронлар» фасли, — бек, амир, шоҳ ва бошқа исму луғатлар ила аталадурлар. Ҳар бир тилда ҳукмдорларни луғати бошқадур. Оврупо халқи императўр, қирол, дўқа, принс, президент, княз, тсар (царь) ва бошқа луғатлар ила аталган ҳар бир ҳукмдорни мартаба ва ҳукумати бошқа навъдур».

Беҳбудий замонасидаги мавжуд идора усуллари ҳақида фикр юритиб, уларни учга бўлади.

1. Идораи мустақалла (идораи мутлақа — монархия).

2. Идораи маршрута (конституцияли парламентли ҳокимият).

3. Идораи жумҳурият (Республика).

Беҳбудий бу идора усулларини шундай изоҳлаган:

1. «Ани устидан қарагувчи подшоҳ соҳиби ихтиёр ва ҳар бир ройи ва амри закун ва низом бўладур. Амри, ҳукми ройи нофиз (қонун)дур. Кўл остидаги барча масжудлар, маслаҳатхоналарни иттифоқи, хоҳиши, ҳукми ўшал императўрни мустаҳкам қилиш имзосиға мавкуфдур. Шундай императўрларни янгидан мансуб бўлиши ҳар бир давлат ва ҳукуматда муқаррарий қонун ва одатлар бўйича мерос ённки валиаҳдлик қоидалари ва ўшал ҳукуматни қўйган «тартиб ва тадбирға мувофиқ бўладур».

2. Идораи маршрута — «...бу ҳукуматға тобеъ одамлар аксар аҳли илм ва ҳунардурлар. Элу уруғлари илм, ҳунар ва дунё ишларига тараққий қилгандурки, шул тариқа фуқаролар ўз ароларидан инсонлик, илм ва дунёдан хабарлик одамларни ўзларига катта ва бошқарғувчи вакил сайлайдурлар ва шул тариқа сайланган вакилларни подшоҳ жамлаб, му-

қаррарий маҳкамаларга мамлакатдорлик ишлариға аралашиб, машварат ила тузатилмоқ ва муҳофазат қилинмоқиға кўз бўлмоқлари учун қарор берадурки, аларни(нг) мажлис ва маҳкамаларини «Миллат мажлиси», «маслаҳатхона», «парламентў», «Гўсударски Дум», «Мажлиси синодий» (сенат мажлиси), «Эл мажлиси» деган исмлар ила ёд қилинадур. Яна баъзи маслаҳатхоналар борки, маслаҳатбошиларни, ҳукмдорларни (подшоҳнинг) ўзи тайин қиладур.

Ушбу миллат мажлисини(нг) чилон (аъзо)лари машварат ила мамлакатдорлик ишлариға аралашиб, низом ва қонун тузатиб, ҳукмдор ва подшоҳларни қилатургон ишлариға аралашадур. Подшоҳ бу мажлис амриға тобеъдур. Мажлис маъбусон (депутатлар) ни(нг) ройи бўлмагунча катта ишларни бошланмоқиға амр ва ҳукм қилолмайдур. Хулоса, императўр соҳиб ихтиёр бўлмай, дурустроқ ишларга қонун ва низомларни чиқарилмоқиға бутун эл мажлисиға тобеъ бўлуб турадур».

3. «Идораи жумҳурият... аксар фуқароси аҳли илм бўлуб, бу аҳли дониш аҳолини сайлаган вакиллари, яъни ҳукуматга етти йилгача ўз мамлакат ва ҳукуматларини бошқармоғи учун ўз ароларидан бир нафар донишманд одамни бошлиқ сайлайдурларки, «раиси жумҳурият», «садрнишини миллат», «президент» аталадур. Бу раис гўё бир оризий (вақтинча), омонат подшоҳдур. Ҳар бир ҳукм ва амру тартибни, мамлакат ва кўйга тааллуқ ишни, Миллат мажлисини(нг) қилиб берган дастуруламал, яъни қонун ва низом номалариға мувофиқ қилиб, бутун элға тобеъ бир кишидур. Ҳар бир ишға Миллат мажлиси ҳукмиға тобеъ, аларни(нг) ҳукму талабларини ўринға келтирувчидур.

Бу икки тоифани(нг) подшоҳи баъзи мамлакатда «элға тобеъ бўлуб турарман» деб қасам ичиб, баъд (кейин) мансабға чиқадур. Катта вазирлар ва мамлакатдорлик мутасаддиларини тафтиш қилмоқға, терговға бермоқға, ҳатто, ўшал соатда бирдан бекор қилдурмоқға баъзи Миллат мажлисларини(нг) ихтиёри бордур. Ҳозирги Оврупо ҳукуматларини(нг) рафтори, одати шу уч усулни(нг) бирига дохил, тобеъ ва мувофиқдур.

Мустақил ҳукмдорларни(нг) қўл остида ҳам мажлислар ва машварат маҳкамалари бордур. Илмсиз ҳукуматлардек неча милйўн халқни(нг) маишати, рафтори, ихтиёри бир нафар

одам (подшо) ни(нг) ихтиёр ё ройи ва ҳукмига йўқдур. Бир нафарни(нг) ақли, фикри ила ўн нафар аросида на қадар фарқ бордур? Ушбу сабаблардандурки, озгина Оврупо халқи бутун курраи арзга ҳоким ва мутасарриф (эга) дурлар. Сабаб: ҳукумат, илм ва дароят, қонун, мусовот (тенглик), машварат (маслаҳат) ва тадбирдур».

Китобда муҳим ўринлардан бирини «Дин ва одат» фасли ташкил қилади. «Бани одамни ҳама фирқа ва тоифаси ушбу олам барча одам ва ҳайвонларнинг холиқи борлиғига иқроор. Аммо сонёни оламу илм, худошунослик, яъни эътиқод тўғрисида ҳар тоифа ва ҳар миллат ва мазҳаб аҳлини эътиқоди бошқадур. Илму ҳидоят топган фирқалар Оллоҳ таолони бемисл ва бешерик ва бир биладурки, шундай фирқани «муваҳҳид» (бир худолик) атабдурлар. Оллоҳ таолони бир билмай, адад таъйин қилатурғонларни «мушрик» (кўп худолик) ёинки маъжус аталадур. Муваҳҳид ва мушрик фирқаларни(нг) ҳар бири яна бир неча дин ва ҳар бир дин бир неча мазҳабга бўлунуб кетгандур. Ҳатто, ҳар бир дин ва мазҳабларга бир неча одат, расмлар кўшиллуб, агарчи ҳақиқатда муҳолиф мазҳаблари бўлса ҳам одат бўлгани учун айни мазҳаб саналиб амал қилинадур».

«Ирқи башар — одамларни(нг) жинси» бобида оқ, қора, қизил, сариқ танлилар, уларнинг ўзаро фарқлари, ижтимоий-маиший турмушлари, ҳозирги мавқеъ-мартабалари ҳақида гап кетади.

Шунингдек, китобда ўлчов-миқёс тушунчалари, метрнинг келиб чиқиши, аршин, саржин, вершок, дюйм, фунт, десятиналарнинг ўзаро фарқлари, мамлакатларнинг пул birlikлари ҳам кенг ёритилган.

«Ерни ҳаракатига ихтилофи уламо ва аҳли дин» фаслида дунёнинг қурилиши ҳақидаги гелиоцентриқ тузилма ва унинг Европа илмидаги вакиллари Николаё Коперник, Кеплер, Галилейлар фаолияти ҳақида гап кетади. Черков ва улар ўртасидаги кураш ҳикоя қилинади. Бундай ҳол аҳли ислом орасида ҳам бўлганлигига тўхтаб, замонда икки юздан ортиқ китоб ёзиб «кофир» деб эълон қилинган, ўлганидан кейин мазори жоҳил ва беҳирадлар томонидан топталган Муҳйиддин Арабий тақдири мисол келтирилади.

Муаллиф кўҳна Шарқда ҳам илм ғоят қийинчилик билан ўзига йўл очганини қайд қилади ва шайх ур-раис Абу

Али ибн Синонинг мутаассиблар томонидан «кофир» деб эълон қилингани воқеасига тўхтайти ва унинг:

Куфри чу ман газоф ва осон набувад,
Маҳкамтар аз имони ман, имон набувад.

Дар даҳр чу ман яке он ҳам кофир,

Пас, дар ҳама даҳр як мусулмон набувад, —

(Мени кофирликда айблаш осон бўлмас. Чунки дунёда менинг имонимдан маҳкамроқ имон йўқ ва у ҳам кофир бўладиган бўлса, бу дунёда мусулмоннинг ўзи йўқ экан), — деган машҳур рубоийсини келтиради. Ҳатто, бундай мисолларни бугун ҳам келтириш мумкинлигини айтиб, айрим замондошларининг Миср муфтийси Шайх Муҳаммад Абдуллоҳ ва «Миръот» журналининг муҳаррири Абдурашид бин Иброҳимларни бадном қилишга бўлган уринишлари ҳақида ёзади.

Китобда «Амриқони(нг) топилиши» деган фасл бор. Унда Колумб сафари ва янги қитъанинг кашф этилиши воқеалари баён этилган.

Сўнгги фасл «Тафсил ва танбиҳ»да дунёнинг қурилиши, Ер, Осмон, юлдузлар ҳақидаги икки қарама-қарши фикр — эски ва янги нуқтаи назар махсус мавзу қилиб олинган. Муаллиф «етти қават ер», «етти қават осмон» тушунчаларига тўхтайти, айниқса, Ернинг ҳўкиз шохи устида туриши ҳақидаги хурофотни танқид қилади. Страбон, Батлимусдан кейинги давр уламоларигача бўлган олимларнинг қарашларига тўхтайти. Туркистонликларнинг фалакиёт ҳақидаги тасавури ўрта асрчилик доирасида қолганини айтади. Айни пайтда жуғрофия китобларида бир қатор саҳву хатолар борлигини, бу ҳақда китоб ёзмоқчи эканлигини хабар қилади.

Китобда бир қатор иловалар бор. Масалан, ҳижратдан 4500 йил олдинги Миср воқеаларидан 1324 — 1906 йилдаги Русия Давлат Думаси очилишигача бўлган жаҳон тарихидаги ҳодисалар санаси «Аҳволи тарихиядан намуна» сарлавҳаси билан берилган. Шунингдек «Европа», «Озиё», «Африқо» «Амриқои шимолия», «Амриқоий жанубия», «Австралия», «Мамлақати Русия»нинг алоҳида-алоҳида хариталари, курраи арз ярим шарлари махсус саҳифаларда келтирилган. Кўрфаз, бўғоз, дарё ва кўлларнинг жуғрофий шакллари, табиат ҳодисаларини, осмон ёритқичлари ҳаракатини тушунтирувчи турли-туман суратлар, ирқлар-

ни фарқлаб кўрсатувчи расмлар ҳам бор. Табиийки, бу хил кўргазмалилик китобнинг илмий-маърифий аҳамиятини оширган. Мазкур жуғрофия китобини ҳозир ҳам нашр этиш фойдалидир.

1906 йилда «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида Беҳбудийнинг жуғрофия китоблари муносабати билан қатор тақризлар чиқади. Уни мақтайдилар, рад этадилар. Газета ходими Мулла Олим муаллиф китобларининг тили оғирлигидан шикоят қилади. Беҳбудий изох беради¹. Иш булар билан чекланмайди, секин-аста уни мусулмонлар манфаатига хиёнат қилишда, ўриспарастликда айблай бошлайдилар. Ва бу анча давом этади. Гап расмий доираларга бориб этади. 1914 йил 3 январда Мирзо Улуғбек мадрасаси жомеида бир неча минг киши ҳузурида «усули жадидачилар», «русча ўқимоққа ташвиқ қилатурғонлар» «кофир», «ҳар ким боласини усули жадида мактабига берса, ўзи кофир, хотини талоқ»² деб эълон қилинади. Йиғинда Беҳбудийнинг бир қатор маслакдошлари (Сиддиқий – Ажзий, Шакурйй) тилга олинган эдилар, Беҳбудийнинг ўғли Масъудхўжа гимназияда ўқир эди. Беҳбудий бир муносабат билан ёзади: «Самарқандни катта уламо ва қозиларидан муҳтарам бир киши катта мажлисларга ва ҳукуматга сўйлаганлари учун тубандаги сўзларни юз биринчи дафъа ёзармиз: «Ойна» муҳаррирининг маслаки ўн санадан зиёда бир муддатдан бери жарида ва рисоаларга ёзган мақолалари илан ҳукуматга ва бутун халойиқга маълумдир. Қози ҳазратлари «Ойна» муҳарририга икки нимарсани нисбат берурларки, кайфияти юқорига ёзилди. Аммо иккисида ваҳмий сўзлардир. Биз халқни рус ва насоро қилмоқчи эмас(миз) ва дини мубини исломни хароб қилдурмоқчи эмас(миз), балки муҳтарам аҳли динимизни моддатан тараққий этдурмоқчи ва дини шарифимизга маҳкам туриб, Русияда яшамоқчимиз. Русиянинг граждани, илм ва ҳуқуқлик чин табааси бўлиб ва руслардан қочмай, балки (қўл) ни қўлга бериб, Русия ватанига болфеъл шерик бўлуб, тараққий қилмоқ ва Русия давлатининг мансаблариға мустаҳиқ қилатурғон Русиянинг илму фани замоний ўқутатурғон мактаблариға ружуъ қилмоқға

¹ Қаранг. ТВГ. 1906 йил, 15 март, 12-сон.

² «Ойна» ж., 1914 йил, 12-сон, 295-бет.

мухтарам ҳамватанларимизни даъват ва ташвиқ эттувчи бир кишимиз»¹...

Миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмайди. Бу Бехбудий келган биринчи хулосалардан эди. Унинг «Вақт» газетасида чоп этилган мақолаларидан бирида шундай мулоҳазаларни учратамиз:

«Бир мадрасага 20 талаба гапи ила бир ноаҳл мударрис сайланур. Бир волостда 40 нафар эл бошлариндан 21 нафарни садоси ила бир жоҳил қози сайланур ва Русия маъмурларина-да маъқул ўлур. Бир минг фақирнинг радду мудохаласи мўътабар ўлмаз ва сўзлари эшитилмас. Ишта бизим Туркистон шаҳарларининг бу кунги қози, муфти ва мударрис ҳам имом ва ўзга руҳонийларининг юздан саксони, сахро ва қарияларда ўланларининг ўндан тўққизи шўйла номуносиб кишилардан иборатдир»². Шу газетанинг ўша йили 4 ноябрда босилган «Дума ва Туркистон мусулмонлари» мақоласида эса чор мустамлакачилик сиёсати, хусусан, ўлкадан етмиш минг русдан олти депутат бўлгани ҳолда етти миллион мусулмонга беш ўрин ажратилгани ошқора танқид қилинади. Шуларга қарамасдан, Бехбудий, истиқлол ҳақида фикр юритар экан, ҳар қандай зўравонликни рад этади. Унингча, зўравонлик ғайри-ахлоқий, бинобарин, ғайрининсонийдир. Умуман олганда эса, мустақиллик учун кураш олиб борган боболаримиз, жумладан, жадидлар келажак ҳақида фикр юритар эканлар, истиқлолга эришиш борасида бир-бирларидан фарқ қилувчи уч йўлдан бордилар:

1. Русияга тобеликдан зўрлик йўли билан қутулиш, куч билан истиқлол олиш (Дукчи эшон кўзғолони, 1916 йил воқеалари, «босмачилик»).

2. Муроса йўли. Руслар ёрдамида маърифатга эришиш. Маърифат масаласида ҳақ-ҳуқуқ олиш, миллий хусусиятларини тиклаш (Исмоилбей Гаспдали, Маҳмудхўжа Бехбудий).

3. Ҳамкорлик йўли. Чор маъмурлари, сўнг эса Шўро ҳукумати билан бирга уларнинг программаларида қатнашиш ва имкон бўлиши билан мустақилликни қўлга олиш. Бу-

¹ «Ойна» ж., 1914 йил, 44-сон, 1057-бет.

² «Вақт» газетаси, 1907 йил, 3 февраль.

нинг учун маълум тайёргарлик кўриб бориш (Мунаввар қори, Ҳамза, Авлоний).

Беҳбудий ҳамиша халқ билан бирга бўлди.

Ватан тақдири кун тартибига қўйилган 1917 йилнинг 16—23 апрелида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг 150 вакили иштирок этган ўлка қурулғойида ҳаяжонли нутқ сўзлади. Миллатни ўзаро ихтилофлардан воз кечишга, буюк мақсад йўлида бирлашишга, иттифоқ бўлишга чақирди.

Худди шу ихтилофимиз сабабли «мустамлакат қондаси ила бизни идора этурлар» деб очиқ айтди.

У ҳақ эди. Мустамлакачилар «50 йил илм-маърифатдан четда сақлаб келган»лари (Куропаткин) Туркистонни осонлик билан қўлдан чиқармас эдилар. Фитна ва иғво тинимсиз давом этар эди. Шундайлардан бири 1917 йилнинг баҳорида Бухорода юз берган эди. Амир февраль ўзгаришларини ҳисобга олиб, рус элчихонасининг маслаҳати билан ислоҳот эълон қиладиган бўлади. Ва бу фармонни ушбу элчихонанинг бошлиғи жаноб Миллер тайёрлайди. Ҳар хил англашилмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида собиқ генерал-губернатор, эндиликда Русия Муваққат ҳукуматининг Туркистон комиссари Куропаткин топшириғига кўра Самарқанд Ижроня қўмитаси Бухорога бир неча кишилик ҳайъат юбордилар. Улар орасида Беҳбудий ҳам бор эди. 7 апрель ислоҳот эълони олдиндан мўлжалланганидек тантанана, тантана эса фожиага айланади. Амир ва ёшлар, муллар ва жадидлар ўртасида ўтиб бўлмас чоҳ пайдо бўлади. Миллер бунинг айбини Беҳбудийга қўяди. Фақат Миллер эмас, Тошкентда 9 апрель бошланган Туркистон Ишчи ва солдат депутатлари советларининг биринчи ўлка съездида айрим рус депутатлари Бухоро фожиасининг сабабини — Самарқанддан «ўз ихтиёрлари илан» борган депутатларга тўнқайдилар. Миллатни ич-ичидан қайраш ва низо чиқариш изчил давом этади. Беҳбудий мазкур съездда минбарга чиқиб бор воқеани тушунтириб берган ва бу ҳақда «Бухоро воқеалари ва дафъи тухмат» («Хуррият» газетаси, 1917 йил, 1 май) деган махсус мақола ёзган эди¹.

¹ Бу ҳақда батафсилроқ маълумот учун қаранг: Иброҳим Фафур. «Амир нега Беҳбудийга қўл бермади?», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1994 йил, 6 май, 16—17-сонлар.

Шу йил ноябрнинг 26 сида Кўқонда Ўлка мусулмонларининг IV фавкулудда курултойи иш бошлади. 27 ноябрга ўтар кечаси «Туркистон мухторияти» эълон қилинди. Бу мустамлакадан мустақиллик томон қўйилган жиддий ва жасоратли қадам эди. Унинг маънавий отаси, шубҳасиз, Беҳбудий эди. «27 ноябрда Кўқонда Туркистон мухторияти умумий мусулмон съездида эълон қилинди. Муборак ва хайрли бўлсун! Камина ҳам мажлисда бўлушдан ифтихор этаман. Яшасун Туркистон мухторияти!»¹ — деб ёзган эди Беҳбудий. Фитрат мухторият эълон қилинган тунни «Миллий лайлатул қадримиз» деб атади. Шоирлар шеърлар бағишладилар. Большевизм эса тубжой миллатнинг «қадим» ва «жадид»га бўлинганидан устамонлик билан фойдаланиб маҳаллий халқ орасига ҳам секин-аста кириб борди. Айни пайтда миллатлар орасига қутку солиб ажратиш ва жамиятни синфий асосга қуриш ҳаракати кучайди.

«Муҳтарам Самарқандийларга холисона арз» деб номланган мақолаларидан бирида Беҳбудий ёшларни «оғир, хушсўз»² бўлишга ундаган эди. Мухторият ишларининг эса «сулҳ ила ҳал қилинур»ига, «муҳораба» ва муқотала эҳтимоли йўқ»лигига астойдил ишонади³. Бу қадим оталар юртини унда яшаб турган барча қон-қариндош миллатларнинг бирлиги, ҳамкорлиги билангина сақлаб қолиш мумкинлигини теран англайди. Бугун вужуди билан Туркистонни бирликка чорлайди.

«Бовурлар! — деб ёзади қозоқ биродарларига очик хатида, — Билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва сиз билингки, ҳақ олинур, лекин берилмас. Инчунун, мухторият-да олинур, лекин берилмас. Яъни мухториятни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб ғайрат ила олурлар. Албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса, бермаслар. Биз бўшлиқ қилсак ва Туркистондаги халқлар бирлашиб, мухторият йўлига саъй қилмасак, албатта, ҳозирги қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар. Бул, албатта, шундайдур ва бул сўзга ҳеч ким ихтилоф қилолмайдур... Энди ишлар шу ҳолда экан, биз ҳаммамиз, яъни қирғиз,

¹ «Хуррият» газетаси, 1917 йил, 19 ноябрь.

² «Хуррият» газетаси, 1917 йил, 13 май.

³ Шу газета, 1917 йил, 19 декабрь.

қозоқ, ўзбек, туркман, араб, форс, хуллас, Туркистондаги, Қозоғистондаги ва Туркменистондаги барча мусулмонлар ва ҳам мундаги яҳудий ва христианлар бирлашиб, иттифоқ ила шу мухториятнинг амалга келишига саъй ва эҳтимом этмоғимиз лозимдур...

Чирогларим! Бошқа халқлар, масалан, серблар, италиянлар, арманлар, славянлар, поляклар ва бошқалар, ҳатто, дунёнинг у бир учндаги қариндошлари ила бирлашур эканлар, бошқа катта ва қувватли давлатларга тобеъ бўлуб, ютилуб, ҳатто, тилини йўқотган ўз жинсдошларини ажратиб олиб, бирлашмоқға жон ва кучларини сарф этар эканлар, биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан айрилсак, уятдур, аҳмоқликдур. Турк томурига болта урмоқликдур»¹.

Дарҳақиқат, мухторият бой берилди. Уни оталаримиз сақлаб қололмадилар. У Шўролар томонидан хоинона бостирилди. 19—20 февраль кунлари шаҳар тўпга тутилди. 10 мингта туркистонлик ўлдирилди. 180 та қишлоққа ўт қўйилди.

Беҳбудий изтироб билан майнинг бошида Самарқандга қайтади. У ерда тура олмай, Тошкентга келади. Туркистон рус совет ҳукумати раҳбарлари билан музокара олиб боришга уринади. Табиийки, музокаралар натижа бермайди.

Мутафаккир адиб Туркистон фожиасининг навбатдаги силсиласи бошланганлигини бутун вужуди билан ҳис этади. Беҳбудий ўлими билан боғлиқ айрим ҳужжатлар ва бу фожа муносабати билан ўртага қалқиб чиққан айрим материалларнинг сўнгги йилларда эълон қилиниши унинг 1918—19 йиллардаги изтиробларга тўла ҳаётини бир қадар тасаввур қилишга имкон беради. Чунончи, Беҳбудий «Меҳнаткашлар товуши» газетасининг 1918 йил 27 август сонидан шундай ёзади:

«Каминани Самарқанд Маориф комиссарлигига Самарқанд мусулмон шўроси сайлаб эди. Баёни узр этдим. Қабул қилинмади. Бир неча вақт қўлимдан келганича ишладим. Мактаблар тўғрисида баъзи лойиҳалар ёзиб топшурдим. Охири безгак ва оёқ оғруши ва ҳам йилнинг қимматчилиги вазҳидан рўзгор ва деҳқончилик ишларим кўблиги ва бошқа бир неча сабаблардан комиссарликдан истеъфо бердим.

¹ «Хуррият» газетаси, 1918 йил, 26 январь.

Яна қабул қилинмади. Мунинг устинда Тошканддин телеграф билан мухтарам Мусулмон маориф курултойи Бутун-туркистон Маориф комиссарлигини қабул этишимга таклиф этибдурларки, манга этган эътимод ва чин занларига қат-қат ташаккур ва курултойга арзи эҳтиром этгандим, сўнгра касал ва нохушлигимни узр мақоминда ожизона баён этиб тилигром бердим. Яна ушбунинг ила баёни узр ва тарзи ташаккур этиб, маърузатимизнинг қабул этилмагини рижо этаман». «Меҳнаткашлар товуши»нинг Бехбудийга бағишланган 1920 йил 8 апрель сонндаги материаллар, жумладан, унинг ҳаёти ва меросини ўрганиш учун тузилган 7 кишилик комиссиянинг «Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазратларининг қисқача таржимаи ҳоли» деб номланган хулосаси муаллифнинг юқоридаги «арзи эътирози»ни тушунишга ёрдам беради:

«1918 йил «Иттифоқ» жамияти¹ Маҳмудхўжани Мусулмон маориф шўъбасига мудир тайин қилди². Лекин у вақтдаги тор, миллатчи руслар бул ишга истехзо билан жавоб бердилар. Маҳмудхўжани ёлғиз комиссия аъзоси, деб қабул қилдилар, лекин маориф коллегиясида, мусулмон маорифи учун воқеъ бўладургон ҳар бир масалани Маҳмудхўжага англамасдан ўзларича ҳал қила бердилар. Ночор Маҳмудхўжа истехзо берди.

Яна: Осипов воқеасидан сўнгра Самарқандда кўб талон-торождлар бошланди. Ноҳақ ҳибслар кўпайди. Катта таъминотларга халқ таҳмил қила олмасдан ер ва юртларини ташлаб қочдилар. Маориф иши ниҳоят даражада тазйиққа тушди. Халқнинг ҳиссиёти динияси таҳқир қилинди. «Бу ишларга бирор чора топа олурманми», — деб февраль ойинда Тошкентга борди. Лекин бу сафардан ҳеч бир натижа қўлга киргуза олмади»³.

¹ 1917 йил февралдан кейин Самарқандда тузилган мусулмонлар жамияти. Октябрь воқеаларидан кейин аста-секин большевиклашиб борган. 1918 йил 8 майдан Шўрога айлантирилган. 9 май куни Бехбудий Маориф комиссари этиб сайланган.

² Сиддиқий-Ажзий бу ҳақда «Самарқандда мусулмон комиссар» (Хуррият» г., 1917 й., 23-сон) деган хабар ҳам эълон қилган.

³ 1917–18 йилларда Тошкентда қаҳатчилик авж олиб, Русиядан озиқ-овқат ёрдами келганида эсерлар уни фақат рус аҳолисига тарқатиш керак, деган бошқа рус партияларини қувватлаб чиқадилар. Заки Валидий шу сабабли эсерлар партиясини тарк этган эди (қаранг: Курсатилган асар, 181-бет).

Дарҳақиқат, истеъфо учун Беҳбудийнинг соғлиғи ва тирикчилиги билан боғлиқ муаммолардан ташқари ҳам жиддий гаплар бўлиши керак. Миллатни, миллий тараққиётни инкор этган шўролар йўли алдов ва зўравонликка асосланганлигини Беҳбудий биларди. Шунинг учун ҳам уни 1906 йилдаёқ, ақл ва шариатга зид деб эълон қилган эди.

Орзулари чил-чил бўлган Беҳбудий 1919 йилнинг баҳорида — 25 мартда паришон бир ҳолда йўлга чиқади ва Шаҳрисабзда қўлга олинади.

Қаёққа кетмоқда эди у? Кўнглида қандай тугёнлар кечаётган эди?

Саволларнинг бир қисми ҳали ҳам очиқ турибди. Тўғри, айрим тахминлар бор. Масалан, ёш истеъдодли тадқиқотчи Ҳалим Сайид бир мақоласида «Беҳбудийни қатл этган ким?» (ЎзАС, 1995 йил, 6 январь, № 1) саволини қўйиб, бир қатор далиллар асосида қотил большевизм ва унинг қизил империячилик сиёсати эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. Иккинчи бир мақоласида («Мажбурий ҳаж тафсилотлари», ЎзАС, 1995 йил, 14 апрель, № 15) эса, мазкур воқеанинг тафсилотларига оид теран кузатишларини ҳукмингизга ҳавола этади. Шу ҳақда қисқача тўхтаб ўтамиз.

Беҳбудийнинг сўнгги кунларига бағишланган барча мақолаларда унинг 1919 йил 25 мартда Самарқанддан чиққанлиги, «асрорангиз» (сирли равишда) гойиб бўлганлиги айтилади. Садриддин Айниёй у билан сўнгги учрашувини шундай хотирлайди: «1919 йил февраль ойида Тошкентга бориб қайтди. Мактаб пруграми ва Тошкентдаги илмий ҳоллар билан Самарқанд муаллимларини таништирмоқ учун муаллимлар мажлисини чақиришга буюрди. Шундан кейин кўчада кўришуб, мазкур мажлисга нима сабабдан келмаганини, иккинчи мажлис учун қайси кун тайинланса, кела олишини сўрадим. — Ҳозир бир оз хастаман, кайфим ва фурсатим бўлса, хабар берарман, — деди»¹.

Беҳбудийдек батартиб бир зиёлининг ўзи мажлис белгилаб, келмаслиги ва бунга бирор изоҳ бермаслиги, унинг устига кейинги учрашувни ҳам мужмал қилиб қўйиши, чиндан ҳам у билан «асрорангиз» бир ишлар рўй бераётганига ишора қилади. У нимадандир қаттиқ ларзада эканлиги аниқ.

¹ «Зарафшон» газетаси, 1922 йил, 25 март.

Ҳалим Сайиднинг аниқлашича, Беҳбудийнинг «Ғойиб бўлиши» ҳақида дастлабки хабар воқеадан бир ой ўтар-ўтмас, яъни 1919 йилнинг 23 апрелида «Меҳнаткашлар товуши» газетасида босилиб чиққан. Сўнг у «Иштирокиюн»га кўчириб босилган. Мақола муаллифи Ҳожи Муин бўлиб, у халқ орасида тарқаган миш-мишларни йиғади ва уларнинг тағига етишга уринмаётган ёшлардан зорланади. Унда келтирилишича, шу йил март ойининг охирларида самарқандлик ёшлардан 4 киши (Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мардонкул Шоҳмуҳаммадзода, Муҳаммадкул Ҳуроқбой ўғли ва турк муаллим Наим афанди) «Москвага ёки бир ерга бормоқ қасдила йўлга чиқгон»лар, «от билан Бухоро тупроғидан ўтаётганларида Қарши шаҳрида» қўлга олинганлар, айрим маълумотларга қараганда ваҳшиёна ўлдирилганлар. Чамаси, бу миш-мишлар яна кўпайиб боради ва ушбу «Меҳнаткашлар товуши» 1919 йил 30 ноябрь сонисида Истанбулда ўқиётган самарқандлик Темурхон деган кишининг маълумотларини ва унга Ҳожи Муин шарҳини эълон қилади.

«Темурхон афандининг маълумотига кўра, — деб ёзади Ҳожи Муин, — Беҳбудий афанди Самарқанддан чиқиб Бухоро музофотида ҳибс қилингони ҳамон бу хабар Бокуда шойеъ бўлгон. Бокуда тургувчи туркистонли Сайид Носир исмли бир зот бир восита топиб, Бухородан Беҳбудий ҳақида маълумот сўраб, тахлиси ун кўшиш қилгон. Лекин бу ҳақда Бухородан ҳеч бир хабар ола олмагон.

Бу мансуқ хабардан маълум бўлурки, мундин бурунроқ Москвадан келиб, «Иштирокиюн» газетаси идорасида «Беҳбудий афанди Қофқозда экан», — деб хабар берган И. М. Афандининг сўзи ҳам хорижия комиссариати воситасида мусулмон ўлка бюросининг Беҳбудий ҳақида сўрагон саволига Бухоро ҳукуматининг: «Маҳмудхўжа Беҳбудийни ҳибсдан чиқориб узатиб эдик», — деб берган жавоби шубҳали хабарлар қисминдандур»¹.

Кўриняптики, Ҳ. Сайид қайд қилганидек, Беҳбудийни орадан кўтариш масаласига унча-мунча ташкилотлар, расмий идоралар аралашганлар.

Унинг биографиясида муҳим ўрин тутувчи 1919 йилнинг 25 март санаси айрим манбаларда Беҳбудийнинг Са-

¹ Кўчирма Ҳ. Сайиднинг «Мажбурий ҳаж тафсилотлари» мақоласидан (ЎзАС, 1995, 15-сон) олинди.

марқанд сарҳадидан чиққан куни, баъзиларида эса қатл куни сифатида берилади. Х. Сайид унинг қаяққа кетаётганлиги ҳақида тахминларни ўзаро солиштириб¹ Парижга, Антанга давлатлари йнгилишига бораётганини тасдиқ этади. Проф. Н. Каримов факт ва материалларни қияслар экан, буни янада конкретроқ кўрсатишга ҳаракат қилади. Унингча, Беҳбудий Шўролар Россиясида большевизмга қарши кураш олиб бораётган муҳолиф гуруҳларнинг раҳбарлари қаторида Шаҳзода оролида АҚШ президенти Вильсоннинг таклифи билан уюштирилаётган кенгашига бормоқда эди. Режага кўра Беҳбудий Бокуда Саидносир Миржалолов билан учрашиши ва Истанбул орқали Шаҳзода оролларига етиб бориши лозим эди². Улар бахтга қарши учраша олмадилар. Тўғрироғи, собиқ «Туркистон мухторияти» ҳукумати вакилларининг жаҳон афкор оммаси олдига чиқиб, Русия большевизмининг ғайрирус мусулмонларни қатли ом қилиб, миллат сифатида йўқ қилишга қаратилган ваҳшиёна сиёсатини ошкор этишга имкон берилмади. Шўролар ҳукумати амир қўли билан миллатнинг фидойи фарзандини қатл қилди³. Сўнг эса ёшлар ёнида туриб, Беҳбудийга кўз ёш тўкди. Ва ўз мақсадига эришди. Биринчидан, Амир ва унинг салтанатига ёшларда газаб, нафрат уйғотишга муваффақ бўлди. Бу эса, ўз навбатида, Бухоронинг шўролашувини тезлаштирди. Иккинчидан, Шўро-

¹ Булар асосан учта эди: Ҳаж (Ҳожи Муин), Париж, Антанга давлатлари раҳбарлари билан учрашиш ва шартнома тузиш (А. З. Валидий), Москвага шикоят қилиш (Садриддин Айний).

² Наим Каримов. Беҳбудийнинг сўнгги сафари, қўлёзма, 34-бет. Мунавварқори 1929 йил 21 декабрь хотирасида 1917 йилда «Иттиҳоди тараққий» партиясига аъзо бўлган Беҳбудий ва Мардонқулларни бир гуруҳ, Убайдулла Ҳўжаев ва Саидносир Миржалоловлар яна бир гуруҳ бўлиб Туркияга бориш учун йўлга чиққанини ёзди (қаранг. ДХК архиви, 670-дело, асров № 554395). Бу фактни бир оз бошқачароқ талқин билан архивлардан яхши хабардор тарихчи М. Ф. Ваҳобов ҳам тасдиқлайди (қаранг, Ўзбек социалистик миллати, Т., 1960, 323-бет).

³ Н. Каримов бу борада «Миллий Туркистон» журналининг 1950 йил 66-сонида босилган Беҳбудий ҳақидаги мақоладан қуйидаги харақтерли бир фактни келтирган: «Ул Қарши шаҳринда ўз олдига қўйган вазифаларини ўринлов ҳаракатида экан, қизил Русиянинг Бухоро элчихона хизматчиси Уткин воситаси-ла амир томонидан тутилди. Беҳбудий амирнинг Қарши шаҳриндаги волийси Нуриддин Оғалиқ томонидан 25 март 1919 йилда ваҳшиёна ўлдирилди» (Н. Каримов. Беҳбудийнинг сўнгги сафари, қўлёзма, 24-бет).

лар ҳукумати ўзининг ақли, жасур ва ғоят эътиборли душманидан кутулди. Хуллас, бизга ҳозирча барча тахминларимизга асос бўлиб келаётган Ҳожи Муин Шукрулло ўғлининг «Меҳнаткашлар товуши» газетасининг 1921 йил 29 март сонидан босилган ва сўнгра «Инқилоб» журналининг 1922 йил 7 январь сонидан қайта эълон этилган «Муфти Маҳмудхўжа ҳазратларининг қандай шаҳид бўлганлиғи ва онинг томонидан ёзилган васиятнома»¹ да қайд қилинишича, Шаҳрисабзда қўлга олинган адиб тахминан икки ой ўтгач, шериклари Муҳаммадқул ва Мардонқул билан биргаликда Қаршига келтирилиб зиндонга ташланади. У ерда ҳам бир неча кун ётиб, сўнг Қарши беги Тоғайбекнинг буйруғи билан зиндон яқинидаги «подшолик» чорбоғида ўлдирилган. Бу тахминан ёз ойларида тўғри келади.

Унинг қатли ҳақидаги хабар ўша пайтдаги пойтахтимиз Самарқандга роса бир йилдан кейин маълум бўлади. 1920 йилнинг апрелида бутун Туркистон мотам тутади. Ўнлаб марсиялар ёзилади. «Беҳбудийнинг сағанасини изладим» деб аталар эди Фитратнинг бир шеъри.

Айнийда бир эмас, уч шеър бор.

Сани мундин буён Турон кўролурму, кўролмасму?

Санинг мислингни Туркистон тополурму, тополмасму? — деб бошланарди унинг шеърларидан бири.

Машҳур Чўлпон ҳам Беҳбудийнинг фожиали ўлдирилганига бағишлаб шеърлар ёзди.

Қайғурингиз, кишанларни ясовчи усталар,

Бошқаларни тубанлар деб атовчи хўжалар!

Сизлар учун ёз бошининг қоридек

Эрур кунлар келаду!

Сизлар учун алвастининг зоридек

Йиғлар кунлар келаду! —

деб ёзган эди у.

Қарши шаҳри 1926—37 йилларда 11 йил Беҳбудий номи билан юритилди. Бироқ унинг асл қиёфаси халқдан сир сақланди. Адиб номининг абадийлаштирилиши шунчаки бир

¹ «Васиятнома» ушбу китобда эълон қилинмоқда. Х. Сайид ва Н. Каримов «Васиятнома»нинг асл мазмунига, уни етказувчи Ҳожимурод Худойберди ўғлининг самимиятига асосли равишда шубҳа билдирадилар. Беҳбудий ўлимига бағишланган «Маориф қурбонлари» драмасыни Шўро ташвиқотчилиги маҳсули ҳисоблайдилар.

ниқоб эди. Қарши шаҳрига унинг номи қўйилган ўша 1926 йилдаёқ, у мансуб бўлган жадидчиликни аксилинқилобий, аксилшўравий ҳаракат сифатида қоралаш кампанияси бошлаб юборилган эди. Аслида ҳам шундоқ бўлган. Жадидлар зулм ва зўравонликни, синфий курашни, миллатни қоқ иккига ажратиб, орасига нифоқ ва душманлик солишни рад этдилар ва ҳақ бўлиб чиқдилар. Бугун улар муқаддас тутган юрт озод ва мустақил бўлди. Улар жон фидо этган истиқлол авлодларига насиб этди. Миллат ва Ватан мустақиллиги йўлида фидо бўлганлар эса шу Миллат ва Ватан умри қадар боқийдурлар.

Гап сўнгида яна театрчи Беҳбудийга қайтамиз, чунки унинг бу соҳадаги хизмати энг буюк хизматларидан бўлиб, миллий онг ва маданиятимиз тарихида гоят катта роль ўйнади. Буни фақат диндошлари, миллатдошлари эмас, бошқалар ҳам эътироф этганлар. Машҳур турколог А. Н. Самойлович 1916 йилда, «Падаркуш»ни Тошкентнинг «Колезей»ида Авлоний труппаси ижросида томоша қилар экан, Тошмураднинг ўз уйига ўғирликка кириб отасини ўлдиришидан халқнинг жунбишга келганини ёзади¹.

Б. А. Пестовский 1922 йилдаги «Инқилоб» журнали саҳифаларида эълон қилган «Ўзбек театри тарихи» мақоласида унинг майдонга келиш тарихи ҳақида фикр юритар экан, «Ўзбек театрининг асосини қўйиб берувчи самарқандлик Маҳмудхўжа Беҳбудийдир», деб ёзади. Таниқли археолог Вяткиннинг далолатига суяниб, «Падаркуш»ни ёзишда Фонвизиннинг «Фаҳмсиз» (Недоросль) идан таъсирланганини қайд этади. Адиб номида Тошкентда маориф клуби, Самарқандда кутубхона ва драмтруппа, Туркистоннинг деярли ҳамма шаҳарларида унинг номига очилган мактаблар, Бухорода эса марказий босмахона борлигини таъкидлайди.

1929 йилда Қозонда босилиб чиққан «Ўзбек адабиёти» китобида эса: «Ўзбек миллий адабиётининг негиз тошини Беҳбудий билан Фитрат қўйиб берди» (8-бет), — деган эътирофга дуч келамиз.

Беҳбудийдан уч ўғил ва бир қиз қолган эди. «Саёҳат хотиралари»да номи тилга олинган 1897—1898 йилларда туғилган Масъудхўжа гимназияда ўқиган, рус тили мута-

¹ Қаранг. А. Самойлович. Драматическая литература сартов, Петроград, 1917, 3—6-бетлар.

хассиси бўлган. Таржимонлик билан шуғулланган. 1953 йилда вафот этган Унинг фарзандлари Шавкат (1919–1990, Мидхат (1922 й. туғ., Душанбеда яшайди), Надимхон (1922–1995, СамДУ профессори эди). Назирхон (тижоратчи) ва уларнинг авлодлари турли соҳаларда хизмат қиладилар. Мидхат Бехбудийнинг Тошкентда 1945 йилда туғилган ўгли Сарват Бехбудий – машҳур цирк артисти.

Қолган икки ўғилнинг бири Мақсудхон (1910–1931) география илмига иқтидорли ва қобилиятли бўлиб, эрта вафот этган. 1914–16 йилларда туғилган Матлубхон урушда бедарак кетган. Қизи Парвин (Сурайё) 82 ёшда 1984 йилда вафот этди.

Бехбудийнинг ушбу сайланмаси 1997 йилда чоп этилган эди, қисқа муддатда тарқаб кетди. Эҳтиёжни кўзда тутиб, тузатилган ва тўлдирилган мазкур нашрини ҳозирладик. Адиб асарларини тўплаш, саралаш, нашрга тайёрлаш энди бошланмоқда. Олдинда иш кўп.

1997 йилги нашрда уни мукаммаллаштириш борасида ёрдам беришларини сўраб ҳамкасабаларимизга мурожаат қилган эдик. Мусиқашунос ва тарихчи олимamız Д. Рашидова («Хайрул умури авсатуҳо»), ёш бехбудийшунослар Ҳалим Сайид («Миллатлар қандай тараққий этарлар?», «Муҳтарам самарқандийларга холисона арз», «Ғалла, аскарлик, ер ва танзимоти ҳарбия», «Қозоқ қариндошларимизга очиқ хат»), Н. Очилов («Эҳтиёжи миллат») акс-садо бериб, адибнинг олти мақоласини нашриётга тайёрлаб етказдилар. Имкондан фойдаланиб, уларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Бегали ҚОСИМОВ

БАДИИЙ АСАРЛАР

ПАДАРКУШ

ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли

(Туркистон маишатидан олинган ибратнома)

3 парда 4 манзарали, миллий биринчи фожиа

Қатнашувчилар

Бой — 50 яшар.

Тошмурод — бойнинг ўғли, 15—17 яшар.

Домулла — янги фикрлик бир мулла, 30—40 яшар.

Зиёли — (оврўпо либосида), ўрисча ўқуғон, миллатчи мусулмон.

Хайрулло — бойнинг мирза ва маҳрами, 18—20 яшар.

Тангрикул — бойнинг қотили.

Давлат ила Нор (бўз болалар) — киссаларига 4 сўм қадар майда керак.

Лиза — рус хотини, қабиҳа шаклинда.

Артун — армани майхоначи.

Пристуф — 2 политсейский, 2 қоровул, бойнинг 3 нафар эркак ҳамсоysi.

Бойбучча — бойнинг хотуни, 35—40 яшар.

Керак нимарсалар

Бир лаъли ширавор, нон, дастурхон, чойнак, пиёла, чилим.

Меҳмонхонага кераклик гилам, кўрпа, ёстиқ.

Бойни(нг) ётоқ асбоби ва каваравот.

Бир калтак.

Ўн шиша сув ва кивас.

Беш-олти истакон.

Бир сандуқ.

Бир ҳамён ичида пулға ўхшаган нимарса.

Бир катта пичоқ.

Бир таппонча.

Сандуқни очатурғон темур асбоб.

Мукаммал пристуф либоси.

2 политсейский мукаммал либоси.

2 қоровул калтаги.

1 хуштак.

1 шоҳсақа.

1 каноб.

1 қўл кишани.

БИРИНЧИ ПАРДА

Бой меҳмонхонада ўтирар, Хайрулло ила домулла кирар:

— Ассалому алайкум.

БОЙ. Ваалайкум ассалом, марҳамат қилсинлар (*туриб мулоқот қилуб, домуллага жой кўрсатиб, ўлтирур*).

ДОМУЛЛА. Бой давлатини Оллоҳи таоло мундан ҳам зиёда қилгай (*фотиҳа қилур*).

БОЙ. Нафас (лари)и муборак, иншаоллоҳ, дуолари қабулдир.

ДОМУЛЛА. Балли, жумъа оқшоми дуони қабул вақтидир.

БОЙ. Хуш келдилар, тақсир.

ДОМУЛЛА. Саломат, саломат (*қўлини кўксига қилиб*).

БОЙ. Хайрулло! Чой ва лаъли келтур.

ХАЙРУЛЛО. Хўш! (*Чой ва лаъли келтирар, чой сузар, алар танаввул айлар, Тошмурад кирар, саломсиз, беадабона*).

ТОШМУРОД. Ота, томошага бораман, пул беринг.

БОЙ. Ўғлим, ким ила борасан?

ТОШМУРОД. Турсун акам ила.

БОЙ (*киссасидан пул бериб*). Албатта, вақтли келинлар ва ёмон ерларга борманлар.

ТОШМУРОД. Хайр, хайр, ҳов кўп гапура(р) сиз-да (*чиқиб кетар. Домулла бой ва Тошмурадга бадбинона боқиб, бошини солар*).

БОЙ. Сўзлашиб ўлтуринг, тақсир.

ДОМУЛЛА. Хўб, хўб, бойвачча катта бўлубдур, Худо умр берсин, усули жадида мактабигами ўқийдур, ёинки эски мактабга?

БОЙ. Иккисига ҳам бормайдур.

ДОМУЛЛА. Ўз ҳовлингизда ўқитатурғонсиз?

БОЙ. Йўқ, йўқ. Мен ўғлимни ўқутмоқга ўйлаганим йўқ.

ДОМУЛЛА. Ажойиб, сабаб недурки, ўқитмайсиз? Ваҳоланки, ўқумоқ қарз ва илм сабаби иззати дунё ва шарофати охиратдур.

БОЙ. Мани хаёлимга дунёнинг сабаби, иззати — бойлик. Охиратга бўлса, Худонинг қилган тақдири бўлур. Чунончи, биз кўрамизки, одамлар бойни муллодан зиёда иззат қиладурлар. Хусусан, мана, банклар кўпайди. Катта бойлар чилен бўлуб, ҳар ким чиленларни иззат қилур, ҳатто, иши тушатурғонлар чилен молини қиммат олур, азбаски, чилен

илтифотига олмаган одамларга банклар пул бермайдурки, сўнгра муомиладорлар синиб, майда-майда бўлур, билдин-гизми?

ДОМУЛЛА. Бу сўзларингиз ҳозирги замонага маъкул, лекин чилен ва бойларни иззатлари вақтинча ва халқни кўзи очилгунчадир. Ҳолбуки, аларни иши тушганлар иззат қилур, муллони бўлса, барча халқ иззат қилур, яъни муллони илми иззат қилинадур.

БОЙ. Бизни ҳам бойлигимиз иззат қилинадур, ҳатто, мусулмонлар нари турсун, ўрус ва арманлар-да иззат қилур.

ДОМУЛЛА. Иззатни нари қўйдук, агарда ўғлингизни ўқутсангиз, дафтарингизни ёзар, намозингизни ва мусулмончилигини яхши билур ва ҳам сизга савоб бўлур.

БОЙ. Мирзалик осон, мана, Хайруллога ойинда етти сўм бераман, кундузлари мирзалик ва оқшомлари меҳмонхона ишини қилар ва ҳатто, уйқум келгунча ходими қилар, китоб ҳам ўқуб берар.

ДОМУЛЛА. Шариат илми ва зарурияти динияни билмоқ учун бойваччани ўқутмоқ, албатта, сизга лозимдир.

БОЙ. Шариат илмини ўқитмоқни лозим билмайман, чунки ани муфти ё имом ва муаззин қилмоқчи эмасман, азбаски давлатим анга етар.

ДОМУЛЛА. Зарурати динияга не дерсиз?

БОЙ. Мен ўзим беш вақт намозни кераклик дуолари ила билурман. Ўзим ўргатурман.

ДОМУЛЛА. Хат ва саводга не дерсиз? Ҳолбуки, саводи йўқ одам ҳеч нимага ярамайдур.

БОЙ. Бу фикрингиз ғалат, чунки мани саводим йўқ, бовужуд, бу шаҳримизнинг катта бойларидандурман ва ҳар ишни билурман.

ДОМУЛЛА. Сиз илгари замонда бир нави ила бой бўлуб-сиз, аммо энди бой бўлмоқ нари турсун, фақат рўзгор ўткармоқ учун (ҳам) илм керак. Кўрамизки, йигирма-ўттиз йилдан бери барча савдо ишлари армани, яҳудий ва бошқа ажнабийлар қўлига ўтди, мунини сабаби бизларнинг ўқумаганимиздур. Ўқумаган бойваччаларни кўрамизки, ота молини барбод этар ва охири хор ва зор бўлур, бинобарин, ўғлингизни ўқутмоқни сизга таклиф қилурман.

БОЙ. Ай, домумло! Сиз манга таҳқиқчимиз? Ўғул маники, давлат маники, сизга нима? Ўқутгани бири сиз, емоқга нонингиз йўқ, бу ҳолингиз ила манга насиҳат қилурсиз:

Хайрулло! Меҳмонхонани қулфла, уйқум келди (*Хайрулло лаъли ва асбобларни жамлаб, мунтазир турар*).

ДОМУЛЛА (*одамларга қараб*). Ўқумоқ ва мулла бўлмоқ учун пул керак, бадавлатларимизни ҳоли бул, бас, бу кетиш ила наузамбиллоҳ, дунё ва охиратга расво бўлурмиз, ўқумоқ барча мусулмонга, эркак ва ё хотин бўлсун, фарз эди. У қайда қолди? Оҳ, вой бизни ҳолимизга! (*Бойга қараб*). Бой, ман сизга амри маъруф этдим ва менга шариат бўйича лозим бўлган ишни бўйинумдан соқит қилдим. Иншооллоҳ, мўйлаб чиқариб, алифни таёқ демайтурган ўғлунгиз ҳолини кўрармиз ва ўқутмаганингиз учун гуноҳкор бўлурсиз (*домулла нос чекар*).

БОЙ. Ай, домулло! Манга насиҳатчи кераги йўқ, безор қилдингиз, (*одамларга қараб*) ишимдан, уйқумдан бу одам мани қолдирди. Хайрулло, меҳмонхонани қулфла (*домулла аразлаб чиқиб кетар, бойни димоғи куйиб ўлтурар. Зиёли мусулмон кирар, пальто ва асосини миҳга қўяр, бой ола-ола қарар, хушламас*).

ЗИЁЛИ. Ассалому алайкум.

БОЙ (*карахтлик ила*). Ваалайкум ассалом, Хайрулло, курси келтур. Бу киши ерга ўлтуролмайдур (*келтурар, зиёли ўлтуруб, папирус чекар*).

ЗИЁЛИ. Жаноб бой, сизни кайфсиз кўраман, мумкинми сабабини билсам?

БОЙ. Бир мулло келиб эди, ўглингни ўқутмайсан деб жуда жонимни олди, қувлагандек қилиб зўрга қутулдим, фақат муштлашмадик.

ЗИЁЛИ. Аҳ-ҳа, қизиқ ва интересний ҳодиса эмиш (*одамларга қараб*), бу шаҳарда бойларга амри маъруф қилатурғон мулла бор экан, Худога шукур. Ул жаноби ҳаққоний домуллани топиб, зиёрат қилмоқ керак. Бой афанди, сизга малол келмасун, ушбу тўғридан мен ҳам сизга қачонлардир бир неча сўз айтмоқчи эдим. Ва аммо соати ушбу дақиқага мавқуф экан, энди сиздан илтимос қиламанки, бир неча дақиқа менга қулоқ берсангизки, илм нафи тўғрисида сўзлайин.

БОЙ (*ола-ола қараб*). Энди билдим, сиз ҳам ўғлунгни ўқут деб мани қисар экансиз (*одамларга қараб*), бугун чап ёним ила турганман, ўйламаган ишлар олдимдан чиқар, мазмуни — қордан қутулиб, ёмғурга учраймиз. Хайрулло!

Чилим келтур! (*Тарафайн сукут, чилим келар. Бой чекар, йўталар*).

БОЙ. Хайрулло!

ХАЙРУЛЛО. Лаббай, тақсир!

БОЙ. Жойимни ташла, уйқум келди (*ҳомуза тортар*), эртага иш кўп, вақтлик ётмоқ керак (*яна ҳомуза*).

ХАЙРУЛЛО. Хўш, ҳозир.

ЗИЁЛИ (*жиддият ила*). Бой афанди! Мен сизга дедим-ки, миллатга кераклик илмлар тўғрисида сўзламоқчиман, аммо сиз мени(нг) сўзимни эшитмоқга хоҳлайматурғонга ўхшайсиз. Иккинчи дафъа айтаманки, қулоқ беринг ва бу сўзлар сизни(нг) ва миллатни(нг) нафъидур.

БОЙ. Сўзингизни жабр ва зўр ила эшиттирасизми? Ва ё мени азоб бермакками келдингиз?

ЗИЁЛИ. Йўқ, мен асли бошқа иш учун келиб эдим ва лекин илм баҳсининг устидан чиқиб қолдим. Ушбу сабабли муддаони табдил қилиб, илм тўғрисидан сизга баён қилмоқни қасд этдим. Шоядки, жанобингиздек бойлар миллат болаларини ўқутмоққа саъй қилсалар.

БОЙ (*халққа қараб*). Кошки, домулло ҳикоялари етмаса эди. Хўб, модомики қўймайсиз, эртароқ сўйлаб тамом қилинг, уйқум келган (*ҳомуза тортади*), одамлар боласини ўқут, дейдур-а.

ЗИЁЛИ. Ҳозир янги ва бошқа бир замондир. Бу замонга илм ва ҳунарсиз халқни бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун қўлидан кетгандек, ахлоқ ва обрўйи ҳам қўлдан чиқар, ҳатто, дини ҳам заиф бўлур. Бунинг учун биз мусулмонларни ўқутмоқга саъй қилмоғимиз лозимдур, ваҳоланки, дини шарифимиз ҳар нав нафлик илм ўқумоқни бешикдан мазоригача бизларга фарз қилгандир. Бу ҳукм — ҳукми шариатдир. Биз мусулмонларга, алаҳқусус, бу замонда икки синф уламо керакдур: бири олими диний; дигари олими замоний. Олими диний: имом, хатиб, мударрис, муаллим, қози, муфти бўлуб, халойиқни диний ва ахлоқи ва руҳоний ишларини бошқарар, бу синфга киратурғон талабалар, аввало, Туркистонда ва Бухорода илмий, диний ва арабий ва бир оз русча ўқуб, сўнгра Макка, Мадина, Миср ва Истанбулга бориб, улуми динияни хатм қилсалар керак, ёки комил мулло бўлсунлар (*бой мудрайдур*), англадингизми бой?

БОЙ (*бошини кўтариб*). Ҳа, ҳа, айтаберинг, қулоғим сизга.

ЗИЁЛИ. Олими замоний бўлмоқ учун болаларни, аввало, мусулмоний хат ва саводини чиқаруб, зарурияти диния ва ўз миллатимиз тилини билатурғондан сўнгра ҳукуматимизни(нг) низомли мактабларига бермоқ керакдур, яъни гимназия ва шаҳар мактабларини ўқуб тамом қилгонларидан сўнг, Петербург, Масков дорилфунунларига юбориб, доктурлик, закунчилик, инженерлик, судьялик, илми санъат, илми иқтисод, илми ҳикмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқутмоқ лозимдир. Русия ватанина ва давлатина билфеъл шерик бўлмоқ керакдир ва давлат мансабларига кирмоқ лозим. Токи маишати эҳтиёжи замонамиз тўғрисида ватан ва миллати исломга хизмат қилинса ва ҳам давлати Русия подшоҳлик мансабларига кириб, мусулмонларга наф еткурулса ва ҳам давлати Русияга шерик бўлинса, ҳаттоки, шул тариқа ўқутган мусулмон болаларини Фарангистон, Америка ва Истанбул дорилфунунларига тарбия учун юбормоқ керакдур. Ҳазрат пайғамбаримиз: илм Хитойга ҳам бўлса, талаб қилингиз, демадиларми? (*Бой уйқуда.*) Бул ишлар бўлмас, магар пул ила, сиздек катта бойларни ҳиммати ила, чунончи, Кафказ, Оренбург ва Қозон мусулмонларини бой ва аҳли ғайрати илм йўлига кўп пуллар сарф этарлар ва камбағал болаларини ўқутдирарлар (*бойга қараб*), албатта сўзларимга тушунгансиз, жаноби бой. Бой бова, ҳой!

БОЙ (*мудрайди, бош кўтариб, эснаб*). Ҳа, ҳа...

ЗИЁЛИ. Ал-оҳ биз Туркистон халқига бир ёмон одат борки, бир киши русча ўқуб, подшоҳлик ишига кириб, расмий формасида юрса, масхара қиладурлар, агар извошчилик ва ё қора меҳнаткаш бўлуб, оврўпалиларни эски либосини кийса ва ё ўйинчиларнинг либосини кийса, ҳеч ким бир нима демайдирки, бу камоли нодонлик ва дунёдан хабарсизликдир. Шундай эмасми, бой амаки.

БОЙ (*ўлтуруш еридан бир тарафга оғиб ётиб*). Хур, хур, хурра, хурра, хурра...

ЗИЁЛИ. Илоҳи худоё! Уммати исломияга, хусусан, биз туркистонликларга раҳминг келсун!.. (*рўмоли ила кўз ёшини артиб, чиқиб кетар*).

Парда инар

ИККИНЧИ ПАРДА

Пивахона манзараси: бойвачча ила уч нафар ўлтурарлар.

ТАНГРИҚУЛ. Бу оқшом, билмайман, нима учун ичкилик мени тишламайдур. Намози дигардан бери бир дюжина шишани бўшатдим. Даюсни пивоси қулоғимни қизитмади. Тўлдир, ичайлик (*Нор қадаҳларни тўлдирар*).

ҲАММАСИ. Тошмурод бойваччани саломатлигига ура! Ура! Ура! (*ичарлар*)

ДАВЛАТ. Жўралар. Манувни ичдим, энди ёдимга Лизажон тушди. О, Лизажон!

ҲАММАСИ. Оҳ, Лизажон, воҳ, Лизажон, қайдасан?

НОР. Золим фалак фироқига куйдирди мани; биллоҳки, келмаса, бўмийди.

ДАВЛАТ. Бу доду бедод ила ҳеч нима бўлмас. Хўжайинни чақирармиз, отам ўлди базми қилармиз.

НОР. Қўлингни бер, эй, номард, топдинг (*қўлини сиқар*). Бўлди.

ДАВЛАТ. Эй, тўтабурут Тангриқул, даминг чиқмайдур. Шунча одам сўзини ўғирлаб ўлтурасан. Эрга навбат, шерга навбат. Гап бериб ўлтур. Ё бу одамларни писанд қилмайсанми? Бизларни ҳам ёнимизга беш тангалик ақчамиз бор. Жўра! Бу мастлик ростликдир. Қовоғингни очиб ўлтур.

ТАНГРИҚУЛ. Жўралар, Сизлардан яширатурғон сўзимиз йўқ. Тўғрисини десам, мануни ичдим, қулоғим қизган, сен Лиза дединг, энди ўзим шунда бўлсамда, хушим Лизага, то Лизани келтурмасанг, мани гапиртуролмайсан. Аммо гап келтурганингга, Давлат зўр!

ДАВЛАТ. Ғам ема, муддаонг Лиза бўлса, шул замон ёнингга кўрарсан, келмасами? Бошини оларман.

НОР. Бойвачча! Баришнага тобингиз борми?

ТОШМУРОД. Майли, одам юборинглар, базм қилсун.

ТАНГРИҚУЛ. Гап, гап ила вақтни ўтқарарсизлар, буюратурғон бўлсанглар, буюринглар, эртароқ келсун, кайф қилайлик (*Давлат қўнғироқ чалар. Артун армани майхоначи кирар*).

АРУН. Нима дейсан?

ДАВЛАТ. Лизага бировни юбор, келсун.

АРУН. Бунда?

ДАВЛАТ. Ҳа, мунда келтурмасдан мозоргами кетурардинг?

АРТУН. Извинит, сўришдим-да.

ДАВЛАТ. Бўл. Бўл. Бировни юбор.

АРТУН. Баҳ, не вор, билурсин, Лиза банга демишки, ўн беш манатсиз банга киши кўндарма. Ҳа, ўн беш манат-да ва файтун пулини-да вер, гейин Николайи кўндарайум. Лиза ўлмаса, бошқасини гетирсин, кайфинг нечик?

ДАВЛАТ. Аввал келтуруб, сўнгра пулни олсанг бўлмасми?

АРТУН. Давлат зўр! Бан сана демишимки, Лиза ақча олмайинча гелмаз, бана не? Сен ўзинг билирсанки, у гавур қизи, баним дегил.

ТАНГРИҚУЛ. Артун. Бир оз тўхта, пул берамиз.

АРТУН. Бош устина, ҳозирам (*чиқар. Жўралари кайфлари учуб, сукут этарлар*).

ДАВЛАТ. Суз. Ичайлик! (*Нор сузиб қуяр*).

ТАНГРИҚУЛ. Пулни пешаки талаб қилгани ишни белини синдурди.

ДАВЛАТ. Иш аксига олса, шундай бўлур. Пулларинг борми? Ҳаммаларинг чиқаринг (*ҳаммаси чиқаради, Давлат санар, беш сўм етмас*). Бу минан ҳеч нима бўлмас. Бир иложини топмоқ керак.

НОР (*таъмагирлик ила*). Эй, бойвачча, бизлар-ку, камбағал. Сизга нима, киссангиздан пул чиқмайдур? Ана бойваччанинг ҳоли (*қўли ила кўрсатур*).

ДАВЛАТ. Парво қилма. Нор, Мен бир нимарса ўйладим, агар бойвачча кўнса.

ТАНГРИҚУЛ. Нима экан? Нима?

ДАВЛАТ. Тўхта, нима эканлигини биларсан. Аввал бойваччани(нг) саломатлигига ичайлик (*Тангриқул сузар, ичарлар бойваччанинг саломатлигига*).

ДАВЛАТ. Бойвачча. Бу кечадек чаҳоршанба сайри ойда-йишда бир бўлур ва (ё) йўқ, бир кеча минг кеча бўлмас, агар қабул қилсангиз, Тангриқулни сизга кўшарман. Бирга бориб, отангизни сандуғини кўрсатурсиз. Бошқа ишни Тангриқул бажарадур.

ТОШМУРОД. Тангриқул ака, борасизми?

ТАНГРИҚУЛ. Улфатлар буюрса, у дунёга бораман. У-ку сизнинг ҳовлингиз.

ДАВЛАТ. Сен нима дерсан. Нор?

НОР. Мен ҳам кўпни бири, бор десанг, борарман.

ДАВЛАТ. Йўқ, икков бас. Кўрганлар бадгумон бўлмасин. Букунни эртаси бор.

НОР. Бойвачча! Отангиз сандиғини жойини биласизми?

ТОШМУРОД. Отамнинг ётатурғон уйинда.

ДАВЛАТ. Ётатурғон уйни неча эшиги бор?

ТОШМУРОД. Уч.

ДАВЛАТ. Қайси эшикдан кирасизлар?

ТОШМУРОД. Эшикнинг бири онамнинг уйиндан очилур, мен кириб, ҳовли тарафидаги эшикни очарман, сўнгра Тангриқул акам кирар.

ДАВЛАТ. Баракалла! Илгари ҳам ўғирлик қилганга ўхшайсиз. Нор! Тўлдур, ичайлик! *(Нор тўлдурар, ичарлар. Тангриқул ва Тошмуродга қараб)* Энди борадургансизлар?

ТАНГРИҚУЛ. Албатта. Бормай нима бўлубдур *(Давлат тўппончасини бойваччага берар. Нор этик соғидан пичоқни олиб, Тангриқулга берар. Алар эҳтиёт қилиб турарлар)*.

ДАВЛАТ. *(иккисига қараб)* Йўл бўлсин, ботирлар?

ТАНГРИҚУЛ. Олгани *(Давлат Тангриқулни бир четга олиб, ишорат ва хуфия маълумот ва амр берар)*.

НОР. Омин, Оллоҳ... *(Ҳаммаси)* Оллоҳу акбар. *(Давлат фотиҳа берар)*.

Парда инар

УЧИНЧИ ПАРДА

Одат бўйича бой ётар каравот устига уйкуда, уйни бир тарафига сандуқ. Тошмурод бир эшикдан оҳисталик ила кирар, бу тараф, у тарафга қараб, бошқа бир эшикни очар ва бир четга турар. Тангриқул кирар, қўлида калид ва темир асбоб, белига пичоқ, сандиқ тарафига бориб, калид солар, сандиқ очилмас. Тошмуродга қарайдур. Ишорат ила маслаҳат сўрайдур. Тошмурод сандуқни темир асбоб ила синдирмоқга амр берар. Тангриқул темир асбоб ила сандуқни синдирар. Сандуқни овози ила бой уйғонур. Бой чўчиб турар, калтакни олиб, вай, вай деб Тангриқулга югурар. Тошмурод калтакни келиб ушлар. Тангриқул пичоқ ила бойни қўлтиғига урар.

БОЙ. *(тарақлаб йиқилар)*. Воҳ, жоним *(жон узар типирлар, хириллар. Тангриқул сандиқдан танга халтасини кўтарар, пичоқ ва темир асбобни ўзига беркитар, ташқаридан бир неча одам товуши эшитилур)*.

ОДАМЛАР. Нима гап, биров дод деди? *(Бир неча эркак ила бой хотунни кирарлар, Тангриқул ила Тошмуродни кўрарлар)*.

ТАНГРИҚУЛ. Тошмурод, от! (*Тошмурод ҳавога тўппонча отар ва ҳозир кишиларга силоҳ кўрсатиб қочарлар*).

БОЙВУЧЧА. Вой золим дастидан! Бу қандай кун эди, вой дод! (*Чапак чалар, бой устига ўзини таишлар, юз ва сочи ни юлар*). Ҳе жувонмарг Тошмурод! Қон қус! Кошки чечакда кетсайдинг! Вой, падаркуш! Тошмурод! Вой, дод-ей!

ДОМУЛЛА (*кирар*). Онажон, сизга сабрдан бошқа чора йўқ. Бу бадбахтлик ва мусибатга сабаб жаҳолат ва нодонликдир, бемаънилик ва тарбиясизликдир. Уйингизни нодонлик бузди. Ўғлингизни беилмлиқ Сибирга юборади. Жонингиздан азиз фарзандингизни тарбиясизлик балоси сиздан умри айритадур. Болангизни отаси тарбия этмади, ўқутмади. Охири балога учради, ёмон рафиқлар йўлдан чиқардиларки, қурбони жаҳолат бўлдингиз.

БОЙВУЧЧА (*тўлғониб*). Ой, вой-вой болам! Вой бойим, оҳ, вой у-у-у!

ДОМУЛЛА. Бойингиз-да насиҳатга қулоқ солмади ва охири ушбу ёмон ҳодиса пайдо бўлди. Энди сизга, очиги, сабрдан бошқа илож йўқдир, онажон. Оллоҳ сизга сабр берсун.

БОЙВУЧЧА (*камоли бетоқатлик илан оҳ-вовайло этар*). Дод, вой болам! Вой бойим! Иккисидан ҳам айрилдим, эримни мазорга, боламни Сибирга юборарлар! Вой, вой, вой у-у-у!..

ТҮРТИНЧИ МАНЗАРА (Иккинчининг айна, майхона)

Нор, Давлат ичиб, ашула айтиб ўлтурар. Тангриқул ва Тошмурод писиб бориб кирар, тўппонча ва қонлик пичоқни бир четга яширар, ҳамённи чиқариб, стол устига отар: ўлтурарлар.

ТАНГРИҚУЛ. Чилим келтур-ей!

Артун чилим келтурур, чекарлар. Артун кетар. Тангриқул Давлатни бир тарафга олиб, хуфия бўлган ишларни сўйлар, ишоратлар қилар. Давлат «бечора» деб хуфия сўйлаб, ишорат ила хотиржам қиладир.

ДАВЛАТ (*ҳамённи очиб кўриб, суюнар, Тангриқул ва Тошмуродни елкасига қоқар*). Баракалла, баракалла (*Давлат занг чалар, Артун кирар*).

АРУН. На буюрарсиз?

ДАВЛАТ. Ма, пулни ол, тезлик илан Лизани келтур!

АРУН. Бош устина. Ҳозир келур (*пулни олар, ичарлар. Лиза кирар*).

ЛИЗА. Добрий вечрим! (*хаммаси-ла кўришар*).

ДАВЛАТ. Исприздим, испасибо, испасибо, прихал...

ЛИЗА. Мерси (*ўлтурар*).

ДАВЛАТ. Суз, Лизанинг саломатлигига.

НОР (*сузар, чўқиштириб*). Лизанинг саломатлигига ура, ура (*ичарлар*).

Нор ашула ўкур, ташқаридан ҳуштак садоси келар, оёқ товушлари эшитилар. Мажлисдагилар саросима, ҳайрон бўлар. Силоҳлик полтсейскилар, пристуф, қоровулар бостириб кирарлар. Лиза қочар.

Политсия тўрт нафарни ушлар, баъзиси буюмларини ва ҳар тарафни ахтарур, қонлик пичоқ ва тўппончани топар. Тўппончани пристуфга топширар. Искаб кўрар, ўқини бўшатар.

Тангрикул ва Тошмурад қочар, қоровулар ушлар.

Тошмурад ҳўнгир-ҳўнгир йиғлар, бетоқат бўлур.

Пристуф ишорат қилур. Қўлкишанни келтириб, Тангрикул ва Тошмурадга урарлар. Бошқа иккисининг қўли боғланур.

Пристуф гуноҳкор ва қоровуларни саф қилдирур.

ЗИЁЛИ (*кирар, гуноҳкорларга қараб афсус қилур. Одамларга қараб*). Илм ва тарбиясиз болаларни(нг) оқибати шулдир. Агарда буларни отаси ўқутса эди, бу жиноят ва падарқушлик алардан содир бўлмас ва булар ичкиликни бўйла ичмасди, хун беғайри ҳаққин қилмас эди. Умри борича Сибир ва бандга ва қиёматга жаҳаннамга қолмас эди. Агарда булар ичкилик ичмаса эди, дунё ва охиратда илалабад азоб ва меҳнатда қолмас эди. Оҳ, ҳақиқатда бойни ўлдирган ва бу йигитларни азоби абадийга гирифтор қилган беилмлиқдур. Бизларни хонавайрон, бачагирён ва беватан ва банди қилгон тарбиясизлик ва жаҳолатдур: беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақру зарурат ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси ва натижасидур. Дунёга тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққий қилади. Асир ва забун бўлганлар-да беилмлиқдан. Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқутмаймиз, бул тариқа ёмон ҳодисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо ҳукмфармо бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоғига ўқумоқ ва ўқутмоқдан бошқа илож йўқдур. Оллоҳу таоло бошқаларга ҳамиша ибрат ва сизларга сабр бергай.

ПРИСТУФ (*амирона*). Ҳайда, турма, марш (*йўналадур*).

Парда инар

ОҚ ЕЛПОҒИЧЛИ ЧИНЛИ ХОТУН

(ҳикоя)

Сунғий мамлакати аҳолисидан Чунғичин ном зот бир адиб бор эди. Бу олами фаноға инонмас ва ҳар замон андин пиროвоз ва рихлат этмоққа толиблик кўлидан келмас эди. Они учун жонини овунтирмоқ учун хаёлилар фикр ва бификрға хотур эткувчи ишларға ружуь этмоқла ўзига тасалли берарди. Вафотидан сўнгра дунёни некбахт ва маҳсудларидан ҳисобланди.

Чунғичин Хитой музофотларидан биринда номи Ҳаво тоғининг этакларинда кезар экан, бирдан ўзини бир мозористонда кўрди. Оҳ, мозористон — минг-минг номунтазам тепачалар садо ва нидодин холи маҳсус замини маъволар (бошпана, макон). У тепалар остинда чор ва ночор инсон ётарлар эди. Уфқи жадид сари тамоман муштағил (банд) қабрларни кўрар-кўрмаз сайёҳ шу фикрға ботди. Афсус, бутун тириклик ҳаёт йўлини охири келиб етган жойи будур. Бу иқоматта маът ва манзилга хомушона бир қарра кирилдими яна қайтмоқ мумкин йўқ. Боқ хотимаи ҳаёт на ўлди? Чин аҳли фақат бир тириклик билар. У ҳаётки шуълаи шамс ила мунаввар, ҳавои соф ила ихотадур. Чин файласуфи бу фикрларға сирона қабрға-да юрар экан, либоси мотам киймиш ёш бир хотунға рост келди. Бу хотун янгидан тепаланган бир қабр каноринда ўлтуруб кўлинда елпоғичи лукурни елпийур ва ҳам доимий елпийур.

Бу қадар ажиб бир ҳаракат сабабини англамоқ шавқина тушуб, сайёҳ ёш бонуга одоб-ла салом берди.

— Хоним, о, бу мозорға ётган кимдур, на учун шу туфроқни муттасил елпимак заҳматиға гирифторсиз, сўрамоғим мумкинми?

Мани файласуфим ҳар иш сабабини билмоқчи, аммо сизнинг бу амалингиз асло ихота тафаккуримға кирмайдур, деди. Бечора хотун елпоғични елинмоқда муттасил ло-йан қатъи давом этарди. Хотун қизарди, бўзарди, бошини олдинга энгди. Файласуф беҳуда ерға саволини такрор айтди. Мотамкаш хотундан жавоб эшитмади ва асло қулоқ бермай жонининг бор қуввати-ла елпоғични ҳаракатта келтуруб турар эди.

Чунғичин у маҳалдин мутаассуфона айрилди. Хотуннинг ишлат ва сабаб ҳаракатини билмай орзусидин ҳамда шиддатлик орзусидин ўзини сақлаб билмоқ эди. Шабпаррак қано-

ти каби мутавалли ҳаракатланиб турмиш елпоғичга ҳар замон дўнуб энг чуқур ва мутаҳаййирона бир фикр ила боқиб бечора файласуф асло бир шай англамайур эди. Аснои таҳаййурда муқобилинда бир ожиза чиқиб файласуфни бир қабр қанориға имлаб, шу сўзларни сўйлади: «Эшитдимки, хонумдин савол сўрдингиз, аммо жавоб ололмадингиз. Ман орзунгизни дафъ этарман. Аммо муқобили умид айларманки, сиз ҳам манга бир неча пул берсангизки, бориб, умрумни узун бўлиши учун дуохонлардин бир тумори сеҳрангиз олайин». Чунғичин киссасидин оқча чиқарди ва аъжуза хотун ҳам бу можарони сўйлади:

«Қабр каноринда кўрганингиз шу хотун Лу исмли хонумдур. Узун бир беморликдин ўлмиш Тоъу номинда бир адибни беваси ва у қабр ўлган эрининг қабридур. Эр ва хотун яки дигарини шиддатлик бир ишқ ва муҳаббат ила севарларди. Ҳатто, охирги нафасинда Тоъу хотунидин айрилмоқ кулфатидан шикоят этар, гўзал бу хотинини ҳануз баҳор ҳаёт ва ҳуснини ситоратлик замонда ташлаб кетмоқ дарди фикриға сўзан урарди. Лекин на чора, муқтасиъ қадрга тобеъ бўлди, бошқа илож йўқ.

Беморлик ҳолида Лу хоним хаста Тоъунинг бошидин ҳеч айрилмас, эридин сўнгра дунёга тирик қолмасликни ва болин ҳаётга иштирокидек қарорға, мамотға ҳам шерик бўлушни аҳд ила баён айлади. Лекин Тоъу мунга жавобан: «Зинҳор хоним буйла аҳд ва ямин айтмангиз», — дер эди. Хотун: «Агарда сиздин сўнгра шериклик балосига гирифтор бўлиб, кўзларингиз юмулганидан сўнгра шу зиёи офтобни кўрмоқға мажбур бўлсам, яхши билингки, бошқа бировнинг хотини бўлмоқға асло рўйи ризо кўрсатмайман», — деб жавобини берди.

Тоъу «Хоним бону, зинҳор бу фикрдан воз кечинг», — дерди. Тоъу хоним: «Эй Тоъу, қўйингиз асрор этмангиз, бори беш санагача уйланмасликға аҳд этойинг».

Лекин бу сафар дея Тоъу: «Бону, бундай аҳд этманг, фақат мозорим устидаки туфроқ қуригунга қадар мани унутмасликка аҳд этсангиз кифоя»...

Лу хоним мунн учун маҳкам аҳд этди. Тоъу иккинчи очмаслик учун кўзини юмди. Бону каларидин девона каби бўлди. Хумор ва хитойи кўзларидин думуъ (кўз ёшлари) оташин шашқатор жорий, хумои (иситма, касаллик) шадид (шиддатли) маҳдумлари каби ўзини шаш жиҳата этарди бедард-бедаво.

Дунё одати узра ҳар шай кечар. Бу сил гамум ва барои

хужумда кечди-кетди. Оҳ-нолалар кечмас, фақат келмасун — Тоъунинг вафотидан уч кун сўнгра Лу хонимнинг кўзи бир маъкул сифатга кирди. Шуйлаки эрини шогирдларидин бир жавон (ёш йигит) таъзиятга келди. Қадрдон шогирдни оҳ ва оҳ ила қабул этди. Бу жавон ниҳоят музайян (безанган) бир чехра соҳиби эди. Аснои муколамада бир оз Тоъундин ва кўброқ бонудин баҳс этди. Беканинг латофат андомидин, гўзаллигинин ва зиёдаси-ла хушлаганидин баён этди. Хоним ҳам андин мамнун ва рози қолди. Жавон шогирд яна келишини ваъда ила видоё этди.

Бир видоёи умидворий...

Содиқ ул-ваъда Лу хонум у ваъдаларга интизоран, кўрганнингиз, қабр устига келди. Кунларни елпоғич шамоли-ла эри қабрининг туфроғини қурутуб аҳд этмоққа вақф этар...» Кампир ҳикояни битирар-битирмас файласуфингиз шу фикрга ботди: Умр қисқа, ёшлик ширин, ёш хотун ва эрларни завқ ҳаволарга учирар. Ҳар ҳолда Лу хоним солиҳа бир хотун эмишки, аҳдини паймол этмак истамаз.

Интиҳо

Эй қори, ҳикоянинг ҳосили мундин иборатдур. Адабиёт жадидаи мустақбала (келажак замон) мизга рақамидин ёдқори хайр илтифотиға етса, хўжанди шоир муҳтарам Сайрий афандиға бир туҳфадур. Мутолаасиға танзил буюрсалар, шоядки, риштаи назма чекилса, бизу сиздин бир хотираи мустақбала қолурди. Бу даҳми шеър билмам қалбимдин чиқди. Муқаддам шоир эмас эдим:

Бу олами ҳама ҳайҳот беҳуда,
Нақши зар об паймуда (омонат)...¹

1909 йил, далви девона, Самарқанд, Маҳмудхўжа ибн Беҳбудхўжа.

¹ Ҳикоя «Тасодиф» деб номланган дебоча билан бошланиб, унда ушбу ёзилиш тарихи берилган. Муаллиф 1909 йил қиш (далв — 20 янв.— 19 февр.) кунларида гоҳ ўгли Масъудхўжа билан турли дарсликлар мутолаа қилар, гоҳ сикҳат, мантиққа оид китобларни, гоҳ эса турли бадний асарларни кўздан кечирар экан, бир кунни ногоҳ мазкур ҳикояга дуч келиб қолади. У бунин олдин ҳам кўрган эди. Беҳбудий асли хитой адабиётидан олинган ушбу ҳикояни ўз қалби ва қалами билан ўзбек ўқувчисига тақдим этмоқчи бўлади. Ҳикоя «Туркистон вилоятининг газети»да 1909 йилги 12-сонида эълон қилинган. 1995 йил «Ватан» газетасининг 28-сонида ёш тадқиқотчи Ҳалим Сайид кичик сўзбоши билан қайта чоп этди. Ҳикоя Ҳ. Сайид нашри асосида тайёрланди.

БИР АЪМО БОЛАНИНГ ҲАСРАТИ

Эшитарманки, кун (офтоб) кўб гўзал... Наҳр бўйинда, сувнинг устида узайиб осилган гулларнинг кўруниши кўб латиф эмиш... Нозик-нозик сайраган қушларнинг ...ҳавойи қўш қанотларининг учишида кўрулатургон нимарсалардан эмиш!.. Эшитарманки, кечалари кўк юзинда ёшурунгон ёруқлар кўрунар эмиш... Мавж ва гирдобларидек ҳазин бўлган денгиз ичинда оқ чотирлик кемалар оқуб кетарлар эмиш.. Эшитарманки, гулларнинг ранглари ислариндан, сулувлиқда яна зиёда эмиш. Даралар... Тоғлар... Майдонлар... Сувлар, бешалар, хусусан, тонг замонлари у қадар латиф... у қадар тотли эмишларки, бу қадар буюклик ва эҳтишомға қарши инсон ҳайратиндан саждаға кетармиш. Лекин, ман ана ул гулдурагани эшитилатургон денгизни... на у ранглик гулларни... на кўк юзини... на кунни... на бешаларни... на у яхши меваларни... на қушларни... на ойдинликни... кўрол-маслигимдан таассуф этмайман. Хайр, Оллоҳим! Хайр! Шу фоний оламнинг яхшилигиндан ҳеч бирини орзу этмайман, магар... Ҳайҳот!.. Онажонимни кўрсайдим!

Муҳаррири: француз қизи Соррун (?)

Мутаржими: Риждоизода марҳум Маҳмуд Акрам¹.

Усмонличадан табдил эттони: Маҳмудхўжа.

«Ойна» ж., 1914 й., 27-сон, 505-бет

¹ Риждоизода Акрам (1847–1914) — машҳур турк адиби.

ҚАСДИ САФАР

1318¹ санаи ҳижрияси тавофи Байтуллоҳға Кафказ йўли ила Истанбул ва Миср ал-Қоҳира воситаси-ла бориб эдим, муддати сафарим саккиз ойдан зиёда сўзуб² эди. 1325³ санаи ҳижриясинда Русия муслмонларининг муҳтарам зиёли ва ақибларининг Нижний ёрминкасинда миллий ишлар тўғрисида машварат қилинатурган мажлисга мушарраф бўлмоқ учун Ўрунбург йўли ила Маскўв, Петербург, Қазон воситаси-ла Нижний Новгўрўд бориб эдим, Сафар 25 кун сўзулуб, 7 санадан бери икки дафъа Бухоро ва бир дафъа Фарғонани зиёратидан бошқа сафарга чиқганим йўқ эди. Азбаски, «тириклик» касалига мубталолик, рўзгор қайдиға гирифтормлик саёҳат неъматидан маҳрум этар. Етти йиллик хонанишинлик, дигар тарафдан алойиқи рўзгор* ; тижорат ва 7—8 рисоалар таҳрир ва нашри, дорулқазо* ишлари, хусусан, бир санадан бери собиқ «Самарқанд» жаридаси ва ҳозирги «Ойна» идорасининг ишлари руҳан ва жисман заиф этди. Аъзо ва ҳавос*ларға касолат* пайдо бўлди. Сингир (асаб)... ғайри мунтазам ишлайдур. Аттиббо* истироҳат ва сайёҳатга машварат берарлар. Табиат у қадар ноқобил ва бузуққи, саёҳатдан ҳам нафрат этар. Истамаз. Дигар тарафдан, «Кутубхонаи Беҳбудия» исминда «Ойна» идорасинда китоб савдоси очмоқ учун рухсат олинган. Истанбул, Миср, Қирим, Кафказ, Қозон, Ўрунбург, Ҳиндистон китобларидан келтурмоқ керак. «Ойна»да қўймоқ учун Русия ва хоржиянинг машҳур иморат ва манзара ақибларининг расм ва суратлари, илмий ва фанний мақолалар учун фанний ва тарихий нақшларни қолиби-клишеси лозим яна... керак. Оқибат қарор берилдики, Кафказ ва Қирим воситаси-ла Истанбулға, андин Юнонистонға кириб, сўнгра Байрут та-

¹ 1899/1900 милодий.

² Чўзилиб.

³ 1906/1907 милодий.

* белгиси қўйилган сўзлар лугати китоб охирида алифбо тартибида берилган.

рийқи-ла Миср ал-Қоҳирағача бориб, яна қайтишга Истанбулга кириб, Рум эли темур йўли ила Булғористон, Австрия ва Берлин тарийқи-ла ватани азизимиз Русия ва Туркистонга авдат этилса, икки-уч ойдан бери ушбу сафарнинг таҳйия*сида эдук. Бул аснода Петербургда бўлгучи Миллий мажлис машваратиға бормоқ учун Дума вакили жаноби Тафкилуфдан таклиф тилигрофи ва саволномалар келди. Саволномалариға кераклик жавоблар юборилиб, матаассуф, боришға сафар монеъ бўлди. Энди сафарға азм этдук. Биринчи июнғача чиқсак керак. Афсуски, рафиқимиз йўқ. Уғлум Масъудхўжани бирга олмоқчи эдим. Аммо гимназиянинг учунчи синфиға ўтмоқи учун ҳисоб, жуғрофия, тарих, илми ашё, расм, ахлоқ, немисча, французча дарслари дуруст ва кофий даражада бўлур. Фақат русчани ёзуб, ўқуб, кузга яна имтиҳон бермоқлиги лозим бўлган учун бирга ололмадук. Ва бизча ушбу узун ва машаққатлик сафарға якка ва танҳо чиқмоқ лозим бўлди. Бир санадан бери идора ишиға ошино бўлган Саййид Ризо афанди Ализода¹ жанобларининг «Ойна»ға масъул мудирлиги учун ҳукматдан рухсат олинди. Муваққат муҳаррирлиги муаллим Ҳожи Муин² жанобларига ҳавола қилинди. Китобат ва тартибига Мулло Фахриддин Рожий³ жаноблари мутасаддидур. Оллоҳ таолонинг инояти ва қориларнинг таважжуҳлари ила камина бўлмаса-да, «Ойна» эскича чиқиб турар ва саёҳатимиздан мухтасар суратда ҳар ҳафта ёзиб турармиз. Агарда саёҳатдан эсон қайтсак, саёҳатномамиз мутгасил ва мусаввар* босилиб чиқса керак. Муддати саёҳат тахминан икки ой сўзар. Бир санадан бери ҳар на ёздук, ҳар на дедук. Кўб сўйлаган кўб хато этар. «Ойна»нинг хато ва номулойим сўзлари тикон ва дилгир бўлган муҳтарам кишиларға узр айтиб, афуларини тилаймиз. Бизға маънан ва моддатан ёрдам этканларға ва барча хонандаларға чин кўнгулдан ташаккур айтиб, хайр дуоларини истаб видоъ этармиз. Боқий салом ва эҳтиром.

*«Ойна» ж., 1914 йил,
31-сон, 598–600-бетлар*

^{1, 2, 3} Беҳбудий замондошлари, самарқандлик таниқли зиёлилар: С. Ализода (1887–1945) — педагог, таржимон, публицист; Ҳожи Муин (1883–1942) — шоир, драматург; Ф. Рожий — шоир.

29 май 1914 сана 17 ражабул муражжаб¹ 1332 санаи ҳиж-
рия панжшанба кунӣ кеч соат 7, қатори*миз маҳбуб вата-
ним Самарқанддан ҳаракат этди. Ўғлум Масъудхўжа манг-
лайидан шафқат бўсаси олиб айрилдук. Оҳ, видои оила,
Ватандан чиқмоқ нақадар мушкул! Бу мушкулотдан қўтул-
моқ учун инсонни ўлуб ватандан чиқмоғи келур.

«Дили аз санги бояд бар сард оҳ видоъ
То таҳаммул кунад он рўзки, маҳмил беравд».

(Айрилиш вақтинда тошдан кўнгул керак, токи қофи-
ла* кетсун).

Вагонда бир уйчага² бир ўзим, Сафарнинг аввали ҳам тан-
ҳолик таваҳхуш* келтурар. Абёт ўқуйман, фоида этмас. Курь-
они карим ўқумоқға шуруъ* этдим, фараҳ* келтурди. Окшом-
ни ним уйқу ҳолиға ўтқарилиди. Кун чиқар. Байрамали ма-
хаттасиға* яқинлашармиз. Ҳар тараф кум денгизи, Байрам-
али шаҳри обод эди. Бухоро амирларидан Шоҳмурод оталиқ
(ҳозирги Бухоро амирлари силсилаи манғитиянинг муассиси)
замонида Бухоро ва Самарқанд ўзбеклари келиб, Марв ҳам
Байрамалини сувбандини бузуб, истило этиб, халқидан Са-
марқандға нақл* қиладурлар. Бу муҳожирлардан бир қисмини
Самарқанд шаҳарини шарқиға, дигар қисмини ғарбиға ўтку-
задурлар. Шаҳарни атроф ўзбекларини босқунидан сақламоқ
учун (ва) алар бугунғача мазкур ўрунларидадурлар.

Бухоро амирлари боргоҳ ва сарой ишларини ва таҳсил-
лик ва хазина ишларини муҳожирларға топшурарлар. Азбас-
ки, булар муҳожир ва амирларға молан ва жонан тобедурлар.
Ҳатто, амирлар буларни ўзлариға асир билур эдилар. Ва бу-
ларни ортдурғон моли гўё амирларники эди. Бошқа ерни
халқи ўзлариға ўзларини хожа биларди ва бу қонидани асари
бугунғача Бухоро ҳукуматиға жорийдур. Бу муҳожирлар шигъа
мазҳабиға бўлуб, Самарқандда ўн минг қадар бордур. Ва алар
ўзларни эроний атайдурлар. Ҳолбуки, аларни аксари турк
қабилаларидан бўлуб, ичларинда балки юзда бир эрон фор-
си ва эронлашган араб ва саййидлар бордур.

Марв тарафини истило этган бухорийларни сардори сариг
ва кўк кўзли бир киши эканки, шоир деюр:

¹ Ардоқли ражаб ойи.

² Муаллиф Самарқанд шеvasида ёзади ва ўрин-пайт келишиги
қўшимчаси ўрниға жўналиш келишиги қўшимчасини ишлатади.

Бубрид сари мурғ беҳишти сак зард

(жаннат қуши бошини сариг ит кесди). Мурғни боши ташланилса¹, «РФ» қолиб 1200 сана учун таърих чиқар, яъни, Байрамалини бухорийлар ҳалок этганларига 132 сана бўлур. Ғолиблар шоири ҳам «Сари Байрамали шуд ҳалқан дор...»² шеър айтганлар. Ал-он Русия ҳукумати эски бандни тузатиб, Байрамали ва Марв тарафларини обод этиб турубдур. Байрамали ерлари ҳазрат императўрға мансуб бўлуб, халқға ижораға берилур. Бевосита Байрамали Марв шаҳри бўлиб, қадимда «Марви Шоҳжаҳон» аталарди.

Марвда аҳоли аксарият ила рус, арман ва эрон таъбаларидур. Атроф халқи туркман бўлуб, шаҳарий (шаҳарли) бўлганлари йўқ. Ҳануз қора уй-чодирларига тирикчилик қиладурлар. Марвда узоқдан рус калисосининг қуббаси кўрилур. Атрофдаги юз минглар ила «мусулмон» (!)ни масжиди кўринмайдур. Аҳоли шариатдан зиёда одатға тобеъ ва асири жаҳолатдур. Марвда тижорат аксарият ила Эрон таъбалари³ қўлигадур. Русия ҳукумати буларға ер олмоқға изн бермасада, ҳавли ва дўкон олмоқға рухсат берар. Мундаги эронийлар уч қисм бўлуб, бири шиъа, дигари баҳойи, бобий⁴, бошқаси Эрон яҳудийсидан мусулмон бўлган жадидийлардур. Бир эронийни сўзиға қараганда, ялғуз баҳойиларни мактаби бўлуб, бошқалари учун ва ерли туркманлар учун мунда мактаб йўқ. Иссиқ биёбонларни наъраси-ла тўлдуриб, қаторимиз илгари кетмоқдадур. Ҳаво иссиғ, вагон ичинда 33 даража ҳарорат бор. Энди Самарқандни ҳаво ва латофати ёдга келур. Вагондаги руслар: «Оҳ, Самарқанд. Вой, беҳишт», — дер.

Том 24 соатда Ишқободға етдукки, Самарқанддан 895 чақиримдур. Бу шаҳар кундан-кун ободлашиюр. Рус ва арманлар жамъияти орта борадур. Бир оз эроний-да бор. Фақат атрофдаги бечора туркман қариндошларимиз ҳануз нимваҳший ҳолатда кулфат ила умр сурарлар. Дунёдан, ҳатто,

¹ Муаллиф муаммо қондасини тушунтиряпти. «Мурғ» (қуш) сўзи араб имлосида уч ҳарф («мим», «ре», «гайн») дан иборат. Унинг боши (бош ҳарфи — «мим») кетса, «ре», «гайн» қолади ва иккаласи абҷад ҳисоби билан қўшилганда 1200 сана чиқади.

² Байрамалининг боши дор ҳалқаси бўлди.

³ Фуқаролари.

⁴ Шиъа, баҳойи, бобий — Эронда XIX асрда кенг тарқалган мазҳаблар.

Ўзларидан хабарлари йўқ. Шу қадари борки, шаҳарга мутасил ерларда боғу токистон¹лар этиб, туфроқ иморатларга ўлтурғонлари-да кўрулур. Яна бир оз туруб машхур Кўк тепаға етдук. Туркман — рус уруши ёдгорисиға мунда кичкина бир муза² бйно этилган ва ичинда туркман-рус муҳорабаларини ясалган суратлари ва қўлларинда милтиқ ва шамширлари бўлуб, ҳамда туркман ва рус тўпу уруш асбоблари намунаси бордур. Муза мухта муқобилиға 40—50 қадам бўлуб, кечау кундуз халқ учун очуқ ва туркман шижоатини далилидур.

Йўл устундаги туркманларни бошиндаги узунлиги уч ярим қариш, эни икки қаришдан зиёда телпагидан бошқа кўргу ери йўқ, фақат ҳануз белида аксарият ила ханжари бордур. Аммо алар ханжар ўрниға қалам тутиш замони келганини билмайдурлар. Кўз олдидаги маданият асари бўлган шаҳар ва оташ аробадан ибрат олмайдурлар.

31 май эрта бирлан Қизил Арвотдан нари қазоқлар жавлонгоҳидамиз. Мундаги бечора қазоқ қариндошларимизни фақру зарурати* шаклларидан билиниб турубдурки, туркманлардан кўра буларни яна йўқсулликларидан билгуликдур. Ер — қум. Бир тараф ўтсиз тоғ, беш-ўн тева, бир-икки эски олачиқ ҳар ерда оз-оз кўрунур. Мунинг муқобилинда гурурлик маданият аждаҳоси ва устинда маданий инсонлар. Бу қазоқларға лозим эдики, ўзлариға яқин шаҳарлар атрофинда йиғилиб турғун бўлинсалар, валлоҳ, бу кетишни охири йўқ бўлмоқдур. Муҳтарам қазоқ талабалари, қазоқ уламо ва зиёлилари муни талқин этсалар керакдур.

Энди Жабал махаттасиғамиз. Мунда шимолдаги тоғдан келатурғон сув ҳам ҳаво бор. Махаттанинг жануби тарафида тўрт чақирим масофатда аъзо оғруғи учун киратурғон туз кони борки, конғача бошқа темур йўл ила борилур. Дўқтур, уй, нўмра ва қара уй, хулоса, ҳар шай мавжуддур. Дўқтурсиз ва уйсиз кирмоқ-да мумкиндур. Самарқанддан чиқгон киши 2-кунда соати 12 (да) келиб конға тушар. Мавсуми — биринчи саратондан асад охириғичадур.

Билик махаттасиғамиз. Баҳри Хазар ҳайбат ва виқори ила намоён ўлур. Насим ила бизларға руҳ берар. Иссиғлигидан қутулдик. Кундуз соат бир яримға Красноводскиға ет-

¹ Токзор демоқчи.

² Музей.

дук. Тотор ва эроний биродарлар масжидини зиёрат этдим. Шул кун парахўдга кирдук. Кеч соат 6 га ҳаракат этар. Эрта — биринчи июн. Иншооллоҳ, бодгўяга* чиқармиз.

31 май. Баҳри Ҳазар.
«Ойна» ж., 1914 йил,
34-сон, 809—813-бетлар

2

Денгиз тинч бўлганда Красноводскидан Боқуғача 14 соатлик йўлдур. Аммо толеъда бор эканким, парахўд юрганидан бир соат сўнгра қаттиғ бир фўртана бошланди. 2-даражадаги қирқ қадар кишидан ялғуз тўрт-бешига таъсир этмасдан, бошқа ҳамма аёлу эркак ва болалар Боқуға икки соатлик йўл қолгунча оху нола ила ўткардилар. Ман ҳам аларнинг энг кулфат кўрганларидан бўлиб, 9 сўм 20 тийин бериб, эни уч, бўйи етти қаришлик осилган ва ўлтурганда шифтига бош тегадургон бир қути ичида 16 соат комил қимирлолмай ва тушолмай қолдим. Мунинг устида бош айланиб, қон қусмоқ ортуқча кулфат эди. Парахўддаги 3-даража йўлчиларнинг устига 16 соат муттасил денгиз сув отарди. «Ё Олло!», «Ё Ҳусайн!» фарёдлари осмонга юксалирди. Минбаъд Баҳри Ҳазар ила юрмасга аҳд этдим.

2-июнда якшанба куни Боқуға чиқдик. Шаҳарнинг рус ва мусулмон қисмидаги мусулмон дўконлари, катта корхона ва мағозалари, матбаалари тамоман очуқ, чунки мусулмонлар жумъа куни дўкон ва корхоналарни беркитиб, ийд қилар эканларким, бул жой ибрат ва таҳсиндур.

Боқу(ни) кўргонимга 15 сана бўлур. Ондан бери хийла вўсъят топиб, иморатлари беш-олти табақагача юксалибдур. Денгиз канорида янги беш табақалик катта бир иморат бор экан. Сўрадимки, бу мусулмон бой ўзи ўлтурмоқ учун бино этиб, 2—3 юз минг сўм харж қўйган экан. Муҳтарам бир кишидан сўрадим: «Охират учун ҳам бирон уй ва буқъа* бино этдимиз?»

«Хайр¹, дунёу охирати ҳоло ушбудур», — жавобини берди.

Боқу шаҳри Русиянинг ободонлик жиҳатидан бешинчи

¹ Йуқ.

шаҳри бўлиб, аммо мусулмон давлатлигининг кўплиги ила Русияда иккинчи шаҳардур. Чунончи, мунда юз миллиён сўмлик мулку сармояга доро* бир неча мусулмонлар бўлиб, миллиён соҳиби мусулмонлар юздан зиёда, ярим миллиёнлик мусулмон яна ортуқроқ, юз минг сарватлик мусулмон минглар ила бордур. 20—30 минг сўмлик сармоядор мусулмон эса, ўн минглар ила бўлиб, шаҳарнинг аксари мулки мусулмонлар кўлидадур. Оллоҳ зиёда этсун!..

Бул шаҳарнинг еридан нафт (керосин), бошқа тил ила, олтун чиқар. Бу кун меҳнаткаш бир кишининг еридан нафт чиқса, эртага миллиёнчи оға бўлур. Бу бойлардан дин ва миллат йўлида, қўлларидаги сармояга нисбатан эҳсон қилатурғонлардан жаридаларда тўрт-беш исм ёзилиб, бошқалари ҳануз майдони саховатга зоҳир бўлғонлари жаридаларда кўрилмайдур. Мўътабар «Садо» ва «Иқбол» жаридалари идораларини ҳамда муриди муҳтарамлари Ҳошимбек Вазируф ила Содиқийни зиёрат этдим. Идораларининг аҳволи зоҳириясини ниҳоятда танг ва машаққатда кўрдим. Боку аҳли хайроти армани, рус ва бошқа ҳамшаҳарларининг матбуотидан ибрат олиб, моддатан* бу жаридаларнинг тараққий этмоқига ва «мусулмон жаридасининг идораси» демоқга лойиқ бир манзара ташкил этмоқига ҳаракат қилмоқлари керак эди. Бечора мудир ва муҳаррирларнинг бири қоронғу бир ертўлада, дигари тор ва иссиғ бир дўконда мураттаблари ила умр ўтқарурлар эканким, манга кўб таъсир этди.

Бу нимадан? Йўқликдан ва миллатнинг эътиносизлигидан*, муҳарриру мудирларнинг чорасизлигидан бўлиб, айби мусулмонларга тушар.

Боку тўғрисида яна бошқа вақт ёзармиз. Эмди йўлимизга давом этайлук. 2 июнда Бокудан чиқиб, Минерални вўда (Маъдан сувлари) махаттасига мутаважжиҳ бўлдиқким, ораси 755 чақарим бўлуб, бир кеча-кундуз юрулди. Мунинг олти юз чақирими комилан мусулмон ерлари ҳам ниҳоятда манбит* ва аъло ерлардурким, арпадан шוליғача экилган ва аксариятан баҳорикори ва ерлари қарагасадур*. Дарахтлари у қадар кўпким, Самарқанднинг Қарадарахту Миёнколи анга нисбатан ҳечдур. Халқи бизнинг пирсиён, лазги, доғистоний деган халқлар бўлиб, яна дохилан чечен, кумук ва бошқа исмлар ила аталадур. Таажжуби шулки, мавқуфлар (истансалар) атрофида алардан савдо қилатургон эр-

как, аёл ва бола кўрунмайдур. Қишлоқлари йўлдан узоқдур. Шу қадар узоқ йўлда ялғуз иккигина масжуд кўринди. Аммо рус муҳожирларининг қишлоқ ва калисолари йўлга яқиндур. Мусулмонларнинг ерлари ҳосилсиз*, кўй, пода ва илқилари-да кўп ва аларнинг жунидан яхши матоълар тўқийдурлар. Заргарлик, мисгарлик ва чармгарлик ва бошқа ишларда аёлу эркакларнинг маҳорати кўп, фақат замонча илмлари йўқдур.

Биз, туркистонийлар топганимизни тўй, ўлук ва кўпкарига сарф қилгандек, бу мусулмон қариндошларимизнинг аксари ўз молини қиз олиб қочиб, жанжолига сарф этмоқ, бир-бировларини ўлдуруб, яна қасоси номашруъ тариқида тарафайдан бир нечалаб ўлдуруб, сўнгра бор пулларини суду синод йўлига ва умрларини Сибириё чўлларига сарф қилиб, нобуд бўлар эканлар. Ароларида мадраса номида бир шай* йўқ эмиш. Аммо ўзлари ниҳоятда имонлик ва амалсиз мусулмонлардур!..

Бокудан Маъдансуи махаттасигача* тарафайн бутун кўклик ва аксариятан кўз олганигача экинжой бўлиб, бўш ер йўқдур. Ҳавонинг мухталифлиги важҳидан бир тарафининг буғдойи ўрулуру экан, дигар тарафи ҳануз майса ва баъзан янги бош тортгандур. Хусусан, Маъдансуи тарафи ҳануз бизнинг охир ҳамал кунларидек салқиндур.

Букун 3 июн Минерални вўда (Маъдансуи) махаттасидан маъдан сувлари тарафига азимат этдим. Қаторларга тўла Русиянинг ҳар тарафидан аҳли давлат ва шавқ хужум эткандурлар. Зотан, ҳар сана ўн бир ой кечау кундуз ишлаб, биргина ойни мумкин бўлса шунда ўткармоқ керак экан.

4 июн. Кисловодск.

«Ойна» ж., 1914 й., 35-сон,
833-836-бетлар

3

Бокудан ёинки Туркистоннинг ҳар бир шаҳридан тўғри «Минерални вода»¹ маъдан сувлари махаттасига ёинки маъдан сувини энг охиргиси Кисловодскигача белат берилур. Минерални водадан Кисловодскигача 61 чақирим бўлуб, Эсинтуки ва Петигўрскидаги маъдан сувлари шул ародадур. Масалан, Минерални водадан биринчи махатта Бештоғ,

¹ Муаллиф гоҳ «вўда», гоҳ «вода» ишлатади. Ўзгаришсиз қолдирилди.

Петигорски шахри, андан Эсинтуки шахри, андан Кисловодски шахрига борилур. Бештоғдан Темурсуйи (Жализнудски) шахри 7 чақирим бўлуб, бошқа бир бутуқ ила кетиладур. Мавсум замонида бу шахарларнинг ҳар биридан 1, 2 ва 3 синфлик қаторлар ҳар ярим соатда ҳар тарафга юриб турарлар. Бу шахарлар орасидаги темур йўллар тамоман икки хатлиқдур. Мазкур шахарлар кичик бўлса-да, ниҳоятда катта ва олий вағзаллар бино қилинубдур. Биз Минерални водадан тўғри Нарзан суйи Кисловодски маъданига кетдук. Икки тараф ям-яшил, вағўнимиз соядор ва ери кўринмас ёввойи беша* орасидан кетар.

Бештоғнинг катта тоғ тепалари доимо бошига оқ абрдан салла ва чодир* ўраган. Бу тоғларнинг тепасидан охиригача тамоман ўрмон (беша) қоплаган ва булутнинг аксила ажойиб ва кўргон ила манзарасидан тўйёлмайдургон бир шакли назарфириб* ташкил этар.

Тоғ этақларидаги қишлоқларни бутун қудратнинг ажойиб, ранго-ранг гул ва чаманлари табиий зийнат берилган. Шахарлари бўлса, фавқулодда чаҳорбоғ ва сунъий гулистонлар ила ўхшатилиб, дилрабо ва манзарфириб хосият пайдо этгандур. Бул масофат тамоман ўрмон, чаманзор, гулистон ва ҳар ерда ажойиб кўшқу иморатлар бино этилгандур.

Баъзан икки тараф буюк тоғ, баъзан бир тараф туби йўқ зов, баъзан мусаттаҳ*. Ва бир замон кўрарсан, оризали*, хулоса, ҳар лаҳза ва ҳар замоннинг манзараси бошқа ва ажойибдур.

Вожиби таоло ҳазратларининг қудрати комиласи ҳузурда инсон сари фарр* ва бурдаи убудият* бўлур.

3-июн. Кисловодскига етдук. Бу шахар, тахминан, 20—30 минг халқлиқдур. Тўр-беш ошиёналик меҳмонхона ва ҳар бири биздаги «клуб» ёинки мадрасалардан катта бир неча мусулмон ҳаммомлари, ости ҳаммом, усти мағозин, онинг усти меҳмонхоналар ва буларга чиқмоқ учун «осонсур»¹ мошиналари бино қилинубдур. Темур йўл идораси 50—60 зина ила чиқилатургон катта ва мусаттаҳ бир тепа устида бир неча таноб ерлик чаҳорбоғ ила энг катта бир неча тавақалик бир иморат ясабдурки, кечау кундуз мусиқи, рақс ва таом мавжуддур. Бу чаҳорбоғдан бир неча юз зина ила баланд тепалар устига чиқилур. Ал-он биз Кисловодски-

¹ Эскалатор.

нинг энг баланд тепаси устида ва денгиз юзасидан 3000 фут юқорида! Бул тепадан ҳар тарафдаги ажойиб манзаралару шаҳарнинг ҳар тарафга сочилган қитъаларини тамошо қилмоқдамиз. Мундан бошқа яна бир катта чаҳорбоғ бор-ким, ичинда энг катта «Голирия», юз-икки юз олчин узунликдаги равоқ ва қулублар мавжуд бўлуб, маъдан суйидан мил* ила келтуруб, шишадан мусаддас* ҳавзлар бино этиб, устида рус қизларини қўюбдурларким, ҳар кимга лоянқать* мажжоний* сув берарлар. (Боғга кирган киши 20 тийин пул берур.) Дигар тарафда бир неча ерда мусиқилар, фавворалар, ҳар ерда гулистон ва сунъий гулхона, жавоҳирфурушлик, мева ва таомфурушликлардур.

Чаҳорбоғ ичинда минглар ила халқ учун чой ва таом сарф этмоқга очиқ ҳаво ва ҳам бир неча табақалик кўшкларда жой тайёр қилингандур. Чаҳорбоғ хорижида яна маъдан суйидан келтурулган худойи миллар бордур. Маъданнинг сунъий ҳаммомлариға ҳар бир кирмоқ учун 75 тийин олинур. Ҳар бир киши учун. Эркак ва аёл учун бошқа-бошқа уй ва ҳам «ванна»лар бордур. Касал кишилар учун маъдан суйининг ҳарорати ва қанча турушликни табиблар (дўхтурлар) тайинлаб хат берарлар. Мен икки дафъа кирдим, 20 дақиқадан... Туруш ер ҳар кун ярим сўмдан 15 сўмғача мавжуд бўлур. Таомға ҳар кун бир сўмдан ўн сўмғача сарф бўлур (мускиротсиз*)...

4 июнда Эсинтуки шаҳариға келдим. Шаҳар вағзалға мутгасилдур. Ашёмни вағзалға қўюб, шаҳарни кездим. Эсинтуки маъдан суйи чашмасининг атрофида узунлиги 2 чақиримдан зиёда пасту баланд катта бир чаҳорбоғ бино қилинибдурким, ичида Кисловодскидагидек бир неча ҳаммом ва қулуб ва ҳар ерда кўшк ва қуббалар ва шишадан ҳавзлар, ажойиб гулистон ва толорлар* ва мусиқахоналар бино қилиниб, ичи сайёҳлар ила тўп-тўладур.

Мунда турмасдан Петигўрски шаҳриға келдим. Бу шаҳар каттароқ ва элиқтрик трамвайлар ишлайдур. Мунда ҳам неча чаҳорбоғлар ва юзлар ила олчин узунлигида ранго-ранг шишадан бино қилинган катта кўшклар ва маъдан ҳаммомлари ва бу шаҳар уфқини манзараи ажибаси ила музайян қилган забаржад ранглик тоғлар бордур. Бу шаҳар чаҳорбоғларини юриб, кўча манзараларини ароба ва трамвай ила кезиб, кечроқ Железноводск (Темирсуйи) шаҳриға азимат этдим.

Темирсуйи шаҳрининг манзараси ҳар биридан ажиброқ-

дур. Шаҳар тор бир водийнинг икки тарафида бино бўлиниб, ҳар тарафидаги забаржадлик тоғлар осмонга юксалур. Мунда энг дилрабо табиий бир чаҳорбоғ ичида ажойиб манзаралик рангоранг гулистон ва алар орасида юз олчинлар ила узулғон шишалик кўшқлар ва анинг ичида китобхона, шатранжхона ҳам рақс ва мусиқи учун ажаб бинолар, таомхона, чойхона ва майхоналар бино қилинубдур. Чаҳорбоғ бир неча чақиримлар ила узайиб ва анинг бир тарафи 1722 сажинлик баланд бир тоғга марбут* бўлиб, бу тоғга бир морпеч* йўл ила чиқилур. Бу тоғдан мил ила Темирсу маъданидан сув келтирилубдурким, темур қубурдан шиддатлик суратда отилиб оқмоқда ва қўлни куйдуратурғон даражада иссиғдур. Муни совутиб, шишалик бир ҳавзда сақлаб, миллиар воситаси ила рус дилбар қизлари ҳар кимга икром қилмоқдадурлар.

Ики пиёла бу сувдан ичдим, ўзимни қизитиб, бошимни оғритди. Бул сув инсоннинг қонини кўпайтурар экан.

Темирсуийи шаҳри боғининг тоғ тарафида оташ ароба учун араб усулида ва муаззинхоналик бино қилинган сутдек оқ бир қасри олийни узоқдан кўриб минорасидан масжид гумон қилиб эдим. Боғга кириб энг яқиниға бордимки, қаср атрофини алоҳида бир тоғ иҳота этиб, мунга махсус боғни темур панжаралар ила иҳота қилинибдур. Яна араб усулида дарвозалар қурулиб, барида кошин ила «Ассалому алайкум ва алҳамдулиллоҳ, омин» ёзилгандур. Устида русча «Кирмоқ мумкин йўқ» деб ёзибдурлар. Қоровулни топиб сўрадим.

Деди: «Бу қасрни Бухоро амири бино этиб эди. Узи баъзан мунда келарди. Вафотидан сўнгра ҳозирги амир бизни императўрға туҳфа этди». Ва ал-он, табиблар ва баъзи касаллар турадур. Утайлук, мунда тўймоқ қиммат, икки парча балиқ ила бир парча нон бирор бир сўм. Бир пиёла обжўш ёинки чой 10—15 тийин. Хизматчиға ҳам берарсан. Кўп турғучи касаллар, албатта, хусусий хоналар ижара олиб, мошина қазонида ўзлари таом пиширадурлар. Ёинки нўмраға эмас, хусусий рус хоналарига тушаларким, арзонроқдур. Ажалла шайтондур*. Эрта-роқ ақсойи сафарға* етмоқ учун букун уч шаҳарни кездим. Аммо бир вақт қарасам, белим, оёғим ва бутун аъзом оғрийдур. На ўтурмоқ ва на ётмоқға тоқат йўқ. Минг кулфат ила мавқифға* етиб темур йўл ила оқшом яна Маъдан суйниға етдим. Мунда уч-тўрт соат қиторға интизор этдук.

Шуни-да ёзайин, Ёсинтукида қолинфуруш эроний му-сулмон мағозаси бор. Шарқнинг ҳар навъ матоиданда мав-

жуддур. Бир неча кундурким, жаридида ўқуганим йўқ. Эрон, Қафқаз жаридаларидан сўрадим. Йўқ! Ана, сизга мусулмоннинг катта саводхонаси. Ватандан ва бутун олами исломдан хабарсиз яшайдур, оҳ...

Бу маъдан сувларга ҳар навъ касаллар келур. Қартайган, бир мушт ила охиратга кўчатургон мўйсафид бойлар, боши қалтирайтургон чоллар, ҳолсиз генераллар, биннисидан* тутсанг, жони чиқатургон сил ва қонсизлар, кўб ўқугон, мияси ачиган талабалар ва муаллимлар... Хулоса, ҳар навъ касаллар кўринадур. Табиий, юролмайдургон қаттиғ касаллар дўқтурхоналарда бўлиб, чиқмайдурлар. Аммо касалдан зиёда шавқу шаторат* ила келиб, ичқулик этиб, фақш ва бузқликлар ила касал бўлиб кетадургонлар кўп кўринур. Петигўрскнинг мавсуми биринчи мойдан 5 сентябрғача бўлуб, ушбу касалликларга нафъ этар: оёқ оғруқи, сингир¹ хасталиги ва бир неча тери (жилд) хасталикларига... Эсинтуки мавсуми 10 мойдан 10 сентябрғача: меъда хасталиги, йўтал (сулфа), жигар хасталиги, сингир ва бошқаларга... Кисловодскининг мавсуми биринчи июндан биринчи ўктабрғача: юрак, сийна ва бошқа маразларга фойда этар... Железноводскининг мавсуми 15 майдан биринчи сентябрғача: қонсизлик, бош айланиб, кўз тинмоқ ҳам сингир ва асаб хасталикларига нафъ қилур.

*Ростўф, 5 июн,
«Ойна» ж., 1914 йил,
37-сон, 880-886-бетлар*

4

5 июн. Ростўф шаҳрига кирдим. Шаҳар ниҳоятда обод. Ҳар тараф қўша эликтрикли трамвайлар. Шаҳар ўртасида кичкина бир чаҳорбоғ бор. Беш-олти қатлик иморат ва зийнатлик калисолар мавжуддур. Ҳар нимарса русларнинг ғайрати ва маданиятини забони ҳол ила баён этмоқдадур. Бу шаҳарда беш мингдан зиёда мусулмон бўлуб, мунинг 300 қадари туркиялик мусулмонлар ва бу шаҳарнинг нонвойлиги тамоман алар қўлида эмиш. Аммо ўзларидан мактаблари йўқ. Мунда Туркия давлатининг кўнсулхонаси ва имоми бордур. Тасодифан имом афанди ила мулоқот этдук. Ерли мусулмонлардан фақат 20 қадар оиланинг мулки бўлуб,

¹ Асаб.

бошқаси тамоман ижоранишин эмишлар. Оллоҳ бу ижоранишинликни биз, Туркистонийларга насиб этмасун! (Ер қиммат бўлди, сотайлук айта тургонларга, ёинки ерларини сотиб тўй қилатургонларга ибрат!) Мусулмонлар икки маҳалла бўлуб, бири ижора олинган уйда намоз қилур, начора, мискинлик!.. Дигарининг янги солинган масжиди бор. Аммо биз мусулмонларни, на дин ва на дунёга аҳамият бермаганимиз учун шувоқсиз ва усти томатургон ҳолида қолиб, бир тарафида намоз қилурлар. Масжиднинг саҳни бир таноб қадар ва шаҳарнинг яхши еринда! Уч тарафи йўл, аммо дўкон солиб ижорага бермоқ йўқ. Муниг бу қадар катта жойи бор экан, ҳар ердагидек мусулмонлар икки тараф ихтилоф қилиб, хорижда икки мактабни ижора олиб, ҳар сана 3000 сўм қадар оқча берар эканлар. Нақадар девоналикдур! Биринчи имом Мулло Вафо жаноблари ва ўзга муҳтарам кишиларнинг ғайрати ила 15 минг сўмдан зиёда оқча тўпланиб, икки ошиёналик масжид солинибдур. Узоқдан минорасидаги олтун ой шакли забони ҳол ила: «Бу муқаддас мақом ибодатгоҳи муслимин ва байти ҳазрати Раббил оламиндур!»— дейдур. Аммо начора, ҳануз нотамом ва шувоқсиз, атрофида мактаб йўқ ва касифдур. Иккинчи имом Мулло Бекошўф жаноблари ила мулоқот этдук. Мусулмон нашри маориф жамиятининг раиси ёшлардан Билолиддин жаноблари бизга шаҳарнинг ҳар тарафини кўрсатди ҳамда жамият мактабини зиёрат этдук. Мулло Вафо жанобларини тобмоқга вақт озлик қилди. Мунда мусулмондан пристўф бор эмиш ва ҳукумат мактабларида 15 нафар мусулмон талабаси бўлуб, яна 18 нафар қизлар-да ҳукумат мактабида ўқур экан. Масжид ишининг ярим йўлда қолишига ва мусулмонларнинг ихтилофлигига масжид иморати мубошпирлигининг ҳар сана ҳисоб бермагани сабаб кўрсатилур. Ожизона тавсия этилдики, ўтган ўтди. Энди иттифоқга келиб, масжидни тамом ва мактабларни бир этмоқга ҳаракат қилмоқ керак деб... Шаҳарнинг ва бошқаларнинг ҳаёт ва тараққийсига нисбатан мундаги мусулмонларнинг борлиги йўқ ҳукмидадир. Йўлларни тилфўн ва трамвай симлари у қадар ишғол этканким, энди тилфўн симларини ер остидан тортмоқ учун ишлаб турубдурлар. Аммо мусулмон масжидининг бир таноб ери бўш ётадур.

Кеч оташаробага ўлтурдим. Одис шаҳрига кетармиз. Сабоҳ

Динапр нахрини ўтдук. Оқшомғача ҳар замон катта ва кичик шаҳарлардан ўтармиз. Тарафайн тамоман ҳеч фосиласиз буғдой, арпа ва маҳаллали қардошларимизнинг сўзича «крошка» ер йўқ. Рус хотун ва қизлари қўлларида кетмон, қатор-қатор ишламоқда ва қаторимизга қўл соллаб, баёни хуш омади этарлар. Бизнинг саҳро хотунларига нисбатан алар жабркаш эканлар. Кеч хотунлар хил-хил ишдан қайтмоқда. Ўтун, ўт ва асбоб орқаларида кўтарган, баъзан хотунлар аробасини чоптуруб кетмоқда, аммо бизнинг саҳро хотунларини ғийбат сўйламоқдан бошқа иши йўқ.

Инсон баъзан ажойиб ҳолларда қолур... Бир замон Петербургда эдим. Бир якшанба кун, дўконлар беркитилган. Майда пулим йўқ. Эрта бирлан сут ва нон емоқ керак. Қўлумда бир юз сўмлик қоғаз, майда топилмайдур. Соат 12 гача оч юрдум... Энди мунда ҳам оқшом чоғи, майда топилмайдур. Махатталар кичик, бирор нима емоқ керак. Пулсиз бермайдурлар. На чора, эрта Одисга боргунча сабр лозим. Оқшом рўза тутармиз...

Энди қиторимизда русча эшитилмайдур. Яҳудийча, румча, полак ва немисча, ҳатто, булғорлар-да кўп. Ҳар навъ кишилар ва Булғориёдан келиб, бизнинг Русия мактабларида ўқуб, офисар бўлганлар-да ватанимизда бордур...

Эрта бирлан Одисга етдук. 7 июндур. Боқудан Одисғача 2409 чақирим кезибмиз. Нўмирға нарсаларимизни кўюб, тазкира (билет) имзоси учун Туркия кўнсулига бордим. Аммо йўқ! Одисдаги мусулмон масжидига бордим. Имом мулла Собиржон жаноблари ва муҳаррир Усмон афанди ила суҳбат этдук. Бизни икром этдилар. Шу кун Истанбулға парахўд борар экан. Ёлғуз тўрт соат қолибдур. Имом афандининг ионати ила парахўдға кирдук. (Одис аҳволидан қайтишда ёзармиз.)

Соат 12, кундуз. Рус ширкатининг «Чахўвич» парохўди йўлга кирди. Денгизни қўпиклантириб Истанбул сари юрмоқдадир. Иншооллоҳ, эртага Истанбулға кирармиз.

*7 июн. Қора денгиз,
«Ойна» ж., 1914 йил,
38-сон, 902-905-бетлар*

7 июнда Одисга кирилди. Бу шаҳар Русиянинг 3-шаҳри бўлуб, аммо тижоратда Қора денгиз соҳилида бўлгани учун ниҳоятда тараққий этгандур. Русиядан чиқатургон ғалла ва хом нимарсалар Оврупога шул аскаладан чиқар.

Аҳолиси: рус, яхудий, рум ва бошқалардур. (Мундаги мусулмонларнинг аҳволи сўнгра ёзилур.)

Нарсаларимни бир ерда қўюб, тазкира (белат) ни қўл қўйдурмоқ учун Туркия қўнсулхонасига бордим. Узунлиги бир газ, эни ондан озроқ, тўлони бир унвон эшигини устида осилган. Унвон, ким билур, неча сана муқаддам ясалгандур. Ал-он ранги ўқулмас даражага келиб, унвоннинг темур ва тунукаси чуруб тешилибдурким, мундан қўнсулбекларнинг қайдсиз ва бепарволиги маълум бўлур.

Соат 10. Аммо қўнсулхонада киши йўқ... Андан Одис шаҳри жомеъ шарифига келдим. Имом афанди Собиржон ҳазратларининг ёрдами ила кундуз соат 12 да парахўдга кирдук. 2-мавқега 16 сўм, 3-сига 5 сўм бериб бир белат олдук. Оқшом икки сўм бериб, 2-даражанинг салўнидан ётар жой олдим. Ана, 9 сўм фойда!

2-даража золига яхши либоссиз киши қўюлмайдур. Парахўдга тезлик ила кирдук. Одисда турушимиз фақат 2 соат, авқот олмаган эдук, 2-даражанинг салўнига 2 дафъа таом ва икки дафъа нон ва сут учун 4 сўм оқча тўладим. Эй, зарари йўқ, яна 5 сўм фойдамиз бордур.

Соат 12 кундуз парахўдимиз денгизни қўпуртуруб ҳаракатга кирди. Ва андак муддатда шаҳар ва ер кўздан ниҳон бўлди. Денгиз ойнадек шаффоф ва сокин, ҳаво латиф, ялғуз остимизда суву устимизда бухаридур*. Денгизнинг барроқлик* ва латофати сўнг фишфиши, парахўднинг гумбур-гумбури табиатга жило берар. Дигар тарафдан мўътадил ва фором бир шамол эсар ва неча кундан бери сафар машаққати тортган жисмга ниҳоятда ёқишар. Сатҳий бир назар ила боқилса, бутун ер қуруқлик ва дунёлар йўқ. Ҳар нимарса, яъни шаҳарлар, чўл, тоғлар ва мамлакатда қолган оила ва аҳбоблар хаёл оламидадур. Энди денгиз ила парахўд фикрини ўзига жалб этар...

«Ердагиларни Сизга мусаххар қилдим — Оллоҳнинг амри ила марокиби баҳрия¹ денгизга жорий бўлур» мазмунидаги

¹ Кема.

оятлар мулоҳаза қилинур. Оҳ! Биз, мусулмонлар на учун Куръондан, санъат ва ғайратдан узоқ кетдук? Остимиздаги парахўднинг тўли 150 газ зиёда, ичидаги ёлгуз ҳайвон нотиқ¹ 300 дан зиёда ва ғайри нотиқи-да бордур. Ғалат ва бошқа юки ҳам кўп. Бу жонсиз ҳайвон биздек жонли ҳайвонларнинг асари санъатидур. Ўтайлук, бу уч юз сўйлағучиларнинг ярмидан зиёдаси 1—2 даражада бўлуб, мусулмондан маним ила фақат уч нафардур. 3-синфдагининг аксари мусулмон бўлиб, фақру заруратдан оёқ остида ва ҳожатхоналар ҳамсоялигида ўлтуруб ва оқшом анда ётарлар.

Парахўдда аксарият яҳудийларгинадур ва бир оз рус фуқаросидан ҳам борким, бир неча кашиш(пўп) лар ҳам бордур. Аларнинг аксари 3-синфда ва анбордадурлар. Бу яҳудий ва руслар аввалан Истанбулға кириб, «Аё Суфия» ва «Қаърия» жомеъи ва бошқа азиз калисоларни ва яҳудийлар «Хохом» бошини зиёрат этуб, сўнгра Қуддуси шарифға кетарлар, яъни рус ва яҳудий ҳожиларидурлар. Яҳудий ҳожиларининг аҳволи рус ҳожиларидан яхши ва аммо бизнинг мусулмон ҳожиларининг аҳволи оғирдур. Тил билмаслик, пулсиз ҳажға қасд қилмоқ ва пулликларнинг хайсу* чиркинлиги яна машаққатини зиёда этар.

2-даража золиға оқшом мандан бошқа яна уч-тўрт нафар яҳудий ва рус бор эди. Демокким, алар ҳам 3-даража йўлчилари экан. Азбаски, 1—2 синфнинг ётатургон жойи бошқадур. Яҳудий ва руслар ила суҳбат этдук. Яҳудийдан бири дерки, «Туркистон эски дунёнинг Амрикосидур. Пахта, маъдан, ғалла, хулоса, ҳар нимарса бор. Туркистон олтундур. Агарда Русия ҳукумати монёъ бўлмаса, барча мулкимни сотиб, пулиға Туркистондан ер олиб, деҳқонлик этардим. Олгун бериб, ер олиб, сўнгра олмос кўтарар эдим. Аммо, начора, Русия қонуни биз, яҳудийларни қисар...»

Мен, ичимда дедим: «Ташаккур Рус ҳукуматиғаким, сизни қўймайдур, валлоҳ, сиз яҳудийлар, биз аҳмақларни дарбадар ва беватан этарсиз...»

Яна бир яҳудий Турк ҳукуматини таъриф ва анга ташаккур этар. Ман дедим:

— Қуддус атрофидаги янги шаҳарларингиз қандай?

Деди:

— Алҳамдулиллоҳ, кундан кун тараққий этмоқдадур.

¹ Инсон назарда тугилмоқда.

Дўқтур Хретсил бу шаҳарни кўп меҳнатлар ила халойиқдан оқча жамлаб бино этди ва биз, яҳудийлар ҳам дунёда бир шаҳарлик бўлдук. Энди анда яҳуд банки ҳам бино қилинди. Дорулмуаллиминлар, гимназиёлар, ...лар бордур. Дўқтурнинг таклифи ила ҳаммамиз эски яҳуд тили (иброний) ўқуймиз. Ман ўзим русчадан бошқани билмас эдим. Бир йилдан бери ҳафтада икки соат ибронийча ўқудим. Энди ибронийча сўйлайман, ўқиб-ёзаман...

Ушбуларни деб суҳбатимиздаги бир Фаластин яҳудийси ила ибронийча сўйлайдур ва суонадурким, дунёдаги бутун яҳудийларнинг энди тили бирлашур (Арабийни тилларидан чиқаратургон мусулмонларга ибрат.)

Бир яҳудий бир оз иброний билар экан, русчадан бошқа тилни билмайдургон хотун олгон. Хотунига ибронийдан бошқа сўз демас экан. Хотуни йиғламиш, сихтамиш, чора йўқ. Эри ибронийдан бошқа қас(д)дан сўйламас. Хотун икки йилда ибронийчани яхши билибдур.

Энди мазкур хотун иброний жаридаларга мақола ёзармиш. Аммо биз 20 йил ўқуб, араби сўйлаб, ёзолмаймиз...

Параҳўдимиз соатда 18 чақирим юрадур. Оқшом фўртанасиз ўтди. 2-кун ҳам денгиз сокин, бир-икки олчин бўйидаги балиғлар узокдан параҳўдга қараб сакрайдур. Сувдан чиқиб, 3-4 газ ердан отилиб, параҳўдга яқин келур. Зоҳирий, параҳўд ташландиларидан еб одат қилибдурлар. 2-кун соат иккида Бўсфўр бўғозига кирдук. Бўғоз оғзида параҳўд турди. Туркия маъмурлари кичик параҳўд ила келиб, кўруб бўғозга кирмоқга жавоб берди. Бир оз юргандан сўнгра рус кўнсулхонасидан маъмурлар келиб, почта коғазлари таото¹ қилинди. Бўғозга кирилгандан икки тарафи катта иморатлар ва бўғоз тишида ҳарбий қалъа ва тарафайнда аскархона ва тўплар, катта-кичик ҳарбий параҳўдлар бордур.

Бўғознинг оғзидан Истанбулгача 2 соат қадар масофат бўлиб, кичик шаҳардек қишлоқ ва маҳаллалар бино қилингандур. Давлатлик кишилар, кўнсуллар бўғозни чаҳорбоғ ва иморат ила тўлдурубдурлар. Бир неча сана сўнгра бўғоз бошигача Истанбул шаҳрининг иморати етишар. Ҳозирда очиқ ер оздур. Денгиз бўйларининг мураббаъ* сажини* 20 сўмдан 300 сўмгача эмиш. Денгиз лабидан юқорироғи арзонроқ бўлиб, қишлоқ ва экин ҳам обчакорликдур*.

Бир оз юругондан кейин Истанбулнинг катта сарой ва

¹ Кабул қилинди.

боргоҳлари, ҳаммадан аввал жомеълари ва бошқа иморати кўрунди. Ўрта Барроқ¹ су(в), тарафайнда катта иморатлар. Ора-сира чаҳорбоғлар, сўнгра тоғу тош ва бутун ер яшиллик ва ул зумрадин* ер устида оқ ва мрамар, муқаддас жомеъ миноралари ва сарв оғочлари осмонга узалгандур. Хулоса, тўёлмас бир манзара ўртасидамиз. Эмди Истанбулга яқинлашурмиз. Атроф бутун парахўд, қайиқ. Бир тарафдан муқаддас жомеъларнинг олгун ҳилол (ой) кўюлгон ва кубба ва миноралари. Дигар тарафдан мрамар кўшқлар, подшоҳлик боргоҳлари бутун назарни ўзиға тортар. Қараган ила тўймайсан. Хулоса, Истанбулда Бўғозичи* латофати фавқулодда бир манзара бўлиб, Оврупо ва амрикойилар-да мунинг ошиқидур. Биз, албатта!..

Қайиқчилар парахўдни сориб* олди. Парахўд турмасидан* тирмашиб чиқдилар. Биз 3 киши 24 гуруш (2 сўм) га савдо этиб, бир қайиқ олдук. 15 дақиқа су(в) юзиға солланиб, Истанбул божхонасиға чиқдук. Денгиз ичида пўлислар ҳар қайиқдаги одамни санаб, қайиқчи нўмрини ёзиб, санад* берадурлар. Ана биз энди Истанбулдамиз.

*Истанбул, 8 июн.
«Ойна» ж., 1914 йил,
39-сон, 927—932-бетлар*

6

8-июнда Истанбулда кирганимиз қориларға маълумдур. Ёзилатургон матлаблар ҳар нимарсадан кўп. Қайси ва нимадан бошламоқни билмайман. Бинобарин, Истанбул ҳиссиётимни сўнғга қолдуруб, ҳозир бошқаларни ёзарман.

16 июн кеч Истанбулдан оташароба қиториға кирдук. Наманганлик муҳтарам бир муддарис-да рафиқимиздур. Истанбул ила Адрна ароси қитор ила ўн соатлик йўл бўлуб, Австриё насоролари темур йўлнинг соҳиби ва 2-синф белати ўн сўмдур. Бечора мусулмонлар беш юз йилдан бери Оврупода ўлтуруб, Оврупо одати, либоси ва ямон ишларини одат қилиб, аммо илм ва ҳунаридан керагича ҳисса олмабдурлар. Бул ҳар ерда шундайдур. Бу кунғача бир чақирим темур йўли бино қилмоқға бутун мусулмонларнинг илм ва иқтидори йўқдур. Аммо попирус, ичкулик ва бузуқлик тарафиға бор кучимиз ила аъло ҳолда тирмашармиз.

Темур йўл бир соатдан зиёда шаҳар ичидан ўтар. Андан

¹ Йилтироқ.

сўнгра тарафайн боғчалар, обчакорликлар, аскархона, сарбозлар чодиргоҳи, корхона ва фабрикалардур. Баъзан қатор денгиз каноридан ўтар. Эски «Бизанс»ликлар* тарафидан бино қилинган қалъаларнинг хароба деворлари ҳануз боқийдур.

Шаҳардан чиқиб, бир соатда Миср кўйига* етдук. Мунда Истанбул кибор ва давлатликларнинг боғистон ва сайфияси* бўлуб, аъло ва бир неча ошёналик иморатлар бино қилинган ва ҳар тараф кўклик ва хуррам* ва бир тарафи денгиздур. Мунда Турк давлатининг фишанг (ўк) корхонаси бор. Яна бир неча кўйларни ўтар эдук, офтоб ётиб, ҳар нимарса кўздан ғойиб бўлди. Оврупо қиторларига ётиб бўлмас. Икки киши ётадургон ўринга саккиз кишининг ўтурмоғи лозимдур. Ётмоқ йўқ.

Қиторга турк офицарлари кўп. Истанбулдан Адрна ва ондан охир ҳудудгача ҳар тараф аскар чордиргоҳидур. Офицарлардан баъзиси намоз ўқуйдур. Баъзиси юрмоқда. Оқшомни ўлтуруб ўтқардук. Ходимкўй ва Чатолчани ўтдук. Тонг отар, ҳар тараф чаманлик. Буғдой, арпа ҳануз пишгани йўқ. Атроф чоқир-чуқур ва оризаликдур. Ҳануз Адрнага икки соатлик йўл бор. Калисо бўлмоқдан қутулгон машҳури жаҳон Салимия жомеъи шарифининг миноралари кўрунур. Булғорлар тарафидан ёндирилган қишлоқ ва иморатларнинг хок тўдалари ҳар ерда намоёндур.

Махаттага етдук. Адрна мавқифи ҳам булғорлар тарафидан ёндирилуб эканким, энди янгидан бино қилинадур. Махатта атрофидаги кўп иморатларни ёндуруб эканлар ва Адрнани ташлаб қочиб вақтларида булғорлар ҳар тарафга оташ бериб эканларким, турк аскарлари етиб, сўндуруб ва булғорларни, ниҳоят, кўп озуқа ва асбоблари ва йигирмадан зиёда энг катта тўп, ададсиз милтиқ ва асбоби ҳарбияларини ўлжа олиб эканлар. Тўплардан бир нечаси Истанбулдаги Гулхона майдонидадур. Махатта атрофида турклар тарафидан овруповорий янги бир шаҳар бино қилинибдур.

Адрна шаҳри махаттадан 5 чақирим қадар бўлуб, мрамр тош фарш қилингон яхши бир йўл ила марбутдур. Тарафайн боғчалар ва ери ниҳоятда ўтлик ва бир тарафи подшоҳлик катта бир беша (ўрмонлук)дур. Қамов вақтида бу ўрмондан кўп кесилиб ўтун қилинибдур. Йўл канорида, ўрмонни бир тарафида мусулмон қаҳрамон шаҳидлари учун мазор ва оқ тошдан ёдгорий бино қилиб турубдурлар.

Эмди Мерич наҳрини ўтармиз, Самарқанднинг Зарафшон наҳридан етти-саккиз дафъа катта ва сокиг* бир наҳр. Ва устида юз газдан зиёда бир неча равоқлик турклар бино этган гиштин, муҳташам ва васиъ бир кўпрук. Ва икки тарафи мармар девор. Ўрта ерида икки тарафга нозир икки кўшк бордур.

Адрнага кирдук. Барча йўллари тош фарш қилинган ва ҳар тараф олий қубба ва минораси булутларга узайган жомеълардур. Ҳар кўча ва ҳар ерда бузулган ва ёнилган ҳавлиларга учралур. Шаҳарнинг энг обод ер(ида) энг харобазорлар учраладурки, муҳорабанинг зараридур. Муҳорабадан аввал бу шаҳарда юз мингдан зиёда киши бор экан. Энди 40 минг қолубдур. Мундаги рум ва яҳудийларга ҳам булғорлар жабр қилубдурлар. Румлардан бир нечасини ўтундек бирга боғлаб, Мерич наҳрига отиб, йўқ қилибдурлар. Мусулмонларни тириклай қудуқга солиб тўлдурубдурлар. Энди бу жойларда мазор ва ёдгорийлар бино қилинур.

Энди Султон Салим жомеъи шарифидамиз. Тўрт тарафи кунгиралик тошлар илан айлантурулгон 8—10 таноблик бир майдон ва ҳар тарафида дарвозалар. Бу майдон ўртасида жомеъи шариф бино қилинган. Чунончи, қиблага муқобил тарафга бир таноб қадар катта бир саҳн, 3 тарафи 21 равоқ ила айлантурулиб, равоқ қуббалари якпора мармар, рангоранг устунлар устидадур.

Равоқ ичкарисдан оят ва ҳадис ёзилгандур. Бу саҳннинг кириш дарвозасига садаф ва бошқа тошлар ўтқурилган ўймакорлик ҳалқа ва занжирлари муталлодур*. Дарвозанинг тоқидаги мармар устида олгун ила қабартма (манбит) шу байт ёзилгандур:

«Қад бана ҳаза-л-мақом ул-мужаббату ал амир ул-ҳақ султон ул-аном, аъни султон ус-салотин шоҳ Салим муслиҳу ябна лаҳу дор ус-салому баракаллоҳу таоло хайраҳу дафафуллоҳу ажран явм ул-қиём сора фазлуллоҳ таърих ул-асос 976—982 фазлу баъдаху кона тарих ал-итмом»¹.

Саҳн юзи мармар ила фарш этилиб, ўрта ниҳоятда санъатлик шашсу, мармар қубба ва остида катта бир ҳавз бўлуб,

¹ Маъноси: Бу улуг мақомни ҳақиқат амири, инсоният султони, султонлар султони шоҳ Салим мислсиз бир суратда меҳр билан бино қилгандирки, Аллоҳ таоло унинг бу эзгу ишига барака бергай ва мукофотини қиёмат кунда ўз фазли билан насиби рўзи этгай.

Асос ва битишнинг сана тарихи: 976—982.

атрофи темир тўр ила ихота қилингон ва мрамар ҳавзнинг ҳар тарафидан миллар ила сув олинур. Мунинг муқобилида жомеъи шарифнинг тилло ва садафкорлик катта дарвозаси бордурким, андан кириб, бу муқаддас жомеъи шарифнинг ичидаги осор ва санъатларким, аввалги мусулмонларнинг асаридур, кўрган кишиларни баҳс ва ҳайратларга фарқ этар. Муни ман сўйламайман. Оврупонинг мудаққиқ муҳандис ва олимлари сўйлайдур.

Мундаги осори нафисаи санъиянинг баён этмоқға ма- ним қаламим ожиз бўлиб, сатҳий баъзи нимарсалар ёзарман.

Жомеъининг ичи эшикдан меҳробигача 80 газ; 66 газ саккиз дона қизил, қаро, кўк ва облиқ мрамар якпора ус- тунлар устида катта бир қубба турар. Қуббанинг атрофи икки табақалик бўлуб яна тўрт қубба, 8 ним қубба ила давр этар*. Масжиднинг ўрта еридан ўн мураббаъ газлик мрамар ва мақсура* ва анинг устида минг қадар шамъ ёқилатургон бир қандил бордур. Остида мудаввар* садаф ва мрамарлар- дан бино этилган бир фаввораким, ичидан аъло бир сув набъон* этмақдадур. Меҳроб қуббасининг бир тарафида қим- матлик тошлардан бино этилган 20 қадар зариналик* бир минбар борким, минбари шарифнинг аъло гилам ва китоб ва эски асарларини ва олгунлик пўшишини* булғорлар олиб- дурлар. Жомеъи шарифнинг ич деворлари 4—5 газ иртифоъ- гача* хитойи табақ чиннисидан ҳам аъло бир чинни ила ранго-ранг ҳам оят ва ҳадислик чиннилар ила қопланган- ким, дарзлари маълум йўқдур. Андан юқориси асл ранглар ила исломий ва гиреҳмў* зоиқ* ва ранглар ила нақшланиб, қуббаларнинг сақфи¹ бутун оят ва ҳадис музойиқи* ва чи- ний кошнини ила зийнат берилгандур.

Меҳроби шарифни иртифоъи 8 қадар бўлуб, муқарнас* мунаббаткори* ўймалик аъло мрамардан бино қилинган. Ва мундаги морпеч ва занжира ва ўймакорлик ва олгун мунбат хат ва торларни латофати кўрулгон сайин тўюлмайдур.

Меҳробнинг ўнг тарафидаги кунжда* саккиз газ юқорида бир сандуқча ичида «Мўйи муборак» бор эканким, булғор- лар тарафидан тушурулубдур.

Масжиднинг ҳар тарафида девори ашкоф ва темур сан- дуклар ичида эски китоб ва Куръони каримлар эски осори ислomia бор эканким, булғорлар сундуруб, ўлжа қилибдур-

¹ Шифт.

лар. Алардан Султон Муродхоннинг тилло ила Куръони карим ёзилган кўйлагини Туркия давлати бир неча минг сўмга қайтадан ўлжа этган кишидан сотиб олгони маълумдур.

Жомеънинг ичида 1800 қандил, кирилтурган 9 дарвоза темур баъзан ҳаллик ва баъзан мрамор ўйма шабака*лик 900 дан зиёда равшанлик панжараси бордур. Тўрт минораси бўлуб, ҳар бири 3 шарафалик* ва ҳар бир минора ичидан 3 йўл ила ҳар бир шарафага алоҳида зиналар ила чиқилиб, минораларнинг учи 80 газдур. Ийд ва рамазон оқшомлари бу минораларга 1200 зайтун чироғлари ёқилур.

Муҳосара* асносидаги булғор тўпларидан жомеънинг уст тарафлари зарар кўруб эканки, энди тузатмоқдадурлар. Шарқий тарафидан етти панжара ўқлардан синибдур. Яна шарқ ва хорихдаги сим устунлардан бирига тўп гулласи* тегиб, барчасини учурубдурким, ҳануз маълумдур. Жомеъ майдонининг бир тарафида катта иморатлар бор эканким, ал-он аскар озуқалари ила тўладур.

(Бақияси* бор)

«Ойна» ж., 1914 йил.
40-сон, 957-962-бетлар

40-рақамдан мобаъд¹

Манзарасидан тўймасдан чору ночор Султон Салим жомеъи шарифидан чиқдук. Бу жомеъи шариф мусулмонлар учун энг қадрлик ва азиз жомеълардандур. Чунки булғорлар Адриани олганда бу жомеъни қўлга олиб ва эшикларига аскар қўюб, азону намозга руҳсат бермай, «Аё Суфия» калисоси бадалига калисо қилмоқчи эканлар. Бул арода Туркияни босган булғор, серб, қаратоғ ва юнон ҳукуматлари арасида ихтилоф воқеъ бўлди, шундайким, Адриани олмоқга ялғуз булғорни кучи етмади. Анга ёрдам учун серб аскаридан 20 минг қадар келди. Ва охири очликдан Адриана сукут этди. Турк аскарлари очликдан дарахтлар пўстини ва гиёҳлар томурини ебдурларким, қобуғи очилган ва тикка турган юзлар ила² дарахтларни кўзум билан кўрдум. Аскарлар очликдан кўб ўлубдур. Қувватсизликдан бир тўп ўқини ўн қадар аскар зўрға тўпга қўяр эмишлар: Бовужуд, шул ўлганча

¹ 40-соннинг давоми.

² Юзларча.

ишдан қолган ва ё қочган аскар бўлинмайдур. Шу ҳолда бўлса ҳам шаҳарни душманга топшурулгани учун аскар норозилик қилибдур. Сербия аскарлари келгандан сўнгра Адрна қаҳрамони Шукри пошо яна аввалгидан зиёдароқ қаттиглик ила Адрнани муҳофаза қилиб, ҳам душман ва ҳам очлик ила мубориза қилубдур. Дигар тарафдан Истанбулда Комил пошо «Буюк мажлис»ни жамлаб, Адрна аҳволи ва Туркиянинг қувватсизлиги ва Оврупо давлатларининг: «Адрнани булғорларга берингиз», — деган таклифини музокара қилиб, охири сулҳан Адрнани булғорларга бермоқга қарор берилиб, ҳатто, қоғазлар ёзиладур. Муни «Ёш турклар»нинг катталаридан ҳозирги Анвар пошо ва шаҳид бўлган Маҳмуд Шавкат пошо ва бошқалари эшитиб, ихтилол чиқариб, «Боби олий»ни босиб, ҳарбия вазири Нозим пошонини ўлдуруб, Комил пошонини банди этиб, Султонга маъқул қилиб, Маҳмуд Шавкат пошонини садри аъзам қилдуриб ва Анварбек бош бўлуб, «Глибули» тарафидан Адрна устига аскар чиқорди. Чатолча атрофида урушлар ҳам бўлди. Охири, лоиложона суратда очлик сабабидан Шукри пошо Адрнани таслим этмоқчи бўлди. Адрнани топшурди, аммо булғорга эмас, сербларга... Ва мунинг сабаби булғорлар ила серб орасида ихтилоф солмоқ эди. Ва ҳақиқатда Шукри пошонинг бу сиёсати душман орасида ихтилофга сабаб бўлди. Чунончи, Туркиядан олинган шаҳарлар устида Булғор, Серб ва Юнон орасида низоъ чиқди. Буларнинг орасида аввалдан ёзилган шартнома бор эди. Сербия у шартномадан зиёда ҳақни Булғордан талаб қилди.

Булғорлар деди: «Шартнома юзасидан тақсим қилармиз». Анга серб дедик: «Адрнага аскар юбормоқим шартномада йўқ эди. Санинг илтимосинг бўйинча ман Адрнага аскар юбордим ва ҳам Адрнани маним аскарим таслим олди. Бинобарин, Кўсўва ва Маностир тарафидан манга кўпроқ жой бермоқинг лозимдур». Булғорлар мунга кўнмади ва охирида серб ила юнон бир бўлиб, булғорларни урдилар. Бул аснода Анварбек тўрт кунлик йўлни бир кунда юриб келиб, Адрнани босиб, булғорлардан қайтиб олди. Булғорлар муни биллиб, Адрнанинг обод еру хонау аскархонау анборларга ўт қўюб эканларким, бу ўтларни ҳам вақтида турк аскарлари етиб, сўндуруб, булғорлардан бениҳоят озуқа, асбоб, милтиқ ва кўп адад тўпларни ўлжа олибдурлар. Ва Султон Салим жомеъи шарифини калисо бўлмоқдан қутқардилар. Агар-

да Комил пошо қарорномаси бўйинча Адрнани булғорларга сулҳан берсайдилар, балки мутгафиқлар ўртасида уруш пайдо бўлмас ва Адрна шаҳри абадан кетган бўлур эди...

Хулоса, Адрнанинг қайтиб олингонлигининг шарафи ёш туркларга ва Анвар пошога насиб бўлди.

Энди саёҳатимизга давом этайлук.

Адрна хорижда Сарой ичи аталган ва Тунча наҳрининг икки тарафида ёйилган энг ҳавондор* ва ниҳоят катта дарахтзор беша бордурки, қадима султонлардан қолган боргоҳларни(нг) харобалари мундадир. Бу бешанинг бир тарафи Адрна, дигари баландгина тоғлик ва бир тарафи ниҳоятсиз аскархона ва аскарый анборлар ва энг катта машқоҳ, лашкаргоҳ ва майдонлардур. Мунинг аросидан Тунча наҳри ўтадурки, биз келганда аскарлар Тунча устида уруш вақтида ва ҳужум замонида ажала кўфрук солиб ўтмоқ машқини қилиб туруб эдилар.

Дигар тарафда пиёда ва отлик аскарлар машқи ва дигар бир тарафда янги ясалган кичкина оташ аробалар ила аскархоёналар аросида уруш асбобларини ташир эдилар. Мунда ададсиз харобазор, ёқилган иморат, анбору аскархоналар кўбдур. Азбаски, бу ерни икки дафъа бўмбалар ила барҳаво этдилар. Бири усмонлилар тарафидан барҳаво қилиндики, мундаги асбобу аслаҳалар булғорга қолмасун, дигари ҳам шул матлаб учун булғорлар тарафидан ёндурилди. Бовужуд шу тошдан бўлган деворлариға таъсир қилмаган. Ниҳоят катта аскарый қишлоқ бутун турган истехком ва қалъалар кўпдур ва яна таъмир бўлуб турубдур. Мундаги майдон ва бешаларда юзлар ила катта чинор ва бошқа дарахтлар кўрулурки, қобуқлари очилиб, оч аскарлар тарафидан ошалибдур. Ерларни қозиб, томирлар қобуғини ебдурлар. Ана, 20-асрнинг маданияти ва миллатчилиги.

Бу бўлмаса ва мундоқ фидокорлик қилинмаса, миллият ва динлар маҳв бўлуб кетар...

Бу катта саҳронинг ҳар тарафи кўз олгунча аскарлар чодиргоҳидур. Ер-ер аскар, тўп, милтиқ ва озуқа ҳамда тоғлардек пичан анборлари. Турклар-да энди кўзини очди. Кафанини бўйниға солиб, ўлумини кўзга олиб, маҳкам ерлашмоқдадур. Ҳақиқатан, Адрна Истанбулни(нг), бошқа тил ила Туркия давлати(нинг) дарвоза ва устунидур. Бу жонхарош* ва қон асри қиёмат намуналик манзаралардан ўтуб, тўплар ила хароб бўлган бир-икки маҳалладан ўтуб, Сул-

тон Боязид жомеъи шарафиға кирдук. Катта бир майдон ва боғчалар, ундан сўнг атрофи мрамар равоқлар ила ихота қилинган. Ҳртаси фаввора — шодурвонлик*, ери мрамар бир ҳовли ва онинг қибла тарафинда ниҳоят катта бир жомеъни бевосита орқасинда Тунча наҳри оқиюр. Ва устинда узун бир тош кўфрук бино қилиб, бу маҳаллаларни асл Адрна шаҳриға рабт* қилингандур. Жомеъ майдонининг бир тарафида 200 газ узунликда, 30 газ баландликда мрамар бир иморат борки, бир неча қитъаларға бўлунуб, жомеъ ва мадраса ва шифохонаси учун вақтинда ошхона эмиш. Муҳорабадан бери ош йўқ. Майдонни бошқа тарафинда узунлиги 300 газ, эни 60 газдан зиёда ерларни босган кўп мрамар иморатлар борки, мадраса ва шифохонадан иборатдур.

(Бақияси бор)

«Ойна» ж., 1914 йил,
41-сон, 981—984-бетлар

41-рақамдан мобаъд

Мадраса бутун хароб ва ичинда бир неча жонлик жамоддан* бошқа нимарса йўқ. Ва Бухоронинг Баҳоуддин живориндаги Амир Дониёл мадрасасидек харобдур. (Амир Дониёл мадрасасинда жазом — моховлар турар.) На танҳо Бухоро ва Адрна, олами исломнинг аксари мадрасалари шундай хароб ва ҳашаротхонадур.

Султон Боязид шифохонаси ал-он мажнунхонадур. Ичига кирдук. Катта бир иморатда аёл девоналар ва бошқа иморатда эркак мажнунлар турар. Бир тарафида табиб ва ходимлар ва дигар тарафинда кўп хужралар борки, энг кўркунч девоналарни бирин-бирин ҳибс қилинубдур. Девоналарни ҳар бири бизларға бир навъ ҳаракат этар, баъзиси кулар, яхши сўйлар. Баъзиси сўкар, наъра урар, дигари йнглар, мадад истар. Хулоса, ажойиб бир манзара ичиндамиз.

Султон Боязид жомеъининг музайян ва зумуррад рангидаги мрамардан меҳроб ва минбари ва у тошларға ўюлган мунбат ва нақшлар ва муқарнас меҳроблар инсонни ўзиға жазб этар. Масжидинда ва атрофинда ҳар нимарса бор, ялғуз одам йўқ. Масжид атрофи мурдор ва ҳар тараф ифлосликдадур.

Жомеъ ва мадраса ва ошхона иморатлариға Булғор ўқлари тегиб, енгил зарарлар этибдур.

Адрнанинг ҳар тарафи харобазор ва ҳатто, шаҳарнинг ўрта ерлариға вайроналар бордурки, бунларнинг аксарига муҳораба сабабдур. Муҳорабадан муқаддам мунда юз мингдан зиёда халқ бор экан. Энди 20 минг киши қолибдур. Булғорлар ёндургон баъзи қишлоқлар бутун бўш эмиш. Ясмана қишлоқи беш юз хоналик экан. Энди 5–6 хона қолибдур. Хулоса, Адрна ниҳоятда хароб бўлубдур. Сув, ер, тупроқ маъмур, лекин одам оз, 13 мортдан 10 июлғача бу шаҳар булғорлар қўлинда қолиб, мусулмонлари кўп азият чекибдур. Куввати етгани ҳар нимарсасини ташлаб қочибдур. Энди навбати ҳижрат булғорларға етиб, мусулмонлар бутун Адрна вилоят — облўстидан булғорларни қувибдурларки, бу кун вилоятда бир уйлик булғор қолмабдур. Яъни Булғория тасарруфинда қолган мусулмонлар Туркияға, Туркиядаги булғорлар Булғорияға ўтибдурлар. Насороу яҳудийлар тарафидан ёлғуз Адрна шаҳрида 166 майхона очилиб экан. Адрна волийси Ҳожи Одил афанди мунинг аксарини ёпдурмиш ва ҳаммасини ёпмоқчи экан, кўнсуллар мудохала қилибдур. Туркларни бир дорулмуаллиминлари бўлуб, ал-он 105 талабаси борки, ҳаммаси лайлидур*. 200 талаба учун ер бўлуб, мактаб уч табақадур. Ошхона, таомхона, ҳаммом, машқ ва ижтимоъхоналари* бошқадур. Атрофида чорбоғи-да бор.

Мактабға 12 муаллим ва бир ҳикматхона-да бордур. Булғорларни олган бир олчинлик тўп ўқлардан бир нечасини мунда кўюбдурлар.

Мундан бошқа мактаби султоний, саноеъ, дорулайтом (урушда етим қолганлар) ва рушдий* ҳамда 17 боб мунтазам ибтидоий мусулмон мактаблари бордур.

Яҳудий мактаблари бошқа бўлуб, Адрнада икки минг уйлик яҳудийнинг 2100 талабалик мактаблари бўлуб, барча мусулмон шогирдларини адади 2100 га етмас экан. Мундан бошқа рум ва насороларнинг бир неча мактаблари бўлуб, яна икки олмон, икки франсуз, бир итолён, бир инглис мунтазам мактаби ва бир франсуз хастахонаси бор экан.

Адрнада савдо ва тижорат бутун яҳудий ва насоролар қўлинда бўлуб, ялғуз ҳукумат ва ўлмоқ мусулмонларғадур. Катта раста ва чорсуларни кездим, 50–60 дўконда зўрға бир мусулмон лавҳаси (вивеска) кўрулуб, аксари «Юҳанна», «Шолом», «Ниқўла», «Ўрхайдмиюс» ва амсоли яҳудий, рум ва насоро исмларидур.

Елдириим Боязид Султоннинг жомеъи шарифи бутун хароб бўлуб, ичи мазбалагоҳдур*. (Ана, мусулмонлик.)

Ва зариф ва якпора нуқрадек тахта, санг ва мәрмар стун ва муқарнас бошлиқ порулар* остиндадур.

Адрнада Михолбек жомеъи. Уч шарафли жомеъ ва бошқа бир хейле музайян жомеъларни атрофи бутун ҳарб харобаси, илмсизлик ва идорасизлик харобалари ила ихота этилгандур. Маориф боғчаси, Ришодия боғчаси исминда кичик ва зийнатлик боғчалари бўлуб, ичинда яҳудийлар тарафидан синаматўграфлар очилиб, кундуз хотунларга, оқшом эрларга кўрсатилур. Бечора мусулмонлар бу касбни ҳаром деб қилмай, аммо бор гуноҳ пулларини элтиб берарлар. Ана аҳмақлик.

Адрнада ҳар навъ мева ва галладан етишиб, суйи кўпдур. Мерич ва Тунча наҳрлари шаҳар ичидан ўтуб, мусулмонлар устинда бир неча кўфруклар бино этибдурлар ва бивоситаи Адрна бу икки наҳр бир-бирига қоришур.

Ал-он темур йўл махаттасига Адрнани 4 чақирим масофатида овруповорий янги бир шаҳар бино қилинибдур. Ва асл шаҳарга тош ва соядор бир йўл ила марбутдур.

Адрнада бир кун туриб, тамоман ароба ила юруб, оқшом махаттага келдук. Ярим оқшом оташи аробага ўлтуруб, эрта бирлан Чатолчадан ўтдукки, ҳар тараф ўр, истехком ва аскар чодиргоҳидур.

Йўлда арози пасту баланд, аммо ўтлик ва зироатдор ерлардур. Таран'да доимо яроқлик пўлис ва жандармалар бўлуб, Тарандаги одамлар исмини ва паспўртини ёзиб турадурлар. Демакки, туркларни кўзи очилди. Аммо баъд хароб ал-Басра. Кундуз соат 10. Истанбулға тушдук. Вагондан тушганда бири Оврупо, дигари ерли либосинда икки шақий* анқариб*, кийимни уруб эдилар. Аммо лутфи ҳақ ила огоҳ бўлдум...

«Ойна» ж., 1914 йил,
42-сон, 1001-1004-бетлар

Исмоилбек Ҳазратлари ила суҳбат²

...20 июнь, аср вақти эди. Марғилонлик бир мударрис жаноблари ила Истанбулнинг Гулхона паркининг соядор

¹ Аҳоли пункти.

² Журналда шу сарлавҳа билан берилган. Муаллифнинг мазкур саёҳати хотиралари билан боғлиқлиги учун киритилди.

йўлагинда юрар эдук. Олдимизда тоторча барра қарақўли тел-паклик бир тотор ила фаслик бир турк оқисталик ила кетарлар эди. Биз тез юруб ўтдук. Иккиси-да ошинодек кўрунди. Бир кўлумни кўксимга кўюб салом ишорати бериб ўтдим. Кўнглумга келдики, бу тотор Исмоилбекга ўхшайдур. Балки онга ўхшаш бир кишидур. Фаслик турк бўлса муҳаррир Ҳамдуллоҳ Субҳибек жаноблари эди. Ҳануз ўн қадам кетмаб эдук, «Ай, хожа», деб орқамдан ошино бир садо эшиттим. Қалбим уруб, ман бу зотни Исмоилбек ҳазратлари эканлигига шубҳам қолмай, қайтиб мусофаҳа этдук.

Ҳамдуллоҳ Субҳибек хувийятимизни* баён қилиб экан. Мулоқот асносинда дердилар: «На ичун бу қадар кўчаланмоқ?» (яъни на учун мунча тез мўйсафид бўлмақ?) Ман ҳам билонхтиёр*: «Афандим на учун бу қадар ориқланмоқ?»

Устод ҳазратлари буюрдилар: «На чора, ҳиссамиз бўйла...»

Эртага Шом ва Мисрға азимат этишимни арз этдим. Ундай бўлса суҳбат этайлук, дедилар. Ташаккур айтдим. Ҳамдуллоҳ Субҳибек афандина жавоб бердилар. Ман ҳам муарриис афандидан айрилдим.

Парқдан чиқиб, арбага миниб, устод ҳазратларининг манзили шоҳин пошо ўтелига келдук. Таом буюрдилар. Аммо иштаҳалари йўқ. Садолари хаста ва ҳар 3—4 дақиқада ҳафифгина* йўталиб, балғам ташлайдурлар. Хужрада манга Русиядан, Туркистондан, умум олами исломдан, дунёдан сўйлайдурлар. Мусулмонларни кундан-кун тараққий этишини сўйлаб хурсанд бўлурлар. Яна дерларки, Маҳмудхўжа, энди сиз сўйланг, боқолим.

Самарқанд, Бухоро, Тошқанд, Хива, Фарғона, хулоса, ҳар биридан сўйлайман.

— Оллоҳга шукур. Ҳукумат мактабларинда Туркистонли қардошлар бола бермоқга бошламишлар. Бугун 2 жарида ва бир мажаллангиз вор, мактабларингиз-да бир оз тараққийда. Албатта мустаиди¹ тараққий ҳукумат мактабларинда зиёдароқ бола берингиз. Рус маданиятидан қочмангиз... Оҳ, билмиём, шу Бухоро на ўлур,— дерлар.

Ман дерман: «Афандим, Бухорони ҳукуматимиз, яъни Русия тарбият этмагунча Бухородан бир шайъи умид этиб бўлмас».

Чунончи... устод дерлар:

¹ Элтувчи; ёрдам берувчи.

—Эвет*, охири шўйла ўлмоғи лозим келур.

Яна сўз бошқа тарафга кетар. Ман бир неча дафъа талаби рухсат этдим: «Балки зотингиз истироҳат этарсиз?»

Устод ҳазратлари дер: «Хожа афанди, сиз бурада бўлинсангиз, баним роҳатим зиёда бўлур. Агарда кетсангиз, мактуб ёзмоқга тутинарман».

Устод ҳазратлари феврал ойинда Петруғрадга бориб муслмон фраксиясини Муҳаммад Фотиҳ афанди ва бошқалар ила эм этиб келганда, иттифоқан совуқ олиб, андан бери нохуш бўлиб эканларки, Петруғраддаги мажлис машваратга хасталикдан боролмаганлари учун ниҳоятда таассуф этарлар эди. Агарда Истанбул ҳавоси ёқса, бир неча муддат турмоқчи эдилар. Олдимиздаги қишни, Оллоҳ кўйса, Миср ал-Қоҳирага ўтказиб, анда ҳам баъзи ишлар ишламоқчи эдилар. Қайтишда мани Боғчасаройда даъват ва Кримни афтомобил ила бирга юруб манга кўрсатмоқни ваъда этдилар. Мен ҳам қайтишда Боғчасаройга кирмоқни ваъда бердим, аммо бу манхус* муҳораба монёъ бўлди. Муҳтарам устод ориқлаган, йўтал ва балғам ҳар замон машғул қилар. Ҳар замон рухсат хоҳлайман, жавоб бермайдурлар. Изн сўраб, каравот-қорбўлага чўзуб, соатлар илан сўзлайдурлар. Бир замон қарасак, ярим оқшомдан бир соат ўтубдур. Яъни том 7 соат суҳбат этибмиз. Зўрға жавоб бериб зина бошиғача узатиб, қайтишга Боғчасаройга киришимга қайта-қайта сўз олдилар.

7 сана муқаддам устод ҳазратлари Самарқандга келиб, муаллим Шакурий ва бизга меҳмон бўлуб эдилар. У замонгидан кўра энди кўп ориглаб эканлар. Устод ҳазратларини Истанбулда кўрмоқ ва суҳбат этмоқ ҳеч хаёлимга ўтмаган эди. Оллоҳнинг лутфи ила устод ҳазратларининг танҳои 7 соат суҳбатларидан у қадар файз топиб мамнун қолдимки, айтган ила адо этолмайман ва ул суҳбатнинг лаззати асло мандан кетмайдур. Кошки эртаси Шомга кетмай устод ҳазратлари ила зиёдароқ суҳбат этса эдим. Оҳ! Ул устоди комилни энди қўлдан бердук ва олами руҳонийга учди. Балки уйқуларда, хулёларда* ул зоти сотуда* сифатнинг руҳи ила суҳбат этармиз.

Он айш гузашта, ки дигар бор нагардад...¹

«Ойна» ж., 1914 йил,
49-сон, 1162–1164-бетлар.

¹ Таржимаси: у ишрат ўтди, бошқа қайтиб келмайди.

Истанбул. Бўсфўр бўғози¹

...Қора денгиз ила Мармара денгизи бир-бирига Истанбул бўғози ила етишур. Қора денгиз соҳиллариндаги давлатлар: Русия, Туркия, Рўмония, Булғория бўлуб, Қора денгиз соҳилларини аксари аввалдан Русия, сўнгра Туркия тасарруфинда бўлуб, озгинаси Рўмония ва бир парчаси Булғория ерларидан иборатдур. Юз сана муқаддам Қора денгиз соҳил бўйларини(нг) аксари, балки ҳаммаси турклар тасарруфинда эдикн, бепарволикдан ва замонча ҳозирланмаганликдан аксарини қўлдан бердилар. Қора денгиз ила Мармара денгизларини бир-бирига улаштургувчи бўғозни Қора денгиз тарафиндаги оғзини Истанбул — Бўсфўр бўғози аталиб, кирингили ва чиқингили бир суратда Истанбул шаҳригача шимолий ғарбидан жанубий шарқига мойил бўлуб, узаядур.

Истанбул бўғозининг шарқий соҳили Осие, ғарбий лаби Оврупо қитъаси бўлуб, бул бўғоз икки денгиз ила икки қитъанинг бир-биридан айириб ва етишдургувчидур. Бўғознинг Қора денгиздан Истанбулгача узунлиги 30 килўметру бўлуб, икки соҳил орасиндаги энг тор маҳали 550 метр ва энг кенг ери уч килўметрудур (1 метру — 22,5 вершўк).

Бўғознинг энг чуқур маҳали 52 метру даринликда бўлуб, энг саёз ери 27 метрудур. Қора денгизга бир неча ширин ва катта наҳрлар қуюлгони сабабидан Қора денгиз суйи фақат танжир ила озаймасдан ортуқча сувлари бу бўғоз воситаси ила доимий суратда Мармарага ва андан Оқ денгизга оқгани учун Бўғозичи доимо оқинтилик ва баъзан фўртаналикдур.

Қора денгиздан Бўғозга ўтатургон сувини ҳар сонияга 30 минг макъаб* метр тахмин қилинур. Ва шул оқинти ва фўртаналар талоф* парахўдларини хужумлариға баъзан монень бўлмоқдадур. Бўғознинг икки тарафи тоғлик ва тепалик оризали ерлар бўлуб, бу ерларни усти ҳар навъ мевалик ва бемева дарахт ва сабза ва зироатлар, боғ ва боғча, кўшк ва қаср ва дилнишин манзил ва иморатлардан иборат бўлуб, манзара ва кўрунуши ниҳоятда дилфириб ва ажойиботи оламдан бўлуб, бутун сайёҳларни «валлоҳ» этар. Истанбул бўғозининг Осие ва турклар истилоҳатинча Анатўли соҳилиндаги шаҳар, қасаба ва кўйларини исми шудур: Ус-

¹ Ўз номи сақлаб қолинди. Ўрнига кўра Истанбул даврига олинди: Муаллифнинг ўзи: «Истанбул хотироти сўнгра ёзилур» («Ойна» ж., 1914 йил, 43-сон, 1030-бет),— деган эди.

кудор, Кодикўй, Қизилтупроқ, Аринкўй, Чомлича, Бўлгур-ли ва бошқа бир неча қасабалар бўлуб, Бўғозни тор ерлариндагилари ушбудур: Кузғунчиқ, Бекларбеги, Чангалкўй, Воникўй, Қандилли, Анатўли ҳисори, Қоглича, Чубуқли, Анжиркўй, Бекқўз, Анатўли қавоғи ва ўзга кўй ва қишлоқдан иборат ва бунлар бир-бирига муттасил бўлуб, Қора денгиз оғзидан Истанбул рўбарўсидаги Ускудор шаҳаригача узаядурлар.

Истанбул бўғозининг Оврупо тарафиндаги машҳур кўй ва қасаблари ушбудир: Ўртакўй, Арновудкўй, Бабак, Рум эли ҳисори, Амиркон, Испания, Янгикўй, Таробия, Буюкдара, Сориер, Рум эли қавоғи ва ўзгалари. Бу қасаба ва кўйларда энг олий бинолар ва яхши музайян боғчалар, тўртбеш табақалик бинолар бўлуб ва аксари ажнабий кўнсуллари-нинг ёзилик кўшклари шунда бўлуб, бу кўйлар-да Истанбулга муттасилдур. Бўғознинг икки тарафидаги кўй ва боғчаларга кибор халқи бўлганидек, деҳқон ва боғчадор халқи-да кўлдур. Истанбулдан бу кўйларда доимо ширкати хайрия ва бошқа ширкатларнинг парахўдлари гашт ва гузор этмоқда бўлуб, бу кўйлар Истанбулнинг маҳалла ва майсаралари ҳукминдадурлар. Бўғознинг Анатўли ёқасинда Султон Елдириим Боязидхон тарафидан бўғоз мудофааси учун Анатўли ҳисори тўпхона ва қалъаси ва Рум эли тарафинда Истанбул фотиҳи Султон Маҳмудхон соний тарафидан Рум эли ҳисори, қалъа ва тўпхонаси бино қилингандурки, бунлар эски усулда ва катта тошлардан хейли метин бинолар бўлуб, бу кунгача пойдор, аммо маътал* эди. Ва ҳозирги муҳораба замонинда яна бунлардан турклар фойдаланиб, тўп кўюбдурлар. Бу ҳисорлардан бошқа янги усулда ер остинда ҳам устинда махфий ва ошкора суратда бўғозни икки тарафинда, баъзан тепаларда ва баъзан чуқурлар ичинда кўп адад қалъа, таъбия* ва тўпхоналар бино қилиниб, ҳар навъ тўплар кўюлгандур. Ошкора таъбияларнинг тўпи денгиздан кўруниб, ҳатто, баъзи тўпларнинг оғзи ва учи сувдан бирикки аршин юқори ва сув устига бир аршин қадар чиқиб парахўд устинда ўтатургонларга даҳшат берар. Тўплардан бошқа бўғозни тахт ал баҳр мино* ва қайиқ ва топлатқичлар ила муҳофаза этиладур. Мана шу бўғозни оғзига яқин бориб, Русия ҳарбий парахўдлари Истанбулни таҳдид этмоқдадурлар. Ва ушбу бўғоз Истанбулни шимолий дарвоза-

си бўлуб, жанубий дарвозаси бўлса Қалъаи Султония — Дарданел бўғозидур. Истанбул шаҳри шимолдан Русия баҳриясиға, жанубдан англис ва франсузларнинг юздан зиёда парахўд ҳам тахт ал баҳр* ва фавқ ал баҳр*, учқуч, сузгучлари хужумиға ҳадафдур. Бу хужумларни натижаси ва бўғозларнинг чидаши ёинки таслим бўлуши тўғрисида дунё оқилларининг фикри ҳар навб бўлуб, тирик киши мунинг натижасини яқинда кўрур. Қалъаи Султония, яъни Дарданел бўғози ҳақинда келар адад «Ойна»да маълумот берилур...

«Ойна» ж., 1915 йил,
13-сон, 343—346-бетлар

42-рақамдан мобаъд

(Истанбул хотироти сўнгра ёзилур)

19 шаъбон — 21 июн франсуз попури-ла зиёрати Қуддуси шариф ва барои Шом учун Байрутға азимат этдим. 3-мавқеъ 9 сўм. Баъд аз зуҳр* соат 5 ҳаракат этди. 2 соат юрармиз. Ҳануз Истанбул шаҳриға муттасил хоналар, кўйлар мавжуд. Яъни ўнгда Истанбул шаҳри ва сўлда Осиё қитъаси сузулунур. Бўғоз ичинда оқ чодирлик балиқчи қайиқлари хейле кўб бўлуб, денгиз қушларидек гашту гузор этмақда-дурлар.

Оқшом денгиз юзи ойдинлик ила гўё кумуш қопланди. Ва поёнсиз кумуш мавжлари ичинда парахўдимиз сузулур. Маркаби баҳриямизға яҳудий, турк, араб, туркистоний, насоро, хулоса, Байтул Муқаддасни(нг) ҳар диндан ҳожилари бордур.

Бир неча туркистоний биродарлар аёл ва болалари ила ҳажға борарлар ва тўрт оила Фарғона халқидан ҳижрат этиб кетмоқдадур. Парахўдға бизни(нг) Туркистон аёлларини(нг) аҳволи ниҳоят қаттиқ ва асафликдур*. Бу ҳанжор* ила аёлларни судрамоқ ва аларни аёқлар остида ва парахўдни энг ямон жойларида сақламоқ, «дум»лариға ўралтуруб, парахўд нардбонидан йиқитмоқ... гуноҳдур. Ҳамда аларни боиси кулфат ва азийят ва касалликлари бўлур. Бу бечора аноларимизни бу ҳолат ила келтурулмаса, яхшидур. Фаранжи-чоршофлари бўлсун, бу «дум» — «қуйруқ»лар нимаға керак? Қирқилсун бу думлар, токи азият ва меҳнатлари озайсун.

Баъзи ҳожиларимизни киссалариға оқчалари бўлуб, сарф этмасликлари ва ялғондан, биз мискин, деб ҳаммол ила ва

бир-икки гуруш расм олатургон, карантин ва бандар* маъмурлари ила урушуб юргонлари боиси таъсифдур*. Баъзилари бир ой муқаддам Туркистонга пишурулгон сассиф гўштлар еб, касал бўлурлар. Ҳаво иссиф, маа фиҳи* қази ва от гўшти еярлар. Бир қисми нонни қаланфурга ботуруб устидан чой ичиб, охири қабзият ва касал бўлур. Кошгарий ҳожи афанди қариндошларимизни касал ва ифлослиги кўб кўрунур. Бу сўзларни айтиб, ислоҳ этмак керакдур.

Кун чиқар. Чаноққалта бўғозидан чиқармиз. Парахўд турди. Турк маъмурлари муойяна* ва таҳқиқ* этиб, жавоб бердилар. Тўпларни оғзи бизга мутаважжихдур. Бир неча ҳарбий парахўд ҳам бор. Тўпларнинг оғзи аждардек очуқ ва устинда тўпчилари-да бордур. Денгиз остинда мино, яъни жаҳаннам мошиналари-да бордур. Парахўдимиз бандардан ўтуб, қанграб-қанграб йўлига давом этди. Энди Оқ денгиз, яъни Баҳри абязи мутавасситдамиз*.

Чошт* бўлди, Ядалла жазирасига* етдук. Бу жазира Юнон ила Турк аросинда мутанозеъ фий-йадур*. Осиёйи Усмонидан бу жазира тор бўғоз ила ажралгандур.

22 июн, соат 6. Измир кўрунди. Кўрфази узундур. Измирдан бир қайиқ келиб, минасиз жойлардан парахўдни Измирга яқин олиб борди. Бир неча ҳарбий парахўдлар-да бордур. Шаҳарда эликтикли трамвай ва шаҳарни юқори тарафига чиқилатургон осонсур — элеватўр¹ йўли бордур. Атрофи боғчалик ва обод бир шаҳардурки, Истанбулни Ускудор қисмига темур йўл ила марбутдур. Бу замон устимизда бир турк тайёраси учуб, муаллақ урмоқда ва ердагилар «Яшасун...» садоси-ла гурламоқдадур.

Парахўдимиз ишини тамом қилса ҳам турпил-миналлардан кўркуб, оқшом юролмаи қолди. Измирга етмасдан денгиз каноринда мустаҳкам ҳарбий қалта-да бордур. Измирга 500 минг қадар халқ бордур атрофи илан.

Эртаси кун чиқгон сўнгра парахўдимиз юрди. Бир оздан сўнгра Сақич жазирасига етдук. Бу-да Осиёйи Усмониға ниҳоят яқин ва баъзан ораси икки минг қадам қадар бўлиб, Туркия ила Юнон орасинда мутанозеъ-ан фий-йадур.

Туркиянинг катта парахўдлари келгандан сўнгра бу жазиралар устинда уруш бўлиши муқаррардур.

Попурда бир неча Мадинаи мунавваралик арабларда бор-

¹ Эскалатор демоқчи.

дур. Бириси ҳарами шарифни(нг) муаззини эмиш. Суруш-
дум, ул деди: «Ҳарами шарифи набавийда 150 мударрис,
200 дан фазла* имом ва хатиб бўлуб, аксарини ойиға 216
ғурушдан, сўфийлардан қирқини 120 ғурушдан ва қолма-
ларини озроқ вазифалари бор экан. Ал-он ҳарами шарифи
набавий элиқтрик ила танвир* топилиб, боблар, минора-
лар ва дару деворни оқшомлари минглар ила чироғлар ва
ҳам ҳадис ва калимоти шарифани чироғ нурлари ила ёзиб,
танвир қилдураб эмишлар, яъни ҳарами шариф бир жан-
натдурки, инсонни чиқғони ва кўз айирғони келмайдур.

Ё хайра ман дуфина фит-туроби аъзам,
Фатоба ман таййибахунно алқоъ ва-л-окам.
Нафси фидоъи лиқабриҳи анта сокиниҳи,
Фиҳи-л-фаофу ва фиҳи-л мажду ва-л-карам¹.

Бадавийлар ал-он темур йўл нафъини билиб, хурсанд
эмишлар. Ҳатто, Макка йўлиндаги бадавийлар аросинда те-
мур йўл устинда талош бор эмиш. Яъни ҳар бири бизни
тарафдан ўтсун дер эмиш. Мадинаи мунавварада араб шиъа-
лари бўлуб, аксари қассоблик ва деҳқонлик ила машғул ва
масжидлари йўқ эмиш. Мадинаи мунаввара шаҳри темур йўлдан
сўнгра обод бўлуб, катта бўлмақда ва муҳожирлар ҳар та-
рафдан кўпаймоқда эмишлар. Мадинаи мунавварада бино
қилинатургон дорулфунунға араблар яхши кўз ила қарар
эмишлар. Ва Туркия ҳукуматиға муҳаббатлари яна зиёда бўлган
эмиш. «Ан-назофату мин ал-иймон»² эди. Аммо бизларда эм-
дилиқ ҳолда, назофат юзда бир кишигадур. Парахўддагилар-
ни аксари, балки ҳаммаси нос, попирус, чилим чекар. Ҳар
тараф дуд, бадбўй ва ифлослик. Темур йўлда бу бадбўйлик
яна зиёда бўлар. Денгиз иккигина қадам экан.

Яна пўстхўрда*, пиёз ва узум пўчоғи ва бошқа нимар-
салар ила биз ҳожиларни атрофимиз тўладир.

(Бақияси бор)

«Ойна» ж., 1914 йил,
43-сон, 1030–1034-бетлар.

¹ Маъноси: ушбу туфроқда дафн этилган, эй Сиз табаррук, фазилатли, улуғ инсон. Бу жой (Сиз туфайли) хушбўй (бинобарин), файзлидир. Сиз ётган қабрга жонни фидо этмоқ (ҳар нарсадан) афзалдир. (Чунки) бунда поклик, улуғлик, шараф бордир.

² Тозалиқ иймондандир.

23-саратон эртадан оқшома қадар Осийи усмоний ерларини чап тарафимизга олиб, бинафшаранг сув саҳросини поёнсиз мавжлари орасидан сузулармиз. Ҳар замон бир жазира ва баъзан балиқчи қайиқлариға учрармиз. Эрта бирлан тулуь ила баробар икки кулочгача балиқларни бир-бири ила ўйнашгани ва бу ҳур ҳайвонларни ҳаракати шоён тамошадур.

Парахўдимиз 24 июн Рўдус жазирасиға турди. Бир италён дўхтури одамларни муайяна учун суруклаб* бирин-бирин олдидан ўткарди. Италён пўлиси нардбонга* турар ва ондан рухсатисиз бир киши жазираға оёқ босмас. Тураблис маҳорабаси вақтинда 12 жазирани Усмонлидан забт этиб эди, буларнинг биридур.

Италённинг икки ҳарбий фўлодлик парахўди жазирани кўриқлаб турубдур. Парахўдға бир неча кафказлик черкас мусулмонлар ҳажи шарифға кетарлар. Русча ва черкасчадан бошқа тил билмайдурлар.

Русча: «Сан насоромисан?»— деб сўрадим. У қадар оташин бўлдики, кўзлари ила мани ерди. Жавобиға: «Черкас ҳамаси мусулмон, христиони йўқ, билмаюрмисан?»— деди. Сўнгра ман узр истадим.

25-саратон Қибрис жазирасини ўтдук. Бу туркларники эди. Энди англиз тасарруфиндадур. Икки кундур ҳам иссиғ, ҳамда туш вақти бир оз фўртана ўлур.

Икки қариш узунликда пишақдек катта бир каламушни попур хизматчилари қувадурлар. Каламуш одамлар ва юклар устидан қочар, тутуб бўлмайдур. Қуватургон хизматчиларни адади кўпайди. Ани ҳар тарафдан ихота этдилар. Қаҳрамон каламуш охири йўл топиб, ип нардбондан юқори чиқди. Хизматчилар-да орқасидан чиқди. Каламуш бошқа тарафдаги 20 газлик ип нардбондан тушиб, парахўд ичиға қочиб кутулди. Матрослар-да лабини ялаб қолди.

Бу кун 5-кундур, парахўдғамиз. Ҳар ким зериккан. Оқшом соат 11, Байрут соҳилиға етдук.

Байрутни ҳар тарафи чароғон, элиқтрик нурлари назар жазб этар.

Парахўдға ётдук. 26-июн эрта бирлан қайиқ ила чиқдук. Траблис муҳорабаси вақтида италёнлар ботургон бир турк парахўди шаҳардан юз қадам денгиз ичинда ҳануз ётар.

Бир соат тавқиф этдук. Оташ ароба ҳозирланди. Ўлтуруб Шоми шарифга жўнадик. Бир-икки кичик тунел ва тош кўфруклар остидан ўтиб, икки тарафи боғчалик ерлардан кечармиз. Ҳама ток, зайтун, анор, хурмо, анжир, патак анжир боғчаларидур.

Экинжойларга ҳар уч газга бир тут ниҳоли ўтқурулубдир. Ҳар йил бир-икки дафъа тутларни шохи ўрулуб, ипак қурти ва ё ҳайвонотга берилур экан. Барги аларга туъма* ва чўби ўтун бўлур. Тутни фақат танаси қолиб, экинга соя солмас. Мундай тут ва ости экин майдонлари ниҳоятда кўпдур, бўш ер йўқ. Боғлар темур йўлга у қадар яқинки, меваларни оташ ароба устида узмоқ мумкиндур.

Иккинчи маҳаттадан Жабали Лубнон айалат* мумтоза-сиға кирармизки, бу ер насоро араб бир бек тасарруфиға бўлуб, Туркия ҳукуматиға тобеъдур. Халқи араб насородур. Бир оз мусулмон-да бор. Ҳамаси араб либосиндадур. Оташ ароба доимо баланд тоғларга эгри-бутри йўллардан чиқар. Темур йўлни ўртасинда яна соат чархидек дандоналик бир темур хати борки, вагонларни сахлайдур. Бутун Жабали Лубнон қишлоқ ва қасабалари хуш ҳаводур. Тоғларни тепа ва ямоч ва сойларинда ёйилган ва яхши ерларинда аъло сайфия* боғ ва уч-тўрт табақалик тош оврупойи иморатлар бино қилингандурки, Миср тарафиндан бойлар келиб, ёзни мунда ўтқарарлар. Мева-да кўп.

3 соат юруб, тоғ туннелларидан ўтуб, Жабали Лубнон худудидан чиқдук. Эмди Шом ерларигамиз. Очиқ бир водий. Ҳар тарафи боғча ва экин ер, ҳар навъ мева ва чашма сувлари ниҳоятда кўп. Араб болалари мева сотарлар ва бизни Туркистондек меваси арзон, ери қизил кесакдек қизилдур. Салқин ва соф бир ҳаво ютармиз. Токларни аксари, балки ҳамаси лалми ва тоқларни бир-икки қулоч тана-зирнаги бўлуб, учидан шоха қўюлган, яъни тоқлар ерға ётган дарахтдекдур.

Бир-икки маҳатта бу кенг водийдан ўтуб, яна оқ ва қизил ранг тоғлар орасиға кирдук. Тарафайн* баланд тоғлар ўртасидан бир наҳр* оқар. Наҳрни икки тарафи муттасилан боғчалар, кўй ва қишлоқлар, беш-ўн маҳатта бу латиф манзаралардан ўтармиз. Музлик сув чашмалари. Араб болалари чашмалардан тўғри сув олиб мусофирларга сунар. Биз-да бахшиш берармиз.

Шомга икки маҳатта қолди. Шом сайфиялари ва кибор

халқи учун қилинган жавлонгоҳ ва қаҳвахоналар умумий ва табиий боғчалар орасидан кетармиз.

Хулоса: баланд тоғларни ямочиндаги боғча ва ўртасиндаги шаффоф наҳрлар орасидан ўтуб, Шоми шариф шаҳрининг махаттасига етдук.

«Ойна» ж., 1914 йил,
44-сон, 1045–1048-бетлар

44-рақамдан мобаъд

Шоми шариф махаттасига индим. Бир неча туркистоний, бухорий, эроний ва араб даллол ва нўмирутел хизматчилари атрофимни олдилар. Ҳар бири юкларимга қўл узатмоқда ва юкларни олмоқ учун бир-бири ила сўкушмоқда ва ҳар бири тумшукунгни остига суқулуб, ўз манзилига сени таклиф этиб, бошқасининг манзилини ёмонламоқдур. Чарчаган кишини яна кулфат бериб, номулойим ҳаракатлари нерв-асабингга тўқинадур. Ўн қадар бу мусофирлар сайёдини ҳар бири ила ғовға этиб, қўлларида нимарсаларни тортиб олиб, ҳаммолга кўтартуруб, аробага қўюлди.

Яна орқангдан қолмайдурлар. Бириси дер: «Ман эроний ва санга ҳамшаҳардурман, сени ўз манзилимга олиб бормоқга ҳаққим бор».

Ман дедим: «Фақат кулоҳим эронийдур». Маа фиҳи атрофингдан кетмайдурлар.

Дедим: «Сизлар бу мамлакатга келиб шу қадарми одамгарликдан чиқдингиз?..»

Сўз таъсир этмас. Бири ароба ичиға, дигари аробачи ёниға минди.

Ман дедим: «Ҳеч бирингни ўтелигга бормаيمان, модомики сизлар бу қадар адабсизлик қиларсиз». Кулоғига олмас.

Ароба жўнади. Аммо аробада икки нафар ҳожи сайёди. Аробачиға дедим: Бу иккисининг ўтелиға кетма. Балки шаҳарнинг ўртасинда ва энг аъло бир ўтелға ҳайда. Аробачи арабча: «Бил-раисва ала айн», — жавобини берар. Бир хейли ҳайдади. Бирисининг ўтели олдидан ўтдук. Аробани сахлаттурди*. Нимарсаларни ўз ихтиёри ила тушурмоқчи. Лоилож қўлум ила, шамсия ила ўтелчининг туркистоний хизматкорини урдим, азбаски ҳайвонча этиб сўкмоқ ҳам кор этмайдур. Бошимға салла, эйнимда жома йўқлиғи анинг шарридан* қутултирди. Агарда ҳожи либоси ила бўлсанг, бу нобакор даллолларни бандаси бўлдинг-кетдинг.

Бир оз нари кетиб аробачи ёнига ўлтурган арабнинг ўтелига индум.

Дорус-сурур ўтели 3 табақалик, боғча ва фаввора ва ҳар нав гулистонлик таомхона ва чойхоналик, усти шиша ва ости мрамар фаршлик аъло бир ўтел. Чиқиб кўрдум. Мани хоҳлайдургон хужра йўқ. Ўтелдан чиқиб қарасам, аробадаги юк устинда ушбу ўтел хизматчиси ила бошқа бириси урушбдур. Пўлис ҳозир бўлуб, мудохала қилмоқда.

Пўлистан сўрадим, мусулмон мулки ва мусулмон ижорасиндаги 3 табақалик ости мрамар, усти шиша аъло бир ўтел кўрсатди. Ангилтара ўтели мусаффо, карават ва асбобликдур.

2-табақадан бир хужрани етти гуруш, яъни 6 тийинга олиб кирдим. Ўтел ходимлари ва ҳамшаҳар даллолларни махаттада ҳожиларга бератургон азиятлари таҳаммулдан зиёдадур.

Шоми шариф ўтеллари аъло ва арзондур. Таом ва мева-да арзон. Ўтелларга фаввора ва деворлар орасиндан ҳожатхона ва ошхоналарда мил ила келтурулган жорий сувлар доимо бордур. Ҳар ўтелда мажоний совуқ ҳаммомлар ва аъло таомлик ошхоналар ва ҳар хужрага сув ва мажжоний собун ва сутдек ётоқ пардалар ва дастмоллар ва карават устинда оқ турун (пашшахона), эликтрик чирроғлар, хулоса, асбоби истироҳат мукамалдур. Миср, Истанбул, Шом ва Байрут нумералари арзон ва энг аъло ва мукамал ва ялғуз кишига бир уйи бир ярим сўмдан 50 тийингачадур. Баъзи уйга 3—4 карават борки, 20 тийиндан 50 тийингача ҳар каравати ижарага берилур.

Ҳожилар учун дуруст манзилга кирмоқ муҳим масаладур. Даллоллар сўзига кириб, кир ва тахтаканалик жойларга бормоқ дуруст йўқ. Аммо бу қадари борки бизни баъзи ҳожилар давлатлик бўлсалар ҳам таблик, ифлос, мажжоний таъя ва ёинки ниҳоят арзон, мурдор ерларни таржиҳ* этарлар. Бизни ҳожилар йўлда аксариятан у қадар кир бўладурларки, дуруст ўтелларга борганда ҳам қўймайдурлар.

Шоми шарифда мажжоний таъя ҳам бордур. Одам бошига 15 тийин оладургон жойлар-да бор. Даллолларни ҳожи овламоғи бутун аскала* ҳам вағзолларда жорийдурки, бу овчиларни(нг) аксари, балки ҳаммаси ўзимизни бухорий, туркистоний сарсари ҳамшаҳарларимиздур. Табиий, ичларинда тўғриси-да бор, аммо аксари каззоб ва алдовчидур. Ҳожиларни шайтанат этиб* баъзан Истанбул ва ё Шомдан Макка ва ё Миср учун тижорат моли олиб берарлар. Ватанга

савфо олиб борарсиз, деб ҳожиларни оғур қилиб мол олиб берарлар. Ҳожиларга лозимки, қайтишга кераклик нимарсаларини олсалар ва ҳожиларни доимо қушдек енгил бўлишлари лозим. Ҳар ердан нон ва таом топилур. Тўрбаларга қоқ нон ва талқон кўтармоқ кулфатдур.

Бир-да пул масаласи бор. Ҳар бир ҳожиға лозимки, мамлакатида ёниға юз сўм сақлаб, бошқасини бонкаға бериб, Одис, Севастопўл, Ботум, Истанбул, Байрут, Шом (Дамашқ), Қуддус (Иерусалим), Қоҳира, Искандария, Пўрт Саид, Жидда шаҳрларидан истаганимча оларман, деб бонкадан аккердитив исминдаги ҳаволанома қоғаз олсун, бу тақдирға бонка ҳар бир минг сўмға 3 сўм қадар масриф* олур. Ва ҳам берилгон пулға бонка фойда берар. Олган кунниғача пулни бонкаға беришға паспуртдаги исмини айнан бехато ёздурмоқ керак. Қўли бор одамни қўлининг намунасини тейишли бонкларға аввалан юборилур. Пул эгаси, масалан, Истанбулдан бориб олмоқчи бўлса, яна қўл кўйдуруб, аввалги қўл ила солиштириб кўрадулар. Агарда қўли бошқа чиқса, пул берилмайдур, балки тафтишға берилур. Ва ҳамда пул эгасининг қўлиға бир дафтар ва бир тахта бланка қоғаз берилур. Бу қоғазлар ила бошқа одам борса, оқча ололмайдур. Агарда пул эгаси ўлса, оқча ҳамроҳларға ва ё даллол ва байтул мол*ға қолмасдан варасаға* тегадур. Ва ҳам ўғридан хотиржам бўлуб, ҳожи тинч бўладур. Аммо зинҳор бировни қоғаз ила бошқа киши бонкадан пул олмоқчи бўлмасунки, тергов ва ҳибсға тушуб, ҳаждан ва йўлдан қолиб жазо чекар. Туркия ва ёинки хорижия бонкалари ё қоғаз оқча ва ёинки оқча бозорининг нархи юзасидан ҳожи талаби бўюнча Туркия олтуни ва ёинки франсуз, англис ва ёинки Миср олтун ва ё қоғаз оқчасини берарларки, ҳар ерда ўтар. Аларни синдургонда бонкаларға синдурмоқ керак. Чунки саррофлар* сарфини кўб олур. Ва ҳам тезобға* солинган ноқис* олтуларни берарки, кам юрар.

Шоми шарифда келган ҳожи афандилар «Қуддус» ўтелиға тушсалар, мамнун бўлулар. Махаттаға ва шаҳарға яқин, пиёда бормоқ-да мумкиндур.

(Бақияси бор)

*«Ойна» ж., 1914 йил,
45-сон, 1077-1081-бетлар*

Шом шахрининг асл оти Дамашқдур. Шом исмининг асли «Шоъмун» бўлиб, арабий сўл, яъни чап маъносини ифода этгувчи ва Яман қитъаси муқобилинда, яъни Ҳижозини мағфират тарозга* нисбатан чап тарафда воқеъ бўлган мамлакатга араблар тарафидан берилган бир исмдур. Бутун мамлакатни «Барои Шом — Сурия» ҳам аталиб, Нафси шаҳарини ўзини «Дамашқи Шом» аталадур. Ушбу шаҳр Қосюн ва Жабалушшайх тоғларининг этагидаги ҳаводор бир водий — сойга ва яшил боғчалар аросинда воқеъдур. Қосюндан инатургон Барди наҳрининг барроқ ва латиф-ул-ҳамимлик* муз суйи бир неча ариғлар ила шаҳар ва атрофини сувлайдур. Ушбу сувдан Шомни аксар ҳавли ва уйлариға фаввора ва таҳвили маъ* ила ҳатто, ошхоналарғача жорий сув келтургондур. Шаҳарнинг бир қисми Имора ва бир қисми Салоҳия аталур. Шаҳарда уч-тўрт табақағача иморатлар бўлуб, ахйран йўл ва ободликиға ҳукумат ҳаракат этубдур. Шаҳар Сурия вилоятининг марказ ҳукумати бўлуб, Туркиянинг Осиёи Усмонияға биринчи шаҳридур. 200 минг қадар халқи бўлуб, 170 минг муслим ва бақияси рум, катўлик, прутистант, сурёний ва олти минг қадар яҳудий бўлуб, бу халқнинг барчаси хоҳ мусулмон ва ғайри мусулмони арабий сўйлайдурлар. Шаҳарга 300 қадар жомеъ ва кўб эски мактаб ва бир неча эски мадрасалар бордур. Янги мактаблар бўлса, шундан иборатдур: ҳукуматнинг Мулки эъдодий*, Мулки аскарый*, Мулкияъи рушдийя*, Аскарияи рушдийя, Султони туркий, Султони арабий ва яна бир неча ибтидоия мактаблари бордур. Ҳукуматнинг яна бир «Мактаби санойеъ»* и ва ики катта кутубхонаси бордур. Нафс шаҳрида бир неча матбаа ва 2—3 жарида чиқар. Халқ ва жамият тарафидан идора қиланатургон арабий Ислом низоми мактаблари ушбудур: Ватан эъдодийяси, Мадраса ат-тараққии рушдийя, Иттиҳоди* рушдийя, Савқ ут-Тийн рушдийя, Мадраса аш-шарқия рушдийя, Таълим ул-ватания рушдийя ва яна булар учун бир неча ибтидоия мактаблар, шаҳарда мусулмон араблардин ажзаъхона — аптик бор. Ва ҳар ерда мусулмон дўқтурларнинг лавҳалари кўрунур. Мусулмонлар кўлинда муз фабрикаси, тамбоку* ва попирус, нажжори ва садафкори йиғоч ишлари фабрикаси, ипак фабрикаси, ҳарир боқи фабрикаси ҳамда шиша фабрикаси бордур. Жомеъла-

рининг биринчиси ва балки Макка, Мадина ва Қуддус ҳарамларидан сўнг шарафлик ва музайян жомеъи — «Уммавиййа жомеъи шарифи» дур.

Шаҳарга кирган кунни(нг) эртаси зиёратига мушарраф бўлдим. Бу жомеъининг асл еринда эски бир маъбад ённки бутхона бор эканки, сўнгралари калисоға табдил ва хароб бўлуб экан.

Хулафои Уммавийадан Валид бин Абдумалик бин Марвон тарафидан санаи ҳижриянинг авваланчи юзинда ушбу назирсиз жомеъи шариф бино қилинган ва дунёнинг биринчи музайян ва санъатлик жомеъидурки, мухтасар ва сатҳий суратда муҳтарам хонандалар учун кайфиятидан ёзармиз.

Аввалан ҳар тўрт тарафи баланд тоқу равоқлар айлантургон ва мармар сайқал берилган тошлардан бино қилинган катта бир мураббаъ ва мустатил* ҳарамга кирилуру. Ҳарамни(нг) ичӣ тамоман сайқал берилган мармарлар ила фарш бўлуб, сафоси ва тозалиги муболағасиз, сут тўкулса, яламоғи мумкин даражададур.

Ҳарамни(нг) барча тарафи бозор ва раста бўлуб, ҳар тарафидан бир неча дарвозалари борки, ҳарамга киратургон хоҳ аёл ва эр бўлсун кафш ва этикларини суғуруб кирарлар. Ва ҳар тарафинда доимо баввоб* ва худдомлари* бордур.

Ман калушни чиқориб этик ила ҳарамга кирдимки, орқамдан ўн қадар араб болалари эргашиб, «Ихлаъ, ё ҳожи, ҳарам», деб безор этдилар. Охири, чиқармоқға мажбур бўлдим. Уч тарафи равоқ ва бир тарафи масжиди муштамил*. Ҳарамни узунлиги 240 газ, эни юз газ бўлуб, ўртаси мармар саҳндур. Ва саҳн ўртасинда ҳаштсу бир мармар-фаввора шодурвонлик жорий ҳавз бор. Ва ҳарамни ҳар тарафинда бир неча фавворалик, вузуъ* маҳаллари бордур. Асл жомеъи шариф ушбу ҳарамни қибла ва тўлоний тарафинда бўлуб, нафси жомеъ* ичининг тули 210 газ, арзи* 58 газ бўлуб, масжидни ичинда якпора қирқ дона мармар стун бордур. Ҳар бир мармар стунлар яна мармар равоқлар ила бир-бирига марбут бўлуб, яна бир равоқларни ҳар бири устида ажойиб суратда икки донадан равоқлар ясалиб, онинг устинда масжидни саҳфи бино қилингандур. Масжидни тўрт тарафи ердан 8 газ юқориғача деворлар мусайқал, гулдор ва жавҳардор оқ ва кўк ва қора аъло жинс катта ойинадек жиллолик самоқ* ва мармарлар ила бино қилиниб, бу мар-

марлар ундай устолик ила бир-бирига васл қилинибдурки, дарзини топмоқ мушкулдур.

Узунлиги 4—5 газ, эни 2—3 газ мармарларни устига қозма ва қабартма мунаббат* ислоний гирех ва нақшлар қозилиб, бизни мамлакатда ганч устинда деворларга намоя, меҳроб, ироқи, муқарнас, мунаббат, морпеч...* қилганларидек, рахом* устига ажойиб нақшлар ўтқарибдурларки, инсонни ҳар бир тош ўзига парастииш* этар даражасигача тасхир этар. Ҳар на қадар диққат этсанг, ул тошлардаги мусулмон санъати ул қадар ортиқча жилва этар, гўёки ҳар бир тош бир санамдур. Стун бошлиқлари у қадар санъатликдурки, кўрмагунча инонилмайдур. Масжиди шариф деворининг қалинлиги 4 газ бўлуб, қибла тарафидан бозорга қараган музайян бир эшиги бордур. Масжидга 2 меҳроб бўлуб, ҳар бирининг баландлиги 8 газча бўлуб, меҳробларни икки тарафинда ва ичинда ҳамда устинда мармар ва жавоҳирлик мусайқал тошлар устиндаги қозма ва қабартма нақшлар инсонни дучори ҳайрат этар. Бутун меҳроб ва атрофидаги тошларга холис олгун қабартмалар ила оят ва ҳадислар ёзилган садаф, ақиқ, зумуррад ва забаржад тошларидан чархи ишлаб, мармарлар устинда мош ва нахуддан бошлаб данак катталиғигача майда, шундай музойиқ ва кошнкорилар этганки, ўзбекча сўйлайин бир табоқдай жойига бир соат қараган ила кўруб тамом қилолмайсан. Инсон ўзини бир олам ҳунар, бир дунё санъат ичинда кўруб, аввалги мусулмонларнинг дин йўлинда этгон сайъи ва қилгон ихлосларининг ҳамда ҳунар ва нафис санъатда этган тараққийларининг ва сарф этган пул ва ғайратларини ўйловиға гарқ бўлуб, кўзи тинар ва ҳеч нимани кўрмас даражасига келур.

Ё раббий! Мусулмонлар ва у бадавий араблар бу қадар қадарми аҳли санъат бўлдилар? Илоҳо, бу на хориқадур*. Бир сўз ила тамом этайин. Роқими ҳуруф ҳинд, эрон ва испаниё жомеъларидан бошқа ислом оламининг барча жомеълари зиёратига мушарраф бўлдум ва аммо жомеъ Уммавиййадек зийнатлик ва осори нафислик бир жомеъ кўрмадим. Ёнимда амиркойи насоро бир сайёҳ бўлуб, турк бир таржумони-да бордурки, соатлар ила ушбу меҳроб ҳузуринда эди. Бир оз сўйлашдук. Ул деди: «Ҳинд, Испаниё, Эрон ва Туркияни, хулоса, Ҳижоз ва Хитойдан бошқа бу-

тун Шарқ оламининг жомеъларини ва асори нафисасини кўрдум. Аммо бу жомеъдаги араб санъатининг бошқача маънийати* бордур. Италиё ҳайкалтарошликда дунёда биринчидир. Аммо арабларнинг маъноий саҳиҳи* ила бу диний «ҳайкал»лари — меҳроб ва минбарни кўрсатиб дер: «Ҳар бир санъатни мувофиқидур. Санъати нафиса ила жазбияти руҳония қувватлари бир бўлуб, инсонга турфа ва ажойиб таъсир этар. Ва бир ҳафтадан бери ҳар куни келиб қарайман, яна аввалгидан зиёда нафис ва яхши кўрунур...»

Ана, бир амрикойининг сўзи.

Уммавиййа жомеъинда икки меҳроб бўлуб, бириси нисфи шимёлининг нисфинда, дигари масжидни том ярминда воқеъ бўлуб, бу меҳробни 6 газ фосиласида* йнгирма қадар зиналик ва эшик ила чиқилатургон, ҳар тарафи музайян, муттало, мунаққаш ва ўймакори забаржад рангидаги раҳомлар ила шабакаланган* ажойиб дилфиреб ва сеҳромиз ранго-ранг самоқлардан бино қилинган бир минбари шариф бўлуб, устинда чаҳортарк* мунаққаш бир қубба ва анинг устинда муттало бир қубба ва онинг устинда «олтун хилол» кўюлгандур.

Ўртадаги меҳробни сўл тарафинда масжид ичинда музайян самоқ ва мрамрлардан бино қилинган ширин ва латиф, ниҳоятда санъатлик бир қубба бўлуб, ичи ҳазрат Яҳё алайҳиссаломнинг марқади шарифларидур. Яна меҳробни сўл тарафиндаги деворинда Худ¹ ва Ҳизр алайҳиссаломнинг мақоми муборақлари бордур. Масжиднинг қиблага муқобил тарафи, яъни намоз ўқутанда орқа тараф, асл бинода фақат очик равоқлардан иборат экан. Аммо ал-он равоқларни аксари беркилиб, 4—5 равоқга асл вусъятига мувофиқ катта эшиклар ўтқурулубдур.

Масжидни ери аъло ва мусайқал мрамрлар ила мафруш* экан. Ал-он қимматлик ҳасирлар* ила ўртулуб, устинда Истанбулдан юборилган энг катта ва ранго-ранг 130 дона пат, асл қолин солингандур. Масжидни ҳар биринда садафкори санъатлик ажойиб кўп адад лавҳлар ва устинда Қуръони карим ва Ҳадиси шариф китоблари кўюлган, ҳар ким ўқумоқдалур.

Масжиди шарифнинг қандил ва шамдон тоқимлари кўп ва хейле зариф бўлуб, элиқтрик ила танвир қилиниб, оқшо-

¹ Худ — Яхуд.

ми чирог нурлари у мусайқал мармарлардан акс этиб, яна ажойиб ҳусн пайдо этиб, ғариб кайфиятда жисму жонга таъсир этар.

15 сана муқаддам шаҳарга воқеъ бўлгон бир ёнгин масжидга сироят* қилиб, сақфига зарар келтуруб эканки, ҳозирги уст пўшиши ажойиб суратда санъатлик йиғочлардан бўлуб, ҳар навъ ранглар ила ниҳоят зебо ва деворига ёқишиқ кайфиятда нақшлангандур. Таъмири халойиқ ва ҳукумат тарафидан бўлубдур.

Ҳарам атрофинда уч катта минора бўлуб, бири минораи байзо* ва ҳазрати Исо алайҳиссаломни нузуллариға мансубдур. Ҳарам саҳнида уч ерда қори ва муаззинлар учун бино қилинган мақсуралар бордур. Масжид ичига кирсанг, ҳар нимарсадан сиво* бўлуб, руҳоният ва олий ҳисларға ва равшан бир мозийнинг саҳҳор* таъсири ила маҳвият даражасиға келиб мажбуруна убудият саждасиға кетарсан. Ва Оллоҳи зулжалол даргоҳиға ўзунгни кўруб, лохутий* бир ҳолат рўй бериб, дунёни унутарсан, қалбинг, жисминг ёлғиз Оллоҳ дер.

(Субҳоно зи-л-мулк вал-малакут)

(Бақияси бор)

*«Ойна» ж., 1914 йил,
46-сон, 1095–1101-бетлар*

46-рақамдан мобаъд

Уммавиййа жомеъи ҳарамнинг бир тарафинда машҳур Султон Салоҳиддин Айюбийнинг қабри бордур. Бу жомеъдан бошқа 999 санаи ҳижрияда Синон пошо тарафидан бино этилган жомеъ Синония ва яна Дарवेशия жомеъи, Жомут-тўбо ва бошқа жомеълар ниҳоятда зийнатлик ва ери аъло гиламлар ила тўшалган, ажойиб қандиллар осилган ва ҳар бири бир подшонинг катта боргоҳидек дабдабалик жомеълардур.

Дамашқ аш-Шомнинг Солиҳия қисми асл Шомға эликтикли қўша трамвай ила рабт берилган ва Шом марказиға 30 дақиқалик йўлдур.

Шайхул акбар Муҳинддин Арабий ҳазратлари ва яна қўб салоҳанинг* марқади шарифлари шундадур.

Солиҳия – Салоҳиянинг устиндаги Қосюн тоғинда баъзи пайғамбарларнинг зиёратгоҳлари бордур. Салоҳиянинг ўн минг қадар халқи ва аъло бир неча жомеъ ва бозорлари бўлуб, атрофи бутун боғистон ва жорий сувлардур.

Мухйиддин Арабий зиёратгоҳининг устинда олий бир иморат ва муҳмал* зардӯзи пӯшишлар бордур. Мадҳалинда* ушбу байт ёзилгандур:

Кутб-ал-ақтоби¹ жаҳон ҳазрати Мухйиддинким,
Рубъи маскунда* деюр ҳазратина: «Ҳазрат шайх!»
Хотами* аҳли вилоятдур у ғавс-ул аъзам,
Шарку ғарби, на ажаб, тутмиш эса шухрат шайх.
Бир замондан бери аркони тазалзул* ўларақ,
Манҳадам* ўлмаға майл этмиш эди турбат шайх.
Этдилар сарф нукуд* ҳимама* аксар ашроф*,
Боис файз дукун ўлмоқ уза хидмат шайх.
Ўлди бу мазжаи олийи муқаддас маъмур,
Этди таъмир ҳақиқатда ани қудрат шайх.
Бандаи хос, зиёли бу иша қилди қабул,
Айлаюб волийи Сурияни ҳиммат шайх.
Хоки иксир эдар, албатта, нигоҳи караминг,
Мазҳари файз назар қил мани, ё ҳазрат шайх².

(1294)

Шайхул акбар даҳмасинда доимо зиёратчи кўп ва даҳма атрофинда мрамар ва аъло бир ҳавли ва бир тарафинда ниҳоятда зийнатлик мрамар бир жомеъи шариф ва ҳавли ўрта-синда мусайқал тошлар ила бино этилган катта бир фавво-ра бордур.

Даҳма хорижинда катта бир ғурабо ошхонаси мавжуд бўлуб, фуқароға доимо ҳукумат тарафидан мажжоний таом (чулон) берилур. Биз бориб ушбу чулондан тановул этдук. Чулонхўрларни(нг) адади 200 қадар эди. Баъзилар табақ-табақ олиб кетмоқда эди. Зиёратдан чиқиб, ароба ила 6 чақирим боғчалар ичидан кетиб, Думор, Рабвоҳ сайрон-гоҳларини тамошо этдук. Шомнинг марказидан ҳар тарафиға 2 хат эликтрик трамвай ила кетар ва ҳар ердагидек бу трамвай белжикларникидур*. Байрут ила Шом аросинда 12 соатлик темур йўли немис ширкатиға бўлуб, 2-даражаси 4 сўм 60 тийин. 3-си 3 сўм 20 тийиндур. Шомдан яна бир темур йўл Ҳалаб тарафинда ишламоқда ва ушбу йўл Багдодғача ишланмоқда ва немислар қўлиндадур. Шомдан яна бир темур йўли Ҳайфоғача узайиб, Ҳижози мағфират Тароз темур йўлиға қўшулуб, бу йўл туркларни ўз қўлиғадур.

¹ Кутб-ал-ақтоби — кутблар кутби.

² Шайх Мухйиддин ибн ал-Арабий (1165–1240) тасаввуф илмининг, хусусан, «ваҳдати-вужуд» таълимотининг асосчиларидан, асли андалузиялик (Испания).

Шомда 5—6 катта қаҳвахона ва театрхоналар ва 3—4 синаматўграф хоналар бўлуб, яхшигина оқшом ҳаёти бордур. Марказда бир сайронгоҳ ва анча яқин музайян ва темур панжаралик «Умнат боғчаси» бордур.

Қаҳвахоналаринда мускирот қисмидан йўқ. Фақат чой, қаҳва, норгила, музлик ва ширин-шарбатлар ва таом ва эркак хонанда ва мусиқалар бўлуб, яна бир қисминда булар устинда мусиқий дасталар ила аёл раққоса ва хонандалар бордур.

Йўл ва бозорда озгина мастлик зоҳир бўлса ҳам ҳукумат ҳибс этар экан. Ҳатто, зоҳирий майхона йўқ дедилар. Шом, Миср ва бутун Туркия мамлакатига синаматўграф ва мусиқи ҳам рақслик қаҳвахоналар соат ўндан сўнгра очилур эканки, сабаби, оқшом намозининг риояси ва дигари кеч бўлуб, шоядки халқ оз бориб, беҳуда масориф озайсун. Оқшом намози ҳам бир оз таъхир¹ ила ўқулуб, намоздан сўнгра ваъз ва саловатхонлик хейле чўзулур. Бизларникига ўхшаб фақат бир намоз эмасдур. Истанбул ва Миср масжидларидек Шом масжидинда ҳам аёллар намозга келар эканларки, Муҳйиддин Арабий ва Уммавиййа ҳам Сиониййа жомеъларинда дасталар ила муслималар келиб, намоз ўқумоқда ва баъзиси 3—4 лаб саҳн ва ё масжид равоқларининг кунжида ўз уйидек тикиш тикиб ўлтургани кўруладур, аммо фаранжи илан.

Шомга бадавий ва шаҳарий арабларнинг ҳар қисми мавжуддур. Масалан, шаҳар халқининг аксар ёшлари оврупойн либос ила фақат бошлариға турк «фас»идур. Оддий шаҳар халқи қадима узун ва тор араб жуббаси ва бошинда кичик салла бўлуб, устидан Оврупонинг палтусини кийибдурки, қисқа палтў остидан бир аршин қадима либос чиқиб турубдур. Уламо жубба ва або* иладурлар.

Қишлоқ араблари бошиға ипаклик ва ё пахталик катта рўмоллар солиб, устидан қаро жундан ва ё устинда гулоба тўнлик чилтор боғлайдурлар.

Ушбу қарс ва чилтор бир сўмдан 50 сўмгача бордур. Устидан киядургон жун або муслиҳлари-да 3 сўмдан 100 сўмгача бордур.

Шомни ипаклик атлас ва олача ва ип матолари энг аъло бўлуб, бир либослиги 2 сўмдан 30 сўмгача бордур. Мунда

¹ Кечиктириш.

қаттиғ йиғочларға садаф ва нажаф¹ тоши ва ақиқ ишламалик уй асбоблари, яъни мебел, курси, сандал, ойна, миз*— устул, дастчўп — полка, диван, лавҳ, ниҳоят санъатлик ромка — чорчўбалар ва сепоялар кўб ишланиб, Оврупо ва Амриқоға кетар экан.

Миср чорсуси, Ҳамидия чорсуси ниҳоятда зийнатлик бўлуб, усти темир ва шиша ила ёпилган ва ичинда минглар ила дўкони бордур.

Сахро ва бодиядан келган қир ранглик иштонсиз аёл ва эркак арабларға ва газал ўқуб, доира чолиб оқча жамлайдургон қиз ва эр, бадавий болалариға учралур. Шаҳарий ва фақир араб хотунлари ҳам сатр* ила бўлуб, аммо масих* ва жўробсиз* оёқ ила яғоч кафш кийиб тақирлаб кетарлар. Баъзи араб хотунларининг эшакға Оврупо хотунларидек яктарафа ўлтуруб, эшак чоптурғонлари ажойибдур. Бизниқилар бўлса, йиқиқилиб маъюба бўларди.

Қишлоқдан нимарса келтуруб сотадурғон араб хотунларига ҳам кўб учралурки, ҳар ким иззат ва ҳурмат ила аларға муомала қилиб, «Ё ситти-ё саййидати, ё ҳарам»², деб нидо этарлар.

Шаҳардан хориж 3—4 эшакға мева ва ғалла ортиб, ҳайдаб келиб турғон муслималар кўзға учралур. Ва ондан тарбуз сотуб олдук.

Шомни(нг) ёш эрлари тамоман сақолларини қириб, мўйлабини қўюбдурлар. Бошларини(нг) тепа сочини олиб, атрофини озгина қўюбдурлар. (Бизға атрофини олиб, тепасидан хитойча кокул қўюлгандек). Муллоларига бир оз сақол бор. Яҳудийларнинг икки чеккасиға ингичка ва бир қаришдан зиёда узун кокули бордур.

Тўй ва маъракаға исрофлари оз бўлуб, иқтисодға риоят этгувчидурлар. Қаҳвахоналардаги сарфиётлари оз бўлуб, чилим чекатургонлари «аъло шоми тамоку» ларини ёнларига юргузуб, қаҳвачи норгиласига* солиб чекадурлар.

Кўчаларига ва ҳар ерға лимунат ва ҳар навъ лазиз музлик шарбат ва дўндурмалар кўп бўлуб, катта бир қадаҳи 2 тийиндур.

Шаҳар ичинда бир мураббаъ аршин ер 10 сўмдан 100 сўмғача ва яқин боғчаларининг 7 мураббаъ гази 10 тилло экан.

¹ Тоғ биллури, қимматбаҳо тош.

² Ё сати-ё саййидати, ё ҳарам — эй, муҳтарама аёл.

Шом ва Куддусдаги қадима шаҳари араб насоро ва яҳудийларнинг хотунлари ҳам сатр ила юруб, аммо қишлоқларга хоҳ мусулмон ва ё бошқа бўлсун сатр йўқдур. Сурия ва Шомнинг мусулмон, насоро ва яҳуд халқи тамоман араби сўзлаб, хат ва ҳатто, ибодатию инжил ва исмлари ҳам арабийдур. Араб маданияти, араб салтанати мундаги ҳар навъ халқни ўзига жазб этиб, аммо 1300 санадан бери асло буларни ақида ва виждони миллийлариға тасарруф этмайдурки, бул Куръони каримни бошқаларнинг дину виждонининг озод қўйганидан ва умарои исломиянинг ғайридинларни ҳимоя этганларидандур. Ал-он Сурия арабларининг бир қисми туркларға яхши кўз ила қарамайдурки, бул оврупойиларни(нг) таъсиридан экан. Аксар халқи ва турклар тарбият этиб ўқутганлари туркларни яхши кўруб, турклар таназул этса, бизни(нг) ҳам заволимиз ва оврупойиларға маҳкумиятимиз бўлур, дер эмишлар...

Маркази Дамашқи аш-Шом бўлган Сурия вилоятининг ери 100 минг мураббаъ километру ва барча халқи 2 миллиўн 300 минг қадар бўлур, дин жиҳатинча тақсимоти ушбудур:

Аҳли ислом	140 000	Мутовала	70 000
Насоро	70 000	Исмоилий	165 000
Армани гриғурий	100 000	Армани прутестани	22 000
Бобий ва баҳойий	4 600	Язидий	160 000
Яъқубий	45 000	Даразий	200 000
Артузкас	30 000	Тобеини калисо юнон	16 000
Нимору	400 000	Малаки	150 000
Армани катўлик	40 000	Лотини	48 000
Сурёний ва калдоний	68 000	Яҳудий	140 000

(Бақияси бор)

«Ойна» ж., 1914 йил,
47-сон, 1120–1125-бетлар

47-рақамдан мобаъд

Шоми Шарифдан 3-кунни. Яна темур йўли ила Жабали Лубнон аёлат мумтозаси воситаси ила Байрутға келдим. Оқшом Жабали Лубнон тоғларидан кечармиз. Оташ ароба гоҳ тоғ тепасинда бўлур, андан ҳар тарафдаги қасаба ва қишлоқларнинг чироғи ажойиб суратда кўрунур. Гўёки устимиздаги юлдузлик осмон акси ерға уруб, бошқа тил ила устимизға ва остимизға ҳам ададсиз юлдузлик осмонлар бўлур ва оқшоми ниҳоятда латиф ва покиза, муаттар бир ҳаво ютармиз. Қитори-

миз гоҳ тоғ тепасидан, бош ошоғи сойлар қаърига инар, гоҳ тоғ ямочларинда илонворий юруб, баъзан тоғ тепаларига ўрлаб тирмашар. Баъзан тахталжабал* туннелларидан ўтар. Бир замонлар бир тарафи жаҳаннамдек тубсиз тоғ каноридан қиялаб ўтарки, оқшом қоронғулиги ила инсон «лоҳавл»* ўқур. Кичкинагина махатталар-да турар.

Араб хотунлари ҳар махаттада мева, қатиг, сут сотар. Бугдой унидан қилинган иссиқ тунук (юпқа) пишуруб чиқаруб-дурлар. Бир юпқа 5 тийин ва юпқа устига бир қошуқ қатиг (лабан) суртарки, у ҳам беш тийин. Ичиға қатиг ўралган юпқани еб, лабинг, бурутинг қатиг ҳўплаган чўпондек оқарур. Оврупойи сайёҳ эру хотунлар, хулоса, ҳар кимни лаби бу юпқа ва бу қатиг ила оқарур. Мунда арабдан бошқа тил йўқ.

Жабали Лубнон аёлат мумтозасининг масоҳати 6500 мураббаъ километр бўлуб, 400 минг қадар араби сўйлайдургон халқдан иборат бўлуб, ярмидан зиёдаси моруний, яъни қадима сурёний ва финикияли авлодидан бўлуб, мазҳаблари насрониятни(нг) католикка яқиндур. Бақия нисфининг аксари муслим ва дарзи қабиласидан бўлуб, бир ози Рум катўлиги ва бошқалардур. Дарзи аталадургонлар мусулмон бўлсалар ҳам, баъзи жоҳилона одатлар аларға нисбат берилур. Чунончи, ўз яқинларини никоҳ қилмоқ ва бирдан зиёда хотун олмаслик ва бир дафъа талоқ қилган хотунларини қайтиб олмаслик ва ...дек мазҳабларининг баъзи ҳукмларини сир ва махфий тутуб, ҳар панжшанба оқшоми, жамъ бўлатургон одат ва ёинки ибодатлари бўлуб, у жамиятга ўзларидан ҳам баъзиларни қўймас эмишлар. Ўз ўрталаринда халқни уққол* ва жуҳқол* га тақсим этиб, аҳкоми мазҳабия ва баъзи асрорларини фақат уққоллари билиб, жуҳқолларига айтмас эканлар. Куръони каримға иқрор бўлуб, саҳобаи изомдан* Салмон Форсий¹ разияллоҳу анҳуға этиқодлари зиёдадур. Мазҳаб китоблари ҳам ёширин тутулуб, имо ва ишоратлар ила ёзилиб, ҳатто, ўз жуҳқолларига билдурулмас экан.

Дарзилар катта қабила бўлуб, Шом ва Ҳалаб бодияларига ҳам сокиндурлар. Жабали Лубнон аёлати Туркия давлатига тобеъ бўлуб, аммо католик ерли араблариндан бири 5 саналик муддат ила Ҳазрат Султон тарафидан мутасриф — ҳоким тайинланур. Мусулмонларнинг қози ва ҳокимлари ўзидандур.

¹ Салмон Форсий — илк мутасаввифлардан.

Қадима Канъон диёри Жабали Лубноннинг бир қитъаси бўлуб, Оқ денгизга соҳилдур. Оқшом соат 11, Байрут шаҳрига етиб, Ал-манзар-ал-жамил ўтелга индим. Ўтел Оқ денгиз соҳилинда бўлуб, денгиз ҳавоси ила муаттар, ужраси* 5 гуруш — 43 тийин эди.

Эртаси Байрут шаҳрини гашт ва гузор этдим. Мактаб ва дорулфунунлар таътил ва боғли эди. Ушбу шаҳар Туркиянинг Байрут вилоятини¹ маркази бўлуб, илм ва маориф жиҳатидан Мисрдан сўнг Шарқда биринчи шаҳар бўлуб, аммо маорифнинг бониси Оврупо ва Амрико мисйўнерларидурки, тарафона мактаб ва дорулфунунларини тараққийсига саъй этарлар.

Байрут дорулфунунлари Оврупо ва амрикойилар тарафидан идора қилинса ҳам, лисон, тадрис араби бўлуб, франсавий ва немис ёинки англис алоҳида бир фандек ўқулур. Байрут дорулфунунидек олами исломнинг Туркистон ва Бухоросидан бошқа ҳар тарафидан талаба бор экан. Ҳатто, Шарқнинг Ёпунидан талаба бор экан. Тотор биродарлардин ҳам дасталаб талабалар бордур.

Бухоро ва Туркистондан мунда одам бор, аммо ишлари ҳожиларни шикор этмоқдур.

Шаҳарда юз мингдан зиёда халқ бўлуб, учдан бири муслим ва бошқаси катўлик, ўртўғус, прўтистант мазҳаблик насоролар ва бир ози яҳудий бўлуб, барчасининг тили, исм ва инжилигача арабийдур.

Англис ширкати шаҳарга таҳвил маъ* ила сув келтирган, яъни сақоси* — англис. Ва Байрут лимон — парахўд ҳавзини франсуз ширкати бино этгандур. Темур йўл ва кўша хатлик трамвай немис ва белжикники. Фақат мамлакатни исми усмонлига тобеъдур. Ажнабийларнинг минглаб талабалик ҳар навъ дорилфунуни ва неча юзлаб талабалик ҳар навъ мактаби 50 дан зиёда бўлуб, мунтазам расадхона, кимёхона, ташриҳ ва жарроҳи ва ҳикматхоналари бордур. Туркларнинг ҳам мулкий рушдияси, аскарий рушдияси, мактаби султоний, 2 қизлар рушдияси, 4 ибтидоия мактаби ва ўтгуз қадар мусулмон мактаблари бордур. Мунда матбаа ҳам кўб бўлуб, хейле араби қадим ва жадид, диний, адабий, фанний ҳар навъ китоблар ва 20 қадар мажалла ва жаридалар нашр бўлинадур.

Шаҳарнинг ўртасинда кичик, фақат зийнатлик боғчаси

¹1914 йилда Байрут Туркия тасарруфида бўлган.

ва аъло бир чорсуси ва 4—5 табақалик олий иморат ва катта маҳозинлари ва тош фарш қилгон катта йўллари бордур. Тараблиси Шом, Лозқия, Аъко, Балқо уездлари Байрут вилоятига тобеъдур.

Денгизда араб ширкатининг попури (ал-он англис қўлин-да) ҳозир экан, кирдим. Истанбулдан Байрутгача 3-мавқега миниб, ҳожи юруши ила юруб, азиат чекиб эдим ва бир оз нотоблик-да бор. Онинг учун 2-мавқега белат талаб қилдим. Йўқ. Ночор Ёфа шаҳригача 20 соатлик йўл учун 13 сўмга биринчи даражадан жой олдим. 3-си 2 сўм 40 тийин эди.

Парахўдда мисрий, шомий, истанбулий кибор мусулмонларда бир хейле бор. Биз-да 13 сўм бериб, бу дафъа киборга қўшулдик. Иттифоқо, уч кишилик бир уйча (қамара)га бир ўзим кириб, аъло бир уйқуға толдим. Таом вақти ходим уйғотди. Катта солўнға чиқдук. 4 катта устол, бирига парахўд маъмурлари, иккисига оврупойи хамулалар*, бирига кештидағи* мусулмонлар ва ҳар кимни уйи ва карават рақами табақи олдиға ёзилгандур. Ходим нўмирамизни кўрсатди, ҳамхоналар саломлашиб ўлтурдук.

Суфрада мисрий, араб даъво вакили — закўнчи бир араб дўқтур. Бир араб бонка мудирининг ноиб, 2 турк зобит — офисар, бир турк, 2 араб бойбачча ва тамоман сақоли тарашланган саллалик бир араб катта мулло ва бир-да ман. Хонимиз* устинда ҳар навъ мускиротлар-да бордур. Таомлар бирин-бирин келдики, шундан иборатдур: макарон, кабоб пиёз, кабоб танури, бир навъ шўрбо, кабоб маа картўшка, балигсардника, пенир*, янғоқ, мева, қаҳва, канфет, печени. Ҳар ким бўғўзигача тўлдурди. Аммо шишадаги мускиротдан на ул бойбаччалар ва на ул оврупомижоз бўлган араб ва турклар бир қатра бўлсун ичмади.

Дедим: «На учун ичмайсизлар?»

Дедиларки: «Алҳамдулиллоҳ, мусулмонмиз. Оллоҳ азим-уш-шон Ҳазратлари Куръони каримда афандимиз воситалари илан наҳйи этубдурки, 1300 сана сўнгра оврупойилар бу хабисларинг* зарарини билиб, ўзларини сақламоқдадур. Биз қандай ичармиз. Анварбегимизда ичган афисарларни силки «муқаддас аскарийдан тард этар».

Дедим: «Эй, мисрийларга на бўлди?» Унлар дедиларки, бизнинг мактабларда мунинг зараридан баҳс этарларки, инсоннинг ичкиси келмайдур. Дедиларки: «Туркистону Бухоро қандайдур?»

Мажбуран тўғриси сўйладим...

Дедилар: «Астафидулло!»

Таомдан 3 соат, сўнгра мукаммал чой, оқшом яна 3—4 навъ таом. Эрта бирлан яна мукаммал чой, сут... парахўддан беришди.

Қабл аз аср* Хайфога етдукки, бул Ҳижоз темур йўлининг аскаласидур. Баҳойию бобийларни каттаси Эроний Абдулбаҳо Аббос афандининг мунда эканлигини сўнградан билдим. Валлоҳи, парахўд 3 соат турдики, тушуб бу машхур киши ила суҳбат этардим.

Оқшомгача парахўд Сурия соҳилини бўйларди. Сайдо, Сиво, Аько, Хайфо, Қайсария, Арсуф шаҳарлари кўрунуб қолди. Парахўдга эллик қадар катта ва кичик оврупойи мактаб қизлари бордурки, роҳиба ва муаллималари ила Қуддуси шариф зиёратига кетарлар. Бир вақт денгиз бир оз ҳаракатга кирди. Бу қизларни бир қисми лоқайд ва бир қисмининг боши айланиб йиқилмоқда ва қусмақда, кичкиналари йиғламоқда бўлуб, ажойиб манзара ташкил этар эди.

Эртаси соат саккиз, Ёфа шаҳрига етдук. Парахўд соҳилдан 3000 қадам узоқда турди. Ёфанинг фўртанасини ваҳмлиқ этиб сўйлардилар. Аммо ҳеч фўртана йўқ, фақат денгиз бир оз ҳаракат этиб, қайиқ солланир, кўркулатургон бир нимарса йўқ. Аммо қиш мавсумида ойни аввал ва охирида жозибан қамар* қонуни ила 3—4 кун қатиг фўртана бўлур экан, ёзда хотиржамликдур. Қишни ки хам кўп бўлса, ойда бир ҳафта.

20 тийин ила Абдулрауф исминда бир насоро қайиғига миниб, ондан чиқиб, бир ўтелга соат 2 гача истироҳат этиб, 3-мавқеъ оташаробага икки сўмга белат олиб, Қуддуси шарифга мутаважжихан ҳаракат қилинди.

«Ойна» ж., 1914 йил,
48-сон, 1142—1148-бетлар

48-рақамдан мобаъд

Ёфадан Қуддуси шарифгача темур йўли илан тўрт соатлик йўл 60 килўметру бўлуб, мунинг 3 соатлиги лалми ва обикор ерлар бўлуб, араблар ҳар махаттага тарбуз, узум, зайтун ва амсоли мевалар чиқорадурлар. Қуддусга бир соатлик қадар қолгандан сўнгра тоғлар бошланур. Баъзан тоғ ора-лариндаги очиқ ерларга анор, узум, анжир, лимун, афлисўн, зайтун ва бошқа мевалар ва бўстонлари кўрулур. Ал-он сара-

тон ойн бӯлуб, Оврупо ва Амрикодан гуруҳ-гуруҳ эр ва аёл насоро ва яҳудий зиёратчилари келиб кетмоқда бӯлуб, темур йўл қиторлари булар илан тўладур. Ёфа ила Қуддус орасинда ҳар кун икки дафъа қитор юрар. Ерли араблар-да қиторға кўп бӯлуб, саҳроний хотунлари қочмайдур. Шаҳарликларини Туркистонға нисбатан «ярим сатр» бӯлуб, аммо ўзларини яхши тутарлар. Қиторға Ҳиндустон Бангола қитғасидан 74 яшар бир кампир-да борки, Мадинадан зиёратға келар. 20 санадан бери Ҳижозда бӯлуб, арабий ўрганибдур. Ўзи-ниҳоятда фақира ва орқасинда эски латталардан иборат бўғчаси бордурки, Ёфаға йўлчилар оқча йиғиб, белат олиб бериб эди.

Қуддуси шариф махаттасига етдук. Одам кўп. Ароба оз. Ҳануз қиторға эдим, бир киши келиб, вағун ойнасидан сўрушди. Ва орамизда шу муҳовара* жорий бўлди:

– Нимарсаларингиз қанда?

– Нима қиларсиз?

– Ман – далил*, сизни манзилға олиб борурман.

– Кимни манзилиға?

– Тақя ёинки бухорийлар тушадургон жойға.

– Иккисига ҳам бормайман. Ўтелларни кўруб, маъқул бўлганиға тушарман.

Ман далилдурман, мани сўзимға қабул қилишингиз керак. Ўтел бўлса ҳам ўзум топиб берарман.

– Далил бўлсангиз, ҳарамға учрашурмиз.

– Йўқ, бўлмас. Сизни бухорийлар тушадургон ерға олиб борурман.

– Мани ҳур кўюнгиз, истаган еримға кетарман.

– Йўқ, тақсир. Мунда усул ва қоида шулки, ҳар ким далилға тобеъ бўлур.

Нимарсаларимни ҳаммолға топшурмоқчи бўлди. Ман дедим:

– Сиз далилми ёинки сайёд? Йўлингизға кетинг, валлоҳ, жандармани чақираман.

Ҳаммолини итариб юбориб, бошқа ҳаммол ила вағзолдан аробачиларға чиқдук. Аробалар ҳама машғул бўлубдур. Далил афанди яна орқамиздан қолмай, ҳаммолға амр бериб келмоқдадур. Одам ва юқ ила тўла бир фойтунчиға 40 тийин бермоқчи бўлдум. Ашёларни аробасига босиб, ўзумни ёниға ўткурди. Далил афанди ҳануз мани кўрсатиб: «Ҳожини фалон ўтелға тушур», – дер. 5 дақиқа тош йўллардан кетиб, бир сойға тушдик. Ва катта тош кўфрукдан ўтуб, юз газдан зиёда

баландлик — дўнға чиқиб, Қуддуси шариф қалъаи мустаҳкамни ташқорисида ва Бобул Халил олдиндаги бозор ва катта йўлга етдик. Аробадан бошқалар тушди. Ва мани бир фалокат ўтелга олиб борди. Кўруб хоҳламадим. Қарасам, далил афанди ўтелга ҳозирдур. Ҳар оқшомга 160 тийин, бир уйини савдо этиб қўюбдур. Бошқа ўтелга ҳайда, дерман. Аробачи ҳайдамайдур. Отга қамчини бериб, ўзим ҳайдамоқчи бўлдум. Далил ва аробачи юзумга қаради қолди.

— Ҳайда валлоҳ, пўлис чақирарман!

— Қанда?

— Бошқа ўтелга.

— Бошқа ўтел йўқ!

— Ман санга кўрсатурман.

Далил жаноблари ҳам бетаклиф ёнимга ўлтурдилар. Бир яҳудий ўтелига бордик. Бир соатдан бери далилни ҳаракати мани ишдан чиқарди. Чиқиб, бир уйни ўн гуруш, яъни 75 тийинга савдо этдим. Яна далил жаноблари орқамдан қолмайдур. Энди аробачи араб ила мунозара. Ул 40 тийин ерига 160 тийин истайдур. Далил ҳам анга ёрдам берар. Мунозара ва урушмоқга тоқат йўқ. Ўн гурушни олдига отиб, уй эшикни ичкаридан қулф этдим.

Далил ташқаридан дер:

— Ҳожи, Ҳарамии шарифга қачон борарсиз?— Икки-уч дафъа такрор этиб, яна эшикни қоқар.

Дедим:

— Ярим соат сўнгра.

— Хўб, ман ташқорига турарман.

Вақт асрдур. Таҳорат этиб, салла-тўн қилиб чиқдим. Ўтел олдиндаги қаҳвахонада далил ҳазратлари интизорда. Бир аробага далил ила ўлтуруб, бир хейле маҳалла ва маҳозинлардан ўтуб, Қуддус қалъасига етдик. Ичкари шаҳар баландлиги баъзан 15 газ, эни 2—3 газ, тошдан бино қилинган кунгира, гулдаста ва буржлик мустаҳкам бир қалъа ила айлантурулгон бўлуб, ал-он баъзи тарафи харобдур. Қалъанинг баъзи қисмининг биноси Ҳазрат Сулаймон ва Довуд алайҳиссаломга нисбат берилиб ва ҳозирги қалъа бўлса; аҳли салибни қўйган таг курсиси устинда ва баъзан васиъ қилиниб, турклардан Султон Сулаймон Қонуний тарафидан метин ва санъатлик суратда бино қилингандурки; ушбу қалъанинг дарвозасига аробамиз турди. Қалъа ичининг йўллари ниҳоятда эгри-бутри ва ҳам касрият ила йўллари усти ра-

воқлар ила ёпилиб ва равоқлар остинда ва устинда уч-тўрт табақалик иморатлар бино қилинган ва йўллар пасту баланд ҳам ости тош фарш қилинган бўлуб, баъзан 10—15 зина ила чиқилиб тушулур. Ҳавосиз қаронғу ва муавваж* ҳам устини равоқлар ёпган йўллардан эгри-бугри ўн дақиқа қадар юруб, узунлиги юз қадамдан зиёда ва усти равоқлар ила болкулли ёпилган эски ва ифлос бир долонга кирдук. Тарафайни энг эски дўконлар ва фалокат босган айвонча, эшак боғланган жойлардур.

Ушбу долонни бир боши дўконлар ва бошқа боши байтул муқаддас ҳарамни шарифнинг дарвозаси, яъни ушбу фалокат босган тош долон ҳарамни сақлайдур. Бу долондаги эшиклар ва остиндаги ахлат ва ҳар ерда уюлуб ётган эски-туски ифлосликлар далилни 2 соатдан бери бератургон заҳматини ёддан чиқориб, кўнгулни қайтадан синдурди. Ҳарам дарвозасига етиб турдук. Далил дуо бошлади. Ман ҳам ўқуб-ўқуб кетмоқда. Ҳарамга кирдук. Ери мрамар фарш қилинган дур. 50 қадам қадар кетдук ва 20 қадам мрамар зинадан баланд бир саҳнга чиқдук. Ҳарамни шарифнинг атрофи тош ва баланд деворлар ила ихота қилинган ва ичи тахминан 5—6 десатина ботмон ва ёинки 20—25 таноб қадардур. Ҳарамнинг ўртарақинда 3—4 таноб қадар баланд ва тошдан бошқа бир саҳн бўлуб, бу саҳннинг тўққуз тарафиндан 20 қадам зиналардан чиқилур. Чиқилатургон жойларга бир неча мрамар стунлар ўтқурулуб, стунлар бир-бирига мрамар равоқлар ила муттасил бўлур. Бу оқ мрамардан қилингон суфанинг ўртасинда масжиди Сухратилло ва номи дигар ила Масжиди Умар ал-Форуқ разноллоху анху бино қилинган дур.

Масжиди шарифни ичи самоқ ва ранго-ранг мрамарлардан ва ташқориси чинни ва кошинлардан ва мунбаткори рангин мрамарлардандир.

Баланд суфадан юруб, Масжиди Сухратиллога кирдук. Далил оғзидан олиб, ман ҳам дуо ўқумоқда ва икки ракат намози шукр-да ўқудум. Ўн қадам далил атрофимизни олди. Худойи бериб, масжид ичиндаги — Сухратиллони зина остидаги хужра ёинки ғорга тушдук. Зина устинда эшиги ҳам бор. Сухра тошининг ости қатъ ноқис ва номунтазам шаклда.

Дўрага* қарийб бир хужрадан иборат бўлуб, бу хужранинг усти якпора оқ ва новшадирга шабиҳ тошдан иборатдир. Тошни аксар тарафи девор ва ер устинда бўлуб, тақри-

бан 7 дан бири деворға етмайдур. Сухратилло остиндаги хужрани тўғриси сухра тошининг остиндаги мағорани остиға аёло гиламлар тўшалган.

Хужранинг у тарафдан бу тарафи 12 қадамча бўлуб, усти одам бўйидан бир оз баландроқдур. Тошнинг ўртаси мудаввар* ва кутри* ярим газ қадар тешукдур. Тошни уст тарафини юқоридан кўрулдик, усти ҳам номунтазам, яъни чиқинти ва киринтилик бўлуб, мунинг атрофи ҳашт, яъни 8 буржлик шаклда олиий мрамар стунлар ила айлантурулуб ва стунлар ниҳоятда зариф ишланган, ҳаллик, аёло шабакалик, панжаралар ила бир-бириға марбут бўлингандур. Тошнинг уст тарафининг давринда дохилан яна ҳашт қатъинда олгун ҳаллик панжаралар ва 2-панжара ила стунлар панжараси орасиға яна аёло гиламлар ва сажжодалар ва лавҳ ҳам каломи шарифлар кўюлуб, қулфлик бир эшикдан муқаррарий вақтларда кирилуб.

Сухранинг устинда ҳеч нимарса бўлмай, очиқ турубдур. Сухратилло мағорасининг ичинда ҳазрати Сулаймон, Довуд, Ҳизр, Иброҳим ва Жаброил алайҳиссалом учун бошқа-бошқа мақомлар кўрсатилур. Ҳазрати пайғамбаримиз саллолоху алайҳи васалламнинг ҳам мақоми шарифлари бўлуб ва ҳазратимиз меърожға Сухратиллодан сууд* қилибдурлар.

(Бақияси бор)

*«Ойна» ж., 1914 йил,
49-сон, 1166-1171-бетлар*

49-рақамдан мобаъд

Сухратилло остиндаги хужраи шарифадан чиқдук. Масжид ичинда тўрт-беш газ баландликда биринжи бир шамъдонни ҳазрати Довуд ясаган шамъдон деб кўрсатдилар. Аммо шамъдонни яқин вақтда ясалгани зоҳирдур. Мунда беш-ўн нафар шайхлар мутаважжих бўлдилар. Бир оз назр бердук. Қабул ва дуо қилдилар.

Масжид эшигидан саҳнаға чиқдук. Яна 4—5 шайх мутаважжих бўлдилар. Ичкариға бердук деб ўтдук. Масжиди Сухра суфасининг бир тарафинда ҳазратимиз саллоллоху алайҳи васалламнинг «Қабла-л-меърож» шарифлари музайян суратда бино қилингандур. Суфа атрофинда юруб яна 2-дафъа масжиди шарифға кирдим. Масжиди Умар «ал-Форуқ» разиллоху анҳу 8 буржға бўлунуб, ҳар бир буржининг ораси 26

қадамдур. Масжидни ўртасинда Сухра тоши воқеъ бўлуб, Сухра атрофи яна 12 буржда тақсим қилиниб, мунинг 12 буржинда 12 рангга мрамар якпора стунлар бўлуб, бул 12 амуд* устинда бир гунбаз бино қилиниб, усти темурдур. Гунбаз қуббасининг дохилий тарафинда қабартма сўм олгундан у қадар нақшлар — ислоний гирех, ироқи морпечлар ва бошқа ажойиб суратда ҳиндусий, араб услубинда ишлар қилганларки, мани синиқ қаламим анинг тавсифига ожиздур.

Куббанинг атрофинда қабратма — мунбат ва одамни йўгон қўлидан йўгонликда сўм олгун ҳарфлар ила сулс ва бошқа мутанавъи хатлар ила оят ва ҳадиси шариф ёзилиб ҳамда «Ғуломони атроқдан Мулки Носириддин Муҳаммад Қиловун» иборати ва бошқа бир неча иборатлар қабартма олгун ҳарфлар ила ёзилгандурки, жилоси кўзни олур. Бу қуббанинг устинда у қадар ажойиб нақшлар қилинибдурки, кўрмагунча инонилмас.

Бир оғуз ила хулоса қилайин: бутун қуббанинг ери олгун бўлуб, устинда ҳар рангга қабартма минолар ва мунбат олгун хатлар ва нақшлардур. Кўпни кўрган сайёҳлар дерки, дунёда мунингдек сақфиға кўп олгун ишланган на бир масжид ва на бир калисо бордур. Хулоса, қараган ила бу қуббаи сухранинг нақш ва нафис санъатларини кўруб, тамом қилолмайин кўзинг чарчайдур, бўйунг-да қотар. Бу сақфдаги санъатлар аввалги мусулмонларнинг завқи салим эгаси ва санойиъ нафисанинг ошиқи ва мукаммили эканлигига бир далили мужассамдур.

Масжидни асоси Ҳазрати Умар «ал-Форуқ» разиоллоху анҳу тарафларидан қўюлуб, биноти 65-тарихи ҳижриясинда, маснади хулофатга ўлтургон Абдулмалик бин Марвон тарафидан бўлунгон ва Малик Носириддин Муҳаммад Қиловун тарафидан зийнат берилганлиги сўйланур.

Бу масжиднинг сақфлари ажойиб қандил ва овизалар ила ости қимматбаҳо нафис қолин ва сажжодалар ила зийнат берилиб, ҳар еринда садафкори лавҳлар устинда ниҳоятда зийнатлик Куръони карим қўюлгандур. Халифа Абдулмалик давринда ёзилган, тўли икки газ, эни очганда икки ярим газ қадар бир Куръони карим, катта ва санъатлик бир лавҳ устинда қўюлгандур.

Масжид ичини бир неча дафъа юруб ва намози шуқр ўқуб, яна ташқори чиқдим. Масжиднинг ташқориси 6 газ

қадар иртифоъигача ранго-ранг, мусайқал мармарлардан бино қилиниб, у мармарларга қозма ва қабартма гул ва нақшлар қозилибдур. Мармардан юқориси бутун хитойи чиннидек рангтаҳ ва оят ила ҳадиси шариф ёзилган чиннилардан бино қилинган бўлиб, бир аъжубан даврондур.

Бу вақт масжид атрофинда юздан зиёда оврупойи ва амиркойи насороу яҳуд сайёҳлари бўлиб, ҳар бири ва алоҳа ва ҳайрат ила мундаги санъатни тамошо этардилар. Ва ҳар навъ тилда булар сўйларди.

Ўндан зиёда аёл ва эркак руслар ҳам сайёҳлар ичинда эди. Аммо мусулмон заввордан икки мисрий араб ила ялғуз ман бор эдим. Ер юзинда 400 миллиўн насоро, 300 миллиўн мусулмон бор, дерлар, аммо мунда 100 насоро сайёҳға 3 мусулмон тушарки, мундан бу икки қисм халқни аҳволи руҳиясининг кашф этмоқ мумкиндур. Бу насороу яҳуд сайёҳларининг оғзидан Умар, Абдулмалик, Қиловун, Масжиди Муҳаммадан иборатлари эшитилмоқдадур. Қўлларинда бўлса, ҳар навъ оврупойи тилларида ёзилгон «Раҳнамо»¹ китоблари бордурки, ҳар нимарсани тарихи ила билладурлар.

Қуддуси шарифдан мусулмоний хатда бир «Раҳнамо» ахтардим, йўқ. Франсавий, немис, англис, румча, русча, арманича, ҳатто, булғорчаси бор. Ялғуз мусулмончаси йўқ. Ана, биз мусулмонларнинг лоқайдлиги. «Маносикул Қуддусиш-шариф» исминда арабий бир рисола топдимки, анда тарихий жиҳатидан бир нимарса йўқ ва ҳақ нимарсалар қатонинда бир хейле хурофотларни қўшуб бостурубдур.

Ҳарамнинг бир тарафинда бир қубба ва ичинда турба борки, қабри Ҳазрати Сулаймон алайҳиссалом дерлар. Кириб зиёрат қилдук. Бошинда фаслик авом бир ёш йигит мунда шайх экан. Панжараларинда ҳадсиз эски латта ва иплар боғлангандур. Алҳамдулиллоҳ, мундай латта боғламоқ Мадинаи мунавварадаги ҳарами муҳтарами ҳазрат пайғамбаримизға йўқдур. Шунга шукрки, сўюлган кўчқору ҳўкузлар шохи ва қуйруғини туғ деб ва ёинки бутпарастликдан қолган панжа суратини мундаги ҳеч бир муқаддас мазорға ва мақомға қўймабдурлар.

На Шом ва на Қуддус ва на Қоҳирадаги зиёратгоҳларда қўй ва ҳўкузни(нг) шохи ва қуйруғи муқаддас ва олий ма-

¹ «Раҳнамо» — маълумотнома, йўл кўрсатувчи китоб.

зор устинда қўюлган йўқдур. Онинг учундурки, бир содадил туркистоний ҳарами муҳтарамни ҳазрат набавийга кириб, ҳужраи саодатни зиёрат этгандан сўнг, «садағаси кетай, ҳўб ма-зор экан, лекин туғи йўқ экан», деб ҳасрат этиб экан.

Куббаи Ҳазрати Сулаймон алайҳиссаломдан чиқиб, ҳарам доҳилинда ва қибла тарафиндаги Масжиди Ақсо зиёратига кетармиз. Ҳарами шарифни учдан икки ҳиссаси ифлос, чақир-чукур, ҳар ерга ўт чиқиб, ўзи қуруб-чуруб кетмоқдадур. Ҳарам ичига бир неча ерда су(в) бор экан. Мундаги сарв, зайтун ва бошқа дарахтлар сувсизликдан қурумоқдадур.

Мана мармар йўлакни бир тарафинда мундаги талаба ва машойх ҳам далилларни дастурхонидан чиқтон суяклар ва шиприндилар йиллардан бери тўдаланиб ётибдур.

Ҳарамни(нг) икки тарафинда бир неча ерда мармар фаршлар чўкуб, бизни қабристондаги ўюлган гўрлардек бузулуб, чўкуб ётубдур. 25 таноб қадар бир ҳарам ва муниг 10 танобдан зиёдасини масжид, кубба ва ҳужралар ишғол қилгандур. 5 танобдан зиёдаси яна мармар тошлар ила фарш қилинган бўлуб, ниҳоят саккиз-ўн таноб қадар бўш ер борки, муниг ҳам ҳар тарафидан бир неча мармар бўлақлар қилинган бўлуб, 5—6 танобини баъзи еринда қуругон ва қурумоқга юз қўйгон сарв, зайтун дарахтлари борки, шуларни суғориб ва ёввойи ўтини ўруб, чақир-чуқурини текислаб, шипринди ва ахлатларини беш юз қадам ташқаридаги сойга чиқариб тўқмоқга Қуддуси шарифга одам топилмайдур. Ҳукумати ва ё баландиясини ҳарамга қарайдургон кўзи кўр бўлгон. Ҳарами шарифни вақфидан юз минг сўмдан зиёда мадохил бўлуб, 40 минг сўм қадари шайх ва аҳли ҳарамга берилур. Аммо олами исломни ҳар ериндагидек ҳарамни назофати ва асл биноси таъмирига аҳамият берилмайдур.

Бу замон атрофимизда йиғирма қадар ўн яшардан 60 яшаргача «назрхўр» борки, «Ҳожи, ман — тахиб, ман — имон, ман — турбадор, ман — мифтоҳдор, ман..., ман... назр бер», деб мутаважжих бўлмоқда ва чақириб, сани сақлаб, пул тиламоқдадурлар. Майда болалари бўлса, атрофингни олган ва этагингдан ушлаб, пул бер, дейдур.

Мани оташаробадан олган далил ёнимга бўлуб, масжид ал-Ақсога қараб кетмоқдамиз. Баъзи болаға пул бермадингми, сан яҳудий, деб айрилар.

Ажойиб ҳоллар. Бу ҳарами муҳтарам ичинда бир замон

қалбинг айридур. Олами рухониятға ва нуроний бир мазийға ва осмонларға учарсан ва беш дақиқа сўнгра бу ҳолларни кўруб, тошға айланарсан, гўёки бир биёбони ваҳшатда гезарсан. Тоқатим қолмади, тавқиф этдим. Бир нимарса берур умиди ила атрофимни ўн қадар катта ва бешолти майда назрхўрлар олди.

Дедим: «Худо учун, мунда ётган анбиё учун сўзимни тинглангиз. Ўзингизға маълум, бу ҳарамни муҳтарамда масжиди ал-Ақсо бўлуб, «Субҳон аллази асру...» ояти шарифаси мунинг ҳаққиға нозил бўлгандур. Бу мақоми муқаддаснинг шаънидаги ҳадислар, албатта, маълумингиздур. Ўз нафсингиз учун бу қадар зиллати тамаъни қабул қиларсиз ва беш юз қадамдаги хужрангиздан чиқиб заввордан назр олмоқ учун югуриб, ман — имом, ман — хатиб, ман — ансордан ва саййид... дерсиз. Бу вайроналар ва бу ҳарамни муҳтарам ичиндаги шу музбалаларни* кўрмайсизми? Ушбу болаларингиздек ахлоқсиз болаларни ҳеч ерда кўрмадим. Заввор пул бермаса, сўкар, яхудий дер. Бу на ҳолдур? Мундай кетса, амин бўлингки, анқариби ҳарамни ва арзи муқаддасни насоро ва яхуд сиздан олар!...» Сўз тамом бўлмасдан назрхўрларни бир нечаси қайтиб кетди. Бир-иккиси далилдан сўрайдур: «Манхува?»¹ «Муҳаррир ал-жарида»*.

Тумшукни кўтариб жавобсиз кетар ва бир-иккиси жавобсиз қараб турар. Охири, қайномбошидан шикоят этар.

Далил эртароқ зиёратни тамом қилдурмоқ учун мани масжиди Ақсо тарафиға олиб кетди. Назрхўрлар ва болалар пароканда бўлдилар. Бир оз нари кетдук. Яна бир неча катта ва кичик назрхўрлар кела берди. Далилларға араби баъзи нимарсалар сўйлади, қайтиб кетдилар. Биз оёқларимизни ешиб, кафшини баввобға бериб, масжид ал-Ақсоға кирдук.

(Бақияси бор)

«Ойна» ж., 1914 йил,
50-сон, 1189–1194-бетлар.

50-рақамдан мобаъд

«Субҳон аллази асру» ояти шарифаси ҳаққинда нозил бўлгон масжид ал-Ақсои мубораққа кириб, ҳар шайдан аввал икки ракъат намоз ўқуб, мундай муқаддас ва мутабар-

¹ Ман хува? — Ким у?

рук мақомларга бандани еткурғони учун Оллоҳи зулжалолга ташаккур ва арзи ниёз ва убудият этдим. Масжид ал-Ақсои аш-шарифнинг энг охирги ва минбари шарифни сўл жаворинда ниҳоятда музайян раҳомлардан* бино қилинган бир меҳроби шариф бордурким, Меҳроби Имом Шофеи аталур. Минбарнинг ўнг тарафинда темур панжара ва шабакалар ила айрилгон бир қитъа бўлуб, бул тарафда икки меҳроб борки, бири Ҳазрати Мусо, дигари Ҳазрати Исо алайҳиссаломга нисбат берилур. Минбари шариф атрофинда обнус яғочидан ниҳоятда санъатлик қубба ва шабакалар ясалгандур.

Яна ушбу масжиди шарифнинг бошқа бир тарафинда Ҳазрати Довуд ва Яҳё ва Закарийё алайҳим ассаломга нисбат берилган айрича санъатлик ва нафис меҳроблар бордур.

Масжид ал-Ақсои аш-шариф тулони шимолдан жанубга узайиб бино қилингандур. Қуддуси шарифнинг қибласи жануб тарафи бўлур.

Масжиднинг узунлиги бобдан меҳробгача 130 қадам, эни шарқан ва ғарбан 110 қадам бўлуб, яна масжиди шарифнинг икки тарафинда бир неча хонақоҳлар бордурки, катта равоқ ва эшиклар ила асл масжиди Ақсога қўшулуб ва ул хонақоҳлар масжид ила бир ҳукмга кирар. Ва ул хонақоҳлардан бир тарафидагини тули* 60, арзи* 36 қадамдур. Масжид ал-Ақсонинг шимолий тарафидан ва масжиди Сухратиллони қаршусидан 7 эшик бўлуб, яна шарқ ва ғарб тарафидан бирор эшики борки, шарқдаги эшик «Боб ул-Ҳизр» аталадур.

Масжиди шариф 7 адад катта равоқ ва кўп адад тоқлардан иборат бўлуб, бу равоқлар 33 адад раҳом ва 12 адад тош ва ниҳоят баланд зийнатлик стунлар устинда бино қилингандур. Масжиднинг равоқ ва шўьбаларини бир-бирига рабт қилингон тош деворлар 40 дан зиёдадур.

Масжиднинг стунлари мусайқал ва мужаллий ранго-ранг мрамрлардан ва девори жилолик тошлардан бўлуб, инсоннинг акси кўрунур. Масжиднинг ости аввалан қимматбаҳо ва аъло ҳасирлар* илан ўртулуб, устидан барча еринда Истанбулдан юборилган аъло қолин — гиламлар ва нафис сажжодалар ёйилгандур. Масжидни(нг) саҳфиға қарасанг, у мажаллий мрамр стун бошлиқлариндаги араб санъати меъморияси ва услуби ва анда ўткарилган ишлар сани ўзиға жалб этар.

Тош устиндаги ўймакорликлардан бошқа олгун ва минокорлик* нақш ва хутугларни тамошоси ҳайратларга фарқ этар.

Ичи бир неча таноб келатургон ва иртифоан* 30 газдан зиёда ва кўпи мрамор стун ва гуҳарвар ва оқ ва лохутнишон маснаъ* меҳроблар ва музайян саҳфдаги қанодил* ва овиза* ва муқаддас минбар ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам ва ҳар бири бир пайғамбар ази-муш-шонға нисбат берилгон муқаддас меҳроблар орасинда мажзубона* зоти зулжалол ҳазратларининг бу назирсиз боргоҳи кибриёсинда ихтиёрсиз жисму руҳ ила саждага кетарсан. Бу саждан убудийят* дан у қадар лаззат олурсан ва у қадар важдга* қолурсанки, ҳар бир нимарсани унутуб ва ушбу саждадан бош кўтармасдан Оллоҳ зулжалолга етушмоқ амалинда бўларсан.

Назаргоҳи илоҳийдур, мақоми мустафодур бу,
Матофи* қудсиёндур, саждагоҳи анбиёдур бу.

Оҳ, на руҳоний ҳолатлар, на лазиз важдангиз убудиятлар, на ашкрез нози ниёзлар...Оллоҳ таоло ғариқи раҳмат этсун мунинг бониси асл мутақаддимин* мусулмонларни. Қандай асл мусулмонлар! На нуроний фусункор порлоқ мозийким, онинг асари қудсият самари минг бу қадар сана сўнгра бизни маҳвият даражасинда келтурар.

Эй, ўтмиш муқаддас мусулмонлар! Эй бонийлар! Эй фотиҳлар! Оллоҳ Сизларни ниҳоясиз раҳматларга фарқ этсунки, замонангизда бу қадар лохутий асарлар ва муқаддас буқбалар бино этибсиз. Чин мусулмонлар, ҳақиқий инсонлар сизларсиз. Ва сизларнинг тарзия* ва тавсифингиздан бу кунги, биз мусулмонлар ожизмиз. Бизлар сизни ноҳалаф* авлодингиздурмиз. Сизни изингиздан кетмоқга жаҳолатимиз монё бўлди. Қусуримизни ажзимиз учун кенг карамларингиз илан бағишлангиз!..

Илоҳо! Бу азиз ва фаол бандаларнинг ҳурматиға бизға басират бер! Эшитар кулоқ, англар ақл бер! Оҳ, у эзгулар қандай эканлар? Биз на ҳолдамиз? Оҳ, бу қадар анбиё, авлиё, машоҳирлар келиб биз инсонлар учун шариятлар, тариқатлар, маърифатлар ваъз этиб, бизни ҳақиқатга даъват этиб эканлар. Биз, гумроҳлар, йўлдан чиқиб, ҳазизи* нафсониятға куллиян* чўмубмиз. Букун ўзларини маданият ва инсониятни энг олий табақасинда деб ялғондан даъво этадургон инсонлар ваҳшониятни энг афсал* даражасинда

кўл ва аёқ урарлар. Милйўнлар ила бани одамнинг боиси кулфати ва мусибати бўлурлар.

Эй, Оллоҳи азимуш-шон! Бу магар санинг газабингми-дур? Афу эт, биз инсонларни ҳидоят эт! Ер юзинда сулҳ ва салоҳи* умумий ато айла, инсонларга инсоният бер! Золимларни қаҳр эт, маҳв бўлсун зулм, яшасун адолат ва ҳаққоният, омин...

Ал-он масжид ал-Ақсо ичинда оврупойи ва амриқойи юзлар ила заввор бор. Мусулмондан икки мисрий араб ила ман ва 20—30 нафар худдом ва далил бўлуб, насоро ва яҳуд завворининг ўндан зиёда пўп ва роввинлари-да бордурки, насоро ва яҳуд руҳонийлари ўртага туруб, бир неча ерда давра этуб, ҳарами шариф ва масжиди Ақсо тўғрисида баланд овоз ила нутқ сўйлаб, аларга тарихий ҳолатлардан баён қилмоқдадурлар. Масжид ичинда киргонда, ҳар ким бўлсун, этигини ешиб, ёинки устидан бошқа тоза чарм ва ё латга кафш кийиб кирар.

Ушбу масжидни ўрнида аслан Ҳазрат Сулаймон алайҳиссалом масжиди Ақсони бино этиб эканлар ва исломиятни бидоятинда қибла ушбу масжид ал-Ақсо эди. Сўнгра «Фавалли ваҳҳақа шатра ал-Масжид ил-ҳарам»¹ ояти нозил бўлуб, Каъбаи шариф қибла бўлди. Ҳазрати Сулаймон алайҳиссаломнинг асл бинолари бузулуб ва тахтга қолиб экан ва асл масжидни ўрнинда ҳозирги ушбу масжиди азим ушшонни Халифа Абдумалик ибн Марвон ҳазратлари авваланчи асри ҳижрияда бино этиб, сўнгра хулафоу салотин даража-бадаража таъмир ва зийнат берибдурлар. Дерларки, бир замонлар насоро ва яҳуд истило этиб, масжидни калисо этиб эканлар. Ахиран Айюби салотинлари олиб яна аввалгидек масжид қарор берилубдур.

Масжид ал-Ақсонинг остига, ертўлага киратурғондек заминий дарвозадан кирдукки, масжидни ости тамоман катта равоқ ва ҳам вусъатлик камар ва 7—8 газ баландликда тоқлардан иборт бўлуб, ҳаммаси 1—2 маъбаб* газлик оқ тошлардан бино қилингондур. Асл маъбад Сулаймон алайҳиссалом муниг остинда қолиб ва ушбу табақа мусулмонларнинг биносидур. Ва бу катта камарларнинг бир тарафинда ёпуқ сардоба бўлуб, Масжиди Ақсонинг уст табақасидан

¹ «...Фаввали ваҳҳақа шатра ал-Масжид ил-ҳарам». «...Юзингизни масжид ал-ҳарам томонга буринг» (Қуръон, 2-сура. 149-оят).

оғзи бордур. Тахтони табақа масжид ал-Ақсонинг так курси ва ертўласи ҳукминда бўлиб, онинг ери тош ва га(н)жлардан иборат ва деворлари фақат тош бўлуб, тазйиноти* йўқ. Ва аммо ниҳоятда даҳшатлик ер ости катта бир иморатдур. Мунда қиблаи аввал ва сонийга махсус меҳроб ва аломатлар ҳамда Хорун алайҳиссалом, Шубайр ва Шаубрий азизлари учун мақомлар бордур. Мундан чиқиб Боби Ҳизр алайҳиссаломдан ўтуб, икки-уч таноб мармар саҳндан юруб, ҳарамии шарифни шарқи-жанубий кунжида бориб, заминий бир эшикдан ер остинда йигирма қадар тош зина ила тушдук. Мунда катта тошлардан бино қилинган бир уй бўлуб, бир тарафинда бир мармар суффа борки, «тахти Исо алайҳиссалом» дерлар. Яна мунда Ҳазрати Марям ва Исо ва Нуҳ алайҳиссалом ва Ҳаворийин* учун меҳроб ва мақомлар кўрсатилур. Мунда «ванна» (бир навъ тақора (ға) ўхшаш бир оқ тош борки, «Исо алайҳиссалом бешиги» дерлар. Бу уйдан яна 20 қадар тош зина ила ер остига тушдукки мунда тули ва арзи 50—60 газ келатургон катта бир иморат бўлуб, кўп адад оқ тош стун ва деворлар устинда бир неча гунбаз ва куббалар ила ёйилган бўлуб, равоқу камарларнинг стунлари бир-бирига яқиндур.

Стун ва деворлар 1—2 макъаб газлик ҳажминда тошлардан метин бир суратда бино қилингандурки, биноси ҳазрати Сулаймон алайҳиссаломга нисбат берилиб, ҳазрати Умар разиоллоҳу анҳу фатиҳидан илгари астабли Сулаймон (Сулаймон алайҳиссалом отхонаси) деб, масмуотга* қараганда, ичинда яҳуд ва насоро от боғлар эканларки, баъд аз фатҳ амри ҳазрат Умар ила тозаланиб, масжиди Сулаймон алайҳиссалом аталиб ва ал-он мунинг ости тош ва туфроқдан иборат бўлуб, ўзи мўдҳиш ва муаззам ҳам метин бир бинодурки, бу ҳол ила яна юз минг саналаргача бузулмайдур.

Бу мақомлардан саҳн устига чиқдук. У қадар чарчабманки, бутун аъзога касолат келган.

Далил афандига дедим:

— Манга ҳарам дохилинда ер кўрсатингиз, бир оз ўлтуруб, истироҳат этайин.

(Бақияси бор)

*«Ойна» ж., 1914 йил,
51-сон, 1212—1217-бетлар*

Далил жаноблари масжиди Сухранинг муқобилинда бир талаба хужрасига олиб кирди. Икки заввор Мисрий арабда бор. Бири Танто шаҳрининг бош дўқтури, дигари сақоли тамоман тарошланган бир муллодур.

Бир оз ўлтурдик. Истироҳат этдук. Оқшом бўлди. Эртага Халил ар-Раҳмон зиёрати ва Байтуллаҳм саёҳати учун учаламизга далил бир фойтун киро ва бир нафар киши кўшмоқчи бўлуб, ар(о)ба учун байъона* олди. Баъд аз иъшо* ҳарамдан чиқиб «Олтер» ўтелидаги хужрамга ётдим.

Саҳар соат 4. Фойтун ила ҳамроҳлар келди. Ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломнинг зиёратлари учун Халил ар-Раҳмон шаҳрига озим бўлдук. Хануз саратон ойи бўлса ҳам Қуддуси шарифнинг оқшоми хейле салқиндур. Совуқликдан арба ичига кўрпага ўралдук. Бир соат қадар кетдук. Исо алайҳиссаломни маҳали таваллуди — Байтуллаҳм шаҳрининг қуйи-сидаги боғлар орасидан ўтармиз.

Яна ярим соат юрдук. Халил ар-Раҳмон тоғларини тепаларини офтоб нури қолади. Гуруҳ-гуруҳ бадавий араблар тевага, от ва эшакларга ҳар навъ юк ва кўмур ортиб шаҳар тарафига келмоқдадурлар. Бир замон темур садоси чиқди. Ароба тўқтади. Тушуб қарасак, фойтунни орқа чархидан бирини темури икки жойдан синиб тушубдур. Бошқа чархлари ҳам яқинда синмоқчидур. Далил жанобларининг баракатидан ўрта чўлда қолдук. Қуддусдан Халил ар-Раҳмонга 42 килўметру (40 чақирим). Тош тўшалган аъло, ниҳоятда мусаттаҳ бир йўл бўлуб, ҳукуматни таърифаси тўрт, ҳатто, беш киши бориб қайтмоқ тўрт ярим мажидий экан. Далил жаноблари бизларга 6 мажидий қарор бериб эдилар.

Сап-сариқ маймунга ўхшаган ар(о)бачи Юсуф яҳудий ҳайрон-ҳайрон ар(о) басига қаради-қолди. Ар(о)басини эскилиги учун 3,5 мажидийга далил ила савдо этиб экан. Ҳар мажидий — 160 тийин. Бизлар ҳам тушуб аробани тавоф қилатурғондек, атрофини ҳар биримиз бир неча дафъа айландук. Илож йўқ. Ар(о)бага уч от кўшилгон. Бирини яҳудий Юсуфга миндуруб қайтариб, Байтуллаҳмга ароба учун юбордук.

15 дақиқа сўнгра далилни бизга кўшган одами Шайх Маҳмудни ҳам Байтуллаҳмга ароба учун юбордук. Йўл каноринда 45 дақиқа ўлтурдик. Мисрий дўқтур жаноблари мандан ҳам сабрсиз экан, асабийлашиб, далилни ғойибона

гажиди. Инсоф йўқ, бунлар ҳароми, ўғри... деди. Бунлар яна бизни ўйнатур. Орқаларидан Байтуллаҳмга кетармиз, деб иккиси қарор берди. Ман ҳам, табиий аларга тобеъ бўлдум. Икки отни аробадан чиқориб, кўрпамни устига ташлаб отни бирига миндум. Бири мулло ила дўқтурга қолди. Аларни бири дигарига минмоқни таклиф қилар. Бири дер «Валлоҳи сан мин». Дигари дер: «Боллоҳ, сан мин».

5—6 дақиқа атрофни «валлоҳ», «боллоҳ» босди... Охири мулло минди. Дўқтур жаёв кетмоқда. Отлар ҳам «асл» эканки, ҳар қадамга тўкушар. Дўқтурни аёғига қараб оҳисталик ила ҳайдаймиз. Байтуллаҳмни ярим йўлига келдук. Яна «оллоҳ», «боллоҳ» бошланди. Мулло тушди. Дўқтур минди. Муллога олдим ва ё орқамга минмоқ ва эртароқ етмоқни таклиф қилдим. Яна валлоҳ-баллоҳдан бошқа натижа йўқ. Оқибат, мўлтони юришинда Байтуллаҳмга етдук. Ва бир кўчадан далил ила Юсуф яҳудий уч отлик бир фойтун ила чиқдилар. Мисрилар оташин бўлуб, далил одамини сўқуб, Халил ар-Раҳмонга бормас бўлуб, Байтуллаҳм шаҳрига пиёда кириб кетдилар. Ман 2-аробани аввал чархларини муояна қилиб, далил одами ила ўлтуруб, Халил ар-Раҳмонга озим бўлдум. Бир соат қадар юруб, синиқ аробага келдук. Хулоса, уч соатлик вақтимиз ғойиб бўлдики, бу қимматлик йўқолган уч соат муддат мани беш кун Ёфа шаҳрига мунгазир ва йўлдан қолиб бекор ўлтурушимга сабаб бўлгонини сўнгра ўқулар.

Бақадри имкон ар(о) бани тез ҳайдатиб, Халил ар-Раҳмон шаҳрига яқин етдук. Атроф узум, зардолу, зайтун, анжир, анор — хулоса, латиф мевалар боғчаларидур. Оврूपойи 2—3 табақа иморатлар орасидан баъзан кулба ва козалардан* ўтуб кетмоқдамиз. Бу замон Мусаллаҳга бурулгон саллалик бир араб суръат ила келиб, ўзини бизни аробага олди ва манга Халил ар-Раҳмон зиёратига далиллигини таъйин этди. Ёнимдаги Шайх Маҳмуд бўлса, анга «Қуддус далили бу завворни Шайхи Довудга элтиб топшир», деганини ҳар миён айтиб, иккиси бир оз мунозара этди. Дам бўл, деган ила сукут этмайдурлар.

Аробани сақлатиб, дедим: «Ё сизлар ар(о)бадан тушинг, ё мен. Бўлмаса, ускуту»*.

Бир неча дақиқа сўнгра ифлос ва фалокат бир саройни олдига ар(о)бамиз турди. Ар(о)бачимиз Никўла Абдулазиз

исминда бир араб насоро бўлиб, Шайх Маҳмудга дерки: «Мандан хабардор бўл...»

Сабабини Шайх Маҳмуддан сўрасам, дерки: «Христианлардан мунда агарчи тубжойи бўлса ҳам махсуси олим оладурлар. Онинг учун кўрқар, Вузуъ* этдим, мани Шайх Довудга топширди. Атрофимни 20 қадар бола ва катта олди: «Ҳожи, бахшиш!»

— Баъд аз зиёрати, фи-л-авдати!

Шайх Довуд ила ҳарам сари кетмоқдамиз. Фалокат² кўча ва бозорлар усти равоқлар ила ёпилган. Эни уч газлик эгрибугри, ифлос йўл. Кичкинагина, ифлос дўконлар ичинда озгина Оврупо моли бор. Чиркин араблар ўтурмоқда. Хулоса: мундай чиркин ва ажиб кўча ва одамларни ҳеч ерда кўрганим йўқ. Ҳатто Ёфанинг кўчаларидан ҳам фалокатроқдур. У қадар фаноки, инсонга ямон таъсир этар.

Бу дўконларни бир-иккиси яҳудийнинг баққол дўконидурки, Оврупо туғма ва муҳрлик шароб тўла шишалар ҳам сотилур. Туркия ҳукумати тарафидан бино қилинган мактаби рушдияни «ҳаром» деб бола бермайдургон араблар бу шишалардан олмоқда ва фоидаси яҳудий ва Оврупо киссасига кирмоқда. Ва арабни ахлоқи зиёдароқ бузулмоқдадур. Турк ҳукумати шароб сотмоқни манъ этмоқчи бўлса, Оврупо тожирлари, «ваҳший» турклар «сарбасти* тижоратга монёъ бўлур», деб эътироз этар эмиш. Оҳ, сад*, оҳ на учун олами исломнинг ҳар ери мундай! «Фожатнабуҳ» «Ан-назофати мин-ал-иймон» қайда қолди? Анбиёи изом саловатуллоҳи алайҳим ажмаин ҳазоротининг турбаи муборақлари ва абул анбиёи Иброҳим Халилуллоҳ ҳазратларининг муборақ исми шарифларига нисбат берилган балданинг ҳоли ва мундаги мусулмонларнинг қиёфа ва башараси бумидур? Эй, Оллоҳ, қиёматинг кўпсун-да, бу осафлик ҳолларга хотима чексин ва бизга баъс баъд ал-мавт³ йўли очилсун!

(Бақияси бор)

«Ойна» ж., 1914 йил,
52-сон, 1235—1239-бетлар

¹ Баъд аз-зиёрати, фи-л-авдати— зиёратдан сўнг, қайтишда.

² Ифлослик маъносига.

³ Ўлимдан кейинги қайта тирилиш.

*Боши биринчи йил «Ойна»нинг 31-рақамидан
52-рақамигачадур*

Халил ар-Раҳмон шаҳрининг яҳудийча исми «Жебрун» бўлиб, бу шаҳар Жабал Халил исминдаги тоғ каноринда* муттасил* ва бу тоғ этагиндаги катта бир заҳра* устинда ва шаҳрға муттасил Иброҳим Халил алайҳиссалом ҳазратларининг мадфани* мубораклари воқеъдур. Бозор ва дўконлардан бевосита боргоҳи* ҳазрат Халилға 5—10 зина ила чиқиб, мрамар тўшалган узун саҳловдан юруб, кўп адад равоқ ва тошсутун устинда бино қилинган катта ва узун ери ҳасир* тўшалган бир жомеъға кирдук. Мунинг асл ўрнинда маъбади* Сулаймон алайҳиссалом бўлиб, сўнгра мулки Мисриядан Малик Зоҳир, Барқуқ ва бошқалари тарафидан олий иморатлар қилингандур. Бу маҳалларға турклар истило этгандан сўнгра Ёвуз Султон Салимхон зиёратға келиб, яна зиёда таъмирот этиб, мундан сўнг Султон Маҳмудхон Соний тарафидан яна зийнат берилибдур. Бу жомеъ тахминан юз қадам узунликдадурки, андин яна мураббаъ* ва тулоний* катта бир хонақоҳға кирдукки, мунинг зийнати аввалгидан зиёда ва устунлари якпора мрамар бўлиб, бошлиқ ва деворлари ранги мрамарлар ила зийнат берилиб, яхши овиза* ва қандиллари бўлуб, ери бутун аъло қолинлар ила тамоман ўргулгандур. Хонақоҳ меҳробини икки тарафинда ва хонақоҳ деворларига етмасдан ва қиблага қараб, тулоний икки муаззам турба* бордурки, ҳар бирининг тахминан тули* олти, эни уч, баландлиги тўрт газ бўлуб, усти бизни соғаналардек балиғсиртидур. Ва бул муборак турбаларнинг ораси ўн газ қадар бўлуб, ҳар бирининг усти яшил атлас пўшиш ила ёпилиб ва ул атлас устинда олтун калоба тўп* ила оёт* ва аҳодиси* шарифа жаллий* суратда ёзилгандур. Меҳробнинг ўнгиндаги турбаи муборакка ҳазрати Халил саловатуллоҳ васалламнинг ва сўлдаги турба завжаи мутаҳҳаралари* ҳазрати Соранинг мақбараи шарифалари бўлуб, икки турба бир-бириға муқобилдурки, зиёратлари ила мушарраф бўлдум. Ва зиёратдан сўнгра меҳроби ҳазрати Халилға намоз ва убудиятни* баржо келтуруб, ушбу хонақоҳға бир эшик ила марбут бўлингон* бошқа хонақоҳға ўтуб, ҳазрати Исҳоқ алайҳиссалом ва ҳарамии-муҳтарамалари ҳазрати рафиқа ва ҳазрати Яъқуб алайҳиссалом ва завжалари ҳазрати Лоиқа зиёратларига мушарраф бўлдум. Яна

бир эшикдан катта бир хужраға кирдукки, мунда ҳам ол-
тункори ва яшил атлас ила ўртулгон бир турба борки, бул
ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг мадфани шарифлари бўлуб,
мунинг ҳам зиёрати ила мушарраф бўлдум. Ва бу хужрада
эски ва тарихий бир сандуқ-да бордур. Бу ҳарам ичинда
шайхлар «тоқчадек» бир жойдаги жилолик бир тошда «қадами
набино Муҳаммад» саллоллоҳи алайҳи вассалламни бўса
қилдирадурлар¹. Бу хонақоҳ ва жомеълар уч тарафдан ки-
чик ва усти очиқ, ости мрамар ила фарш қилинган бир
саҳни иҳота этгандур. Саҳнинг қиблага муқобил тара-
финда бир неча хужра бўлиб, шайхларға махусдир. Ҳарам
ичинда бир неча лавҳа Қуръони карим қўйилгонки, бари-
дан бироз тиловат этиб, амбиёни изом* ва оилаи киром*
ҳазратига арз ва оллоҳи зулжалол ҳазратларига ниёзу убу-
дият этдим. Ҳарам ва хонақоҳларни яна айланиб, ондаги
30–40 қадар мўсафид ва ёш болаларға ҳадяи ожизона бер-
моқчи бўлдумки, далилимиз шайх Довуд деди: «Буларға
берма. Берган ила қутулмайсан, балки сани талайдурлар.
Тўхта, катталарини чақирай, онга бергил». Бу сўздан сўнгра
алардан бири катталарини чақирдики, бир ёш киши келди
ва ул кишиға ҳадяни бердук. Қабул ва дуо этди. Андин сўнгра
бир мўсафид шайх манга далолат қилдики, яна бир зиёрат
ери қолдики, кел зиёрат қил. Орқасидан кетдим. 3–4 шайх
ўлтургон бир ерда ва хонақоҳи Халилни бир тарафинда олиб
борди. Ва анда қудуқ оғзиға ўхшаган ва қўлни қўб суртул-
гонидан мужалло* бўлгон «қубурға ўхшаш тош»ни зиёрат
қил деди. Дедим: «Қандай зиёрат қилурлар?» Ул шайх ерға
ўткурулгон қубур тошин ҳам бўлуб, қўли ила масҳ² этиб,
сўнгра қўлини ўпуб юзиға масҳ этди*. Бу афъол* мани
ўйловға солдики, бу қандай тош ва қандай зиёратдур? Гўё
бул ҳажари асвод* бўлсаки, биз они ўпармиз. Ҳосил, бу
тош учун бир оз ҳадя бердим. Бу қудуқ оғзиға ўхшаган
тошни бир неча кишиға ўптуруб турубдурлар. Ҳатто, баъзи
бадавийлар ўшал тошға сажда этган ҳолда баланд овоз ила
ўз муродини тилаб турубдур. Бу ҳоллар асабларимға тўқун-
ди. Яна атрофимни бир неча 60 дан 8 яшарғача одамлар
олиб, назир тиладилар... Бу ҳоллар ёмон таъсир этиб, ан-

¹ «Қадами набино Муҳаммад» — пайғамбаримиз Муҳаммад излари
(ул зот меърожга шу ердан кўтарилган эканлар).

² Силамоқ.

биён изомнинг муборак турбалари ҳузуринда бориб, ихти-
ёрсиз ҳолимизга йиғладим. То, хайрим, шайх Довуд далил-
га малол келиб, чиқмоқга таклиф этди. Туруб яна ҳарамни
айландим. Ва қуббат ул-Халил деворининг бир тарафинда
икки қизил мрамарга, бири куфий, дигари қуръоний хат
ва арабий ал-иборат ила «ушбу тош Мавлоно султон Малик
носир ад-дунё ва-д-дин Муҳаммад Қиловун айёминда қўйил-
ди» ёзулиб, яна 732 таърих қозилгандур. Бошқа бир ерда
1313 санасинда Султон Абдулҳамидхон тарафидан таъмир
ва таъжид* қилинди, деб тошга қозилгандур. Муни ўқуб
тургонимда атрофимда 20 қадар катта ва кичик назирхўр-
лар жам бўлуб, алардан бири, билмайман, на сабаб учун
«Ҳамид малъун!» деб менга исмини кўрсатди. Ва ман анга
ҳайрон бўлуб қараганимда, бошқа бир-иккиси ону урушуб
ва бири ул сўккан одамнинг мажнунлигин илгари сурди.
Яна ҳазрат Халилуллоҳ турбаи мубораклариға мутаважжих
бўлуб кетдим. Ва бул турбанинг ичиға кирмоқ мумкин бўлуб,
темур шабакалик* эшиги бор экан ва эшикиға шабаки ила
1259 тарихи ёзилубдур. Турба Биби Сора ҳазратларининг
темур қуфлиға* 1302 санаси шакли қозилибдур. Видоъ зиё-
ратидан сўнгра хонақоҳдан чиқиб, ҳарамнинг бошқа тара-
финдаги мрамар сахловидан юруб, беш-ўн зинадан тушуб,
яхуду насоро* зиёратчилар(нинг) келиб қайтадурғон дар-
воза олдиға келдукки, мунда зинаға ўхшаш бир неча тош-
лар бордур. Зиёратчи яҳудий ва насороларни ҳарам ичинда
кирғузмас эканларки, яҳудийлар шул тошларни силаб, ўпуб
ва ул тошлар олдиға соатлар ила йиғлаб, дуо ўқур эканлар.
Яҳудийларни силаб ва ўпгани сабабидан бул тошлар сайқал
ва жило топибдур. Олмониё императори ҳозирги Вилгельм
Куддус зиёратиға келганида, бу ҳарамға-да Султоннинг
иродаи махсуса коғаз ва маҳаллий ҳукумат одамлари ила
келиб, ҳарамға кириб экан. Султондан иродаи махсуса бўлма-
гунча гайри мусулмонни ушбу ҳарамға қўймас эмишлар.
Вильгельм бу зиёратиға араб ва туркларға кўп худоин бериб
эканки, баъзилари они «Ҳожи Вилгельм» дерлар. Ҳарамни
Халилнинг иккинчи боби* дан чиқиб, шаҳарни айланиб,
бир араб таомхонасинда кириб, таом этдук. Ул таомхона
кичкинагина ва бир мусулмон арабники бўлуб, деворинда
Оврупонинг машҳур ҳукмдорларининг рангли тасвири осил-
ган эди. Ошхоначидан сўраганда, бул «Ҳожи Вильгельм» ва

бул фалон деб кўрсата берди. Ва императори аъзамимизни ҳам атаб кўрсатди. Анвар ва Ниёзий ва Маҳмуд Шавкат пошоларнинг¹ ҳам тасвири осилгандур. Қуддус, Ёфа ва бу тарафнинг баъзи таомхона ва дўконларинда мундай ранг суратлар кўлдур.

Ошхонадан чиқиб, аробамиз турган саройга келдукки, 20 дан зиёда катта-кичик фақир араблар «хожи, зиёрат қабул, атои бахшиш» деб мутаважжиҳ* бўлдилар. Бир оз бахшиш берилди. Ва аробамизга ўлтуруб, шайх Довудни далилонасини бериб, мурожаат этдук. Бир оз кетиб эдукки, келарда аробамизда ўлтургон киши ароба олдини тутуб, ҳаққини талаб қилди. Ва анга ҳам бир оз пул бериб, бир-икки ўтелнўмра* лавҳасини ўқуб ўтдук. Бу ўтелларни яҳудийлар тутар экан. Азбаски, араблар ўтелчилик қилмоқга ор қилар эканлар. Мунда овруполи зиёратчиларни(нг) кўп келиши учун бу ўтелчи яҳудийлар кўп фойда қилур эканлар. Аммо бечора араблар тиланиб умр ўтқарадурлар. Халил ар-Раҳмон шаҳринда уч катта жомеъи шариф ва бир неча масжид бордур. Шаҳарда 10 мингдан зиёда араб шофеъи ал мазҳаб ва 600 қадар яҳудий бўлуб, яҳудийларни(нг) бир ибодатхона ва бир мактаби бордур. Турклар тарафидан бир рушдия* ва олти сибён* мактаби очилибдур. Мунда шиша бўлатургон маъдан борлиги учун шишадан ҳалқа билакузук ва майдачуйда нимарсалар қуядурлар. Агарда мунтазам бир фабрика очиб, шиша ва зужжож* санъатига ривож берилса, аҳолига манфаат бўлур эди. Шаҳарнинг узоқ ва яқиниға шаҳарга қараган 60 дан зиёда қишлоқлар бўлуб, сув ила боғча ва мева деҳқончилик яхшидур.

(Бақияси бор)

«Ойна» ж., 1915 йил,
1-сон, 7-11-бетлар

1-рақамдан мобаъд

Халил ар-Раҳмон шаҳридан Қуддуси шарифгача тош тўшалган каф(т)дек мусаттах* аъло катта бир йўл бўлуб, тарафайн* аксар афилсун, узум, анжир, зайтун ва бошқа мевалик дарахтлар ила тўладур. Тарафайн тоғлик бўлуб, Қуддус ва Байтуллаҳма яқин ерлардаги боғчаларнинг баъзисини Амрико ва Оврупо насоро бойлари сотиб олиб, Ов-

¹ Туркиядаги Еш турклар инқилобининг таниқли вакиллари.

рупо усулинда аъло қасру иморатларни этубдурларки, яна бир оз муддатда бу боғчалар тамоман Оврупо ва Амриконинг халқиға ўтуши муқаррардур. Тўрт тарафи тоғлик ва тошлик ерларда юз минглар сўм масориф* қилиб, овруполилар тарафидан қасру кўшклар солингони бу даъвони(нг) далилидур. Йўл ҳозирлангон қайси кун бир Оврупо ширкати трамвай юргузуб, завворлардан* яхши фойда этар. Халил ар-Раҳмондан Қуддусға қараб 5—6 чақирим юрдук. Мунда тоғ парчасидан иборат бир тепанинг ёнида тошға қозилгон бир неча мағоралар* бўлуб, одам эмакляб киратургон кичик оғзи бордурки, қадим замон одамларининг хонау маконлари эмиш. Бу мағораларнинг(нг) орқа тарафинда бир неча қабр аломатлари борки, Намруд замонидан қолган дерлар. Йўлда бир-икки ерда шифохона ва чойхоналар бордур. Йўлнинг каноринда бир-икки ерда насоро зиёратгоҳлари бўлуб, анда олий калисолар солиниб, одатан ҳар бири оврупойи бир катта қасаба ёинки кичик шаҳар ҳукмини олибдур. Халил ар-Раҳмондан 11 чақиримда турк султони Сулаймон Қонуний тарафидан 3—4 таноб ерни тутган ва баландлиги 8—10 газлик мустаҳкам тошдан бир қалъа бўлуб, анинг живоринда* тошдан бир таноб қадарина катта бир ҳавз бино қилинубдурки, вақтинда турк аскарлари турар экан. Ал-он* бўш ва ҳануз қалъа маҳкам ва ҳатто, кунгира ва зийнатлари ериндадур. Яна бир оздан сўнгра бир тоққа келдурки, хиристёнлар муни Макони Хизр деб зиёрат қиладурлар. Мундан нар(и)роқ модари Юсуф алайҳиссалом ҳазрати Роҳиланинг зиёратгоҳидур. Мунинг ул тарафинда Юнус алайҳиссаломнинг зиёратгоҳлари борки, буларни зиёрат, дуои фотиҳа қилдур. Ва Халил ар-Раҳмондан 30 чақирим қадар юруб, Байтуллаҳм шаҳриға кирдур. Шаҳар тоғ ва кумлик, сувсиз ва оризалик* бир ерда бино бўлуниб, кўчалари тор ҳамда эгри-бутри қадим замон шаҳридур. Шаҳарда шаъшаълик* суратда бир неча калисо ва бир ҳукумат кўноғи ва бир неча мағоза* бўлуб, садафкори савғойи кетадургон нимарсалар сотилур. Мағозаларинда ерли нимарсаларни баъзан бирда ўн дафъа қимматбаҳо кўярлар. Бу шаҳарда бешолти минг араб халқи бўлуб, ярмидан зиёдаси насоро ва бошқаси мусулмон бўлуб, барчаси салла ва жубба* ила юрар. Мағозадагилар ҳар бир тилни оз-оз биладурлар.

Халқининг иши садаф тарашламоқ бўлуб, садафдан тас-

биҳ, салиб, ҳалқа, ҳилол ва юлдуз, қути, шамдон, қопчук, попирусдон, албўм, муқова, табоқ; қошуқ, тасвири салиб Масиҳ¹, узук, аёл, бола ва эрлар учун тугма ва ҳар навъ зийнату ярашиқ катта ва кичик асбоб, хулоса, минг нав нимарса ясайдулар. Ва ер юзидан келатургон мусулмон ва насоро завворлари тухфа учун олиб кетарлар.

Садафлар Ҳинд ва Аммон тарафидан, аввалан, Италиёга кетиб, анда аълолари ажралиб, иккинчи даражадагилари мунда келиб, айтулгон асбоблар тайёрланадур. Андаги садаф тасбиҳ ва асбоблардан бож ила Туркистонда келатурулганда ва фириб емасдан биринчи қўлдан олинганда, юзда йигирма ва баъзи молдан юзда қирқ фойда қилмоқ мумкинду. Шаҳарни ва садаф устахона ва мағозаларини юруб, баъзи тухфалар олиб, бир майдончага чиқдукки, анинг бир тарафинда мағозалар ва бир тарафинда ҳукумат кўноғи ва ниҳоятинда катта бир иморат бордур.

Иморатни майдонга қараган жабҳа* эшигини, билмайман, на сабаб учун юқори нисфи* бир келгандурки, ҳам бўлуб кирдук. Ки мунда катта ва олий, деворлари мунаққаш ва зийнатлик бир масжид бино қилингандур. Узунлиги 60, эни 40 газ бўлуб, усти хейле баланд ва 44 дона аъло ва музойиқлик* мрамар стун сақфини* кўтариб турубдур. Ери тош бўлуб, ал-он бўш; фақат бир неча қандиллар осилгандур. Мундан бир эшик ила бошқа бир хонақоҳга ўтдукки, эни 30, тули 60 газ қадар бўлуб, кўп бино қўюлгандур. Мунда кўп қандил ва ададсиз зайтун чироғлари ва зийнатлик овизалар қўюлуб, мунинг бир тарафинда тоқ(и)дек бир жой қилиниб, анда кеча ва кундуз минглар ила зайтун чироғи ва шамъ ёқилиб турурки, бул ҳазрати Исоини Масиҳнинг туғилгон маҳалидур, дерлар.

Бу иморатда ҳар навъ икон ва тасвиротлар қўюлуб, мукамал насоро калисосининг ичидекдур. Бу сумъанинг* ичида ва ост табақасини ва ер остинда баъзи кичкина хужралар ҳам бўлуб, анда ҳам тасовир ва чироғлар қўюлгандурки, кечаю кундуз чироғлари ўчмай, насоро роҳиб ва шайхлари қарашадурлар. Ушбу сумъа, тўғриси, калисо доимо очиқ бўлуб, турк аскарлари тарафидан атрофинда қоровул ва ичинда ҳам бир суффа устунда доимо икки турк аскари милтиқ бадаст тик туруб ва ҳар соат навбат олишдурмоқдадурлар.

¹ Тасвири салиб Масиҳ — хочдаги Исо тасвири.

Бу олий иморатларнинг биринчи бонийси ҳазрати Умар разиллоҳу анҳу, иккинчиси халифа Абдумалик бин Марвон дерлар. Ушбу бино кўп метин ва чидамлик бир суратда мармардан бино қилингандур. Девор ва стунлари тамоман қозма ва қабартма, араб услубинда музойиқлар бўлуб, кўп бино қўюлгон ва мармар стун бошлиқлари кўп зийнатликдур.

Мунда ҳар ким ўз хоҳиш ва одати диниясинча зиёрат ва ибодат қилар. Зиёратидан сўнгра яна шаҳарни кезиб, аввалги аробамизга ўлтуруб, шаҳардан бошқа йўл ила чиқдук. Шаҳар атрофинда мармар тош маъданлари бўлуб, бир қисм халқ, ер остидан тош чиқориб, иморат учун йўнмоқдадур. Шаҳар атрофинда кичик мева боғчалари бўлуб ва баъзи боғчаларни яна Оврупо ва Амрико давлатликлари эгаллаб, баъзисинда юз минг сўм туратургон олий тош бинолар солибдурлар.

Куддус ила Байтуллаҳм ораси 8 чақирим бўлуб, бир-бирига яқин боғча ва бинолар кўп ва арода бир-икки дайр (насоро монастири) бордур. Бу орада доимо эшак ва ҳар навъ киро аробалари юруб, заввор тошимоқдадурлар.

23 саратон ойи саҳар зиёрати Халил ар-Раҳмон ва Байтуллаҳм учун Куддуси шарифдан чиқилиб эди. Ушал кунни мазкур маҳаллаларни юруб, зиёрат этиб, гуруб* вақтида яна Куддусдаги манзилимга етдим. Бир оз истироҳат этиб, Куддусни оқшом ҳаётини кўрмоқ учун чиқдим. Кўчаларда «лукс» маҳтоби* ланпалар ёниб, озроқ аробалар бордур. Бир таомхонага кириб, физо* этдимки, анда мускирот* йўқ, фақат машруъ* нимарсалар бор. Қиморсиз қарта ва шатранж ўюни-да мавжуд бўлуб, кўп кишилар мунга оғуштадур*. Маданият одатларидан театр ва синаматограф-да мавжуд эканки, кирмадим. Бу пайғамбарлар шаҳрига мундай нимарсани(нг) бўлмаслигини кўнгилни тилагани ажибдур. Ма фиййаҳу*, шаробхона ва ҳар нимарса бор эмиш.

Синаматўграфни эга ва хизматкорлари араб ва ибрий созларини чолғувчиларни(нг) ҳаммаси яҳудий экан. Театрига арабий, иброний, франсовий, немис тилларда ривоят-пиесалар қўюлур экан. Азбаски, мазкур тиллар халқидан мунда кўбдур. Фаластин араблари ҳам Миср арабларини сабаби ила театрчиликка бир оз майл қилубдурлар. Театр пиесаларини ривоят атаб, қадим ва жадидлари яхши кўз ила қарар эмишлар.

Синаматўграф ила мен турган ўтел орасинда оврупово-

рий кенг ва мунтазам бир йўл бино қилиниб, тарафайни ланпалар ила мунаввар ва мунинг ўртасинда ҳукумат қўноғи ва ани живоринда темур панжаралик аъло бир боғча ва сайронгоҳ бино қилингандурки, инсон мунда ўзини бир Оврупо шахрига кўрар.

Бу катта йўл руслар бино этган «Маскубия» қалъасини олдиан ўтар. Бу йўлнинг икки тарафинда овруповорий катта мағоза ва ўтел ва дўконлар бўлуб, тарафайинга соя учун дарахтлар ҳам ўтқурулубдур. Маҳтобий ланпалар зиёси ила юруб, манзилимга келиб, уйқуга кетдим.

(Бақияси бор)

«Ойна» ж., 1915 йил,
2-сон, 26–30-бетлар.

2-ададдан мобаъд

Ҳазрат Халил ар-Раҳмон алайҳиссалом зиёратининг эртаси далил ила бир аробаға ўлтуруб, Қуддуси шариф ичи ва атрофиндаги анбиёи изом ва авлиёи кибор зиёратлариға мутаважжих бўлдук. Қуддус фатҳинда шахид бўлган бир неча саҳобағони бузургвор* ва у жумладан, ҳазрат Уккоша ва бошқа мужоҳидини исломни(нг) бир неча ерда зиёрат этдук. Сўнгра шаҳарнинг шарқи(й) тарафиндаги Тур-Зито тоғига чиқилди. Бу тоғ тик эмас, ўрлатиб ароба йўли қилингандур.

Тоғ устиға чиқганда, Қуддусни(нг) ҳар жойи кўзга кўрунур. Бу тоғ устидан шаҳарда ўндан зиёда катта калисолар устиндаги салиб-крести ила кўзга учрайдур. Тоғ устинда ҳам бир неча энг катта калисолар борки, катта давлатлар тарафидан бино қилиниб ва ҳар бирининг атрофинда 5–10, ҳатто, юз-икки юз таноб ерларни айлантуруб олинган майдон, боғча ва ўтеллар, юзлар ила хона ва хужралар бино қилиниб, анда насороларнинг ҳар қисмидан, масалан, рус, немис, франсуз, италён, англичан, рум, арман, булғор ва бошқа христиан миллатларининг эр, аёл монахлари туруб, бўйнида тўрт-беш олчин тасбиҳ осган зоҳид ва монахлардан бошқа ҳар синфдан, яъни косиб ва аҳли ҳунар муҳожирлари илан тўладур. Мазкур миллатларнинг ҳар бирини шаҳар ичинда ва хорижинда ва Тур-Зито тоғинда мунтазам мактаб, ҳатто дорулмуаллиминлари бўлуб, христиан муҳожирларининг болаларида, бошқа маҳаллий христиан араб болаларини ҳам мажжоний* ўқитадурлар. Мусулмон бола-

лари бўлса, на бу мактабда ва на турклар бино этган низомий мактабда ўқумай, дунёдан хабарсизлик ила умр ўтқарарлар. Қуддус маишатиға диққат ила қараганда Араб мамлакати ва ёйинки Туркия вилояти ва турк ҳокимлиги; кўзга энг кичик қўрунғон нимарсалардан бўлуб, ҳар ерда оврупойиларни(нг) маданияти, мактаби; тижорати ва хўжалиги зоҳирдур. Мисол учун шуни ёзайин: Қуддус ва Фаластинда Русия императўриға мансуб рус жамияти бўлуб, буларнинг идорасинда юздан зиёда русча ва арабча мунтазам мактаблар борки, талаба ва талаботлари 3—4 минг бўлуб, бул мактабларға туркларни эски имтиёзлар ҳукми ила мудохала ҳаққи бўлмай, фақат рус инспектури назоратиндадур. Яна муаллим ва муаллима ҳозирлайдурғон мунтазам русча, арабча мактаблари бўлуб, бу мактаблар рус соҳиб хайротларининг масорифи ва эҳсони ила тарбия қилинур. Табиий, бу мактабға ўқигон кишилар рус тарафдори бўлурлар.

Қуддусдан Тур-Зитода чиқгонда бевосита чап қўлда йиғирма-ўттуз таноб ерни атрофи девор қилиниб, музайян Оврупо кўшк ва иморатлари бино қилинган. Бу кимники? Бир инглиз хотуннинг мулки! Ул тарафинда йўл устинда қўб маҳаллалар бор. Булар кимники? Оврупо муҳожирлариники! Яна бир неча юз таноб ерларни атрофиға стун ўтқурулуб, сим ила ихота қилиб, ичинда миллиўнлар масориф ила бино қилингон мактаб, мусофирхона, калисо, ҳаммом, хастахона ва бошқалари борки, бу кимники? Олмонларники! Қуддусда олмонлар бошқалардан бир неча дафъа зиёदारоқ ер эгаллабдурлар. Ундан нари бошқа катта бир иморат ва бир неча таноб ерни айлантурулгон, бу кимники? Италёнларники! Яна бу... кимники? Оврупойларники. Бир калима ила айтайин, Қуддуси шариф атрофини(нг) ўндан 6—7 си оврупойиларники бўлуб, ниҳоятда олий ва жамиятлариға махсус умумий бинолар солингандур. Ёлғуз оврупойилар эмас. Амрико насорларининг ҳам мулклари бордур.

Қуддус атрофини(нг) 10 дан 4 ё 3 и маҳаллий одамларники бўлуб, аммо ободлик жиҳатидан оврупойилар мулкни(нг) юздан бири эътибор қилинса, жонздур. Офарин оврупойиларға! Аларни(нг) дин ва миллатлари йўлиға этгон сарф ва чекгон меҳнатларини айтиб адо қилиб бўлмайдур. Бу айтулғон еру иморатлар қип-қизил ва яланғоч тоғ устинда бино қилиниб, тошларни қозиб, катта майдонлар ва

мусаттаҳ қилиб, бошқа тарафлардан туфроқ келтуруб, ботманлар ила богчалар бино этубдурлар. Бу тоғлик ярамас ерларни(нг) мураббаъ газини 2 дан 500 франкгача сотуб олибдурлар. Мил ила қаерлардан сув келтурубдурлар... Оре*: «Химмат-ар-рижол тақла-ул-жибол» (одамларнинг ҳиммати тоғларни талқон этар): Энди буларга, биз диндор мусулмонларни қиёс қилиб бўлмайдур. Вақтоки*, Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварада мушарраф бўлуб эдим.

Охирги 1—2 аср замонида биз, мусулмонлар ва ё мусулмон подшолари тарафидан бир асари буқъаи хайрия йўқдур¹. Ҳозирги замон жамиятлари, мактаблари... нари турсун, бизни баъзи ҳожилар аҳволини анда кўрмоқ керак. Киссасига минглаб пули бўлуб туруб, тўйуб таом емайдур. Тевачисини* тўйдурмай, андан таёқ ейдур. Карантинларда ўзини мискин кўрсатиб, зиллатни қабул қилиб, пулсиз ўтар. Мактаб ё мадраса қилатургон ҳожи топилмайдур. Ал-ниҳоя, қилатургон хайри 5—10 сўм андаги бой ва ёйинки гадоёларга улаштурмоқ ва ҳарамии набавийида ҳар кун халойиқга уч кўза сув бергил, деб бир ходимга ойинда бир мажиди (160 тийин) тайин қилиб, они ҳам юбормаслик (мани самарқандийлигимни билиб, Самарқандда ал-он тирик ҳожи... жаноблариға айтинг, мани саққолик* вазифамни юборсун, деб худдоми* ҳарамдан бири манга таъйин қилиб эди).

Бу мустамлакотлар* орасидан ўтардим, узоқдан катта бир калисонинг ҳаллик қуббаси назаримни жалб этди. Кимники? Русларни монастри-дайридур деди. Бордук. Йўлни бир тарафида фақир ҳовли ва иморатлар, ифлос арабхоналари бордурки, булардан ўтуб, катта бир дарвозадан олий ва катта бир чаҳорбоғга кирдук. Ҳар тараф раста ила ҳар навъ дарахт ўтқурулгон. Ҳар тарафда монахлар учун хусусий уйлари ва ҳаммаси учун катта золлар ва мактабхона, касалхона ва ниҳоятда зийнатлик бир калисо ва Қуддусни ҳар бир минорасидан баланд гиштин бир минора ва устинда Қуддус уфқини овози ила тўлдуратургон катта бир ноқус* осилгандур. Чаҳорбоғни(нг) ҳар ери тозадур. Русларнинг Қуддусда мундан бошқа яна 4 катта калисолари бордур. Олдимдаги далилға дедим: «Кўрдингизми, русларнинг диндорлиги ва ҳимматини? Шундай тоғда йўқдан шундай жаннат-

¹ Бир асари буқъаи хайрия йўқдур — кейинги пайтда жамоат бинолари деярли қурилмади.

дек жой қилибдурлар. Аммо (сиз) Қуддуси ҳарамни шарифнинг ичинда порухоналар* қилибсизлар?!» Табиий, жавоб йўқ.

Баъзи руслар ила сўйлашдук ва ондин чиқғоч ҳамон олдинга ифлос ҳавли ва саҳройиға ўхшаш чиркин мусулмонларни кўрарсанки, бу кўрулгон манзаралар кўнғилға таъсир этар.

Атрофни яна айландук. Тур-Зито устидан Баҳри Лут кўли кўрунуб турубдур. Қуддус ичинда ва атрофинда кўп адад калисолар устиндаги жиололик кубба ва салиби илан кўзни ўзиға тортар. Мусулмоний дини иморатлар устининг тунука ва пўшишлари ва масжид куббаларининг устинда кўюлгон ва аломати ислом бўлган ҳилол (ярим ой) лар камоли чиркинликда кўрунуб, занг босиб, мужалло салиб муқобилинда ҳазин бир манзара кўрсатадурки, мундан насороларни(нг) диниға ихлослиги ва мусулмонларни(нг) лоқайдлиги маълум бўладур.

Рус калисосининг яқинида ҳар тарафи тош девор айлантурулгон мусамман — саккиз бурж(л)и бир ҳавлиға кирдук. Ўртасинда бир кубба бор. Ичиға сандалиға ўхшаш катта бир тош борки, ҳазрат Исо алайҳиссалом мунинг устидан осмонға чиқгон, дерлар. Ўртаси чуқур бир тошни маҳали* Асойи Мусо алайҳиссалом дерлар. Мунинг яқинида йигирма қадар зинадан чуқур бир даҳмаға кирилурки, Робия ал-адвиййа ва Муҳаммад бин ал-Ҳасан разиаллоху анҳунинг зиёратларидур.

(Бақияси бор)

«Ойна» ж., 1915 йил,
3-сон, 49—53-бетлар

3-ададдан мобаъд

Бу чуқурдан чиқиб, аробаға ўлтуруб, бошқа йўл ила яна шаҳарға тушуб, оврупойиларни(нг) тоғ парчаларидек мактаб, мусофирхона, калисо, сумъа, қўнсулхоналаридан ва ора-сира бузуқ ва харобазор мусулмон ҳавлилари олдиндан ўтуб, яна шаҳарни бошқа тарафиға чиқиб, бир хейле боргандан сўнгра, хароба бир ерда аробамиз турди. Ердан 50—60 газ баланд — бир тоғ парчаси ва онинг ости бир танобни(нг) тўртдан биридан зиёда бир мағора. Бу мағоранинг усти якпора уч-тўрт дона катта тош — сухра* ила

табий ёпилгандур. Мағоранинг ости ердан бир оз чуқур бўлуб, айвонга ўхшаш уч тарафи қиёдан* девор усти сухра тош ва бир тарафи очикдур.

Бу мағоранинг бир тарафинда Султон Иброҳим бинни Адҳам жанобларининг турбалари бордур. Мундаги эски асрлардан вақтинда бу маҳалга катта иморатлар борлиги билинур. Аммо ал-он хароба ҳолиндадур. Агар ҳозирги мусулмонлар бўлсак, бошқа зиёратгоҳлар-да шунингдек хароба ҳолига келиши муқаррардур.

Мундан чиқиб, шаҳарни бошқа тарафинда бир хейле юруб армани калисосидан ўтдук. Калисо деганда йигирма-ўттуз таноб ер ва атрофи тош девор ила қалъага ўхшатуб бино қилинган бир қўрғонча тасаввур қилинсун. Ичинда калисо, мактаб, ҳаммом, касалхона ва жамъияти хайрия идоралари, жимностиқ хоналар* сумъа ҳар тарафдан келатургон зиёратчи насоролар учун мунтазам уйлар, таомхоналар, ҳатто, ичинда ҳунар ва саноатхоналар бино қилинган-дурки, ёлғуз танбалхона ва бизни(нг) таяклардек ишсиз ва гадойхона эмасдур. Темур дарвоза ва анга дарбонлари бордур. Бир оз нари кетиб, аробадан тушдук. Равоқлик бир саҳловдан ўтуб, бир ҳавличага, ундан пастгина ёпилган чинни ва минокори* бир гунбазга кирдукки, ичи масжидлардек гиламлар ила тўшалган ва бул муборак мақом Ҳазрат Довуд алайҳиссаломнинг қабри мубораклари бўлуб, зиёратиға мушарраф бўлдум.

Мундан ароба ила яна бошқа йўлларни айланиб, Қуддус ичиндаги қабри Ҳазрат Марям ва Исо алайҳиссаломга мансуб калисо ва бошқа машҳур калисоларни зиёрат ва саёҳатиға азимат этдук. Аввалан, масжиди Ақсо ҳарами шарифнинг яқинидаги Қамом калисосиға бордукки, насороларча дунёни энг шарофатлик калисосидур. Ичи катта ва кичик бир неча қубба ва мармар иморатлардан иборат бўлуб, ҳазрат Исонинг ҳар навъ тарихий ҳолатларини, яъни халқни динға даъват этганлари ва яҳудийлар тарафидан изо* ва жафо кўруб, салибға миҳланган ва насоролар эътиқодинча, салб* булунгон ҳолатлари тасвир қилинган ва кичкина ясалган ва осилган маслуби мужассам¹ суратлари ясалиб қўйилгандур.

¹ Маслуби мужассам — Исонинг чормиҳ қилиниши тасвири кўзда тутилмоқда.

Калисо ичинда кўп адад чироғ ва шамлар ёқилиб, доимо зиёратчилари узулмайдур. Мундаги насоро зиёратчиларини(нг) баъзиси биз кирганда ниҳоят хушу ила* тизланиб, андаги насроният меҳробларига ва Ҳазрат Масиҳ маслубнинг тарихий суратлари ҳузуринда саф-саф зиёрат этиб туруб эдилар. Бу калисонинг калиди мусулмон бир шайх кўлинда бўлуб, андан бошқа барча ходим ва руҳонийлари насородандур.

Мундан чиқиб онинг яқинидаги рус калисосига кирдукки, мунда ҳам тарихий тош ва тасвирлар кўб бўлуб, бир неча уйдан иборатдурки, бир рус хотун шайхи бизларга кўрсатиб баён этди. Мунда тўрт-беш минг сўм масраф* ила қилингон икон (тасвири ҳазрат Марям ва Масиҳ) бордур.

Калисонинг олдинда тошкандлик ёш аттор бор эканки, хожи ва завворлар олатургон нимарсалар сотадур. Дўкониға бир оз ўлтурдук. Мамлакатдан сўради. Қўлиға бир неча нуха «Ойна» ва «Туркистон харитаси»ни бердим. Аҳли савод экан. Тошканд шаҳрини кўрсатдим. Беихтиёр харита устиндаги Тошкандни ўпуб, кўзига суртди. (Хуббул ватани мин ал иймон¹.) Хусусан ватан ва аҳли диёрни(нг) қадри мусофиратға* маълум бўлур. Ҳақиқатан ватан муқалдасдур. Қадрини билмоқ керак. Сотмасға ва ўлгунча айрилмасға керакдур. Ўғли бор эмиш, Қуддусдаги русча ва арабча мактабға бериб, мактабни тамом қилдурмоқға ва сўнгра русча дорилфунунға юбормоқиға машварат берилди. Шаҳарни(нг) четроқиндаги Қабри ҳазрати Марям калисосига бордук. Шайхлари тамоман насородур. Асл калисо ер остинда қолуб, 60 қадар зина ила кирилур. Ер остинда 2—3 қубба ва мрамар равоқлар ила бино қилингон иморатлар бўлуб, деворларинда тарихий хат ва тасвирлар бордур. Кўп чироғ ва қандиллар ёқилган ва ер ости иморати бўлган учун қоронғудур.

Андан чиқиб, яқинидаги насороларнинг католик мазҳаби аҳлининг зиёратгоҳиға кирдук. Кичкина бир эшикдан кирармиз. Қудрати катта тош — сухралардан пайдо бўлган ва бир-бириға муттасил 3—4 кичик табиий мағоралардан иборатдурки, мағоранинг тавониға баъзан қўл етар. Ва ичи номунтазам 2—3 хужраға айрилиб, ҳазрат Масиҳнинг бир бола бўйнида салб қилингон мужассам тасвири бордур. Ва яҳудийлар тарафидан солибға миҳланганда қонларини оқгани тасвир қилингондур. Бу мақомнинг шайхи католик насородандур.

¹ Хуббул ватани мин ал иймон — Ватанни севмоқ иймондандур.

Мундан чиқиб, шунда яқин Боязид Бистомий¹ Ҳазратларининг турбаларини зиёрат этиб, бир оз нар(р) оқдаги насороларга тейишли чаҳорбоғга кетдукки, онда ҳам Ҳазрат Масиҳнинг ҳар навъ тарихий ҳолатларининг тасвирини деворларга тортилибдур. Яна бир неча исломий ва яҳудий ва насроният мақомларини саёҳат ва зиёрат этиб, яҳудийларни Қуддус ҳарами деворининг орқасига келиб, ҳар кун йиглаб дуо ўқийдургон жойлариға келдук. Яҳудийлар ҳарамни мусулмонлардан олиб аларға бермоқни ва қадим яҳудий ҳукумат ва салтанатиға еткурмоқни Аллоҳ таолодан тилаб, ҳарам девориға орқа тарафдан келиб мутаважжиҳ бўлуб, бўюнлариға ридо солиб, эру аёллар соатлар ила тикка туруб, китоб юзасидан ва ё ҳифзан* гуруҳ-гуруҳ дуо ўқийдурлар. Ким билур, аларни дуолари қабул бўлур ё йўқ. Зоҳир ҳолда қараганда, Қуддус ва Фаластин, яъни арзи мавъудға* яҳуду мусулмонлардан зиёда тасарруф ва илм жиҳатиндан насоролар тараққийдадур...

Ҳарами шарифдаги масжиди Ақсо ва масжиди Сухротиллоға кириб, яна бир видоъ зиёрат этиб, ушбу шариф мақомларға яна мушарраф қилишини Аллоҳ таолодан тилаб, чору ночор ҳарамдан чиқдук. Бозор ва ўтелдан нимарсаларимизни олиб, далил ва шогирд далилға кераклик ҳадяни бериб, алар ила видоъ этиб, ароба ила вағзалға мутаважжиҳ бўлдук. Далил жаноблари вағзалғача келмоқчи бўлди, ёлвориб қайтардим. Гўёки икки киши тамом уч кун манга рафаоқат* ва далолат этдилар. Агарда Оврупони(нг) бир шаҳриға бир таржимон уч кун аларни айтган далолатини қилса, ақлан ўн беш сўм олур. Аммо икки кишиға мани берганим ондан оздур. Маа фиҳи* берган нимарсам аларни(нг) тахминидан зиёда эдики, хурсанд бўлдилар. Ман дедим: «Агарда икки кун минилган аробани одат бўюнча киро қилса эдингиз, сизға зиёдароқ берар эдим. Азбаски, аробачиға... гурушни зиёда олиб бердингиз».

Далил жаноблари уялиб, деди:

— Одамни тонимоқ мушкул. Агар ҳожиларни 3 кун, 4 кун олиб юрармиз, кетар вақтида бергуси бир мажиди (160 тийин) берарки, икки кишиға на бўлур? Лоилож далиллик зимниға даллоллик ҳам қилармиз...

¹ Боязид Бистомий — 874 йилда вафот этган машҳур мутасаввиф.

Букун чаҳоршанбадур. Асрдан сўнгра бир попул* Ёфадан Искандарияга кетар. Онга етмоқ учун Куддуси шарифдан оташаробани учунчи синфига кирдик. Тушганда нимарсаларни чиқорган ҳаммол ҳақини онга бермоқ учун далилга бериб эдим, олганим йўқ, деб 2 ғурушни яна олди. Вагонда Оврупо ва Амрико сайёҳлари ва ерли араблар, аскарлар тўла бўлуб...¹ Хулоса, бандаи Худонинг ҳар қисмидан бордур. Курраи арзнинг ҳар навъ мусулмони, насороу яхудийси мунда келур ва ҳам (маси) бир худонинг бандасидур.

Бу ҳолат ва манзаралар ҳам латиф ва ҳам ажиб бўлуб, инсонни чуқур тасаввурларга кўмар:

Рафтам ба калисои тарсоу жухуд,
Тарсоу яхудо рў бату буд.
Дар ёди висоли ту ба бутхона шудам,
Тасбиҳ табон замзамаи ишқ ту буд?²

Ўрта ёш аммома* ва мусаллаҳлик* бир араб шайхи Оврупо либоси кийган бошқа бир зиёли араб ила мани олдимга ўлтурдилар. Узум ерлар. Шайх манга: «Домла ака, узум енг...», — Хўқанд лаҳжасига таклиф этди.

Ман дедим:

— Сиз Хўқанд тарафига кўбми юрган?

Дедики:

— Ман Хўқандийдурман. Беш-олти санадур ҳинд, Арабистон, Миср ва Ҳижозга кезарман...

Ҳаж шавқи учун оқчасиз ватандан чиқибдур. Маржон, садаф, тасбиҳ ва амсоли савдо этар. Ва мазкур айтилгон қитъаларни ҳар сана бир дафъа айнолур экан. Икки минг сўмча мояси бор эмиш. Мазкур қитъалар тилидан ҳамда ўрду ва англизи бир оз билур... Мадинаи мунавварадан ер ва хотун олмоқни ва боласини низомий мактабга бериш тўғрисида машварат этдук. Живориндаги ёш бир араб жариди мухбири бўлуб, онга ҳам маъкул бўлди...

2-июл, ҳануз асрга ярим соат бор. Ёфа шаҳрига оташаробадан тушган ҳамон Ёфада мутаваттун* самарқандий ва садаф тужжори Ҳожи Мир афандига йўлуқдук. Бу жаноб дал-

¹ Учиб кетган.

² Таржимаси: Насроний ва жухуд ибодатхонасига бордим.
Насроний ва жухуд қаршингда юзма-юз Утирардилар.
Ёдинг висоли билан бутхонада бўлдум,
Қўлимда тасбиҳ ишқингда замзама қиларди.

лол ёинки ҳожи сайёдларидан эмас ва ниҳоятда мусофир-парвар ва амини муътамад* бир одамдур. Бизни тўғри ҳавлисиға олиб бормоқчи бўлди. Ман дедим: «Афу буюринг, бир дақиқа ғойиб қилатурғон вақтим йўқ. Тўғри парахўдга кириб, Мисрға азимат этмоқчиман». Андаги турк жандармасидан парахўдни сўрадук. Деди: «Суръат ила кетсангиз, балки етарсиз». Нимарсаларни ҳаммолга кўтартуруб, денгизға юруб яқинлаштук. Олдимиздан гуруҳ-гуруҳ халқ чиқиб: «Вопур роҳ» («Попур кетди»), — сўзи ила бизларға муқобил бўлулар.

Денгиз лабиға чиқиб кўрдукки, попур кетиб турибдур. Денгиз жандармасидан: «Яна қачон попур бор», — деб сўрадук. Зухирот* бўлмаса, душанба кунни жавобини берди. Ана, Халил ал-Раҳмон йўлиға ароба синиб, 3—4 соатимиз фавт* бўлгонининг натижаси. Энди Ёфадек кичкина шаҳрда беш кунимизни гўё ҳибс ила ўткарурман. Уйдан чиқгондан бери тузаган фурсат, сафар прўграмим букун сактаға учради. Кайф учди. Гўёки мани мунда бир саналик ҳибс этдилар. На чора? Ёфада ҳожихона ва ўтел очган жаноби Ҳожи Бақо Бухорий келиб мулоқот этди. Ва жаноби Ҳожи Мир ила манга дилдорлик бериб, Ҳожи Бақо очган Миср ўтелиға олиб келдилар ва аъло бир нўмра бердилар. Алар хурсанд, мен хапа.

(Бақияси бор)

*«Ойна» ж., 1915 йил,
4-сон, 74—79-бетлар*

4-ададдан мобаъд

Ёфа шаҳри Оқ денгизнинг Шом соҳилинда ва Куддуси шарифнинг аскаласидур*. 15 мингдан зиёда халқи бўлуб, аксари мусулмон ва бошқаси яҳуд ва насоро бўлуб, барчасининг тили арабидур. Атрофи боғча ва баракатлик бўлуб, узум, лимун, тарбуз, шафтолу, хулоса, ҳар нав мевасидан Оврупо ва Мисрға ҳар сана миллиён сўмлар ила сотар. Соҳилиға лимон — парахўд турадургон сунъий ҳавзи йўқ. Вақтида ҳар ойнинг аввал-охири бир ҳафта қаттиғ фўртанаси бор. Ёзда бир озгина денгиз мавжи бўлуб, аммо кўркунч эмасдур. Ушбу сана оврупойи бир ширкат уч санада тамом қилмоқ шарти ила рехтим* ва ҳавз қилмоқ учун Туркия давлатидан рухсат олгани сўйланурди.

Шаҳар денгиз бўйинда узунча тушуб, баъзи иморатлари денгизга мутгасил, узоғи 20—30 газдур. Қадим кўчалари ифлос ва тор бўлуб, охиран ҳукумат 4—5 оврупойи катта йўллар очибдурки, тарафайни 4—5 табақагача тошдан овруповорий иморат бўлуб, лукс ланпалар ила танвир* қилингон. Ва тижорати яхши бўлуб, ер юзиндаги бутун мусулмон, яҳудий ва насороларни(нг) зиёратгоҳи Қуддуси ша-риф ҳожиларни(нг) ўтадургон еридур.

Шаҳарга мутгасил ва денгиз бўйинда ҳамда-темур йўли махтатаси* ҳамсоялигиндаги баъзан зироатлик ва баъзан қумзор ерларни Туркия давлати рухсати илан яҳудий мил-йўнчиларидан иборат бир ширкат — кампония халқдан ав-валан йўқ баҳосиға олиб, кичик бир шаҳар бино этиб, яҳудий муҳожирлариға керакли иморатларни қилиб, 10—20, ҳатто, 50 сана муҳлат ила берарлар ва беш мингдан зиёда яҳудий муҳожирлари дунёни ҳар тарафидан мунда жам бўлубдурлар. Овруповорий тош иморатлар, ибодатхо-на, дорулфунундек катта мактабхоналар, «артизан» — сув бергувчи қудуқлар, нўмралар. Хулоса, йигирманчи аср ти-риклигига ва яҳудий маишатиға керакли мукамал иморат-лар бино этибдурлар. Ўз ароларинда иттифоқлари том бўлуб, бу яҳудий шаҳринда содалавҳ ва фикрсиз турк давлатидан на пўлис бор, на мудир.

Яҳуд миллати ва ҳар бир кўзи очик миллат манфаатлик ишға пулни қизғонмайдур. Бу иш учун биргина Рўтшилд бой 4 милйўн сўм берибдур. Масалан, бир яҳудий дунёни бир учидан анда ҳижратни қарор бериб хатлашса, ўшал ширкат анга керак ҳавлини муҳожир планича бино этиб, 50 саналик берар ва ҳар сана ижросини ярми қадар пул бериб, ҳавлиға эга бўлур.

Ушбу яҳуд шаҳрининг ерини ўн сана муқаддам бир ки-шиға мажжоний берса олмас экан ва яҳудийлар бошлаб имо-рат қилганидан сўнгра атрофни бир мураббаъ газди бир ғуруш — 7,5 тийин экан. Ал-он газди минг ғурушдан фазладур*. Яна қиммат бўлуб тараққий этар. Азбаски, дунёға яҳуд халқи-ни(нг) мустақил шаҳри йўқ. Ва Ёфанинг бир тарафи чўл бўлуб, бу чўл бора-бора Туркиянинг ҳуррият ва ҳимояти ва ёинки содалавҳлиги соясинда дунёмизда бирдан-бир яҳуд шаҳри бўлур. Яҳудийларни ҳозирги дорилфунун мактабла-ри ва идораи баладийалари турклар назоратидан озод, на

унга турк инспектур — муфаттиш илмияси ва на пўлиси қарайдур.

Ёфа яхудий шахрининг кўзга кўрунмас идораси ўзлари учун марка бостуробдурларки, яхудийлар бу маркани сотиб олиб, хатнинг ичиға ёпуштуарлар. Албатта, бир кун келурки, бу маркалар лиғофани устиға чиқар. Оре, умид лозимдур. Дунёға ҳар ким умид ила яшайдур. Аммо умидға иш қўшулса, натижа берар. Ёфада ўн минг қадар мусулмон ва 6—7 минг қадар яхуд ва насоро бор. Аммо катта савдолар ва катта мағозалар, синаматограф ва катта мактаблар ҳамма(си) яхуд ва насоро қўлиндадур. Мукамал франсуз-ферар мактаби мунда мавжуд бўлуб, Франса мисйўнерлари тарафидан яхши бир ерда бино қилингон ва боғчасиндаги кўшқдан қаралса, бутун Ёфа боғчалари оёқ остинда кўрунур.

Туркларнинг бир султоний ва бир неча ибтидоийя мактаблари бўлуб, Ёфанинг ўн минг мусулмонлари бизни Самарқанднинг 80 минг мусулмонидан ўқимоқ тўғрисида аълодур. Азбаски, султонийда юз қадар талаба бўлуб, арабий, туркий, франсавий ўқийдур. Франсуз мисйўнер мактабиға ҳам мусулмондан 20 қадар талаба бор. Самарқанддаги ҳукумат мактабида нуфуси Самарқанддан ўннинг ярми қадар ҳам мусулмон боласи йўқдур. Мундан маълум бўлурки, Ёфанинг у чиркин араблари бизни бу озода мусулмонлардан кўра тараққийдадурлар. Ҳолбуки, аларни(нг) бу тараққийси яхуд ва насороға қарагонда ҳечдур. Ёфада насоролар тарафидан уч жариди араб тилинда ва яхудийлар тарафидан бир жариди араб тилинда ва бир жариди иброний тил ва хатинда чиқиб, аммо бечора мусулмон тарафидан бир дона ҳам йўқдур.

Шаҳар ўртасиндаги жомеъда бордим. Бир мударрис бир неча талабаға тафсир ва ҳадис дарс бериб турибдурки, бир оз кулоқ осдим. Фикри ва тадриси* яхши бўлуб, бизни Бухоро ва Туркистондан аълодур. Ҳамшаҳримиз садаф тожири жаноб Ҳожи Мир афандини(нг) уч ўғли борки, онаси арабдур. Каттаси ҳукуматнинг султонийсини тамом этиб, франсуз-ферарини ҳам шу сана тамом этибдурки, тавзеи мукофот* куни ферар идораси тарафидан бизға ҳам даъватнома ва белат келди. Бордим. Тошдан бино қилингон икки табақалик мадрасадек катта бир мактаб... Туркия ва Франция байроқ ва аломатлари илан зийнат берилган. Бир тараф-

да султон ва Туркия ҳам Франция акобирларининг тасвири осилгандур. Юздан зиёда насоро, яхуд ва мусулмон боласи синф-синф чиқиб франсузча, арабча ва яхудча абётлар ва нутқ ўқудилар. Мактаб боғинда тўрт юз қадар мухталит* халқ бор. Мукофот учун берилатургон китоб ва албўмларни(нг) устига болани нўмраси илан исм ва кунияси ёзилган ва келтуруб мактаб попослари* тарафидан ҳар болани яқин одамига берилур. Бола келиб сафларни ичидаги ақрабосини қўлидан бахшишни* олар. Саҳнадаги баланд ерга чиқиб, таъзим этар. Араб муаллимлари араб либосига, яхуд муаллимлари яхуд қиёфасига, франсуз муаллимлари тамоман руҳоний (пўп) қиёфатинда бўлуб, бўюнлариға салиб осилгандур. Пўпларни оёқларинда масиҳи ва этик-да йўқ. Балки арабдек аёқ ялангдур. Расми мукофот тамом бўлди. Араб талабалар тағйири қиёфа* этиб, арабча тарихий ва муҳорабалар суратинда бир фожеа театр кўрсатдилар. Араби шеър ва қасидалар ўқуб, андаги ҳар синф, халойиқ тарафидан мазҳара тақдир бўлиндилар. Шом соҳили франсуз нуфузида дерлар. Дарвоқе, франсузлар Порисдан қопчуқлар ила олтун келтуруб, мусулмон ва араб болаларини мажоний ўкутуб ва ҳатто, у чиркин, иштонсиз араблар боласига либослар бериб, ҳаллдор китоблар бахшиши этиб, устига нон ҳам бериб, яна ҳар сана дунё жаннати ҳисобланган Порисға мажоний саёҳатлар қилдуруб ҳамда франсуз пули илан араб ва турк еринда очилгон мактабға араби ва ҳатто, араб динини пул бериб араб муллосидан ўкутурса ва андан чиқгон болаларни восита илан ва минг йўл илан Туркиянинг давлат маҳкамалариға маъмур қилиб сўқса, албатта, Сурия ва Фаластин халқини(нг) франсузпараст бўлуши лозим келур. Бизни(нг) Туркистон ва Бухоро халқидан кўра араблар қобил ва мустанди маданиятдурлар*.

Арабларда либос, сочу сақол, қадим ва жадид, театр ва мусиқи масалаларининг ҳаром ва ҳалоллиги қачонлар ҳал бўлуб кетгандур. Бизға энди бошлайдур. Биз Русияға тобеъ бўлуб туруб, Туркистонни ҳеч бир шаҳриндаги бир ҳукумат мактабиға ўн нафар мусулмон талабамиз йўқ, мусулмон тили ва мусулмон дини ўқитмоқ нари турсун...

Ҳожи Мир Бақонинг Миср ўтелидаман. Бир неча кун муқаддам Бухоро шайхулисломи жаноблари ҳам шунда турган эканлар. Қуддус, Ёфа ва Халил ар-Раҳмондаги шайх ва

мискинларга кўп-кўп ҳадялар бериб, бир неча қурбонлар сўюб, халқга тарқатибдурларки, ҳар ким мадҳ этар.

Ёфада ҳамроҳлари илан маъан* ва ҳам танҳоли суратларини олдуруб эканлар. Муборак сийратларини Шомни шарифда бориб кўруб эдим. Бизларда баъзан таассуб йўқ. Агарда тотор шайхулисломи бўлса эди, балки суратни гуноҳ биларди. «Шўро» мажалласига сурат қўймоқ гуноҳ деб тотор муллолари бир неча вақт мубоҳаса этиб эдилар...

Миср ўтели олдидан бир мусулмон жанозаси ўтди. Нардбонсиз бир тобут. Тобутни(нг) бош тарафинда бир газ қадар яғоч ўтқурулгон. Агарда майит* эр бўлса, устига аммома* ва аёл бўлса, рўймол ўрайдурлар. Тобут қимош¹ ила ўртгон бўлур. Тобут кўтарганлар ва ақраболар ва орқадан кетатургонлар додфигон ўрнига «Ло илоҳо иллоллоҳ, ло илоҳо иллоллоҳ»ни якбора ва баланд овоз ила айтиб кетмоқдадурлар. Ман ҳам нўмрадан тушуб, орқаларидан кетдим. 200 қадамдан сўнгра қабристонга кирдук. Ки шаҳарни(нг) марказига бўлуб, икки тарафидан бозорга қараб катта дўконлар бино қилинибдур. Бир тарафи маҳалла йўли ва бир тарафи ҳавлилар бўлуб, ораси бир неча таноблик қабристони муслиминдур.

Ўлук кўмулуб, Куръон ўқилди. Йиртиш йўқ. Қабристонни(нг) икки тарафиндаги икки катта йўлдан, эшиги ва орасидан пиёдагузар* йўли бор. Қабристонни(нг) бир тарафиндаги ҳавлиларни(нг) ҳар биридан қабристонда бир эшик ва тиризалари* бор. Ҳар нав кишилар, ҳатто, Ёфа олдида тургон икки англис ҳарбий парахўдини(нг) сарбозлари дастада даста мазкур ҳавлиларга кириб чиқмоқдадурлар. Ҳайрон-ҳайрон ман-да эшиklarини биринда яқин бордим. На кўрайин, оврупойи ва яҳудий ва араб фоҳиша хотунлари тўла ва ҳар бири муштарий* тортмоқ учун изҳори жилва этмоқдадурлар. Тукларим урпайди. Субҳоноллоҳ, бу на расволик. Мунда мусулмон борми? Ҳукумат борми? Во, осафо, ҳар бири бор.

Аммо маънан ҳақиқийси ила ҳеч бири йўқ. Бу фисқхоналарнинг олдига муттасил қабрлар кўпдур. Яъни бу хоналарни(нг) девори, хона ичиндагилар ила қабрлар орасинда ялғуз воситадур. Мунда киратургон ҳабислар қабрларни устидан ўтуб кирар.

¹ Матоҳ.

Ҳожи Мир жаноблари мани зиёфатга таклиф этиб эди. Қабристондан чиқиб, денгиз бўйидаги саодатхоналарга бордим. Шаҳар мўътабаронларидан* бир неча турк ва араб бордур. Фавран қабристон ҳолатидан сўз очдим. Узр мақомида дедиларки: «Ундаги корхонадорлар ажнабий табааси яхуд ва насоролардур. Биз бир неча дафъа аларни кўчурмоқ учун ҳаракат этдук, қўнсуллар мудохала* этди. Ҳукуматимиз заъф* кўрсатди. Баладия* ҳам аларга тараф бўлди. Тўғриси, оқча кучлук этди. Ҳоло иш юқори маҳкамаларга кетган. Жавоб келган йўқ».

Дедим: «Ҳеч ерда мундай разолат ва зиллатни* кўрмадим. Дунёда муқаддас қабристонни бу қадар таҳқир этган бир шаҳар бўлмаса керак. Бизни Туркистон қабристониға ит ва эшшак ётар... Боболаримиз устиға от чопамиз, бузуб йўл қиламиз... Аммо қабристонда расмий фоҳишахона қилганимиз йўқ. Бу қўнсулларни(нг)айби эмас. Сиз мусулмонларни(нг) ва ҳар нимарсаға бепарво ҳукуматингизни(нг) айбидур. Бизни(нг) Туркистонда расмий мусулмон фоҳишахоналари ҳар шаҳарда кўп эди. Аммо мусулмонларни(нг) саналар ила талаб ва рижосини Русия ҳукумати диққатға олиб, ушбу сана барчасини беркитди. Айб бўлсун, сиз мусулмонларга...»

Ҳожи Мир Самарқандийни(нг) уч ўғли бор. Бири бу сана Истанбул ва ёинки Оврупо дорулфунуниға юборилур. Иккиси ҳукуматнинг султоний мактабига ўқийдур. Ёзгон ва ўкугон дарслари, чизгон расм ва пилонларини болалар кўрсатди. Ниҳоятда қувондим. «Ойна»лардан ва «Туркистон харитаси»дан бердим. Падарларини ватани Самарқандни харитаға кўруб суюнарлар. Оллоҳ ривож берсун. Кошки, ҳар бир муҳожир Ҳожи Мир афандидек ҳаракати маданиятга бўлинса эди.

Зиёфатдан чиқиб, Бухорий Ҳожи Мирзо ал-Бақо афанди хонасиға бордук. Грамўфўнда Туркистон ва Бухоронинг машҳур хонандалари лавҳасининг кўюб, мамлакатча бир мажлис этдук. Ҳожи Мирзо ал-Бақо афанди Ёфада икки ҳожихона ва бир Миср ўтелини тутар. Қуддус зиёратига боратургон ҳар ҳожи 11 сўм берса, Ёфадаги параҳўддан қайиқға ва андан ҳожихонада ва ондан вағзолға ва темир йўл ила Қуддусға ва Қуддус вағзолидан ар(о)ба ила Қуддус ҳожихонасинда ва андан Халил ар-Раҳмон ва Байтуллаҳмға аро-

ба ила яна Куддусдан ароба ила вағзолға ва темир йўл ила Ёфаға ва Ёфадан қайиқ ила парахўдға масорифсиз юруб чиқарки, бул ҳожиларға ниҳоятда фойдалиқдур.

Ёфа ва Куддусға бир ой турса ҳам ҳожихонаға ижара ва сув учун оқча бермайдур. Хулоса, на ҳаммол ва на қайиқ ва на темир йўл ва на аробаға бир пул бермайдур. Далилларни(нг) назру рўзини таоми бошқадур. Ҳожи Бақо ушбу хизматиға темир йўл ва парахўд идорасининг ҳар биридан ҳар ҳожи бошиға ярим сўм қадар комписса¹ олурки, агарда ҳар сана беш минг зиёратчи муслмон Куддусға ўтса, тўрт-беш минг сўм комписса ҳақи бўлиб, икки ҳожихона, Ёфа ва Куддусдаги йигирма қадар вакил ва хизматқору котиб ва югурдақлариға шу оқчадан вазифа берур. Ушбу машғум муҳораба ул ходими миллатга кўп зарарлар этди. Ҳожиларни ўз ҳолиға қўйса, бу 11 сўм эвазиға 20—30 сўм, балки зиёда масраф этарлар. Ҳожи Мирзо ал-Бақо афанди бу ишни кўп ҳаракат ва тадбирлар ила қўлға кирғузубдурки, узун бўлмаса ёзардук. Тўрт кеча-тўрт кундузни Ёфада ўтқармоқ кўп гарон* эди. Маа фийҳи, ҳамшаҳарийларни навозишлари соясинда хафа бўлмадук ва бу бекорликда саёхатнома мактубларидан бир нечасини ёзиб, «Ойна»ға юбордук. Чаҳоршанба Ёфаға келиб эдук. Душанба аср парахўдни 3-даражасиға белат олиб кирдук. 2-белати тамом бўлгон, биринчиға кўз қиймади. Аммо 3-синфға ўлтургонимизға жазо чекканимизни Пўрт Саидға кўрарсиз.

Парахўдимиз шомға яқин ҳаракат этди. Иншооллоҳ, эрта соат 8.00 Мисрнинг Пўрт Саид шаҳриға чиқармиз.

(Бақияси бор)

«Ойна» ж., 1915 йил,
5-сон, 98—105-бетлар

5-ададдан мобаъд

Попур Ёфадан Пўрт Саидға қараб ҳаракат этди. Гуруб яқиндур 2-даражани устиға чиқдим. Бир гуруҳ араб ва Оврупо либоси кийган араблар бор. Сажжода* солиб, асрни ўқуб, давра этиб, имомлари ваъзи сиёсий сўйлаб ўлтурубдур. Мисрни англис ва туркларға бор муносабатидан ва туркларға яқинлашмоқни мисрийлар учун нафълигини исбот

¹ Комписса — компенсация демоқчи.

этмоқға зўр берадур. Баъзилари савол ва эътироз этар, гўё онда йигирма-ўттуз нафар аъзолик бир парламент — мажлиси миллат очилгандур. Ман ҳам таҳорат олдим. Офтоби жаҳонтоб денгизимизга ботиб, ғарбимизни қонга бўятди. Бир араб шайхи азони Муҳаммадий ўқуди. Парахўддаги мусулмонлар азон нидоси муқобилига: «Оллоҳ, Оллоҳ жалла жалол самийна ва атоъна»¹, — жавоби илан фазони тўлдурарлар эди. Ҳар тарафимиз сув ва анинг бохаридан* пайдо бўлган осмондур. Мундан бошқа олам йўқ. Бу поёнсиз денгиз устинда писта пўчоғидек маркаби баҳриямиз* солланадур. Бу ғуборсиз ва муаттар уфқни холиқиға ибодатға муқайяд бўлдук.

Араб шайхи важдға* келди. Намози шомни икки аввалги ракъатиға «То»дан бошлаб Қиссан Ҳазрат Мусо ва Фиръавни охириғача ўқуди. Намоздан сўнгра такбир ва таҳлиллар, таслиҳ* ва тардиҳлар* ўқулди. Ва олами ислом учун дуолар айтилди. Мундай важдлик бир ибодатни мундан аввал кўрганам ёдимға йўқ. Атрофимизни олойиши дунёдан поклиги, уфқимизни муаттарлиги ва шайхни руҳфизо оҳанги қироати асбоби важдан эди.

Чу хуш аст савти Куръон зи ту дилрабо шунидан
Барахт наззора кардан сухани худо шунидан².

Уфқимизни зулмат босди. Осмони шабчароғлар зоҳир бўлуб, Оқ денгизнинг лоятимму* мавжларини кумушдек жилолантирар эди. Араб мажлиси миллати ҳануз баҳсу жидолда*, араб шайхи ҳануз сўзу гудоздадур³. Ҳавонинг салқинлиги оёқим оғруқини қўзғамоқчи бўлди. Лоилож, хуфтонға туrolмай, 3-даражани(нг) анбориға тушуб, жаноби Ҳожи Бақо бергон амонат денгиз курсиси (качалка) устиға узандим. Анбор бадбўй бўлган эди. Ёнимда Ҳожи Абдуллоҳ исминда Шаҳрихоний мискин бор. Юки бир чарх ила 3 пут келатургон эски-туски, латта-путталардан иборатдур. Чархидан бошқа барча либосу латта-путталарини бизни тўқумдўзлар 50 тийинға олиши маълум йўқ. Ўзи икки ҳаж қилгон, Ироқ, Бағдод ва Фаластинни икки дафъа жаёв кезган бир обиддур. Парахўдда ва Пўрт Саидда нимарсала-

¹ Таржимаси: Эй қодир Худо, бизни тингла ва тилагимизни бер.

² Таржимаси: Куръон оҳангларини сен дилрабадан эшитмоқ, атрофдаги жамъи нарсаға қараб Худо сўзини эшитмоқ қандай яхши.

³ Сўз гудоза — гап билан овора.

римизга қаровуллик ва ҳаммоллик этди. Обжўш келтурадур. Хулоса, мен учун бир ҳамшаҳри ва аъло бир ҳамроҳдур. Миср туфроғинда чархчилик қилиб, бир оз фойда этиб, мавсумда яна Ҳажи шарифга кетар. Заррадек гами йўқ. Икки юзи қип-қизил, тавоно*. Фақат ниҳоятда чиркин, ҳаттоки, либослари кир ила у қадар муҳр(а)ланганки, ҳабашни қаро юзидек ялтирайдур. Хулоса, бу ҳоли илан бир милйўнердан тинч ва роҳатдур...

Оқшом денгиз курсиси устинда чалқарамон ётиб уйқуга кетдим. Парахўд бир оз бешикдек тебратур. «Афандим, — турунг, фажр* кўлдан кетар. Ва ҳам Пўрт Саид кўрунди», — деб Ҳожи Абдулло афанди уйғотди.

Фажрни сафоси, денгизни шаффоф мавжи, бир тарафдан шамси жаҳонтобни зиёси илан ҳаво ва фазони касб этгон латофати ва денгиз қушларини учуши ва соҳилдаги шаҳарни, денгиз мусофирларинча, чимилдикдан чиқгон бир қиздек латофатини тамошоси тўятургон ва тавсиф қилиб битиратургон нимарсалардан эмасдур. Оқшомги ибодат лаззатини такрори учун араб намозгоҳига кетдимки, намозни битирибдурлар. Ялғуз бошимга убудият этдим. Ҳар замон Мисрни ҳақиқий хўжаси англисларни зарби ва фўлоди мудҳиш парахўдлариға йўлуқармиз.

Энди Пўрт Саид жомеъларининг ҳилоллик минораси ва солиблик калисолари ва 3—4 ошёналик иморатлари ва денгиз бўйиндаги симсиз тилгироф-мухаттасининг устунни кўрунмоқға бошлади. Суэс қанолининг ишбоши муҳандиси француз Фердинанд Дулиенсни денгиз ичинда тошдан қилингон ҳайкали мусофирларға қанолни кўрсатиб тақдим қилиб турубдур.

Парахўдимизга араб дўқтури келиб, ҳаммани бирма-бир кўз ила кўрди. Карантин қайиқлариға юклар тўлуб, ўзимиз ҳам ўлтуриб, аскалаға мутаважжиқ бўлдук. Мундаги қайиқ ва ҳаммоллар карантин идорасидандур. Қайиқ кириси, карантин пули, «начур» пуллари учун бир сўм олиб панд бердилар. 3-мавқеъга белат олганимни жазоси энди бош кўрсатди. 2-даражадаги одамлар матурлик қайиқлар ила кетдилар. Биз аларни карантиндан ўтушларини соатлар ила денгиз ичиға мунтазир қолдук. Карантинға чиқдук. Бир-бирин те-мур панжара ва ҳалқалардан ўтуб, табиб ва пўлис доиралариға йўлуқуб, ҳар тарафи те-мур панжара ила иҳота қилин-

гон бир майдонга чиқдук. 3-даражадаги одамларни нимар-саси «начур»* бўлур эканки, яна икки соат интизор керак. Баракат берсунки, тоза чамадон ва тоза жойхобларни «начур»га солмадилар. Чиркин кўринган ҳар нимарсани бог-луқи илан жаҳаннам мисоли «начур»тиб чиқордилар.

Бир хил мусофирлар бу замон гўё девона бўлган эди. Мани 4 қитъа нимарсамни «начур» қилмасдан тоза нимар-салар ичига ажратдиларки, панжарани орқасидан ва узоқ-дан кўрар эдим. «Искандария» ўтели(дан) одми араб Алини ўтелига бормоқчи бўлдумки, Али мани андаги сиҳҳия дои-раси*га олиб борди. Кимлигимни, поспуртсиз сўрадилар. Мисрға қайси хонау қайси кўчада кетишим сўралди. Де-дим: «Ўтелга тушарман». Дедилар: «Сиз 3-мавқеъ ила ке-либсиз, 3 кун Пўрт Саидда турарсиз, ҳақим муояна этар*, сўнгра кетарсиз...» Ҳар на дедим, илож йўқ.

«Искандария» ўтелига турушим ва Алини(нг) манга 3 кунгача кафилигини пўлис ёзди. Хулоса, бандга тушдук. Агарда Мисрда махсус бир хона ва кўчасининг нўмраси ва хона эгасини оти айтулса, қўя берар эканлар. Ва Миср пўли-сиға тилгироф берилиб, андаги сиҳҳия ҳақимиға 3 кун кўргузулур экан. 2-синфдагилар қачонлар Миср вағзолиға кетди.

Бошимдаги Эрон кулоҳи шафоати илан бир эроний ке-либ, аҳвол сўради, вуқуотни* сўйладим. Ул деди: «Мунда «Доруссаодат» исминда ўтелим бор. Эртаға сизни Мисрға жўнатмоқ кўлимдан келур». Яна пўлис ва сиҳҳия идорасиға бордук. Табдили макон* ва кафили ҳадидманд* қайди учун энди аввалги кафилим Али қабул қилмайдур. Лоилож беш ғуруш бадалиға Алини бандидан озод бўлуб, 2-Ҳожи Али эроний кафолатиға кирдим. Соат 8 параҳўддан чиқуб, энди 12 дурки, ҳоло гумрукдан чиқгонимиз йўқ. Соат 2 да Мисрға ароба жўнайду. 6 соат Пўрт Саидни саёҳат этиб, шу кун аср Мисрға кирмоқчи эдукки, 3-даражаға келгонимиз учун ҳибса тушдук. Гумрук(д)а нимарсаларимиз қаралди. Божи-лиги йўқ экан, чиқиб «Доруссаодат» ўтелиға келдик...

*«Ойна» ж., 1915 йил,
6-сон, 123–126-бетлар*

ХАЙРУЛ УМУРИ АВСАТУХО^{1, 2}

«Хуршид»ни қорайни киром ва муштарийи иъзомиға арз қилунурки, замонимизни сиёсий (пўлитик) замонлигини кимса инкор этмайдур. Ҳозир Русия давлати(нинг) тариқи* ҳукмронлиги(ни) ноқис эканлигига ҳар бир хабарлик киши иқрор этар. Давлат қонунларини(нг) ислоҳ ва таждидиға ҳар ким мойилдур. Аммо Русиядаги барча ҳалойиқ бошлуча неча аслу асосға бўлунгандурлар. Бу сиёсий фирқаларни(нг) ҳар бириға ҳар бир мазҳаб ва дин аҳлидан қўшулгандур. Чунончи, насоро, яҳуд, муслим ва мажусий тоифаларини(нг) ичида бу сиёсий маслакларға мойил кишилар бордур. Ва яна ҳар тоифа ичида фирқасиз, маслак-сизлар ҳам топилур. Биз, туркистонийлар, замондан камхабарлигимиз учун бир неча минг кишидан бошқа ҳаммамизни ҳеч бир фирқага мансуб эмас, маслак-сиз нодон фирқаси деб аталса ҳам сазодур. Ани учун биз бу 3—4 фирқа — партияларни асос ва маслак сипоҳийларисидин мухтасар баён қилармиз. Чунончи, биринчи — «Буйрўкратияи мустабид»* фирқасики, булар эски тарз ҳукумат давомини хоҳлайдур. Русияни(нг) эски ҳукмронлиги(ни) тариқи шундай эди. Импиротуримизни(нг) ҳар бир амри ва ҳукму ройи — «закун» аталиб, ҳеч лоу наамсиз* барча волий, суд, вузаро ва булар қўл остида турганлар воситаси-ла ўрниға келадур. Ҳар хил низом ва закун китобларни Синод (Военный совет) деган мажлис аъзолари тузатиб, тўқуб подшо ҳазратлариға Вазирлар мажлиси воситаси ила манзур қилурлар. Импиротуримизни(нг) имзоларидан сўнгра закун аталиб, барча вузаро ва вилоят маҳкамаларини ва суд мажлисларини мутасиддийлари тарафидан халқ устига жорий қилинур. Бу қоида-ни идораи мустақила (самодержавный) аталадурки, ҳозир Ёвропо қитъасидаги Русия ва Туркиядан бошқа қирқ қадар

¹ Иш (амал)ларнинг яхшиси ўртачасидир.

² Д. Рашидова ва К. Турсунбоев нашрга тайёрлаганлар.

катта ва кичик давлатларда йўқдур. Идораи мустақила қўл остидаги фуқароларни ҳар қанча ҳукумат одамлари ва тўраларга яқин ва муносабатлик ўлса ҳам аҳволи сиёсия, диния ва дунявия ва олияси дуруст бўлмай, кундан-кун таназзулдадур. Хусусан, мазкур 2 (икки) мажлисга катталари дохил бўлмайдурган тоифаларни аҳволи ниҳоятда забунроқ бўлуб, дин ва дунё, илм ва маърифат, тамаддун* ва адолат, мусовот тўғрисида ҳаммадан кейин қолур. Чунончи, биз, муслмонларни(нг), диний ва қавмий ҳуқуқимизни(нг) камчиликлари подшоҳ ҳазратлариға етмай, етганда ҳам мажлис членлари тарафидан радд бўлуб ё илтифотсиз қолур. Буни(нг) сабаби ила биз ва бизга ўхшаш тоифалар таназзул қилуб, оҳисталик ила фирқаси, тоифаси, ватани хор ва хароб бўлуб батадриж йўқ бўлмоқ хавфи вордур. Бу масалада аҳли хабар наздиға тажрибаи тарихия ила собит бўлгандурки, дунё сиёсийлари ва сипоҳийгаридан хабарлик кишилар, албатта, мунга тасдиқ қилурлар. Ал-он, биз, туркистонийлар, шу ҳол мақдамасиғамиз. Албатта, савол келадурки, Туркистон обод бўлди, илгари бой кам эди, миллиўнир йўқ эди, яхши иморат ва либос ва палос йўқ эди. Боз, бас, на учун инсофсиз муҳаррири маъраз*лар харобмиз дея жоҳилона ёзадур деб, анга шундай жавоб бермоқ керакки, 6 миллиўн туркистонийларға 3 миллиўнир борлиғи маълум. Йўқ, бойман деганлар банк ва фабрикантларни хизматчиси ва мадониёдур*. Шаҳар ва қаръялардаги катта иморат ва казармаҳоналар ҳамма яҳудий ва Оврупойиларникидур. Оврупо имтиосийлари* ерли имтиоларни синдурди. Деҳқонлар, эса, агарчи бир вақт қўли, бир оз ақча кўрарина Оврупо имтиоларини бириға икки ва беш хом бериб, бир пишиқни зўрға олар. Бир даража диний ва илмий жиҳатта атф назар қилинса, вақфлар кетди, мадрасалар хароб бўлди. Борига ҳам тартиб, фехрист, мухтасиб, мумтахин, муназзам йўқ. Эски тартиб ва жадвал ва даррус кундан-кун мударрислар тарафидан таржеъ қилинур. Икки миллиўн туркистонийлар мадрасасиға Худодан бошқа нозир йўқ. Бир раиси диний ва мумайизи илмий йўқ. Ўзимизда эса инсоф ва хавфи ҳақ йўқ, асло йўқ. Ва Оллоҳ, на учун саводсиз қози, илмсиз мударрис, инсофдан хабарсиз муфтий, қироатсиз имомлар оламни босди. Бунга сабаб бирор раиси диний ва мумайизини* илмиға молик ўлмаганимиз эмасму? Худо сақласун, яна 25 йил шундай бўлса, ҳозирги муҳтарам уламоларимиз

кетсалар, Туркистонға қиёмат кўпқон, илм ва амалға фотиҳа тортилгон ҳисобланур. Басират ила 25 йил мақдамни ҳозир ила ва ҳозирни 25 санаи сония ила қиёс қилган хушманд* бизни бу баёнимизни муболага ва хатои зуъм қилолмаса керак... Биз яна масдар* баҳс бўлган партиялар баёниға ружуъ қилармиз.

2инчи фирқа партияни кадет (конститусионий демократически маршрута аъвомия маъишат) маршрута фирқаси аталадур. Бу партияни(нг) муроди шулки, «Миллат мажлиси» хоҳ Дума очилиб ҳар бир милйўн халқдан 3—4 вакил пойтахтга бориб, мажлис қуруб, бирча зақун ва қонунларни ҳар бир вилоятни аҳволи ва ҳар дин ва миллатни озод ва сарбастлигига ақл ва инсофиға қараб таассуби ҳуқуқи башария ва риояи динияга мувофиқ тузатиб, подшоҳ ҳазратлариға топширилса. Ва импиротуримиз ҳам ўшал халқ вакиллари тайёрлаган зақунларни ўрниға келмоқиға ҳумоюн фармойишларини қилсалар. Барча дин ва уруғ халқ хартухар* ўлуб, то қозий ва судиялар ҳукм қилмагунча, чиновниклар ўз ройлари ила¹ ... ёйинки мол, жон, фикр ва ҳаркат расмиясиға монёъ бўлмасалар. Ҳар тоифани ўз китоби, эътиқоди ва масоили динияси ўз орасиға жорий бўлуб, русиядаги барча халқ Русияни ҳар бир нуқтасиға баробар бўлуб, ҳуррияти диния, ҳуррияти шахсия, ҳуррияти ижтимоия, ҳуррияти иттифоқия ваъз ўлунуб бўлатурган қонунни жадид доиралари онинг муътодича жорий ва мустаъмил* тутулса, халойиқ вакилларини(нг) қароридан хориж ҳеч зақунлар бўлмай ва вакиллари хоҳламайдурган эски зақунлар ислоҳ этилса... Ҳозир Русияда бу — кадетлар фирқасиға мансуб халқ ҳар дин ва миллат аҳлидан ниҳоятда кўпдир. Собик Миллат мажлиси аъзоларини(нг) аксари бу фирқадан эдилар. Бу фирқа ҳақиқатда ўрта фирқадур. Муътадил ал-мизож халқлар бу партияни хоҳлагандурлар. Бу фирқа ифрот* ва тағрит* ўртасиға, соғ ила сўл васатиға, ҳар бир фикр ва матлабни авсати ва марказиға бирлашган бир ҳизби* мутавассит*дур. Русия мамлакатига мундин беҳроқ ҳизб йўқдур. Ифрот ва тағрит, яъни Иштирокийун, Инқилобийун ва Қора гуруҳ деган ҳизблар сабаби ила Русияға ҳар кун ва ҳар соат фасод ва инқилоб, бузуқлик жорий бўлуб туруб-

¹ Ўқиб бўлмади.

дур. Фақат саломатлик ва амният бу кун кадетлар ҳизби соясида ватанзимиз Русияга жорий бўлса керак...

Зинчи «сосиал-демократически» — иштирокиун омийун* — маъишияти муштарака* фирқасидурки, бул ҳам дохилан икки фирқага бўлунур. Бири сотсиёл демократ — иштирокиун омийун, дигари сотсиёл револутсийонер — инқилобийундур. Буларни бошлуча муроди ҳозирги барча закун, мулкيات қоидаларини бутун бузуб, мол ва ерларни ҳамма халойиқ ўртасига муштарақ қилиб, анинг манфаатини бутун халойиқ ўртасида мусовий этмоқчидур. Бойлик ва камбағалликни йўқ қилиб, дунё моли(ни) роҳатидан ҳаммани баробар фойдалантуруб, масъуд ва роҳат умр ўтказилмоқиға ва ҳар ким ўз истиқболидан амин бўлмоқиға закун ва қоида жорий қилмоқчидурлар. Буларни прўграмини жорий бўлмоғига ҳозирги асримиз мусоид* эмас. Балки неча асрларға таваққуфи* бордур. Дунёға нелар бўлмади. Ким билур, балки замони келиб, буларни(нг) прўграми қонуний жорий бўлса, ҳамма минкулл ал-вужуҳ баробар бўлуб, сир-китоб раъиға ёзилган Жобулса ва Жобулқо* тартиб маъишати ер юзиға балки жорий бўлур. Ҳар ҳолда, бу партияди муроди мумкин лойиқиъ ёйинки хаёлийдек кўрунуб, бу тоифаға қўшулмоқ биз мусулмонлар учун ниҳоятда зарарлиқдур. Прўграмларини(нг) молия моддаларина бир оз тағйир бермағунча, шариятға мувофиқ ўлмағони каби жоний* ва оила бобидаги фикрлари ҳам асло-асло тўғри келмайдур...

4инчи «Русия мусулмонлари иттифоқи» ҳизбидурки, буларни партия суратиға кирганиға бир йил бўлди. Аввали ўтган сана Нижнийда парахўдга ўлттуруб, мусулмон пешравлари сув устида мажлис ясадилар. 2инчи ушбу йил аввалида Питрбургда ғайри расмий яна бир мажлис — съезд ясаб, қарорнома нашр этдилар. Зинчи ушбу ўтган августда яна Нижний ёрмонкасида уч-тўрт кун давомат ила бо рухсати расмия неча минг мўъминлар бир-умумий надва* (обсчий съезд) этдилар. Қарорларини ижмоли, Туркия газеталаридан маълум бўлишиға қараганда, русия мусулмонлари диний ва илмий ваҳждан алоҳида бир партияди махсусадурлар. Аммо сиёсий ва умумий талаб ва маслақлар тўғрисида кадетларға қўшила турганға ўхшайдурлар. Русия мусулмонлари ҳизби ҳам ўзга тоифалардек комитет барпо айламоқчидурлар. Идораи марказия — сентральний комитетлари Питрбургда бўладур. Бу

партия 31 кишини аъзон марказия сайлаб, аларга Боди Кубо*даги Алимардонбек Тўпчибошев жанобларини садрнишин ва Қозондаги Юсуф афанди Оқчурин жанобларини мусташор* сайлабдурлар. Бу муҳтарам аъзолар, албатта, бир неча шўъбага бўлунадурки, шўъбаи илмий, шўъбаи сиёсийлардан иборат бўлса керак. Бу 31 нафар аъзоларина Русиядаги аҳли мусулмонлардан бир неча аъзо интиҳоб қилиб олмоққа қарор бермишлар. Аммо бу бобдаги жароид ва тасвидотга* қараганда, бизни Туркистондан бир нафар аъзо интиҳоб қилмоққа қарор бермишлар. Лекин 6 милйўнлик Туркистон мусулмонларидан бир аъзо оздур. Беш облустдан 30 нафар ҳам Бухоро ва Хева ва Туркистони Чинийдаги мусулмонлардан биртадан аъзо олмоқ лозимдур. Бу комитет ва аъзолар вақт-бавақт жамълашиб, диний ва илмий маъоши тўғрисида машварат* қилиб, мусулмонларни илман ва молан, динан тараққий ва таолиларига хидмат қиладурлар. Сиёсатан бўлса, умумий партияларни бири ила қўшулуб иш қўрадурлар... Бу тўрт партияни(нг) матлаби миллий ва маслаки сиёсийларини мадомики, бир неча саҳифа ила баён ва шарҳ қилинмаса, камхабар киши тушунмайдур. Ани учун биз, Туркистон мусулмонлари, 23инчи августда Нижний шаҳринда бўлган Русия мусулмонлари ҳизбиға байъат қилиб, сиёсатан кадетларға қўшулуб, динан ва илман мазкур съезд иттифоқи ҳукмиға мутеъ ва мунқод бўлсақ керак. Яқинда мазкур надваи исломия қарорномаси босилиб, олами матбуот ила нашр қилинадур. Туркистоннинг муҳтарам муаллиф, муҳаррирлари ғараз, нафсоний ҳасад, баҳс ва мунозараи шахсияларини тарк этиб, шу маслак ва шу жамиятға тобеъ ва ходим бўлмоқлари хидмати дин ва давлат, обрўйи Ватан ва Миллатдур... Биз ояндаға бул бобларға, Иншооллоҳ, муфассал ёзмоқ амалиндамиз...

«Хуршид» г., 1906 йил, 11 октябрь, 6-сон

ИККИ ЭМАС, ТҶРТ ТИЛ ЛОЗИМ

Биз туркистонийларға туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур. Туркий, яъни ўзбекини сабаби шулки, Туркистон халқининг аксари ўзбаккий сўйлашур. Форсий бўлса, мадраса ва удабо тилидур. Букунгача Туркистонни ҳар тарафиндаги эски ва янги мактабларинда форсий назм ва наср китоблари таълим берилиб келгандур.

Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса ҳам, мударрисларни тақриру* таржималари форсчадур. Бу қоида, яъни дарс китоби — арабий, муаллим — туркий, тақриру таржимани форсийлиги хила ажибдур.

Туркистонда қадимдан бери бу уч тил жорийдур. Чунончи, эски ёрликлардан маълум бўлурки, Туркистонда эски амир ва хонларни амри фармойиш ва муборак номалари доимо туркий, яна айни замонда дорулқазоу* адабиёт таҳрирлари форсий ёзилар экан. Бу қоидалар зотан яхшидур. Аммо бора-бора ёинки кела-кела усули таълим ва китобатга эҳмол* пайдо бўлуб, ҳозир бир даражаға келибдурки, аҳли савод ёинки аҳли илмни юздан тўқсон тўққузи бу уч тилда мукамал таҳрири адабийға молик йўқдур. Яъни усули таълим ва тадрисни ислоҳ этмак керак. Ўтайлук.

Туркистоннинг Самарқанд ва Фарғона вилоятларинда форсча сўйлатурган бир неча шаҳар ва қишлоқлар бордур. Бухоро ҳукуматининг тили форсийдур.

Форс шоиру удабоси асарлари қиёматгача лаззати кетмайтурган хазинаи маънавийдурки, мундан фойдаланмоқ учун оврупойилар миллиардлар сарф этарлар.

Бизға саодатдурки, туркий ва форсийни таҳсилсиз билурмиз. Ҳар туркни форсий ва ҳар форсни туркий билмоғи лозимдур.

Форсий билган киши Фирдавсий, Бедил, Саъдий, «Маснавий»дан¹ қандай лаззат олса, туркий билганлар Фузулий, Навоий, Боқий², Сомий³, Абдулҳақ Ҳомид⁴, Акрамбек⁵, Санойи⁶, Нобий⁷, Ножий⁸ лардан, яна Толстўй, Жул Верн ва уламои замоний асарини туркий таржимасидан лаззат шундай оладур.

Фаранг ва рус донишмандларининг асарларидан фойдаланмоқ туркий ё русий ва фарангий билмак ила мумкин бўлур, на учунки бугун усмонли, Кафказ ва Қазон туркла-

¹ «Маснавий» — Ж. Румийнинг машҳур асари.

² Маҳмуд Абдул Боқий (1526–1600) — машҳур усмонли шоирларидан; «Сумбул қасидаси»нинг муаллифи.

³ Сомий (1850–1904) — «Қомусул аълум»нинг муаллифи.

⁴ Абдулҳақ Ҳомид (1852–1937) — машҳур турк шоири.

⁵ Акрамбек — Рижоизода Акрам (1847–1914) — «ғарбчи» жадидчи шоир.

⁶ Санойи (Иброҳим Шиносий бўлса керак) (1826–1874) — машҳур турк масалнавис шоири.

⁷ Нобий (Юсуф Нобий) (1640–1712) — усмонли шоирларидан.

⁸ Муаллим Ножий (1850–1893) — «шарқчи» шоир.

ри замона уламози асарини туркийга таржима қилиб, кўпайтиргандурлар, яъни туркий билган киши замонни билур. Турк тилига ҳар бир янги ва нафълик китоблар барча тилда таржима бўлгандур. Араб маданияти юноний Суқрот, Буқрот, Фалотунлардан фойдаланганидек, замона ҳозира маданияти Толстўй, Жул Верн, Кеплер, Коперник, Ньютонлардан фойдаланур. Мақсаддан узоқ тушдик.

Бизга лозимки, ўз нафъимиз учун русча билайлук, ҳукумат мактабларинда ўқуйлик. Давлат мансабларига кирайлук. Ватанимизга ва ўз динимизга хидмат этайлук. Муслмон бўлуб туриб тараққий қилайлук. Бу замон тижорат иши, саноат ва мамлакат ишлари, ҳатто, дини ислом ва миллатга хидмат илм-сиз бўлмайду. Масалан, бугунги «подшолик дума»га ўз дин ва миллатимиз нафъига сўзламоқ бизлар учун мумкин бўлур. Аммо анда бориб сўйлагувчи киши бизга йўқ. Анда бориб нафъи бир ўн сана ўкумоқ керак, замондан, қонундан хабардор бўлмоқ керакдур.

Хулоса, бугун бизларга тўрт тилга таҳрир ва тақрир этгувчилар керак, яъни арабий, русий, туркий ва форсий.

Арабий тил дин учун на даража лозим бўлса, русий ҳам тириклик ва дунё учун лозимдур.

Ҳадиси шарифдан маълум бўладурки, жаноби пайгамбар ўз саҳобаларидан Зайд бин Собит(га) яҳудий хатини ўқуб-ўрганмоқга буюрган эканлар. Ва ул жаноб Умар ҳазрат нубувват паноҳи ила яҳудий хатини ўрганиб ҳазрат пайгамбарга яҳудийлардан келатургон хатларни ўқуб берар эканлар (Саҳиҳи Бухорий, жуз 4, саҳифа 156).

Ҳолбуки, ул зоти бобарокот пайгамбаримиз қуввати ҳокима эгаси эдилар. Яҳудийлар маҳкум ва тобеъ эди. Ал-он Русия ҳоким, бизлар анга тобеъ ва ўз тириклигимиз учун алар хатини билмоқ зарур ва ҳадиси шариф далолатинча дурустлигига жойи инкор бўлмаса керакдур.

*«Ойна», ж., 1913 йил,
1-сон, 12-14-бетлар*

БАЁНИ ҲОЛ

«Самарқанд» газити сармоясиз, фақат ваъда ва умид илан чиқарилиб эди. Умидлар тасаввурдан феълга келмади. Зарар ва оқчасизлик сабабли чору ночор беш ой давом этиб, 1913 йил 13 сентябр 44 адади-ла вақтинча ётиб эди. Сўнгра Хў-

қандан 500 сўм иона таклиф қилинди. Аммо бу 500 сўм ила «Самарқанд» жаридасининг адад-давоми маълумлиги учун ионани қабул қилолмай, ширкат таъсис этилиб, жаридани давом этдирмоқ учун идора тарафидан миллатга 17 сентябр оий 45-адад «Самарқанд» ила мурожаат қилиниб, бир ой муҳлат кўюлуб эди. Аммо маатаассуф, бу бир ой муддатда (17 ўктабрғача) «Самарқанд»ни чиқаратургон ширкат пайдо бўлмади.

Дигар тарафдан, «Самарқанд» муштанийларининг баъзилари ва бошқа туркистонли ҳамватанларимиз ташвиқномалар ила «Самарқанд»ни чиқармоқни таклиф қилдилар. Инчунин, Русиядаги матбуоти исломия «Самарқанд» таътилини(нг) таассуфлар ила маррат баъд охири ёзиб, яна чиқишни таманнода бўлинди. Алаҳусус, Русия мусулмонлари жароидининг аноси ва пири муҳтарами ўлан «Таржимон» ва «Вақт» ва бошқалари янадан чиқишига дуочи бўлуб ва «Самарқанд» жаридасининг маслакига, мундарижотига хусни занларини изҳор этдиларки, «Самарқанд» муҳаррири масъули барча ҳамватанларига ва Кафкоз, Крим ҳам Тотористон матбуоти исломиясига бул бобда ташаккуроти қалбиясини ожизона тақдим ва миннатдорлигини изҳор ва ояндага маънан ва моддатан иона ва ҳидоят этмоқларини таманно этар. Бир ваҳҳи боло таклиф ва ташвиқлар, ваъда ва дуолар бизга яна қувват ва умид бериб, ишга савқ* этди. Аввалан, «Самарқанд»ни чиқармоққа қасд этилди. Аммо охири яна аввали каби сармоясиз эди. Ва зарарини таҳаммулига қувватимиз етмаслиги зоҳир бўлди. Дигар тарафдан, асаб(ий), яъни сингир хасталиги ва ҳам кўз касалига гирифторлигимиз учун ҳафтада икки ё уч дафъа газитни таҳрир ҳам идораси бизга мумкин эмас эди. Таҳрири учун вазифа ила ражо ва талаб қилинган дароятли муҳтарам муҳаррир жанобларида баёни муаззот этдилар.

Хулоса: ақча қаҳати, риҷол қаҳати бизни мушкул ҳолда кўйди. Ва охири, ҳафталик «Ойна» мажалласини чиқариб турмоқни таржиҳ қилинди. Газитни идорасига кофий* муштаний мавжуд бўлгунча ва ё оқча топулгунча «Ойна» давом этар. «Ойна» зарар этса-да, зарари нафсимизга оид ва муштанийларга асло зарар юкламайдур.

Мажалла баҳосини-да арзон қилинди.

«Ойна»га муқтадир муҳаррир ва ҳар тарафдан муҳбирлар даъват қилинди. Тили аввалгидек туркий ва форсий

назм ва наср бўлуб, мундарижоти илмий, адабий, сиёсий, фаний ва тарихий мақолалардан, вукуот ва ахбори ҳафтадан, киноя ва муҳоҷакадан иборат ва тасвирлик бўлур. Тадрижи мукаммалият, нафосат ва интизомига диққат қилинур. Баъзан русча мақолаларида дарж қилинур. Арбоби қалам ва хабардан рижо этармизким, бизга қалам ва донишлари ила танбеҳотда, ионатда бўлинсалар, мажалла бизники эмас, миллатникидур. Сўйланатурган сўзлар шахсий эмас, умумийдур, гурурий эмас, динийдур.

Қориларга салом ва эҳтиром.

*«Ойна» журнали, 1913 йил,
2-сон, 2-4-бетлар*

ТУРКИСТОН

Туркистон Осиё васати ва ёинки Туронзаминдан иборат ва турк қавмининг мухталиф уруғлари ила маскун бўлуб, ҳол-ҳозирда Туркистони Русий ва Туркистони Чиний қисмлариға бўлунур. Туркистоннинг бир қисми Афғонистон ҳукуматининг тасарруфида бўлуб, Туркистон ёинки Чаҳор вилоят аталур. Қирғиз-Қозоқистон ва ёинки Арози саҳроия ҳам Туркистондан ҳисоб қилинодур. Аммо мунда ҳозирги тақсимоти сиёсияси юзасидан фақат Туркистони Русийни баён қилинадур.

Туркистон музофотининг худуди гарбан Баҳри Ҳазар (Каспий) денгизи, шимолан Ўрол ерлари ва Арал денгизи ва аксарият Туркистоннинг Қирғиз-Қозоқистон қитъаи васияси, шарқан Туркистон Чини, жанубан Афғонистон ва Эрон мамлакатлариға муттасилдур.

Бухоро ва Хива хонликлари ушбу худудға дохил ва Туркистоннинг жанубий тарафинда воқеъ бўлуб, Бухоронинг ерлари Афғонистонға муттасилдур.

Туркистон вилоятлиғи облустларға бўлунуб, вилоятлар санжоқ уездлардан ташкил топилиб, баҳор вилоятга ҳарбий волий (военной губерлотир) мансуб бўлуб ва бутун Туркистон музофотини бир бош волий генерал-губерлотир идора этиб, маркази ҳукумат Тошканд шаҳридур.

Туркистон музофотининг ҳозирги тақсимоти ушбудур:

Туркистонда халойиқдан юзда тўқсон бешдан зиёдаси мусулмон бўлуб, ҳар бир юз нафар одамдан тўрт нафар қадари насоро ва яҳудийдур.

вилоят ва уезд ери	мураббаъ чақирим	1902 йилдаги барча халқи
Закаспийский (Маворобаҳри ҳазар)	501 696	409 000
Ишқобод уезди	86 650	102 000
Красноводский	101 000	59 000
Манғишлоқ	160 254	67 000
Марв	110 795	131 000
Тажанд	33 997	50 000
		1910 йилда
Самарқанд вилояти	81 891	900 202
Самарқанд санжоқи	17 060	362 217
Диззах	43 410	241 343
Каттақўрғон	4 994	135 567
Хўжанд	14 477	221 245
		1904 йилда
Сирдарё вилояти	441 837	1 629 000
Тошканд уезди	48 090	492 000
Авлиёта	62 144	307 000
Ғаззолий	58 528	155 000
Оқмасжид (Серовский)	90 134	148 000
Чимкент	95 820	314 000
Амударё қитъаси	97 098	213 000
Фарғона вилояти	140 668	1 726 000
Марғилон санжоқи	14 069	359 000
Андижон	13 333	386 000
Хўқанд	13 110	402 000
Наманган	15 273	392 000
Ўш	24 880	174 000
Помир	60 000	2 700
Семиречинский (Еттисув вилояти)	228 966	1 090 000
Верний (Олмати уезди)	45 588	248 000
Жаркент	25 587	136 000
Лепсинский	43 876	200 000
Қапол	75 797	150 000
Пишпак	77 683	194 000
Пржевальский	40 435	163 000
	1 395 057	5 604 362

Туркистон халқини(нг) юқоридаги адади оздур. Орий, 1897 йилинда Русия ҳукумати амри ила умуми таҳрири нуфус бўлуб эди. Аммо бир тарафдан, рўйхатчи мирзоларни(нг) танбаллиги, дигар тарафдан мусулмонларни «Русия ҳукумати аскар оладур» ённки «Жон бошидан солиқ оқча

оладур» деб ҳақиқий адални кўрсатмаганлари сабабли ҳисобни натижаси оз зоҳир бўлгандур. Болодаги рақамга бир сулс ва ақлан бир рабъ яна қўшмоқ керакдур.

«Ойна» ж.; 1913 йил,
1-сон, 2-5-бетлар

ШЕРДОР МАДРАСАСИ

Ушбу мадрасаи олия Туркистон подшоларидан Имомқулихон¹ ҳазратларининг давринда сипоҳсолор ва ҳам Самарқандга волий бўлгон Абдулкарим Ялангтўш Баҳодир тарафидан бино қилингандур.

Ялангтўш Баҳодир Самарқанд аскарари ила Хуросон ва Машҳадни истило этиб, ул тарафдан келтургон амвол, ганойим ила Самарқандга ушбу Шердор ва ҳам Тиллақори мадрасаларини бино этибдур. Бу мадрасалар дохилян ва хорижан чиний мулавви қоши ила зийнат берилиб қошиларини аксарии гўё бугун усто ва санъаткор қўлидан чиқгон кабидур.

Тарих биноси Шердор мадрасасини дохилий ва ғарбий тоқинда чиний музойиқ ила зердаги ваҳж узра назман ёзилгандур...

Шердор мадрасасининг мадҳали ва жабҳаси ғарбдаги Мадрасаи Мирзо Улуғбек Кўрагоний мадрасаси моҳазисинда мутаважжиқ ва иккиси юз ба юз бир шаклда бино қилинган. Иккиси фосиласи юз аршин ва ораси тош фарш қилинган васиё бир майдондурки, Регистон аталур.

Регистоннинг шимоли ва жануби катта йўл бўлуб, шимолидаги каноринда болода зикр қилингон икки мадраса рукн ва зовиялариға муқобил Тиллақори мадрасаси мабнидур. Шердорнинг самти хориждан ҳадди ғарбия ва шарқияси 82 аршиндан, шимолий ва жанубий жиҳатлари 95 аршиндан бўлуб, жамъан 779 мураббаъ аршин ерни муҳтавийдур.

Шердорни саҳни дохилиясининг ғарбий ва шарқий ҳадлари 54 аршиндан, шимолий ва жанубий тарафлари 52 аршиндан бўлуб, вусъати 2808 мураббаъ аршин ва ери мрамар тош ила фарш бўлуб, тўрт жиҳатдан хужралар ва тўрт катта равоқнинг жабҳаси ушбу мураббаъ саҳнга мутаважжиқ ва

¹ Имомқулихон 1611–42 йилларда ҳукмронлик қилган.

нафси иморатни ўрни 4910 мураббаъ аршин ерни шоғилдур. Мадраса икки ошиёна бўлуб, 64 хужра, икки катта дарсхона, дохилан тўрт катта тоқни мужтамилдур...

Пештоқнинг хорижий жабҳасинда меҳробнинг икки тарафинда бир-бирига муқобил икки шер (арслон) шаклини мусаттаҳ чиний ва қошилар ила арслон рангида мулавлан тасвир қилингани учун Мадрасаи Шердор аталибдур. Арслон нақшасининг асари бу кунда ҳам маълумдур. Мадраса ва миноранинг бошқа жиҳатларинда тасвир йўқ ва аксарият ила ояти ҳадис ва тарихи абётни мрамларга музойиқланган ва қоши мулавлан чинийлар ила ёзилгандур. Мадраса минова ва қуббаларининг бутун сатҳини араб, эрон, ҳинд услуб наққошиси узра мулавлан чиний ва ранго-ранг қоши ила ниҳоят нафис суратда нақшлангандурки, тўрт аср бўлган бўлса ҳам қошилар офтоб ва ой нурини акс этдурар ва кўзни қамашдурар.

Минора мадҳалига етгандан сўнгра минора ичиндаги 56 зина воситаси-ла миноранинг шарафаси устинда минилур. Энди ушбу буюк минора устидан Самарқанд фирдавсмонандининг зумурраддин боғу бўстонлари, хушоҳанг латиф наҳрлари, тўғри ва аважожлик йўлларини тамошо этиб, Самарқанд шаҳри офоқнинг атрошом, соғлом, нафис ҳавосини шимитмали ва бу муборак офоқдаги юзлар ила тариз тоғ парчаларидек мадраса, дахма, қубба, масжидларни сайр қилмали.

У муборак қубба, дахма ва буқбалар боний ва сокинларининг мозийга мадфун ва мужассам тарихий ва диний қахрамонликларини ёд этиб, баҳри таоммиқига маҳв ва фарқ ўлмали.

«Ойна» ж., 1913 йил, 1-сон, 6-9-бетлар

АЪМОЛИМИЗ ЁИНКИ МУРОДИМИЗ

Маълумдурки, дунёда ҳар ким умид ва аъмол ила яшайдур. Кеча-кундуз меҳнат ва машаққат тортмоқ оянда* учундур. Ҳар ким ўз ояндасини яхшилиққа ҳаракат этар ва келар замонда ўз орзуси ва ҳавасига етмоқ учун ҳеч дам олмасдан ҳол қадаринча ҳаракатдадур. Тириклик кулфати ва меҳнати асносинда ҳар ким ўз ояндаси ва истиқболига бир нав яхши умид ила қараб ва ўзига бир муддао қарор бериб ва ўшал муддао ва ёинки муроди ҳосил қилмоқ

учун кўшиш этиб, ҳар кун чекатурган кулфатини ўшал муддаосини ҳосил қилдирмоқ учун ўзиға олмай яна зиёдароқ интиладур. Ва баъзан ўшал муроду муддаосини, гўё ҳосил бўлди, деб роҳатланиб ўзиға тасалли берадур. Ва ҳеч аҳади* ушбу муддаоу муродни орқасидан югурмоқдан холи эмас. Ана шул муддао ва муродларни илми ислоҳ ила аъмол дерлар.

Энди аъмолимизға диққат қилмоқ керак. Аксар халқимизни аъмоли шулки, ишласа ва фойда қилса. Шоядки, ўғил ва қизини тўй қилса ва ҳам қандай! Ўз қаториндаги одамларни қилган тўйидан зиёдароқ!

Бечора косибни аъмоли тўйдур. Ўзи роҳат юзи кўрмайдур. Кеча-кундузни 18, балки 20 соатни меҳнатға ўтқаратургон косибларимиз бордур. Ҳаққинча емайдур, киймай-дур. Ўн ва йигирма саналар меҳнат ва машаққат этар ва худодан ўғил тилар, тўй қилмоқ учун. Ана, бечорани аъмоли. Йигирма саналик меҳнати уч кун тўйда тамом. Яна Аҳмад порина* ҳавли ва хона гирад. Тўй мусрифи* учун қарз эгаларидан қочадур. Катта тўй қилиб хотун олгон бир қисм бечораларни ҳолиға йиғламоқ керак. Уч кунлик тўйни азоси баъзи оилаларда ўн йил, ҳатто, бир умр сулар, балки беватан ва хонавайронликға сабаб бўлур. Бир косибни ақду никоҳиға, тўю обрўсиға минг сўм. Бир ўртаҳол учун 2000 ё 3000 сўм. Нимбой учун тўрт-беш минг сўм керак. Бу сўмларни юздан етмиш беши ейилиб-ичилиб... кетар. Бу сўмлар аслинда кимники эди? Бонка, фирма, фойдахўрники. Табиий, буларға пулларини бермоқ лозим, на берилур? Боғу хона ва уйи ичиндаги асбобни сотиб бермоқ керак. Бечора келин ва куёвни кўрпа ва либосиғача сотилур, қарзхоҳға берилур. Нимбойлар синар. Тириклигинда бўлмаса, ўлганда синар. Аҳлу аёли дарбадар бўлур. Ой, бу нима? Тўғриси, бир нав девоналик эмасми? Субҳоноллоҳ, қарз олиб халқға ош бермоқ ақлсизлик эмасми? Ҳамда иллати бедавосидур. Ҳар киши бир уйланса ва сўнтра оиласидан бир ўлук кўмса, Оллоҳи акбар. У хона аҳли косиб бўлса, бу дунёға ўзиға келмасдан кетар. Ҳоло, баъзи бечора ўлса, ани бой қариндошлари, обрў қилурмиз, деб сағир молини халқға эллар ила йиртиш, палов қилиб берадур. Бечора сағирлар нонини бой кишилар қўлтуғиға олиб ке-

тар. «Ло таъкулу амволал ятима. Кулу ва ишрабу ва ло тусрифу»¹, қанда қолди?..

Эй мусулмонлар, бу ояту масъалаи шаръиға ким амал қилур? Ва муни халойиқға ким билдурар? Ҳар кун бир мусулмонни нимарсалари бозорға дини учун... сотилур. Ва ҳар кун судда нақадар ҳовли, хона, боғ сотилур. Ҳар кун нақадар векселлар «протест», нақадар дўкон, корхона ҳажз (печать) бўлур. Бу ниманинг жазоси? Тўй, маърака, тазия, кўпкари, базм. Бир маҳаллада аҳли савоб йигирмадан бир йўқ. Имони исломни далиллари ила билатурғонларни нари қўйдук. Эрта қозилар барҳам бўлса, замонча қози бўлатурғон биргина киши бутун ўн миллиўн Туркистонда йўқ... Йўқ, яна йўқ. Ҳой, ҳой, халойиқ! Бизлар девонами соғ? Албатта... Биз тўй ва маърака хаёлидан лаззат олардук. Тўю маъракамиз ила фахр қилар эдук. Тўю маъракага сарф қилинатурғон оқчани жамламоқ ва ё қўлга киргузмоқ учун ҳаракат этардук. Агарда тўй ва маъракага қадимгидек оқча тўкмасак, ул оқчани на қилмоқ керак? Мунга жавоб берилурки, тўй ва маърака қилинсун. Аммо ҳозиргидек исроф этмасдан қилинсун. Ва мумкин қадаринча кичик қилинсун. Ва ортуқча пул ила болаларни мусулмон ва руси яхши ўқитулсун. Тўю маъракага сарф қилинатурғон оқчани эски мадраса ва мазору масжид ҳамда мактабларни шикаст-рехтлариға сарф қилинсун. Тўй ва маърака оқчасидан болаларни ҳукумат мактаблариға берилсун ва бу оқчадан талабаларни Макка, Мадина, Миср, Истанбулға ва Русия дорилфунун ва дорулсаноатлариға юборилиб диний ва дунёвий ва замонавий одамлар етишдурмоқға саъй қилинсун. Бизни Туркистонда муаллим оздурки, тўю маъракага сарф қилинатурғон оқча ила Кафказ, Қирим, Ўрунбург ва Қозонға усули таълим ўрганмоқ учун бола юбормоқ керакдур. Ҳукумат мактаблариға кирмоқ учун русча билмоқ ва имтиҳон бермоқ лозим. Ва бу имтиҳонни бермоқ учун ҳар болани икки сана русча ўқутуб, тарбият этмоқ керак. Ва бул икки сана учун ҳар бир болаға 600 сўм ақча керакдур. Ақчалик оталар, албатта, тўй ва маъракага қизғонмаганларидек, болани ўқутишға ҳам қизғонмасалар керакдур. Болалар учун тарбиятхона (пансиён)

¹ Таржимаси: «Етимнинг молини еманглар. Енглар, ичинглар, исроф қилманглар» (Ҳадис).

очмоқ керак. Ва бу тарбиятхоналар замонча ва ҳам миллий ва диний руҳда бўлиши керакдур. Бу тарбиятхоналарни очмоқ учун ва ҳукумат мактабларига бола тайёр қилмоқ учун нашри маориф ёинки жамияти хайрия ва ёинки тарбияти атфол жамияти ва ё ўзга исм ила, хулоса, жамиятлар керакдур. Токи бул жамият(лар) халқдан оқча жамлаб миллат болаларини ўкутиш ва миллатни ояндаси учун керак бўлатургон қози, яъни судья, закунчи, яъни ҳуқуқшунос, инжинер, яъни муҳандис, муаллим, яъни замона мактабдори, миллатни ҳомийси ва ходими, яъни Давлат Думасига депутат, миллий саноатхоналаримизни ислоҳ ва ихё этгувчи*, яъни техник, тижоратхона ва бонкаларда бизга ёрдам бергувчи, яъни тижорат илмини ўкугон коммирсант, шаҳар думахоналарига ва минбаъд Туркистонда очилатургон земства идораларинда бизни тарафдан кириб ва сайланиб, биз учун, ватани Рус учун, дин, мубаййини ислом учун, зауфо* учун, фуқаро учун ишлайдургон одамларни етушдурмоқ керакдур.

Ҳозирги мўйсафидларимиз турсун, ўрта ёшлар яқинда ўлиб кетар, замона ҳар кунни янгилашур. Янги илм ва янги фикрлик ва фунуни замонияни дарбар* қилган одамларни талаб қилур. Букундан бошлаб, ҳар шаҳардан ҳар сана ўн-йигирмалаб ҳукумат мактабларинда бола берилса, ўн беш сана сўнгра ҳар шаҳарда 4—5 замона одами тайёр бўлур ва ҳукумат мансабларига, замона доираларига, тижорат ва саноатхоналаринда кириб, бизларга манфаат еткурар. Келар замон бошқадур. Ҳатто, ҳозирда иккимиз урушсак, яхудий ва ажнабий закунчиларига борурмиз. Бошимиз огриса, ажнабий дўқтурига борурмиз. Сабаб надурки, ўзимиз ўкуб замоний одам бўлмаймиз? Ана энди биз учун тўй ва маърака ва кўпқари ўрнинда шул юқоридаги айтулгон ишлар аъмол — идеал — мурод — тилак — муддао бўлсун. Вало, мун(и)сиз биз кундан кун йўқ ва забун бўлармиз.

«Ойна» ж., 1913 йил, 6-7-сонлар, 130-132, 154-156-бетлар

ФАВҚУЛОДДА ТАКФИР

3 январ баъдаз жумъа Самарқанднинг мунажжим Мирзо Улуғбек мадрасаси ичиндаги жомеъда беш-олти минг мусулмон ҳузуринда муаззин тарафидан усули жадидачиларни ва русча ўкутмоқға ташвиқ қилатургонларни кофирлиги ва

ҳар ким боласини усули жадида мактабиға берса, «ўзи кофир, хотуни талоқ» бўлушини форсий тил ила узун ва ҳаяжонлик бир нутқ ила халойиқға билдуруб, ҳамда¹ларни «кофир ва ўрус» ҳамда «кофир ва ўрус қилғучи» деб эълон қилинди. Халқ ҳеч бир нима демасдан тарқалди. Бир неча ҳафтадан бери жаноб қози ва мударрислардан баъзилари маълум ерларға мажлислар қилиб эканларки, бу фавқулодда ва умумий такфир шунинг натижасидур. Чунончи, муаззин дерки, «Бу сўзларни ўзумдан айтмайман, уламо қавли ва буйруғи ила берман». Мақзуф ва макдўҳлар ушбу тўғридан шарият ва қонун маҳкамалариға ва ер юзиндаги мусулмонларни виждониға ружуъ этарлар. Шунидан фавран ёзайинки, кофир деган одамлари азалий ва абадий мусулмондур. Унлар куфрни абадан қабул этмайдулар. Туркистонда юз минг оталар борки, балалари усули жадида мактабиға ўқуйдур.

(Келар адад ояндада батафсил ёзармиз.)

«Ойна» ж., 1914 йил, 12-сон, 295-бет

БИЗНИ ҲОЛЛАР ВА ИШЛАР

12-адад «Ойна»да Самарқанднинг Мирзо Улуғбек ҳазратлари жомеъинда муаззин тарафидан усули жадида мактабинда ва ҳам русча ўқумоқни ямонлиги ҳақида жумадаги мусулмонларға нутқ қилингони ва ҳар ким усули жадида мактабиға бала берса, ўзи кофир, хотуни талоқ дегани ва бир неча самарқандийни от тутуб, «алар кофир ва ўрус» дегани ёзилиб эди. Ушбу нутқ ҳукуматға маълум бўлб, ҳукумат тарафидан Мадрасаи Тиллақори ва Мадрасаи Мирзо Улуғбек мударрислари жаноб Мулло Имомназар ва жаноб Мулло Салим ва ҳам нутқ қилгон муаззиндан сўралибдур. Жаноб мударрислар ушбу нутқдан хабаримиз йўқ дебдурлар. Муаззин айтибдурки, «Ман усули жадида ва ё русча ўқумоқ ва ё усули жадидачилар ҳақида ҳеч бир нимарса айтганим йўқ. Фақат «Анжумани арвоҳ» исминдаги янги чиқгон рисолага эътиқод қилманлар, дедим» деб бошқа айтганлариға мункир бўлбдур. Ҳукумат тарафидан билдурулубдурки, баъзинда мундай ямон ҳаракатлар воқеъ бўлса,

¹ Жой қолдирилган. Чамаси, муҳаррир масала ойдинлашмагунча эл эътиборидаги кишиларнинг номлари бадном бўлишини истамаган.

сабабчини беш йиллик бадарға қилинур. Китоб тўғрисида закун бўйинча ҳаракат лозим. Бечора муаззин масжиди жомеъда ва бир неча минг киши ҳузуринда айтгон сўзига мункир бўлгани ани қайси даражадаги одамлигини кўрсатур. «Ойна» муҳаррири имониға ҳам ўшал муаззин чанг солибдур деган сўзлар ҳам эшитиладур. Бул сўз собит бўлганда, «Ойна» муҳаррири, албатта, анга даъво (қазарф) қилур. Альон муаззин сўзига умумий тарафдан қараб бир оз муҳокама қилармиз. Усули жаид ва русча ўқумоқ раддиға сўйлагани собитдур. Биз, аввалан, шуни ёзармизки, на усули жаида мактабиға ўқугон сабабли ва на русча ўқугон ваҳҳидан киши кофир бўлмайдур. Муаззин мунга ҳеч далили шаръий ва ақлий кўрсатолмайдур. Мундан қатъи назар муаззини устози муҳтарам Ҳожи Мулло Тўрахўжа мударрис жаноблари усули жаид мактабининг бонийси ҳисобланурлар. Усули жаидчиларни ва русча ўқугонларни «маълум мажлис»да куфр қудуғи бўйингача судраган самарқандийни муҳтарам Мулло Саидахмад Васлий шоир жаноблари ва Ҳожиаҳмад мударрис жанобларининг устодлари муҳтарам Ҳожи Мулло Тўрахўжа жанобларига: «Истанбул шайхулисломни Туркистон ва Бухорода усули жаид мактабларини ривож бермоқға ва русия мактабларига бола бермоқға уламнинг саъйи ва ҳаракати лозимдур», — деб айтганларини мазкур муҳтарам Ҳожи Мулло Аҳмад мударрис жаноблари нақл қилиб эдилар ҳамда Ҳожи Мулло Аҳмад афанди айтиб эдиларки: «Истанбул шайхулисломини устодим Эшон Тўра илан зиёрат қилдим. Шайхулислом жаноблари дедиларки, биз эшитармизки, Бухоро ва Туркистон уламози усули жаидни ямон дер эмишлар, ажабо! Далиллари надур? деб мавоҳаза қилмоқчи бўлганда, ман, мулло Ҳожиаҳмад, дедимки, — афандим, бизни шайхимиз (Эшон Тўрахўжа домлани мурод этар) усули жаидни мудофеъи ва ҳомийсидурлар», — деб қутулдик. Ажабо, Ҳожи Мулло Аҳмад мударрис жаноблари Истанбулдан шул қадар сўзлаб, яна қандай номи киромийлари илан бир-икки жаидчини «маълум мажлис»да алар ғойибонасиға жаноб устоди муҳтарам Ҳожи Мулло Абдужалил маҳдум мударрис ва Ҳожи Мулло Тўрахўжа мударрис ҳузурларинда куфрға нисбат бериб, бадном этарлар. Ҳолбуки куфрға нисбат берган одамлариданки, бири руси ўқугон, расмий омури ҳукумат, дигари русча билмайдургон оддий

бир кишидур. Алар ҳақинда ҳурмат ва риоят, балки ионатдан бошқа бир нимарса содир бўлгон йўқдур.

Ўтайлук. Ҳануз олти ой бўлгани йўқ усули жадид мактабинда волиий вилоят ҳузуринда Самарқанд қозиси ва Самарқандни акбари уламо ва содотидан жаноб Қози Мулло Муҳаммад Исохўжа мударрис ва қози Абдулҳайхўжа ва қози мулло Абулқосим ва қози Мулло Бақоҳўжа жаноблари усули жадид мактабини айни шарият ва усули қадимдан кўра нофеълигини баён қилиб эдиларки, «Самарқанд» жаридаси ёзиб эди. Ажабо, олти ой ўтмасдан, қандай бўлдики, усули жадид мактаби ва усули жадидчилар мажлисларда, ҳатто, жомеъи шарифда такфир қилинадур? «Анжумани арвоҳ» рисоласи ҳақинда ҳам жаноб Қози Мулло Муҳаммад Исохўжани «сўзлари ҳамма(си) тўғри ва дуруст» дегонлари ривоят қилинур. Ҳаммадан ажойиби булки, муаззин минглар ила киши ҳузуринда айтгон сўзиға ҳукумат ҳузуринда ҳамда ўзини устоди ҳузуринда мункир бўлур. Биз бу сўзни ёзмас эдук ва аммо бутун халқ орасинда шуҳрат топгани ва жомеъи шарифда сўйлангани учун ва Туркистондаги юз минг оталарга болалари усули жадид мактабига ўқуйдур. Аларга дафъи иштибоҳ қилмоқ учун ва халойиқни ҳар нимарсадан азиз имониға чанг урулгон учун ёзиб фурсатимизни фавт қилармиз. Валлоҳ айтиб туруб, мункир бўлгучи киши сўзини бир пуллик эътибори йўқдур. Оҳ! Биз қандай кейин қолганмиз. Халқи олам усули жадид ва илми замоний ила осмонларға учар, биз ҳануз бир-биримизни такфир ва талъин ила вақт ўтқарармиз.

«Ойна» ж., 1914 йил, 13-сон, 200–202-бетлар

ЗЎРАКИ БОЙ

Охирги вақтларда биз — туркистонлилар тижорат, ҳатто, зироат ва дўкандорлик ишларинда на учун синармиз, яъни ифлос этармиз. Мунинг энг биринчи сабаби илмсизлик, тўғриси ақлсизлигимиздур. Оре, билиб туруб ўз зарарини қилмоқ ақлсизликдур. Чунончи, «Зўраки бой» жанобларини ўн минг сўмлик мероси, боғ ва хонаси бор эди. Бу одам агарда боғини яхши ишлатса, мувофиқи шарият ва инсоф тириклик қилса, исрофгарлик этмаса, тўй ва азо деб ўзини барбод этмаса, албатта ортдурарди. Бу одам ўзидек ва ҳатто, ўздан оз нимарсалик кишиларни кўрарга ўғул тўйиға икки-

уч минг сўм сарф этар. Ўғлига хотун олиб берса яна бир, икки, уч минг сўм сарф этар. Бир ўлук кўмса, беш-олти юз сўм харж этар. Ҳатто, олти ойлик баласини сочини олганда ва ё олти кунлик баласини бешикга боғлаганда бир-икки юз сўм сарф этар. Фотиҳа, чанлади¹, дубора-татабон, калутапўшон², мўйлабгирон... ва бошқаларини нари қўйдуқ, хулоса, бечора ўн минг сўмлик мулкдор қарайдулки, иш бўлмайду. Ўғул ва қизлар катта бўлуб турубду. Тўй лозим, хатна, никоҳ, унинг орқасидан кети узулмас бир сурук маърака ва қондалар лозим. Кўбдан чиқиб бўлмайду. Бечора одам ўйлава тушар. Тўй қилмоқ учун бир-икки таноб боғдан ва ердан сотса, кўзи қиймайду. Тўй қилмаса, бўлмайду. Бас, ноилож ўйлаб-ўйлаб, дўкондорлик, яъни баззозлик ва чойфурушлик ва ё бошқасини қилмоқчи бўлуб дўкон очар. Бонкалардан кредит (эътабар) очар. Ўн минг сўмлик меросий мулки бор экан, беш бонкадан уч минг сўмдан 15 минг сўм қарз олу. Чой, қизил мол, газвор, чиннивор, канап-чарчинвор, хуллас, ҳар навъ кантур ва фермалардан ҳам бир-икки йилга етмасдан бир ўн беш минг сўм урар. Бир вақт кўрарсан 30 минг сўм ишлатгучи қиб-қизил бир катта бой. Ўзини муфт деҳқонлиги ила рўзгор қилур экан, бир минг сўмни бутун умрига синамаган 30 минг сўмлик мол ичинда кўмганини кўруб, бизни деҳқонбойни аввалги торгина ақли ҳам учдикетди. Қавму қариндошдан вексел олиб бонкага қўяр. Сасиб ётган ва аларни сўзинча, эгасиз фабрикант молини тўғри келган кишига нася берар. Бир тарафдан яхши от ва аробаларга ҳаваси кетар. Экипаж файтунлар ва маскав отлари олинур. Дигар тарафдан, ҳовлига замона одами ўлтуратургон иморатлар қилинур. Усти темур, ости тахта, девори рангоранг шишакори шаҳнишинлар, бир неча меҳмонхоналар ва онда замона асбоблари олинур. Бу иморатларни ва дастгоҳни одамларга кўрсатмоқ учун зиёфатлар, базмлар керак. Фирма ва бонкаларни мудир ва аъзоларини-да алафранг шампанскилик зиёфатлар қилмоқ керак. «Зўраки бой» жанобларини(нг) хотун ва ўғли ҳам мундан ранг олиб, исрофга юз қўяр. Чунки Худо берган давлат қаердан келиб, қаерга кетар? Зўраки бойни ўзи ҳам билмас. Бир вақт тўй навбати етти. Энди терламоқни замони келди. Машваратлар, прўграм-

¹ Чарлари.

² Аёллар киядиган бош кийим.

лар тузалур. Хўқанд, Андижон, Туркистон ва Тошканддан бошлаб, Марв, Бухоро, Карки ва Афғонистон ҳудудинча шухратлик бойлар ва кўрмаган ошнолар рўйхат бўлур. Ол-а... Мунча одамга хат ёзмоқ мушкул. Босмахонада зарҳаллик хатлар сипориш берилур. Ёддан чиқғони тилгиром ила таклиф қилинур. Хивадан, Фарғона ва Бухородан машҳур жувон ва мутриб ва хонандалар чақирилур. Базмда фирмаларнинг мудир ва бонкаларнинг мубошири, ҳатто, ражולי ҳукумат таклиф қилинур. У қадар исроф, у қадар беҳуда масориф бўлурки, ҳисоби сингандан сўнгра маълум бўлур. Бу тўйни базми, жувони, кўбқариси, фашанги, инъоми у қадар кўб, у қадар қизиқ бўлдики, мунга ўхшаган бошқа бир зўраки бой ҳам ўзини анга ўхшатмоқ, балки ўткармоқ учун ўзини жардан ташламоқга ҳозирланур. Яъни мундан зиёда этмоқчидур. Биз аввалги зўраки бойнинг тўйи ўзини тамом қилган йўқ эдук, бойга яна бир никоҳ тўйи воқеъ бўлди, яъни жаноблари ёш хотун олдилар. Табиий, элик-олтмиш яшарга 15 яшарни икки-уч минг сўм масорифсиз берилмайдур.

Сўзни қисқа қилайлуқ. Бир вақт эшитилур, зўраки бой бонкага пул еткуролмайдурлар. Имонсиз сарроф ҳам тақатақ шилдирни билиб, пул бермайдур. Иш «праваучўт»га қолди. Бир неча вақт сўнгра яна эшитилурки, векселлар «пратест» бўлди. Ўн минг сўмлик мулк ила дўкондаги бешолти минг сўмлик мол ҳажз (арест)га олинди. Ҳисоб қилиб кўрулса, билинурки, 30 минг сўм қарз майдонда. Отадан қолган мулк ила тўрт-беш минг сўмлик ароба ғалтак оту тек дўкон мол энди нима бўлур дерсиз? Олти ой бир йилгача аввалги мулклар судга сотилиб, бечора зўраки бой аҳлу аёли ила дарбадар қолур. Чунки ақалли мартаба синган яҳудийдан ибрат олиб, биргина ҳавлисини ҳам хотуни отиға ўткармаган эди. Инолло-ло-юҳиб-ул-мусрифин. Яъни Аллоҳ таоло исроф қилгувчиларни дўст тутмайдур. Зероки, бой жанобларини таржимаи ҳолидан «Ойна»да кўб кўрунгон эди, аммо қисқартиб ёзилди. Балки бақияси бўлур.

«Ойна» ж., 1914 йил, 16-сон, 270–273-бетлар

ЖАҲОЛАТ ДАРДЛАРИДАН

Исмимизни билмаймиз! Нима учун? Бизга ўргатмабдурлар. Масалан, исмимиз Абдулсамад экан, «Абсамат», ҳатто, қишлоқларда «Апсат» дерлар. (Афу буюрулсун, адабдан хориж

бўлса-да, адабга даъват этар.) Оти Ёдгор экан — «Жодигор», Лутфулло экан — «Нутфулло» аталадур. (Астаффурулло!) Ғалат атамоқ сабаби ила авом котиблар тарафидан қозихона, валаснойхона ҳужжатларинда ва ҳукумат маҳкамаларинда ҳам шўл тариқа ғалат ва масхаралик ҳолатинда ёзилур. Ҳатто, шаҳарларда, дўкон ва корхоналарни тепасинда русча ва мусулмоний хат илан «Обдукодир», «Патхулла», «Санатулло» («Санъатулло»), «Обдурахмон» ва мундан ҳам ғалатроқ ёзилиб осилган лавҳалар бордур. Бу ғалатлар бонка ва хазина ва нотариусмақоволот муҳаррирлиги доираларигаҗа борар. Бир замон бу ғалат исмларни тўғри ёзиб маҳкамага берилса, маҳкамадан тўғрини ғалат деб қайтарарларки, аларни қайтариши тўғридур. Бу ғалатларни тузатмоғи ва ё дурустларни ғалат қилмоғи учун иш эгасига, яъни исмни соҳибига ҳафталар ва ойлар ила югурмоқ лозим келур. Муни-да қўйдук.

Шундай ғалат кета берса, йигирма — ўттуз сана сўнгра халқ янадан авомроқ бўлуб, мусулмон исмлари яна зиёдароқ бузилур. Дўкон ва корхоналар тепасиндаги унвонлар мундан зиёдароқ ғалат исмларни шомил бўлур. Энди мунга илож, исм қўйганда, исмни маъносини баён қилинмоқ ва кайфияти талаффузни ота-онага билдурмоқ керак. Ва алар болани ўзиға ҳам билдурсунлар ва исмларни ёзганда ва чақирганда дуруст атамоқ керак. Ва ҳам «Жўрақул», «Норқул», «Тошмурод», «Болтақул»дек маънолик исмлар ила аталсун... Ажаби шулки, идорада ғалат ёзилиб келган исмларни тўғри ёзиб юборилса, эгалари рози бўлмайдур. Исмлари арабий экан, араб қондаси бўйинча «алиф» — «лом» ила ёзсанг, шикоят этарлар. Оре, ул бечораларға айб йўқ. Айб жаҳолатға ва мактабсизликға ва руҳонийларни(нг) мусоҳалаларинда, диний ва миллий ишларға диққат этмаганлариндадур. Исм тўғрисида тотор биродарларимизни ҳам баъзи ҳоллари ажойибдур. Масалан, «Айнулло», «Набиюлло», «Рухулло» деган исмларға учраладурки, бу ҳам бир навъ диққатсизликдур.

«Ойна» ж., 1914 йил, 18-сон, 318–319-бетлар

ОҲ, БОНКАЛАР БИЗНИ БАРБОД ЭТДИ

- Шундайми?
- Албатта йўқ.
- Бас, нима бизни барбод этди?
- Нозоалла, ҳисобсизлик. Тўғри, ақл ва тарбиясизлик

бизни барбод этди. Айб бонкада йўқ, бизда. Чунки бошқа миллатлар бонкалар сабаби ила обод бўлур. Давлати ва мулки ортур. Аммо биз, зоҳиран бонкалар сабаби ила барбод ва фақир бўлармиз. Аввалги бор мулкимиз қўлдан кетарки, мунинг асл сабаби бонка эмас, ўзимизни тарбиясизлигимиз ва донишсизлигимиз ва беҳисоблигимиз ҳамда нафъ ва зараримизни билмаганимиз, тижорат иши ва аҳли замонадан беҳабарлигимиздан, хулоса, жаҳолат ва нодонлигимиздандур.

Бонка сабаби ила яхудий, армани ва бошқалар давлатлик бўлур. Биз бўлса, болакс давлатимиздан, мулк ва обрўйимиздан айрилармиз. Чунончи, қўлдаги бор нимарсамизни тўй ва азоға, беҳуда одатларга сарф этармиз. Кўрпамизга қараб оёқ узатмаймиз. Қарз ила иморат, тўй, фиққ ва бойлик қилармиз. Исроф қилармиз. Охири «Хаср ад-дунё ва-л охира»¹ бўлурмиз. Бу сабаб ила фақирлик даражасинда тушуб, сўнгра бонкадан додхоҳлик қилармиз. Бир карра диққат қилинсун, бир яхудий, бир ўрис, бир армани ҳеч вақт тўй деган балоға беш минг сўм, хатто, бир-икки минг сўм сарф қилгани эшитилмайдур. Биз бўлса, йигирма минг сўмлаб сарф этармиз. Кошки бу пул ўзимизники бўлса эдики, ялғуз исроф гуноҳи ила қутулардук. Йўқ, балки биз ҳақ-ул-абд²дан қўрқатургон мусулмонлар бошқалар оқчасини барбод этиб, охиратга қарзи дунёға кулфат ортдурармиз. Мундан номаъкул ҳаракот, албатта, шаръан ва ақлан гуноҳи азимдур, девоналикдур. Хўқанддан жаноб М. Д. Р. М. афанди ёзадурларки, бонкадан фойдалиқ оқча олмоқ дурустми? Ва биз, мусулмонлар нима учун бонкадан пул олиб синармиз? Аввалги савол учун жавоб берармизки, шаръан бонкадан пул қарз олмоқ тўғрисида мўътабар «Шўро» мажалласинда тафсили илан кўб ёзилди. Хоҳласангиз «Шўро»дан ўқуб огоҳ бўларсиз ва ул сиз учун ҳозиржавобдур. 2-саволга қисқалиқ ила шуни ёзармиз: масалан, Абдуллабой баззозни ўзидан беш минг сўм сармоясин бор. Дўконидан 500 сўмлик молни олти ой ваъда ила нася сотди. Албатта, бу сотилган молга ақлан 50 сўм фойда қўюб эдики, юзда ўн юзасидан бўлур. Энди дўкондаги мол оз эди, яна мол олмоқ учун оқча йўқ. Кантурдан нася олса, аввалда нақдага нисбатан 7—8 ҳисса қиммат қилиб берур. Масалан, 400

¹ Дунё ва охиратни барбод этиш.

² Киши ҳақи.

сўмлик молни олти ойга 470 сўм, балки зиёда қилиб берар ҳамда яхши молга ямонни қўшар, агарда Абдуллабой баз- зоз бонкага сотган моли учун олган векселини қўйса, олти ойга бонка 500 сўм нақд бериб, фақат 15 ё 20 сўмгина фойда сахлайдурки, бизни баззозимиз ушбу пулга 4—5 кан- турдан чеккасига чертиб, сийлаб молни арзон нархга олур. Ана бонка ҳикмати ва кераклиги шундан иборатдур ва ҳам шундай ўлчав ила муомала қилинса, ҳар ким бонкадан фойда кўрар. Йўқ, бонка уни учун эмаски, бир пулсиз дўкон ўлту- риб ва бонка пулини нася қилиб, тўй ва зиёфат ва иморат ва шароратга, кўбқари ва азога сарф қилиб ё бонкадан қарз олиб, ҳаж бориб, дунёга баобрў ва охиратга қарз юклаб кетмоқ учун эмасдур. Муҳтарам М. Д. Р. М. афанди! Мундан бошқа яна синмоқимизга сабаб тарийқи тижоратни, молни олиш ва сотиш жойини билмаганимиз, пахта ва бошқа ғалла тўғрисида Амриқо, Африқо ва Оврупо бозор ва зироатла- рини ҳолидан, бўлган ва бўлмаганидан беҳабарлигимиздур. Бизни тожирлар аксарият ила ҳеч жойдан беҳабар «тавак- кал» деб иш қиладурларки, ташаббуссиз таваккал ила иш қилмоқни шаръан манҳийлигидан беҳабарлигимиз боисдур. Энг охирги сабаб синмоқимизга шулки, тижорат майдо- нинда нодонлигимиздан бошқалар тарафидан алданармиз. Хулоса, бизлар коммерсант, яъни тожири замоний эмас, балки бизларга деҳқонлик лозим. Аммо маатаассуф унга ҳам илми басират ва ҳисоб лозимки, бизга шу илми замоний йўқ, бинобарин келаримиз ниҳоят қоронғудур. Мулклари- миз аксари қўлдан кетар ва қора меҳнаткаш бўлуб қолур- миз. Аллоҳ басират берсун. Шайх Саъдий деюр: «...мадоҳилии ўнсаккиз ва махорижи йигирмалик киши ҳолига йиғламоқ керак. Кундуз чироғ ёққан аблаҳнинг оқшом қоронғуда ўлтурганини яқинда кўрарсан»¹.

«Ойна» ж., 1914 йил, 19-сон, 342—344-бетлар

ЁШЛАРГА МУРОЖААТ

Бизни Туркистон ва Бухорода бир синф муҳтарам ёшлар мавжуддурки, ҳукумат маҳкамаларинда тижоратхона, бонка ва корхоналарга котиб, таржимон, молфуруш ва далоллик ёинки насячинлик ила машғулдурлар ва бу синф аҳлининг

¹ Таржимаси берилди.

адади бугун Бухоро ва Туркистонда мингларчадур. Ана ёшларга мурожаатдан мурод шу синф аҳлидан бўлган ҳам-ватанларимизга бир неча калима арз қилмоқдур. Лутфан сўзимизни тингласалар, деб илтимос қиламиз. Ва камоли эҳтиром ила ул жанобларга баён қилармизки, сизлардан аксарингиз савқи қадар ва ёинки савқи табиат ила бир навъи бўлуб, русча бир оз ўқуб-ёзмоқга ва ёинки фақат сўйламоқга қодир бўлубсиз ва бу озгина замоний билгу сабабидан вазифа олиб, енгиллик ва бир оз рифоҳият ила умр ўткарурсизки, Тангрим зиёда этсун! Ва сизларни озгина илми замоний билганингиз, албатта, нафъ келтурди ва алҳамдулиллоҳ дини мубинга ҳам яхши муътақидсиз ва бу илми замоний эътиқодингизни бузмади. Зотан исломият шундай бир дини матин ва қобили тараққийдурки, на қадар илми замоний кўб ўқуса, инсонни яна дини исломга шунча ақидаси мустақкам бўлур. Чунончи, илми замоний кўб ўқугон Овруро уламоларини(нг) энг номдор ва давлатликларидан мусулмон бўлуб тургонлари жарихонларга маълумдур. Бас, сабаб бўлдики, илми замоний исломиятга зарар қилмоқ нари турсун, фойда этар, энди матлабга келайлук.

Муҳтарам биродарлар! Сиз хидмат қилатургон доираларда сиздан катта ва сиздан оз ишлайдургон ва сизларга иш буюратургон кишилар борки, сиздан беш, ҳатто, йигирма дафъа зиёда вазифа олур. (Баъзи бонка ва тижоратхоналарда ойинда беш юз сўм, ҳатто минг сўм олатургон кишилар бор ва аларни тижорат мактабиға ўқугони беш-олти йилгинадур.) Мунинг сабаби надур? Сизнинг қўл остингизда сиздан қўп ишлайдургон ва қаттиғ хидмат қилатургон ва юк кўтара тургон мусулмон ва ё ўруслар борки, сиздан ҳам оз вазифа олур. Мунинг сабаби надур? Албатта, мунга жавоб берурсизки, бизни устимиздан қарайдургонларни(нг) «илми замоний»си биздан зиёда ва меҳнаткашларни илми бизга ҳам эмас. Мана сабаб шудур. Биз ҳам дермизки, жавобингиз дуруст. Бас, маълум бўлдики, ҳозирги замон ишлариға хоҳ тижорат ва ҳукумат ва санъатхоналарга бўлсун, кириб вазифа олмоқга ва иш қилмоқга илми замоний деган нимарса лозим экан ва ҳар ким бақадар билгуси вазифа олур экан. Бас, сиз муҳтарамлар ҳам ўз авлодингизни ва азиз болаларингизни, агарда хоҳласангизки, сиздан кўра тараққий этса, дин ва миллатга хизмат этса. (Дин ва

миллатга хизмат илм ва оқча ила бўлур.) Шу илми замонийни таҳсил қилмоқ учун ҳаракат қилмоғингиз лозимдур. Ҳамватанларимиз мулкани сотиб тўй қилганидек сиз-да, ҳатто, лозим бўлганда мулкингизни сотсангиз-да ўғлингизни замонча ўқумоқиға саъй қилсангиз. Тўйга исроф қилинатургон оқчаларни ўқумоқ йўлиға сарф қилсангиз! Замонча ўқутмоқ тариқасидан бошқа мақолада арз қилинур.

«Ойна» ж., 1914 йил, 21-сон, 390—391-бетлар

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР

Бугун кўзимизга кўринмайтургон нимарсалар аввалги замонда йўқ эди. Ҳудонинг одамларга берган ақл ва тадбири соясинда бирин-бирин чиқорилди. Ва ҳам муни бир тоифа ихтиро қилмади, балки ҳар замонда ҳар ким тарафидан чиқорилди. Тарихдан беҳабар баъзи кишилар ва ёинки душманлар мусулмонларни аввалдан охиргача нодон, ваҳший кўрсатурлар. Мусулмонлар дунёға ҳеч нима ихтиро қилмади... дерларки, ул ғалатдур. Ва ҳар бир шараф ва ҳунармандликни букунги фарангларға иснод бермоқ ҳам тўғри эмас. Чунки дунёдан ўтганлар ўз навбатларинда ишлаб, ҳунар кўрсатиб ўтди. Ва ушбу кунги ихтиролар учун асбоб ҳозирлаб қўйди. Ва ҳозир фаранглар навбатидур. Бир замон келурки, навбат бошқаларға тегар, бул дунёнинг одатидур.

«Ойна»нинг муҳтарам хонандаларига дунёни аввалидан букунгача бани одам тарафидан ихтиро қилингон машҳур нимарсаларни арз қилмоқ учун тарих китобларидан олиб ёзмоқчи бўлдук ва мундан сўнгра «Ойна»нинг ҳар рақаминда пайдар-пай «Тарихи ихтирои башар» унвони ила ёзилур. Мунда ёзилатургон нимарсалар «Тарихи умумий», «Тарихи маданият», «Маданияти исломия», «Коинот», «Тарих ва жуғрофия луғати», «Тарихи тамаддун» китоблари ва бошқа китоб ва рисоалардан нақл қилинур. Ва мунда кўрсатилган тарих уч навъ бўлуб, биринчи(си) «тарихи хилқат» аталурки «Таврот»ни баёни бўйинча дунё бино бўлганидан ҳазрати Исо алайҳиссаломни туғулгониғача 5594 санадур.

2-«тарихи милодия» ҳазрати Исони таваллудларидан ҳижрати ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо алайҳиссаломғача 626 санадур.

3-«тарихи ҳижрия» ҳазрати пайғамбаримизни Маккадан Мадинага ҳижрат этганларидан бу кунгача 1332 санадурки, тарихи хилқат «Х», тарихи милодия «М», тарихи ҳижрия «Х» ишоратлари ила кўрсатилур. Яна замоналар «Азманҳои қабл ат-тарихия», «Азманҳои тарихия», «Қаруни аввал», «Қаруни васат», «Қаруни жадида», «Аср» деган исмлар ила баён бўлинадур. Азманҳои қабл ат-тарихия — тарихи яхши маълум бўлмаган замонларни дерлар. Азманҳои тарихия — тарихи аниқ бўлган замонларни дерлар. Қаруни аввали — хилқати Одамдан Румо давлатининг йўқ бўлушигачадур. «Қабл аз ҳижрат» — 146 сана Қаруни авсати — Румонинг йўқ бўлушидан мусулмонларнинг Истанбулни олғонигача (баъд аз ҳижрат — 731). Қаруни жадида — фатҳи Истанбулдан замонамизгачадур.

Тарих энг машҳур ва мўтабар ҳодисалардан бошланур. Ҳар юз санани «аср — қарн» дерлар. Чунончи, ал-он тарихи милодиянинг 20- ва ҳижриянинг 14-асридур.

Энди асл матлабни бошлаймиз.

Зироат санъати ҳазрат Одам алайҳиссалом тарафидан чиқорилгондур. Деҳқончилик учун баъзи асбоблар 2500 (X)да Эрон ва Мисрда ўхшатилиб кейин машҳур финикиялилар тарафидан ислоҳ қилиниб, 1280 (X)да Оврупода ҳам баъзи мошиналар чиқорилибдур. Ал-он Амриқода оташ ила ҳаркат қилатургон мошиналар ила ерни ҳайдаб зироат қиладурлар. 200 от қувватиға баробар деҳқонлик оташ мошиналари чиқоратургондурлар.

1262 (X)да тошларни тарашлаб, тахтадек қилиб устиға хат ёзмоқ усули ҳазрати Идрис алайҳиссалом тарафидан чиқарилибдур.

2150 (X)да камонча сози учун гиёҳларни терисидан бир навъ маҳкам иплар ихтиро қилинибдур.

«Лиз» деган соз, ҳарфлар ила ҳандаса шакллари машҳур Ҳурмуз тарафидан чиқорилибдур. Охирида юнонийлар ҳам ушбу асбобни яхши ислоҳ қилибдурлар.

2241 (X). Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом тарафидан кема чиқарилибдурким, анинг узунлиги 300, бари 50 ва баландлиги 30 газ бўлуб, уч табақаға тақсим бўлган экан. Оташ кема эса 1078 (X)да италияли машҳур Данис Поин тарафидан, бир навъ нажжорий мошинаси ихтиро қилиниб ва кейин Жемс Вайг номлик бир тафаннун тарафидан ислоҳ қилиниб, 1114

(X)да яна Дўку деган бир фаранги тарафидан чархнинг нажжор қуввати ила ҳаракати тажриба қилинибдур.

1218 (X)да амриқоли Қўлтун номлик киши чарх ҳаракатини ислоҳ этиб, Порисда Сан наҳрида тажриб қилинибдур. 1222 (X)дан бошлаб парахўдлар ишламоқға кириб, эмди ер юзинда неча юз минглар ила оташ кемалар, ўн минг киши сифатургон катта кемалар ичида босмахона, театрхона ва корхона ва мактабликлари бўлуб, сув устинда кичик бир шаҳар ҳикматидур (бақияси бор).

«Ойна» ж., 1914 йил, 28-сон, 531–534-бетлар

ТАНҚИД – САРАЛАМОҚДУР

Мажалла ва жаридаларнинг катта бир хосияти танқид, яъни сараламоқдур. Саррофлар ақчани, тужжорлар матоъни саралаганидек, муҳаррирлар ҳам умумий ҳол ва маишатға тааллуқ нимарсаларни саралайдурки, бошқа сўз ила «танқид» аталур. Масалан, янги мактаб ва муаллимлари ва анда ўқулатургон китобларни маънан тафтиш этиб, андаги нуқсонларни баён этмоқ танқиддур. Таарруз* ва душманлик эмас. Агарда шахсиятға тўқунмаса. Аммо бир муаллим ё мударрис ва муҳаррирни ишидан, шахсиятидан халойиқға зарар келса, андан ҳам баҳс ва танқид ёзмоқ шахсий бўлмайдур. Танқид янги ёзилган китоб, жариди ва мажаллаларғада жорий ва нофеъдур. Масалан, бир муҳаррир ва ё муаллимни саҳвини ва ўз хизматиға бепарволигини ва лозим қоида ва тартибларға амал қилмай, оммаға зарар келтургонини танқид этмоқ боиси ислоҳ бўлур. Бизни Туркистонда янги мактаблар хейле бордур. Янги рисола хейле босилиб турубдур. Жаридаларға мақола ва шиорлар ўқулуб турубдур. Аммо ҳануз танқид давриға етушганимиз йўқ. Иттифоқо, танқид шаклинда бир нимарса ёзилса, бизларға қаттиг тега. Ёзганларимизни бузуклиги ва фикримизни хатолиги, ишимизни ноқислигини бирор киши кўрсатса, аччиғимиз келур. Ва ул одамни душман кўруб, шахсидан нафрат ва фикриға норозилик баён этармизки, бул бизни янгидан ишға бошлаганимиздан, бошқа тил ила ноқислигимиздандур. Биз эскиларни айблаймизки, аларға ислоҳдан сўзласак, чидай олмайдулар. Аммо ўзимизнинг мактаб, рисола, таҳрир ва маслакимизни бир киши танқид этдими, чидай олмаймиз, диққат ила мунаққид сўзини тингламаймиз. Му-

наққид бизни тўғримизга минг сўз ила баёни муддао этар экан, биз они ичиндан ўн сўзини номаъкул топиб, юзига урармиз. Ва ёинки ваҳҳсиз онинг сўзини радду ўзига эътироз этармиз. Агарда ул десаки, маън сизга бир минг калима насихат ё танқид сўйладим, дуруст, ўн калимаси сизга бежо эъканки, қайтиб олдим, 990 калимасига на дерсиз?

На жавоб берармиз! Танқидни кўтаролмаганимизга тўғриси, ҳануз танқидга лойиқ бўлмаганимизни мисоли. Кафказли сайёҳ Муҳаммад Саййид афанди Туркистон мактаблари тўғрисида «Оила ва мўътабаран иқбол» жаридасига танқид ёзиб эдики, анинг жавоби ялғуз қуруқ бир эътироз (прўтест) бўлди. Аммо онинг ёзганига жавоб тушмас. Иккинчи, «Адаб ва тарбия» унвони ила яна сайёҳ мазкур «Ойна»нинг 27—28—29—30 рақамларинда мактаб тўғрисида воқеъ далиллари ила баъзи нимарсалар ёздики, мўътабар «Садойи Туркистон» рафиқимиз 11-ададинда Муҳаммад Саййид афанди мақолаларини хилофи адаб ва тарбия деб они ёзилганига соҳиби мақола ва идорага изҳори норизолик айтиб, мазкур мақолаларни «аҳамиятсиз» дер. Ҳамда «муаллимларнинг хотирин қолдирув» бўлармиш. «Ойна» камоли эҳтиром ила «Садойи Туркистон» рафиқимизга арз этарки, мазкур мақолалар бошдан охиргача аҳамиятсизми? Агарда аҳамиятлиги бўлса, илтифотга олмаганларига таассуф этармиз. Ва мақола ичиндан икки-уч хати мизожга номувофиқ тушган учун афуларини тилаймиз. Такроран айтармиз: биз ҳануз танқидга лаёқат пайдо этганимиз йўқ. Яна қадима касалларимиздан — «норизо», «хотири қолмасуну...» иллатлари ҳануз кетган йўқ.

Муҳаммад Саййид афанди таъбиринча, мундай кетаберса, «қиёматдан минг йил сўнгра-да, Туркистонга тараққий йўқ». Агарда, «хотир қолмасун» қоидаси маслак тутулса, матбуотдан қалам тортмоқ керак. Чунки ҳақиқий матбуот ҳеч кимни хотирига қарамас. «Хотир қолмасун» касали биз мусулмонларни барбод этди.

Умумий ҳоллардан баҳс қилиндими? Мутлақ ҳар бир масалага бир неча кишини хотири қолур. Ислоҳи мадорис ва дорулқазо десангиз, уламони хотири қолур. Ислоҳи расм базм десангиз, авомни хотири қолур. Ислоҳи савомеъ* десангиз сўфи, шайху эшонларни хотири қолур. Ислоҳи фоидахўрлик ва тижорат десангиз, бойларни хотири қолур. Энди ислоҳи

макотиби жадида дейилганда, муаллимларни хотири қолса, бас муҳаррирлар учун сукутдан бошқа иш қолмайдуру.

Шуни-да айтмоқки, Муҳаммад Саййид афандидан ёинки идорадан биргина «баъзи» калимаси ма-ат-таассуф қолиб-дуруки, бу баъзи вахждан баъзи муаллим афандилардан идора афу истар.

Боқи: Муҳтарам «Садойи Туркистон»га салом.

«Ойна» ж., 1914 йил, 32-сон, 621—623-бетлар

ТЕЪТР НАДУР?

Теътр нимадуру? Жавобиға теътр ибратнаמודуру, теътр ваъз-хонадуру, теътр таъзир адабидуру. Теътр ойнадуруки, умумий ҳолларни анда мужассам ва намоеън суратда кўзликлар кўрубу, кар-қулоқсизлар эшитиб, асарлануру. Хулоса: теътр ваъз ва танбиҳ этгувчи ҳамда зарарлик одат, урф ва таомилни, қабиҳ ва зарарини аёнан кўрсатгувчидуру. Ҳеч кимни риоя қилмасдан тўғри сўйлагувчи ва очик ҳақиқатни билдургувчидуру. «Кул-ал-ҳаққа ва лав кона (ва) мароан» мазҳаридуру. Айни замонда яна тамошогоҳ ва ёинки кўнгул очгувчи миллий ва адабий жамъиятларни боисидуру. Тараққий қилган миллатлар теътрхоналарни улуғлар учун мактаби адаб ва ибрат атайдурулар. Тараққий қилмоқни энг биринчи сабаб ва боисларидан бири теътрлардуру деюрулар. Теътрларнинг яхши ва ямон одатларни сарроф* ва мунаққиди дерлар. Умумий одатларни нафъи ва зараридан пайдо бўлатургон натижаларни теътрхонада айнан кўрсатурларки, ҳар ким мундан таъсирланиб, ямон одатларни тарк этиб, яхшилиқни зиёда ишламоқға сабаб бўлуру. Ҳар замонни бир усули эҳтисоби* бордуру. Бу замонда теътрхоналар ҳам ямон ва зарарлик одатларни эҳтисоб ва танқид қилиб ямонлигини, қабиҳини халойиқға кўрсатиб ваъз ва насиҳат этгувчи бир жойдуру. Теътрхона саҳналаринда кўюлатургон асарлар фожеа, яъни қайгулик, мазҳака, яъни кулгу, драма, яъни ҳангомалик бир воқеа ва ҳодисани тасвир этиб, халойиқға кўрсатилуру. Ул воқеадаги ямонлик ва яхшилиқни пайдо бўлгани ва сабабини ҳар ким кўрубу, англаб, ибрат олуру ва ямонликдан қочиб, яхшилиқға ҳаракат қилмоқға, теътрда кўрсатилгон воқеалар сабаб бўлуру.

Ҳикоят ва ёинки насиҳат китобларинда баъзи бир ҳодисани баён қилингандуруки, ўқуб, асарланиб, лаззат олинадуру.

Аммо теётрга махсус бир ҳодиса ва ё воқеа ва ҳикоятни феълан қилиб кўрсатиладурки, мунинг таъсири эшиткандан зиёдадур. (Шунидан кай буд монанди дийдан — эшитмоқ қачон кўрмоқ кабидур.) Яна теётрда саводсиз одам кўзи ила кўруб, кўзсиз одам эшитиб, кар мушоҳада этиб, ибрат ва лаззат олур. Хулоса: теётр бир навъ мактаб ҳукминдадур. Тараққий қилган халқлар ўртасинда теётр у қадар тараққий эткандурки, ҳар кун бир янги асар тасниф* бўлуб, саҳнада кўюлур. Асарни ёзган муҳаррирға минг сўм ва ўн минг сўмлаб ҳадя бериб, асарини мушаххис*лар сотиб олиб, саҳнада кўюб фонда қиладурлар. Баъзи бир теётр асарлари эски бўлмай ва халойиқни кўнглига урмай, бир шаҳарда йипирма—ўтгуз, ҳатто, юзинчи дафъа кўюлганлари бордур. Театрға кўюлгон асарни ортуқча ва ё оз ерларини ва етишмаганларини маишати миллиядан хориж нуқталарини муҳаррирлар, жаридалар ила танқид этадурлар. Халойиқға маъкул бўлуб ва ё бўлмагани ила теётр муҳарририни хурсанд ва ё ғамлик бўлур. Муҳаррирни асари яхши чиқса, ҳар ким они табрик этар ва шуҳрати зиёда бўлур. Ва бул бошқа муҳаррирларни ҳаракатға келишиб, яхши асарлар ёзмоқларига боис бўлур. Теётр учун муҳаррирни не қадар чуқур ўйлагувчи зариф ва назокатлиги лозим бўлса, мушаххис (ҳодисани кўрсатгучи)ларни ҳам тавоно ва муқаллид ва ҳар нимарсани ўзидек қилиб кўрсатгучи, нуктадон бўлиши лозим бўлиб, бул алоҳида бир санъатдурки, овруполилар мунга ҳам алоҳида мактаб ижод қилгандурлар.

Сўзни қисқаси, теётр хоналари масхарабозхона бўлмай, балки ибратхонадур. Ва анда мушаххис бўлатургонлар «ўюнчи ва масхарабоз» бўлмай, балки мушаххис ва муаллими ахлоқдурлар. Тараққий қилган халойиқ орасинда мушаххислар ҳам кибор ва муҳтарам синфлар қаториндадур. Хусусан, ўз киссаси нафъига мушаххислик қилмай, балки мактаб ва ўз миллати нафъига мушаххислик қилганларни қадри ду боло* зиёдадур.

Бизни Туркистон ва Бухорода миллий теётрдан асар йўқ эди. Муҳаррири ожиз «Падаркуш»ни ёздики, ўтган феврал ойинда Самарқанд, Хўқанд, Бухоро ва Тошқанд ва Каттакўрғон шаҳарларинда миллат нафъи учун кўнгуллилар саҳнада кўюб, тўрт-беш минг сўмни тўрт-беш кечада жамлаб, мактаблар фондасига бердилар. Мана энди муҳтарам Самарқандий кўнгулли мушаххислар ғайрат қилиб, яна «Падаркуш»ни Са-

марқандда еттинчи мойда сахнага қўюб, ҳосилини мактабларга сарф учун бердилар. Муҳтарам ҳамшаҳарларимиздан рижо этармизки, келиб кўргонлари гунаҳ бўлгон жойини кўрсатсалар. Инчунун, асарни танқид этиб, бузуқ ерини матбуот ила баён этсалар, токи боиси ислоҳ бўлинса. Аммо бу кунгача муҳтарам аҳли қалам «Падаркуш»ни бузуқ ерини кўрсатмай, балки «кулдургучи ва ҳам йиғлатгучи носих ва нофеъ асардур» ҳолинда табрик ва тақризлар ила ёздиларки, биз аларга ташаккур айтармиз. Асаримизни қабиҳини ёзгон кишига зиёдароқ ташаккур этмоқға мадёнмиз, чунки боис ислоҳдур. «Мутакаллимро тоайб нагиранд — суханаш ислоҳ напазирад» («Сўз сўйлагувчини айб этмагунча, сўзи тузалмайдур»). Баъзи бир аҳли ватаннинг теётр асари ёзмоқға машғулликларни эшитилурки, асарларига чаҳор-чашм ила мунтазирмиз. Ёзилган асарларни кўнгулли дасталари сотиб олиб бостурсалар, фоида ҳам қиладурлар. Чунки бир кишига ҳам асар ёзиб, ҳам бостуруб ва ҳамда сахнада кўйдурмоқ мушкулдур. Дасталар сотиб ола берсалар, асар-да кўпаюр. Туркистонда ойинда бир асар таҳрир бўлинса-да, кўблик қилмайдур.

*«Ойна» ж., 1914 йил, 29-сон,
550—553-бетлар*

МУҲТАРАМ ЁШЛАРГА МУРОЖААТ

Ҳар бир мамлакатда ислоҳот ва маданият асбобиға тавассул* ва ташаббус этмоқлик ҳаракати у мамлакатнинг ёшлари тарафидан зуҳур эта бошлагани қаби, бизнинг Туркистонда ҳам маданият эшиги манзаласида бўлган макотиби ибтидоийя ила интибоҳ ва ислоҳот жарчиси бўлган миллий матбуот ғайратлу ёшларнинг ҳаракати маорифпарвароналари соясида вужудга келди. Шунинг учун ҳар бир миллий ҳавойижимиздан* бўлган мушкул ишларда ёлғиз ёшларимизни маржаъ* ва умидгоҳ тутиб, алардан ёрдам сўраймиз (моллари ёки сўзлари ила миллат фойдасиға ёрдамлари текган баъзи уламоу ағниёмиз* ҳам ёшлар қаторидадурлар).

Муҳтарам биродарлар! Барчамизга офтоб қаби равшан ва аёндулки, макотиб — тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур. Ҳар миллат энг аввал, макотиби ибтидоийсини замонча ислоҳ этиб кўпайтурмагунча тараққий йўлиға кируб маданиятдан фойдаланмас. Маданияти ҳозирадан маҳрум қолуб, саноеъ ва маориф салоҳи ила қуроллан-

маган миллат эса, дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас. «Муборизаи ҳаёт» майдонида мутлақо мағлуб бўлур, оёқлар остида эзилур, диний, иқтисодий ишларда ўзгаларнинг асирри бўлуб, бора-бора миллият ва диёнатини ҳам қўлдан берур. Ана ушбу йўллар ила охири маҳв ва нобуд бўлуб кетар.

Биноан алайҳ, ер юзидаги барча миллатлар ўз болаларини ибтидодий тарбиясиға ва мактабларнинг ҳар жиҳатдан интизом ва акмолиға аҳамият беруб болаларини миллий ва диний руҳда мукаммал суратда етушдурарлар. Анинг учундурки, ўзга миллатлар диний ва миллий ҳиссиётға молик бўлуб, ҳар ишда диёнат ва миллиятни муқаддам тутарлар. Ва лузуми келганда бу йўлда молу жонларини фидо этмоқға ҳозир турарлар. Мана, ҳозирги урушлар ва иқтисодий тортишлар диёнат ва миллият ҳиссиёти натижасидур.

Энди, бизни Туркистонда мундай ҳиссиётлар қайда? Модомики, биз туркистонийлар илму маорифдан ҳаққинча истифода этмаймиз. Фазойили инсониядан саналган шайлар қандай ҳосил бўлур? Чин инсоният нимадан иборат эканлигини қайдан билурмиз?

Бизларда бир фазилат бор бўлса; ул ҳам фақат таассуботи жоҳилонадан иборатдур. Демак, бизлар ҳозирги нимкола диёнатимизни ёлғуз таассуб соясида сақлаб турубмиз. Лекин ушбу тамаддун асрида илмсиз қуруқ таассуб ила ҳам яшаб бўлмас. Чунки замонамиз шундай зўрки, озгина фурсатда чуруқ таассуботимизни асосидан қўпаруб ташлайдур. Шунинг учун замонанинг муҳлик асбобиға қаршу муқовамат этадургон бир нарса бор бўлса, ул-да маорифдур.

Таҳсили маорифни ибтидодий қисми мунтазам мактаблар бўлган учун энди биз Туркистон мусулмонлариға ибтидодий мактабларни кўпайтурмоқ лозимдур. Табиий, мактаб муаллимсиз кўпаймас. Ҳозирда эса Туркистонда муаллим оз бўлуб, муаллимларға эҳтиёжмиз шадиддур. Чунки бу кунларда янги мактаб ҳаваскорони кундан-кун зиёдалашмоқдадурки, муаллимлар мавжуд бўлган тақдирда ҳар йил Туркистонда юзларча мактаб очмоқ мумкиндур.

Энди ушбу мушкул ҳолларни назари эътиборға олуб, Туркистон ёшлари муаллим етушдурмоқнинг чорасини топмоқлари лозимдур. Агар буқунги ёшларимиз ушбу муҳим вазифа ва хизматни ифо этмакға қасд эта бошласалар, муаллим етушдурмоқни чораси ҳам топилса керак. Чунончи, Туркистонда муаллим чиқормак учун дорилмуаллимин

бўлмаса ҳам, ҳар шаҳарда усули таълимдан хабардор бирикки нафар муаллим, албатта, бордур. Ана, муаллимликка толиб кишиларни аларнинг ҳузурига юборуб, 3—4 ой зарфида усули таълимдан хабардор қилдурмоқ мумкиндур. Агар бояфарз, ушбу хидматни муаллимларимиз илтизом* қилмасалар, ул ҳолда муаллимликка ҳаваскор ёшларни бир оз заҳматлик бўлса ҳам, тўғридан-тўғри Тошкандда Мунавварқори жанобларининг мактабига юбормоқ керакдурки, мушорун алайҳнинг* мундай толибларни маалмамнуният қабул этмоқлариға аминдурмиз. Ишта, муҳтарам қариндошлар, миллатимизнинг тилаги ва энг зўр эҳтиёжи ушбу шайлар эдики, назари олийларингиза арзу тақдим этдук. Энди ғайрат сизлардан, тавфиқ Оллодандур.

*«Ойна» ж., 1914 йил, 41-сон,
970—972-бетлар*

«ТУРКИСТОН ТАРИХИ» КЕРАК

Тарих кўп аҳамиятли ва фойдали бир нарсадур. Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбудурки, бир миллатнинг на тариқада, қайси йўл ила тараққий этганин ўқиб, ибрат олмоқ ёки бир миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб, охири мунқариз бўлуб кетганин ўқуб мундан ҳам истифода этмак мумкиндур. Шунинг учун бизнинг ўз шевамаизда Туркистонда ўтган боболаримизнинг маиший, сиёсий аҳволиға доир «Туркистон тарихи» бор бўлгонда, они кўз олдимизда кўюб, бурунги қаҳрамон боболаримизнинг на йўл ила тараққий ва маданият давриға кируб ва нима сабабдан охири мунқариз бўлуб кетганларини ўқуб, билуб, хейли ибрат олар эдук. Ўшандоқ ҳозирги ҳолимизни боболаримиз давридаги ҳолларға бир даража муқояса этмак ила баробар ўз-ўзимиздан бир инфиоли даруний* ҳис эдуб, юзларимиз қизарар эди. Ҳоло, биз туркистонийлар марҳум боболаримиз аҳволи ҳам Туркистон воқеоти тарихиясидан бутун гофил ва беҳабардурмиз. Чунки ҳануз Туркистон тарихи ҳақинда янги тадқиқот ила ёзилгон, тартибли ва истифодали мукамал бир асар вужудға келган йўқ. Тўғриси, мундай тарих ёзувчи киши турк ўғлонларидан ҳануз майдонға чиқгон йўқки, бу эса турк болаларининг ноҳалаф бўлуб, чин ўғул эмасликлариға далилдур. Бу сўзлардан тарихсизлигимиз англашилмасун. Бизнинг тарихимиз бор.

Бурунги асрларда Туркистон ва турклар воқеоти ва аҳволи ҳақинда туркий, форсий ва арабий тилларда неча китоблар ёзилгандурки, у китоблардан рус ва бошқа ёврупойилар истифода этган ва этмакдадурлар. Лекин у мухталиф* тилларда ёзилган. Тарихий асарлардан биз туркистонийлар истифода этуб, янги муҳокама ва тадқиқот ила ўз шевамизда мунтазам бир асар вужудга келтурганимиз йўқ. Балки бизлар андоғ тарихий китоблардан аксарият ила хабарсиз бўлуб, баъзисидан хабардор бўлсак ҳам, аларнинг таъ ва нашрига аҳамият бермаймиз. Чунки бизнинг халқлар андоғ китоблардан кўра хурофотлик қисса, ҳикоя ва ошиқона ғазал китобларига зиёда рағбатлик бўлганидан моддий фойдасини кўзлаб, шундай афсона ва аслсиз китобларни таъ ва нашр этмакдамиз. Шунинг учун кундан-кун муҳим тарихий китобларимиз кўздан тушуб, эсдан чиқуб кетмакдадурки, мунинг айбу гуноҳи Туркистондаги манфаатпараст китобчилар бўйнига тушса керак. Чунки бу сўнг йилларда китобчилар тарафидан турли хурофотлик китоб ва рисоалар нашр бўлинув турганлиги майдонда ва барчага маълумдур. Агарда муҳтарам ношир ва китобчиларимиз мундан сўнг ахлоқ бузгувчи ошиқона ғазаллар ва соф эътиқодларни захарландирувчи хурофотлик афсона китоблар ўрнига мўътабар тарихий, ахлоқий ва адабий рисола ва китоблар нашр этмоқга ташаббус этсалар, шояд бу хайрли ишлари аввалги гуноҳларининг юзини ёпар.

«Садойи Туркистон» жаридасига «Миллий тарихимизни ким ёзар?» мазмунида бир савол кўрулгон эди. Бизнинг фикримизча, мундай бир тарих ёзмоқлик ниҳоятда қийин бир иш бўлуб, ҳозирда мунинг ифоси бизларнинг қўлимиздан келмайтургонга ўхшайдур. Шунинг учун бу хизматни Туркистон тарихи ила ошино бўла бошлаган ёш муаррихимиз муҳтарам Аҳмад Заки Валидий афандининг қаламидан умид этмакдамиз.

*«Ойна» ж., 1914 йил, 38-сон,
898-900-бетлар*

«САРТ» СЎЗИ МАЪЛУМ БЎЛМАДИ

Мўътабар «Садойи Фарғона» жаридасининг 30-нумерида «Сарт сўзи маълумдур» унвонлик бир мақолани кўруб ўқумасдан аввал «сарт» сўзи ҳал қилинди гумони-ла қалбан бир даражада хурсанд бўлсак ҳам, лекин мақолани тамоман

Ўқуб чиққандан сўнг ҳурматлу Мулло Абдуллобек жанобларининг қилган ривоятлари мазмунидан «сарт масаласи»нинг яна бурунги мажҳул ҳолига қолгонин англаб умидимиз бўшга чиқди. Чунки А. афандининг сарт ҳақида ёзган сўз ва далиллари маҳз оғизлардан эшитилган ҳақиқати номаълум шайлардан иборат бўлуб, ҳеч бир асл ва асосга мабни эмасдур. Бизнинг фикр ва билганимизча, «сарт» сўзининг ҳақиқати машҳур ва инобатлик муаррих ва мусташириклар тарафидан кашф ва ҳал ўлинуб, ҳануз бир жойга қарор берилган йўқдур. Агарда «сарт» сўзи маълум бўлса эди, яъни Туркистондаги халқларнинг барчаси ёки муайян бир қисмининг «сарт» аталгани далоили тарихий ила исбот қилинган бўлса эди, ул суратда ҳеч ким «сарт» хусусида сўз очмас ва баҳс чиқормас эди. Муҳтарам Маҳмудхўжа жанобларининг бул хусусда «Ойна»га хели ривоят ва қилу қолларни нақл этуб ҳам ўз фикрларини ёзганлариға сабаб, шул «сарт» сўзининг мажҳуллиги бўлса керак.

Дуруст, ҳаёт ва мамот масаласи қадар муҳим бўлган неча масалалар кўзимиз олдиға тургон ҳолда аларни эҳмол этуб, фақат «сарт» сўзи ила шуғуллануб, фурсатларни бўшга ўткармоқлик ҳам яхши эмас. Лекин асримиздаги ёвропойнлар қошида «миллият» масаласи «дин» масаласидан муҳим ва муқаддам тутилган бир замонда бизлар ҳам миллият масаласидан саналган «сарт» ҳақида гоҳ-гоҳ баҳс этишуб миллиятимизин хотирлаб тургонда зарар кўрмасмиз. Диний, миллий ва маиший масалалар хусусида (низом ва қонундан чиқмаслик шарт-ла) ҳар доим баҳс ва музокара этишуб турмоқға ҳаққимиз бор. Шунинг учун фалон масала хусусида сўз очма! Ёки фалон лақабни мутлақо бўйунунга тоқарсан, деб сабабсиз зўрлик этмоқға ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаса керак. Мақсадға келайлук. Мулло А. афандининг «Сарт сўзи маълумдур» унвони остида: «Бир замонларда Туркистонда саҳройи қирғиз ва қазоқ...», — деб нақл ва ривоят этган маълумотлари қайси тарих китобидан ва ё қайси ишончлик муаррих сўзидан олинганлигини била олмадук, агар бу ривоятлари маҳзи оғзаки ҳикоя ва сўзлар жумласидан иборат бўлса, бул тақдирда, мунинг ила «сарт» сўзи маълум бўлди, ёки «сарт» масаласи ҳал қилинди, деб ҳукм этмоқ мутлақо дуруст эмасдур. Чунки муаррихлар мундай аслсиз сўзларни далил мақомиға келтуруб, мушкул бир масала тарихияни қатъий суратда ҳал этмайдурлар. Балки бир

муносиб келганда, қаринаи мақомга қараб, бир даввонинг тақвияси учун зикр этубгина ўтарлар. Асли номаълум бир ривоят ила улуғ масалаи тарихияни ҳал этмоқликни эса тарих ҳақида жиноят санайдурлар.

Шундай қондаларни оз-моз билганимиздан Мулло А. афандининг сарт масаласини ҳал этмоқ қасди-ла ёзган аслсиз далиллари ҳайрат ва таажжубимизни мужаб бўлди. Чунончи, мушорун алайҳ сўзларин бир жойида «сарт»нинг асли «шарт» деб, ондан сўнгра деюр: «Муҳтарам азизларга махфий қолмасунки, ҳар ким бизни сарт деса, мунга хурсанд бўлуб, фахр қилмоқимиз даркордур. Чароки сарт дегани, масжидлик ва мадрасалик ва бозорлик ва озода уламони маданий, дегани бўлур». Ҳолбуки бу маъно аввалги маънога бутун мағойирдур. Чунки, аввалги маънога қараганда, «сарт» лафзи «шарт»дан маъхуз эдики, бул суратда сартнинг маъноси нечук масжидлик ва фалонлик бўлсун?... Шерали Лапин жанобларининг «сарт»га «сариг...» деб берган маъноси на қадар номуносиб бўлса, юқорида берилган маъно ҳам шундай келишсиздур. Бизнинг баъзи асарларда кўрганнимизча, «сарт»нинг маъноси карвонбоши ёки савдогар каби мазмунда эдики, бул ҳам бир мустаҳрик*нинг сўзидур. Хулоса: «сарт» на маънода бўлса бўлсун, арбоби тарафидан ҳал қилинмагунча они қабул этмасликка ҳаққимиз бор. Шунинг учун мажбурий суратда айтиб турармизки, «сарт» сўзи ҳануз мажхулдур. Юқоридаги мазмунда мухтасарча бир мақола ёзуб, қачонлар «Садойи Фарғона» идорасига юборган эдук. Идора жаридага дарж этмоқга танзил этмагани ёки муносиб кўрмагани учун бир оз тафсилли ила «Ойна»га ёзмоқга мажбур бўлдук.

*«Ойна» ж., 1914 йил, 39-сон,
922-924-бетлар*

ИСМОИЛБЕК ҲАЗРАТЛАРИ

Марҳум ходимул миллат Исмоилбек ҳазратлари 1268 ҳижрий, мутобиқ 1851 милодия санасинда Қиримнинг Ғаспра қариясинда дунёга келиб, Маскав эъдодий аскарний мактабинда ўқутган. Андан сўнгра Истанбул ва Парижга амалий ва назарий икмоли таҳсил этиб, Русияга қайтиб, «Русияда мусулмонлар» ном русча бир китоб ёзиб, Русия мусулмонларининг илмий, ижтимоий ва сиёсий ҳолларидан баҳс ва Русия

мусулмонларини ҳимоя этган. Ҳижрий 1297, милодий 1880 санасинда Қиримнинг мусулмон мадрасасинда русча муаллим тайинлангандурлар. 1883 милодия 10 апрелдан бошлаб мўътабар «Таржумон» ғарро* жаридасини миллати ислом ва турклик хизмати учун чиқарган. Ва мусулмонларни нодон қисми тарафидан изо* ва жафолар чеккан. Қашшоқлиги сабабли ўзи ва хотини ила «Таржумон»ни ёзмоқ, тартиб этмоқ, ҳарф термоқ ва почтага топширмоқ тўғрисидаги оғир ишларни ишлаган ва ҳатто, баъзан босмаҳонанинг мошина чархини ўзлари куч ва қўл ила айлантурган. Ва ҳар нав меҳнат ва кулфатларни ўзиға раво кўруб, миллатни уйғотмоқға, дунёдан, сиёсати оламдан, маданий миллатларни ҳолидан хабардор бўлмоқлари учун жисман ва руҳан ҳеч тинмасдан 35 сана ишлагандурлар. Мусулмонларни дунёдан хабардор қилмоқ учун бутун Русияда, Туркия, Миср, Тунис, Жазирда, Ҳинд ва Африқода, Туркистон ва Бухорода дафъалар ила саёҳат этиб, ҳар ерда мусулмонларни маданияти замонияға, улум ва фунуни асрияға, саноат ва тижорати қаринаға* ва рус маданиятиға даъват ва ташвиқ этгандурлар. Усули савтия мактабларини Русияда бонийи муассиси Исмоилбек ҳазратларидур. Биринчи янги усул алифбони мураттиб* ва ношири яна Исмоилбек ҳазратларидур. Тараққиёти замонияға ялғуз даъват эмас, фаълан ҳаракатда бўлуб, жамияти хайрия, қироатхона, тараққиёни ислом, таовун* жамиятлари ва буларға ўхшаш асосларға тааллуқ низомномалар тузатиб, халқ аросинда нашр этиб, бу кун адади юзлар ила Русияда мавжуд илмий ва маданий жамиятларни барпо этдургандурлар. Ал-он Русиядаги минглар ила низомлик мактаблар ва собиқ нашр бўлган ва ҳозир фаълан нашр бўлуб турган юзлар ила исломий мажалла ва жаридаларнинг барча муҳаррир ва мудирлари ул зоти студа* сифотни шогирдидурлар. Шундайки, бу кунда Русия мусулмонлари чинда ҳар бир жаридаҳон ва ҳар бир муаллим ва ҳар усули савтия мактабларининг шогирди ва ҳар бир жариди муҳаррири марҳумнинг билвосита шогирдонидандурлар. Яъни устози муаззамнинг букун Русия мусулмонлари аросинда миллиўнлар ила уламодан муҳарририн ва муаллиминдан ва ўқувчилардан шогирди бордур. Ҳам қандай шогирд! Ўтгуз санадан бери доимо онга дарс ўқийдургон шогирдлардур. Яна бу шогирдлар ўз охир умрларинча устоднинг анфоси қудсияси* сабаби ила илалабад жорий афкори олиясидан дарс ва файз олмоқда

бўлурлар. Хулоса, Исмоилбек ҳазратлари сулс* асрдан зиёда айём тадрисинда миллиўнлар ила мусулмонларга доимо дарс берди. Энди илалабад анинг афкори ва руҳи ададсиз ва ниҳоясиз мусулмонларга дарси урфон берар... Хулоса, Русия мусулмонлари ичинда мундай бир зот келган йўқдур. Ана ушбу зоти ноёб ушбу сана бешинчи зулқайда — 12 сентябрда бу олами фонийдан рихлат этиб, бутун дунё мусулмон урафоларини* асири ёс* ва алам этди. Раҳматуллоҳи алайҳи раҳматан ва асътан.

«Ойна» ж., 1914 йил, 50-сон, 1186—1188-бетлар

ТИЛ МАСАЛАСИ

Туркчанинг шубба ва шох(а)лари бўлган ўзбек-чиғатой, тотор, озарбайжон, қозоқ ва туркман лаҳжалариндаги янги матбуотнинг энг аҳамиятлик масалаларидан бири, албатта, шева, лаҳжа, имло масалаларидур. Юқоридаги лаҳжаларга сўйлайтургон турк болалари бир-икки минг санадан бери Эрон халқининг аларга ва ё аларни эронийларга истило этганлари сабабидан форс маданияти ва адабиёти ва луғатлари нуфузига маҳкум бўлуб, форс тилидан бир хейли луғат ва жумлаларни хоҳу нохоҳ абадий ва доимий суратда олганларки, у жумла ва луғатлардан бир қисмини туркий лаҳжалардан чиқориб ташламоқ гўё мумкин эмасдур. Ва бир қисми муродифи* туркчадан топилмаслик даражада ғойиб бўлгандур. Балки... биз туркчага бутун истеъмол қилинатургон баъзи форсий сўзларимизни муқобил ва муродофи халқ тилидан ва адабиётидан йўқолгандур. Масалан, шанба, якшанба, душанба, сешанба, чаҳоршанба, панжшанба, одина* кунларининг оти каби... Ҳол шундай экан, яна юқоридаги туркий лаҳжаларнинг халқи ўн икки асрдан бери дин манбаимиз ва Куръони карим тили бўлган арабийнинг нуфузига* учраб, табаррукан ва мажбуран кўп луғат ва жумлаларни янадан олдилар. Ва баъзи ифротпарастлар* тарафидан янгидан букунгача яна олинмоқдадур.

Туркларнинг баъзи тоифаси форсий ва арабийни у қадар кўп олдиларки, тиллари туркий, форсий ва арабийдан кўшулуб, «усмонли тили» аталди. Ушбу уч тилни адабиёт ва қоидаларидан бохабар бўлмагунча усмонли шевасинда ёзмоқ мумкин эмасдур. Усмонли шевасига ёзатургонлар-да охириг саналарда ўз саҳвларини билиб, форсий ва арабийсини озроқ

айтиб ёзмоқдадурлар. Азбаски, усмонли шевасинда ёзилган асарларнинг аксарини усмонли туркларнинг камсаводи англамайду. Турк қавмининг Кафкоз, Эрон ва Қиримдаги қисмларининг тилига арабий ва форсий жумлалар усмонличадан кўра хейли оз бўлуб, аммо туркий тилларнинг бошқа шеваларидан кўра усмонличага энг яқинидур. Чунончи, букунги Кафкоз ва Қирим матбуотининг ўқуб англайдургон киши усмонличани, албатта ўқуб фаҳмлайду. Чунки орасиндаги фарқ жуда озду. Хусусан, охирги саналарда арабий ва форсийларини озайтуруб ёзилган усмонлича ва ёинки туркча Қирим ва Кафкоз шевасидан оз фарқликду.

Тоторча ёинки нўғойча аталатургон шевага келсак, Қирим ва Кафкоз шевасидан кўра оз арабий ва форсийлик бўлуб, бовужуд шул бу кунги тотор матбуотининг ҳеч бир стунни, балки ҳеч бир сатри хати форсча ва ё арабчадан қутулолмайду. Ҳатто, сирфи* тоторча ёзмоқ тарафдори бўлган матбуот ва муҳаррирлари-да, арабий ва форсийсиз бир нимарса ёзолмайдулар.

Келайлук Туркистон ва ёинки Осиёи Васати* халқларининг тил ва шеваларига: Туркистоннинг ўзига тейишли шеваси турк тилининг чигатой лаҳжаси бўлуб, «Навоий» китоби бу лаҳжанинг гўё муҳим китобидур. Аммо кўпдан бери Туркистонда маданият ва салтанат ва адабиёт таданний* этгани учун халқ бу лаҳжани бузганлар. Бузмоқ нари турсун, Туркистоннинг ҳар бир шаҳарининг ва ҳатто, баъзи бир қасаба ва қўйларининг шеваси бошқаду. Масалан: анда, мунда, шундани — ул ерда, бул ерда, шул ерда; ўтда, бўтда, шўтда; этта, бетта, шетта; ўрда, бўрда, шўрда; ўра, бўра, шўра кайфиятинда сўйлайдургон шаҳарлар бўлуб, мундай бузук сўзларни навъи ва адади жуда кўпду. Туркистон туркчасига форсий ва арабийни қўшулгани ҳам барча ерда бир ҳолда бўлмай, балки мавқеъи жуғрофиясига қараб ҳар навду. Чунончи, Бухоро аморати ва Самарқанд вилоятининг туркча тилига форсий ва арабий кўб қўшулгандур...

Фарғонанинг Хўқанд ва бошқа шаҳарларида ҳам форсий ривожда бўлуб, уламо ва машойихни форсийга майли кўпду. Табиийдурки, форсий кўб ёйилган ерларда арабийни ҳукми зиёдаду. Форсчани ҳукми Тошқанд шаҳри ва Сирдарё музофотига озайиб, форсий билатурган киши, эҳтимол, мингда бир ҳам топилмаса. Фарғона вилоятининг Хўқанд

ва бошқа шаҳарларинда букун форс тилинда ерли шоирларда мавжуддур.

Хўқанд хони Умархон жанобларининг «Девони Умархон»ига форсий абётлар иншод қилингониға қараганда қадимдан бери Фарғонада форсий тилни жорийлиги маълум бўлур.

Туркистон шарқида форсийнинг ҳукми озайиб, бовужуд шул уламо орасинда оз бўлса-да, сўйланур. Туркистон жануби ва Туркистони Афғонийға бўлса, туркий ва форсий тили гўё баробардур. Туркистоннинг Мовароуннаҳр, Хазар қисмиға аксарият ила туркман шеvasи ҳукмфармо бўлса ҳам, Эрон ва Афғонистон ва Бухоронинг ҳамсоyлиги сабабидан яна форсийнинг нуфузидан қутулуб бўлмайдур. Хиваға келганча, мунинг тили яна усмонличаға яқин бўлуб, фақат арабий ва форсий қўшимчалари оздур. Хулоса шулки, нафси* Туркистон, Бухоро, Хива, Туркистон Афғони ва Кошғар ўлкалариндаги туркча шеvasи дохилан ўн қадар бузук ва тузук лаҳжаға айрилиб, аммо бу лаҳжа ила сўйлайтургонларнинг ҳар бири бошқасини сўзиға тушунадурлар. Китобатға келсак, букунғача Туркистон, Бухоро ва Хивада ҳар ким ўз лаҳжасиға мувофиқ ёзса ҳам, бир-бириға қарибдур*. Чунки котибларни муаллимлари мавжуд туркча ва форсча назм ва наср китоблар бўлуб, Баҳри Хазардан то Кошғар ва Туркистон Афғониғача қадим мактабларда «Навоий», «Фузулий», «Саботул ожизин», «Ҳикмат», «Хувайдо» ва бошқалари, форсийдан «Чаҳор китоб», «Хожа Ҳофиз», «Бедил», «Саъдий» ва бошқалари ўқулурки, бу китоблар аҳли саводни тил бирлигиға сабаб бўлур. Аммо авомларни сўзи тахти таҳрирға кирмайдир.

* * *

Аввалги мақолада туркча тилнинг аҳамиятлик шўьбаларини қисқалик билан ёзиб эдим. Энди тилни бутун соддалаштуруб индурмоқ ва ёинки адабийлаштуруб тараққий қилдурмоқдан бетарофона ёзарман.

Матбуот майдониға биздан муқаддам отилган ва дўстлар ила жариди ва мажаллаларға соҳиб бўлган ичкари Русия ва Кафкоз мусулмонларини матбуот тили ва ҳам кўча тилиға диққатлик кишиға маълумдурки, матбуотлари кўча тилидан неча даража олийдур. Ва кундан-кун яна олийлашмоқдадур. Ўрам* тили тарафдори ёинки содда тил тарафдори бўлган баъзи тотор матбуоти йилдан йилға адабийға айланмоқдадур.

Масалан, «Вақт», «Шўро», «Юлдуз» жаридаларининг аввалгилари ила ҳозиргисини тафтиш қилинса, ҳозиргиларини адабийлиги зоҳир бўлур. Кафкоз матбуоти аввалдан адабий бўлуб, ўн саналардан бери матбуот, коғаз устиндаги адабий тилини, халқни тил ва сўзига таъсир этиб ўткардики, бул ўшал вилоятларда диққат этганларга маълум бўлур. Ҳеч бир фирқа ва ё лаҳжанинг авом тили матбуотга кирмайдур. Кирса-да, мактаб рисоаларига ва фанний китобларга кирмайдур. Азбаски, фанний, адаб, таълим, тарбия ва диний китобларни сирф* авом тилига ёзмоқ мумкин эмасдур. Ҳатто, бу замонда фан ва ҳунар тараққий этгани учун ва янги чиқгон бегона луғатдаги исмлиқ нимарсаларга туркий исм тақадургон жамиятлар барпо этиб, туркий тилимизга хизмат этатургон кишиларни бизга йўқлиги учун бегона тилдаги исмлар ила кўп нимарсаларни ёзмоқга мажбур бўлармиз. Ҳатто, мундан тараққий этган миллатлар-да қутулган йўқ. Масалан, арабий илм «Алжабр»ни букун тараққий этган миллатларда «Алжабр» ва аларда «ж» йўқлиги(дан) «Алгебра» дерлар.

Бу тил масаласи Русия мусулмонлари матбуотиға бир хейли баҳс бўлуб, фаалан ва амалан авом тили ва ёинки содда тил тарафдорларини мағлубияти ила натижаланмоқдур, Бизнинг Туркистон матбуоти-да, табиий, бу масалани бошидан ўтқарур. Шунинг натижаси ва навбати бўлуб мўътабар «Садойи Туркистон» рафиқимизда тил масаласи мақолалари ёзилмоқдалур. Баъзи афандилар меҳмонни «қўноқ» дейилсун деб таклиф этарлар. Ҳолбуки, қўноқ деганда, бир турк фаҳмлайдур. Меҳмон деганда, турк фаҳмлагани устида, яна бир форсий мусулмон қариндошимиз-да англайдур. «Тилимиздан форсий ва арабийни қувайлук», бу кўп енгил орзу, аммо ижроси мумкин эмас орзулардандур. Масалан, мунинг тарафдори бўлган мўътабар «Садойи Туркистон»ни «Турк эли довуши» лозим бўлур. Туркистонни «Турк эли» ёхуд «Турк ери» ёзмоқ керак бўлур.

Тошканд, Хўқанд ва бошқа минглар ила жуғрофиёвий исмларни ражולי тарихия* ва ёинки тарихий воқеаларни маҳаллий ва машҳур одамлари ва ой ҳам йили, кун ва ...ларигаҗа тағйир* бериб, туркий исмлар тоқиб, аларга, янги луғатлар тайёрлаб, янгидан тадвин* этмоқ лозим келур. Ва ўшал ҳолдагина турк тилини арабий ва форсий луғатлардан ажратиб бўлурки, мунга ҳама ишни қўюб, ҳамма

бирдан ҳаракат этса, эҳтимолки, бир неча юз саналарда ҳаёлаң зўрга воқеъ бўлса. Ҳолбуки, бул ижроси мумкин эмас қуруқ ҳаёли фосидгинадур*.

Бир неча минг санадан бери форсий ва араб тили ва маданияти ва салтанати таъсири остида қолган туркийни яна бир неча минг санада буларни таъсиридан чиқармоқ нари турсин, балки маънан ва моддатан ва фаннан маҳқум миллатларни тили бўлган тилимизга яна тараққий этган миллатларни луғатлари ҳужум этар.

Туркистон халқининг мактаб ва мадрасасиндаги китобларга, жарида ва мажалласиндаги мақолаларга сирфи форсий ва арабийни қўймас тарафдори кишиларни ўйловларига, тўғриси, шошармиз.

Масалан, мактаб, мадраса, жарида, мажалла, китоб — ҳаммаси арабники. Исмиимизни ўндан тўққузи арабий. Энди, бу ниҳоясиз нимарсаларни ҳаммасига туркийдан исм охтарибми дунёдан ўтармиз?

Муҳтарам А. Музаффар афанди 63-рақам «Садойи Туркистон»да ҳандасадаги арабий истилоҳ ва исмларга туркий муқобиллар кўрсатурлар. Анга қараганда, ҳандасани ўзига «андоза» форсийнинг муарраби ва ёинки бузулғонидур. Анга ҳам туркча ва барча улум ва фунун ва Қуръонга ҳам туркча исм қўймоқ лозим келур. Ҳолбуки, баъзи бир нимарсаларни исми, луғатан мусаммасининг* маъносига далолат қилмай, аммо истилоҳан, таълиман ва тарихан ва ёинки замонан анга исм ва алам* бўлуб қолгандур. Чунончи «воҳид қиёси» маъноий фаннийисини «солиштириш ўлчови» адо этмайдур. Бўлса-бўлмаса, бу бир истилоҳ бўлуб, «солиштириш ўлчови», яъни воҳид қиёси дейилмагунча фаҳмланилмас. Авом учун бу сўзлар ёзилатургон бўлса, ул иккисини-да фаҳламайдур. Агарда мактаб талабалари учун бўлса, Туркистонда йўқ туркий ҳандаса китобимиздан муқаддам бир-да лоятиноҳо* янги истилоҳи туркия луғати чиқормоқ лозим келур.

Фикримча, бу ўлчовлар фазладур*. Тўғридан-тўғри демоқ керакки, бақадри имкон арабий оз ёзулсун. Арабий исмлик нимарсалар жамланганда, туркча жамлансун. Масалан, улум, фунун, уламо, қуззот ва ...демоқ еринда фанлар, илмлар, олимлар, қозилар ва... лар ёзингиз. Ёинки мўътабар «Садойи Туркистон»нинг 64-рақаминдаги «Тил масаласи»да «Қурран арзда яшамакда бўлган ҳар миллатни ўзига маҳсус

бир лисони миллийси вордур» жумлаларни бир оз туркча ёзмоқ кераклигига машварат бермоқ лозим. Аммо бутун фанний ва илмий ва диний истилоҳ ва иборатларга муқобил туркчадан исм таъйин қилмоқ фикрига чўммоқ ўзни чарчатиб ва матбуотни зоеъ қилмоқдан бошқа нимарса эмасдур.

«Тил масаласи» муҳаррирларидан бири дер: «Тиллар замон ила ислоҳ бўлур, бирдан ислоҳ этилмаслар». Содда тил нима учун керак? Атрофиндаги қавму қариндоши илан сўйлашмоқ учун. Адабий ва илмий тил нимага керак? Мавжуд илму фан ва тарихни билмоқ ва алардан фойдаланмоқ учун. Энди бизга лозимки, атроф, яъни теварагимизни адабийлаштурсак, мунавварлаштурсак, яъни илму фан ила ёрутсак. Илму фан бўлса, бизни тилга тобеъ бўлмай, балки бизни ўзига жабран тобеъ этар. Энди бу содда тилни бизни ҳар қишлоқ ва маҳаллада бир-биридан фарқи бордур. Аммо илмий ва адабий тилни ҳар бир қишлоқ ва кўйдаги оналарни тилинда бўлмоқлиги ва алардан бошланмоғи мумкин эмасдур. Оре, англис ва франсуз оналари ва ўқуғон рус ва усмонли оналарини(нг) тили матбуот ва мактабдаги адабий ва илмий тилни айни ва худ ўзидур! Аммо алар бир неча юз санадан бери, қориндан қорингача ўқуб келган оналардур. Бизни мазлум оналаримиз батанан баъд батан¹ ўқумай келганлар. Энди у мазлумларга ҳандасанинг туркча истилоҳларини ютдургон ила она тили бўлуб туруб, аввалан ул онани ўзига англашилмайдур. Модомики, бизга илму фан керак ва модом(ики), турк тилининг баъзи шўъба ва лаҳжаларига замоний, фанний, диний, тарихий ҳар навъ китоблар бордур. Ани ўқуб фаҳхламоқига ғайрат этишимиз лозимдур. Масалан, Кафкоз ва Қирим лаҳжасини билатургонлар бу кунги дунёмизда мавжуд аксар, балки ҳама илму фанларни туркча тилда билурлар. Дунёмизни илму фанидан хабардор бўлмоқ учун рус, немис, франсавий, англис, итолиёли, арабий, жопуний тилларидан бирини билмоқ керак ва аларни билмаганда Кафкоз ва ё Қирим лаҳжаи адабиясини билган кишини дунёдан хабарлик бўлушига восита бўлур. Аммо қадим чигатойча, мўғулча, ўрхўнғча ва сахройн тилларни тиргузгон ила на фойда? Ва у тилларга қаю илму фанлар бор? Ҳозирги сўзимизга қўшулгон форсий ва арабий сўзлар бизни арабу форсга бир даража яқин этар. Илму фан китобла-

¹ Батанан баъд батан — авлоддан авлодга.

рига яқинлашмоқимизга восита бўлур. Баъзи биродарларимизни соф она тили бор. Аммо она тилида мактаб, мадраса, фанний ва илмий китоблар таъсис этолмайдурлар. Чунки сўз етишмайду. Агарда алар тараққий этса ва маданий бўлса, ҳукман ҳозирги тилни ўзгартириб бўлур. Ҳамда минг йил аввалги тилга қайтмоқ қонуни табиатга муҳолифду. Чунки мозийга ружуъ мумкин йўқ. Бегона тилдан сўз олмоқдан қутулган тил йўқду. Англичани арабчадан сўнгра энг бой тил дерлар. Маа фиҳи*, ўн минглар ила бегона луғатларни мажбуран олганлигини ёзарлар. Хулоса фикримиз шуки, ялғуз туркча сўйламак ва ёзмоқ абадан мумкин йўқ. Бақадри имкон арабий ва форсийни оз ёзайлуқ. Барча илму фан истилоҳ ва луғатлариға туркчадан муқобил охтариб вақтни зое этмайлуқ. Тараққий этган туркий шевадаги илмий ва фанний китобларни англамоқға саъй ва ғайрат этайлуқ. Келар замон учун ҳозирланайлуқ, ўтган замон учун эмас. «Она тили, она тили», бу яхши орзу. Аммо тилсиз оналар тилиға мактабий китоблар ёзила берса, Туркистонда ададсиз бузуқ она тиллар шевасиға ададсиз китоблар ёзмоқ лозим келурки, Андижонда ёзилгани Бухорода, Авлиёотада ёзилгани Қаршида англашилмайду. Чунки бу оналарни тили бир-биридан фарқликду. Тараққий этган миллатлар оналари ўқутар экан, биз аввал онамизни ўқутуб, анга тил ўргатмоқимиз керак. Чунки бизни илм ва тилсизлигимиз алардандур. Бинобарин, бақадри имкон оз арабий ва форсий, оддий, туркий луғат ила ҳозирги шеваларча ёза бермоқдан бошқа илож йўқду.

*«Ойна» ж., 1915 йил, 11–12-сонлар,
274–277, 306–311-бетлар*

БИЗНИ КЕМИРГУВЧИ ИЛЛАТЛАР

Бизни кемиргувчи иллатлар деганда, захму маразними гумон этарсиз? Ёинки, сил, сил-ар-ия* ва махавликними дерсиз? Йўқ, андан ҳам ямонроқ ва андан ҳам жонхарош*, бевоё, хонавайрон ва ғариб этгувчи бир дард, биз — туркистонийларни шаҳри ва қишлоқи ёйинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизгача истило этиб, бутун тирик-лигимизға сорилгон ва бизни инқирозға ва таҳликаға ва жаҳаннамға юмалататургон тўй, азо исминдаги икки қаттол душманни дерман.

Атомиздан меҳрибон Тангримиз жалла ва аъло Курьони каримда «Ло талаққу би ядикум ала таҳлиққатиҳи», яъни ўз қўлларингиз ила ўзингизни таҳлиққага отмангиз, дер. Биз бўлса, бадбахтона ва Худонинг амрига бўюн қўймасдан кофирона бир суратда тўй ва азо деган, йўқ бўлушимизга сабаб бўлган одатларга бору йўқимизни сарф ва исроф этармиз. Йилда икки ой наврўзи кофири учун сайр этармиз. Бир ой муқаддам Самарқандни Панжакент қасабасидаги наврўз сайрига мушак-фишанг отишдан учгина киши ўлуб, ўндан зиёда киши мажруҳ бўлди. Кўпқари ва улоқ чопмоқлик одати малъунонасиға ҳар вилоятдан ҳар сана юзлар ила киши охиратга кўчар, на қадар киши мажруҳ ва маъюб бўлар. Кўп кишилар сайр ва кўпқари шумлиги ила ишдан ва зироат вақтидан қолур. Уйиға озукаси йўқ, ҳўкузи ва соғар сийири йўқ экан, бир неча юз сўмға от олиб ва ҳар кунни анга ҳиндидек парастииш* этиб, ҳар кун бир сўм сарф этар, на учун? Тўй ва сайрға кўпқари чопмоқ учун. Ўн-йигирма чақиримға тўй бўлдимни, ҳар ким ишини, деҳқончилигини кўюб, отланиб кўпқарига кетар. Деҳқон учун олгундан азиз вақт фавт бўлди-кетди. Экин биргина кун кейин сепилган учун пишмай қолар. Биргина кун сўнгра йиғилган учун ёғинга қолиб, баъзи хирманлар чириб кетар.

Маълум бир шаҳарда яҳудийлар баъзан ўлукларини оқшом элтиб кўмарлар. На учун? Кундузи ишдан қоларлар. Биз бўлса, ўлук ва тўй учун ҳафталар, ҳатто, ойлар ила ишдан қолурмиз. Ҳолбуки, шореъи аъзам, пайғамбари ақрам саллоллоҳи алайҳи васаллам ҳазратлари ўлганни тез кўмуб ва кўмгандан сўнгра тез тарқалиб, ишға кетмоқға ва ўлукхона халқини уч кундан зиёда таъзия тутмасға, қаро киймасға, кир, фалокат бўлмасға амр этарлар. Эй халқ! Эй мусулмонлар! Биз на учун Худо ва расулни сўзиға ва ўзимизни нафъимизға амал қилмаймиз? Биз девонами? Биз таклифдан¹ ташқарими, Худо учун сўйлангиз. Биз нима?!

Шариат китобларидан «Фароиз, яъни Худони буйруғи деган китобларға: «Ўлукни молидан аввалан ўлукға керакли мувофиқ суннат ва исрофсиз кафан қилиб, дафн қилмоқға сарф қилинсун, сўнгра қарзини берилур. Сўнгра ортган молларни варасасиға* мувофиқи шариат тақсим қилиниб берилур», — дейилган экан, биз билъакс кафандан сўнгра

¹ Таклиф — бу ерда, инсоний бурч, вазифа маъносида.

қарзга бермай ва ҳатто, сағир ва бенаво хотунларни меросини йиртиш, азойи, садақа, хайрот, билмайман, нималар ужраси* деб, қарздан ворисидан илгари тақсим қилиб олармиз. Беш-олти маърака ва худойи, 8—10 жумъа оқшоми деб бутун маҳалла ва қишлоқ халқиға палов берармиз. Баъзи бир бечора сағир ва муштипар аёллар меросдан ва ҳақларидан ноқис олулар. Баъзи қарзхоҳларни ҳаққи худойи ва хайрот, нохудойи* ва шаррот* сабаби ила куюб кетар. Бечора ўлукни зиммаси қарздан қутулолмай қолур. Худо учун айтингиз, бу хайротми, бу худойими? Беш—олти кун сўнгра бу худойи ва хайротлар учун варасани ҳаққи бўлган мол ва ерлар сотулур. Берилган дангта* адрас*, азойи ва ганиларни олган йиртиш ва садақалари учун берилур. Энди бечора вариса дарбадар, ҳам отадан, ҳам ватандан айрилди-кетди. Бир ўртаҳол, бир бечора фақир ўлар. Онинг гани яқини ўлукни этаси бўлуб, вариса молини «обрўй» этарман, деб исроф ва барбод этар. Натижада бечора вариса* дарбадар. Эй, уйинг обод, обрўй қилғувчи! Ўлган ул, санга нима? Сан, гани, ўз ўлукингга обрў қилгонинг бас эмасми?

Астағфурилло, субҳонолло. Бизни қилатургон ақлсизлигимизни қайси миллат қилур? Никоҳ, хатна, бу икки бало шундоғ қаттиқ бир иллатки, ўлмагунча қутулиб бўлмайду. Шаҳарларда ўртаҳол, яъни ўтурарга хона ва боғи бор бир киши никоҳ учун икки минг сўм сарф этар ва ўғул хатнаси учун ҳеч бўлмаганда минг сўм. Ҳар бир бенаво киши бу мавридларга 200 сўмдан 10000 сўмгача сарф этар. Бой ва зўраки бойлар эса беш минг, ўн минглаб сарф этар. Охири нима бўлур? Нима бўлур дейсиз? Ота-бобосидан қолган мулк ва ватанини ўз ихтиёри илан зўраки бойни ўзи ўлгандан сўнгра бир яҳудий ё бир армани ажнабийға сотиб тўй ва таъзия қарзини берар. Ўзи сотмаганда судға сотилур. Мана, юқоридаги сарлавҳада «Бизни кемиргувчи иллатлар» деган одатларимиз, шу тўй ва таъзия исминдаги девоналигимиздан иборатдур.

Бир дўкончи, бир гулкор. Бир фақирҳол, бир косиб учун бу тўй ва таъзиялар ўлумдан қатигдурки, мунинг учун бечора ҳар кун ўлур. Ҳар кун ўлгон ила-да қутулмас. Ўзидан сўнгра аҳлу аёлиға бу йўқсуллик ва бу мусибатни мерос қўяр. Хўб, яхши, ўз молини тўй ва таъзияға исроф этсун, барбод этсун, кўзи чиқсун. Хай, бошқа оқчасини, биров пулини на учун барбод этар. Бу девоналикни у тарафи эмасми? Бу ҳол ила 20—30 сана ўтса, ер ва ҳавлилар ажнабийларға ўтуб, аксар

халқимиз гадоЙлик даражасига инур. Эллик сана муқаддам ер сотилса, бир мусулмон оларди, энди бошқалар олур. Мана, энди биз шу ҳол илан яна йигирма-ўттуз йил ўткарсак, халқимизни ярмидан зиёдаси ватансиз, ерсиз, дарбадар бўлатургони маълум ва ошқордур. Бир ҳавлида, бир рўзғорда, масалан, икки ўғул, икки қиз бор. Ато ўлса, ани моли тўрт бўлунур. Аларни ҳар бирига никоҳ ва хатна ва ўлум мавридлиари муқаррардур. Ўзларини замонча илми ва ҳунари йўқки, контурга, маҳқамага, бонкага кириб вазифа олса. Энди лоилож атторлик ва ё баққоллик ва у бўлмаса, муздурлик* ва мардикорлик қилиши лозим келиб, бу ишлардан фақат аларни қорни тўядур. Ортдурмоққа йўқ. Муниг устига тўй ва таъзия деган даҳшатлик балолар келгандан сўнгра бу азиз оила ва рўзғорга ёниб кул бўлмоқдан бошқа илож йўқдур. Эллик сана муқаддам бир қариш ер бир пул экан, энди бир олтун ва келарга ер олтунга ҳам топилмайду. Қирим ва Кафкоз мусулмонлари-да бизлардек ер қадрини билмаслар экан. Энди Қиримда бир таноб (600 сажин) ер ўн минг сўмдан ўттуз минг сўмгачадур.

Биз бир таноб еримизни 200 сўм сотиб тўй қилмоқчи бўлсак, «ерни хўб пулга урдум» деб мажнунона шодланурмиз. Инсонни бу қадар аҳмоқлиги ажибдур. Бизга лозимки, тўй ва таъзияларни кичик қилиб ва ҳолимизча ҳаракатда бўлуб, келар замонамизни ўйлайлуқ. Валлоҳ, хору зор мунқариз* бўлмоқ эртага офтобни чиқишидек муқаррардур.

Самарқандда бир маҳалла борки, аксар халқи фақру зуруратдан, тўғриси, ақл ноқислигидан ҳавлиларини пулга қизиқиб яҳудийларга сотган учун маҳаллага оз мусулмон қолди. Маҳалла, мактаби йўқ бўлди. Масжиди-да яқинда йўқолур. Мана, бизни ақлсизлигимизни охири ва исрофларимизни хотимаси динимизга футур келмоқига сабаб бўлур. Дин учун, масжид ва мактаб учун ақча, сарват, давлат, сомон* керакдур. Тўй ва таъзияга сарф қилинатургон оқчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб* оврупойилардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат* ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайду.

Қо эътабару йо аввал ул-абсар!¹

«Ойна» ж., 1915 йил, 13-сон, 338—342-бетлар

¹Таржимаси: Эй кўзи очилганлар, (атрофга) эътибор қилинг.

«САРТ» СЎЗИ МАЖЖУЛДУР

Ул зоти анвар амири Бухоро ҳазратларининг хузурни ҳумон русча таржумони муҳтарам Баҳромбек қоровулбеги жаноблари: «Биз Туркистон ва Бухоро халқининг турклиги маълум бўлуб туруб... на учун сарт атайдурлар?» — деб мўътабар «Шўро» мажалласининг 1911 йил 16-ададинда савол этиб эдилар. Мазкур мажалланинг 19-ададинда «Ойна» муҳаррири тарафидан «Сарт сўзи мажжулдур» унвони ила баъзи нимарсалар ёзилиб эди.

«Шўро»нинг 24-ададинда самарқандий марҳум Бақоҳўжа тарафидан «Сарт лафзи аслсиздур» унвони ила баъзи нимарсалар ёзилиб эди. Мўътабар «Таржумон» муҳаррири муҳтарам Исмоилбек жаноблари «Таржумон»да «сарт» атамоқни дуруст эмаслиги тўғрисида бир неча дафъа ёзиб эдилар. Сарт ҳақиндаги туркий мақолаларнинг натижасини мўътабар устод Исмоилбек жаноблари тафсили илан Тошкандда чиқатургон «Туркестанский курьер» русча жаридасинда ҳам ёзиб нашр қилдуруб эдилар. «Ойна»нинг (?) рақаминда¹ яна ушбу тўғридан жаноб Баҳромбек қоровулбеги сўз кўзғотиб эдилар. Тотор муаррихи муҳтарам Аҳмад Заки Валидий жанобларининг Самарқандда келганларинда сарт сўзи ҳақинда баъзи муколimalар* ҳам бўлуб эди. Туркистон ёшларидан ушбу тўғрида бир неча эътироз — «прутест» номалар ҳам келиб, у жумладан Тошкандникини «Ойна»да ёзилди. Яна ушбу тўғридан идорада саволлар келган сабабли «Сарт масаласи» ҳақинда қисқалик ила минбаъд ёзилатургон нимарсалар хулоса қилинди. Ва ушбу тўғридан асослик нимарсалар ёзатургон азизлар учун «Ойна» саҳифалари очукдур.

Энди матлабга келайлук. «Ойна» муҳаррири тарафидан 19-адад «Шўро»да ёзилгон сўзларни мазмуни шул эди: фикри ожизича, туркистонийларнинг сарт аталишини сабаби маълум йўқдур. Бу исм шимол халқи, яъни қазоқ ва тотор қардошларимиз тарафидан Туркистоннинг шаҳар халқиға берилган исмдур. Ушбу бобдаги мулоҳазалар шул тариқа хулоса бўлунур.

- 1) қазоқ ва тоторлар Туркистон халқининг хоҳ турк ва тожик ё араб бўлсун, сарт дерлар;
- 2) (ўқиб бўлмади);
- 3) Туркистон жанубидаги Балх, Бадахшон ва Чаҳор-

¹Манбада рақам тушиб қолган.

вилоят халқики, аксаран туркча сўйлашурлар ва ўзлари Афғонистон табъасидурлар, туркистонийларни ўзбек дер, Афғонистоннинг афгон, тожик, ўзбекча сўйлайдургон барча халқи туркистонийларнинг ўзбак ва турк дер... Сарт деган сўзни абадан билмайдурлар;

4) Кафкоз, Эрон ва Ҳиндистон халқи сарт калимасини билмайдурлар, фақат туркистоний, турк ё тожик дерлар;

5) туркистонийлар бир-бири ила сўрашганда: «Ўзбек-мисан тожик?», «Мулло-мисан хожа?» — деб сўрайдурлар. Туркистонда саййидларни «хожа» дерлар. Хожасиз арабларда бордур;

6) Туркистонда машҳур 92 қабила — уруғнинг исми машҳур бўлуб, онинг ичинда «сарт» йўқдур.

Хонлар замонинда жулус ҳангомида бу 92 қабиладан муррахас* ва оқсоқоллар Самарқандда жамланиб янги амири(нг) «хон» кўтариб «жулус» маросимини ижро этардилар. Самарқанд Тахти Темурийсинда жулус этган Бухоро хонларининг энг охиргиси амири ҳозирнинг жадди* Музаффархондур. Самарқанд Бухоро ҳукуматининг Маскови эрди.

Амир Музаффар марҳумнинг таърихи жулуси:

Баҳри таърихи жулусаш омад.

Шанбау моҳ раббиус-соний. (1277 ҳижрия)

Туркча таърих шеъриси:

Шоҳ мулку иқбол ила

Ўлтурди Кўктош устина.

Кўктош амир жаҳонгир Темур Соҳибқирондан қолма тош — бир тахтдурки, Туркистондаги турк элларидадан 92 уруғнинг оқсоқол ва баковуллари йиғилиб, янги хонни оқ бир намад — кача устинда ўткузуб, 92 уруғ муррахас*лари качани бирдан кўтариб, янги хонни Кўктош тахтина миндурлар эди. Ва бу ондан эътиборан хон ва амир эълон қилиниб, нақора, карнай қоқилиб чолинарди. Амир ушбу 92 нинг оқсоқоллариға олтун ва хилъат, от ва туғлар бериб, алардан байъат* оларди. Ва хон кўтармоқдан аввал 92 нинг оқсоқоллари баъзи бир сўзу одатларни риояти учун амирдан ваъда ва сўз олар эканлар. Бу 92 сўзи ал-он халқ оғзинда мавжуд ва мақоллар ҳукминдадур. «Тўқсон иккинни ичинда... деди», «Бу ер 92 ни йиғилган ери, сўзингни билиб сўйла», «Сан бадзот, шажаранг 92 га етмайдур».

7) «Темурнома» ва амсолий китобларда сарт исми мавжуд (ва) уруғлар ичинда кўрулмайдур;

8) Туркистон шимолига охириги вақтларда сарт сўзи эшитилиб, аммо Туркистон жануби ва ғарбида халқ оғзинда йўқдурки, Туркистон шимолига бу сўзни жорий бўлғони қазоқ, тотор ва руслар сабабидандур. Масалан, Тошқанда «сарт арбаси», «сарт чойи», «сарт одати»... дейилган ҳолда Самарқандда «муслмони ароба», «муслмон шаҳри», «муслмон одати» дерлар;

9) Бухоро ўлкасинда сарт сўзи мутлоқ йўқ. Халқ ўзбек, тожик, қазоқ, туркман, араб қабилаларига мансуб кишилар бўлуб ва шу исмлар ила аталурлар;

10) Туркистоннинг қаю бир чўл ва тоғ ё маъмур ериндаги 60—70—100 га киргон кишидан «сарт» сўзи сўралсун, билмайдур. Аммо олчин, барлос, туёқли, қипчоқ, хитой, турк, қавчин, сарой, манғит, қорақалпоқ, минг, юз, қирқ, ўроқли, ойтамғали, қўштамғали, найман, қангли, мўғул ва буларга ўхшаш асоман қабила, уруғ исмларининг машҳури ва аларнинг туганмас шўъба ва шохаларини баён қилган ҳолда бу «мажҳур сарт»ни аслан тилга олмайдур. Қари кишилар: фалона аслан ўзбек ё тожикдур, дер. Асло сарт демас ва сартни билмас, сарт деган қабиладан беҳабардур;

11) сарт сўзини ҳозирги мафҳумидан хабардор туркистонлилар гумон қиладурларки, сарт сўзи туркистоний деган сўзни русча таржимаси бўлса;

12) матбуотдан боҳабар Туркистон ўзбек ва ё тожик ва ё арабга «сарт» деб хитоб қилинса, ўзларига ор ҳис этарлар. Албатта, бир кишини ота-онаси берган исми бўлуб ва они мансуб бўлгон қабила ва уруғи бўлуб туруб, они бошқа бир исм ила чақириб ва номаълум ва ё маълум бир қабила исминини онга тақилса, они хушланмасга ва эътироз қилмоқга ҳақи бўлса керак;

13) Туркистон халқидан ўзини билатургонлари қабила ва уруғига у қадар биноси борки, бошқа қабилага қиз бермайтургонлари бордур. Қизни ўзи хоҳлаб теккан бўлса, қабила орасидан ақча жамлаб даъволашиб чиқориб оладурлар. Қабиласининг исминини ва етти отасининг отинини билмайтургонларни қул — марқуқ дерлар.

«Шўро» мажалласининг 1911 санадаги 24-ададинда самарқандий марҳум Бақохожа жаноблари «Сарт лафзи асл-

сиздур» унвони ила баъзи нимарсалар ёзиб эдики, андан минбаъд* ёзилатургон моддаларни хулоса қилармиз:

1) Ўтган саналарда сарт сўзи ҳақинда руслар орасиға мубоҳаса бўлуб, «Туркестански ведомости» русча жаридасида ҳар ким ҳар нима ёзиб ва ҳар навъ фаразиётлар жорий қилиниб эди. Қазоқ биродарларимиздан даъво вакили жаноб Шерали Лапин¹ ёзиб эканки, сарт сўзи ҳақорат сўзларидан бўлуб, «сариг ит»дан ахуз* муҳаққакдур*. Бу лафзни истеъмол қилмасға керак. Ҳозир Туркистонда жорий турки — ўзбаки шевани «сартски» ёинки «сарт тили» демасдан «ўзбаки тил» деб аталсун;

2) Астрўмўф² жаноблари «Сартлар» исминда тахминан 300 саҳифалик русча бир китоб тасниф қилгандурлар. Ушбу китобға мазкур жаноб Шерали Лапин тарафидан бир неча эътироз ва баҳслар бўлгандур. Аммо жаноб Астрўмўф, сартлар ким эканлигини исбот қилиб бир жойға қарор берганлари йўқ ва китоблари ҳар нафъ ихтилоф ва фаразиёт ила тўладур;

3) Астрўмўф жанобларини «Сартлар» китобидан ва бошқа бир неча русларни ёзган китобидан маълум бўлурки, Фарғона ва Сирдарё вилоятларининг халқи «сарт» бўлуб, Самарқанд ва Бухоро ўлка — вилоятларининг халқи ўзбек ва тожикдурлар;

(«Ойна»: Аммо тарих ва адабиётдан беҳабар рус ва тотора рабта* беш вилоят Туркистони Русий ва Бухоро хонлиги халқини(нг) айирмасдан «сарт» дерларки, бир маҳзи* асари гафлат ва бутун ғалати фоҳишдур*. Фарғона ва Сирдарё халқининг сартлиги маълум йўқдур.)

4) Гейер³ жаноблари «Туркистон саёҳатномаси»да ёздулки: «Сартларни асл ва насаблари масаласиға ҳозиргача уламо тарафидан файсал* берилган йўқдур. Аларни насаблариға тейишли ҳар нав баёноддан сиҳҳатға яқини шулки, Туркистоннинг асл халқи тожик бўлуб, сўнгра турк — ўзбек халқи тасхир* қилиб олиб ва бу икки халқни бирлашганидан пайдо бўлган халқларни «сарт» аталиши тахмин ва гумон қилинур;

¹ Шерали Лапин — 1917 йилдаги «Шўройи уламо»нинг муассисларидан, сўнг муҳожир. 1895 йилда русча «Ўзбек тили грамматикаси», 1906 йилда «Самарқандда Шоҳизинда» китобларини чоп эттирган.

² Машҳур миссионер Н. П. Остроумовнинг 1890—1895 йилдаги боилган «Сарты» китоби кўзда тутилмоқда.

³ И. И. Гейер — сайёҳ.

5) Вамбери жаноблари ёзадурки: «Сартларни Бухоро ва Хўқандда тожик атайдурлар. Инчунин жаноб Лазар Будағфни¹ ва Шайх Сулаймон Бухорий² жанобларининг лугатларидан маълум бўлурки, сартлар аҳли форс ва тожик эронийлардан иборат бўлса, ҳолбуки эронийлар форс ва тожикдурлар;

6) Логофет³ жанобларининг «Бухоро хонлиги» ном русча китобинда Туркистонда мавжуд турк-ўзбек қабилаларини теъдод* этибдурки, «сарт» қабиласи йўқдур;

7) «Шайбонийнома» соҳиби Муҳаммад Солиҳ, Алишер Навоий, Бобурхон, Абулғозихонлар туркдурлар, буларнинг таълифотлариндаги* сартлар ким бўлур, ажабо? Албатта, булар Туркистоннинг тамом ўзбек ва турк халқини(нг) ва ўз жинсдошларини(нг) сарт демаганлар. Бунлар эронийларни ва ё бошқа бир тоифани (уруш замонидаги душманларини) мақоми таҳқир ва очикда сарт деган бўлсалар керакки, «Шайбонийнома»дан шундай билунур:

8) (ўқиб бўлмади);

9) алҳосил, ушбу кун Туркистони Русийнинг беш вилоятини ва Бухоро хонлигининг барча турк ва ўзбек халқини «сарт» демак ва ёзмак инсофсизлик, истибдодройъи* боиси шубҳа ва тафриқадур*, буюк хатодур, вассалом.

Марҳум Бақохожанинг сўзи мунда тамом бўлди.

Юқоридаги ёзилган сўзларга қараганда, маълум бўлурки, сарт сўзи ҳақиқатан номаълум ва сарт аталмиш кишилар ёинки сартлар букунги Туркистони Русий ёинки Турон, Хоразм ва Бухорода абадан йўқдур, балки бир замонлар бор эмишлар-да, қавми таъ ёинки хун, ҳамирий, осурий, бобилий... лардек дунёдан билкулли сафар этиб, жойларида бошқалар келубдурлар. Тарихга қаралса, букун мусаммаси* йўқ кўб исмларга учралурки, сарт исмида Туркистонда «исми бемусамма» ҳукминдадур. Сартликни бутун Туркистони Русий ва Бухоронинг турк, тожик ва арабдан иборат халқига тоқатургонлардан далил сўралса, айтатургонлари албатта шундан иборатдурки:

1. «Шайбонийнома», «Бобурнома», Абулғозихон китобларинда баъзи бир туркистонийларни(нг) сарт аталибдур.

2. Оврупонинг баъзи сайёҳлари ёзибдурларки, Туркис-

¹ Л. З. Будагов (1812–1878) — шарқшунос.

² Шайх Сулаймон Бухорий (1821–1880) — лугатшунос.

³ Д. Н. Логофет — шарқшунос.

тонда шаҳар халқини ёинки форс халқини ё тожирни номаълум замонда сарт атардилар.

3. Номуайян бир замонда Дашти Қипчоқ ёинки Хитой худудидан «сарт» исминда бир тоифа келиб, Туркистонга ерлашиб, сўнгра бошқалар тарафидан ютулуб ва бошқа уруғлар ила аталиб кетгандурлар.

Ана, Туркистони Русий ва Бухоро халқиға сартлик исмини тоқатургонларни далили шундан иборатдур. Биз такрор айтармизки, мазкур уч эҳтимолни қайси бири чин бўлган суръатда ҳам нафсул амрда бугун Туронда сарт йўқдур. Ҳамчунонки, бу кун Оврупода ва Осиёда исман «хун» йўқдур. Тарих хун қавмини сартдан кўра яхши забт этган. Маа фикри букун на Оврупо ва (на) Осиёда «хун» исмлик уруғ йўқ. Фаразан, сарт қабиласинда бир вақт бор экан, аммо энди сарт уруғи йўқдур. Бу қадар машҳур уруғлар Туркистонда бўлуб ва аталиб туруб, аммо сарт уруғини йўқлиги ва ҳеч бир қабилани «ман сарт» демагани бу кунда сартни йўқлигини ва замонида бўлса-да, мунқариз бўлганини далилидур. Хўб, туронийларни сартлигини даъво этатургонларни далили бўлса, лутфан баён этмоқларини илтимос этармиз. Ва далилларига қараб, албатта, аҳли қалам муҳокама жорий этарлар. «Сарт» атамоқға ошиқ бўлганлардан баъзан дерларки: «Ҳар ҳолда туркистоний ва бухорийлар охирги замонларда сарт аталиб ва бу исм машҳур бўлубдурки, мунинг тарк этмоғи мумкин йўқдур».

Бу сўз бир неча важдан тўғри эмас. Масалан, усули жадидчи ёинки тараққийпарвар ва маданияти ҳозира толибларини Туркистонда баъзан кофир «бобий», Истанбулда «мосун», Эронда ҳоказо «бобий» атабдурлар. Ҳолбуки, «бобий» ва «мосун» бошқа, тараққийпарвар мусулмон бошқадур. Бобий ва мосунлик ила фахр қилатургон номусулмонлар бўлганидек, тараққийпарвар мусулмон бобий ва мосунликни ўзиға нисбат беришни абадан қабул қилмайдур.

Энди маданиятпарвар мусулмонларнинг «бобий», «фарра»*, «мосун» исмлари баъзи халқ тарафидан бизға берилибдур, деб мусулмон исмини қўюб, ўзини «бобий» ва «фарра мосун» атамоғи ва шул номағруб исмларни ўзиға тоқмағи муносибми? Албатта, йўқ дерсиз. Бас, туронийларнинг ўзиға махсус ва машҳур уруғлари бўлуб туруб, мажҳул бир уруғ исмини ўзларига тоқмасликлари табиийдур, албатта. Дерларки, сарт демайлук-да, на дейлук? Жавоби ниҳоят

осон! Туркистон ўбеклари, тожиклари, араблари, турклар, руслари, яҳудийлари агарда десаларки, биз Туркистонни турк, араб ва форсийни ташхисдан* ожиз ва барчасига умумий бир исм керак. Бул суратда дермиз. Ундай бўлса тўғри «Туркистонли», «Туркистон мусулмонлари» ёзингиз. Йўқ! Бўлмаса, балки бир аср сўнгра Туркистонда мавжуд яҳудий, рус, турк, тожик ва араблар бир либос ва бир ҳайъатга кирар-да, сиз яна барчасини «сарт» атарсиз.

Тотор муаррихларидан муҳтарам Заки Валидий афанди «сарт» иборати тўғрисида тақрибан шундай деюр: «Бир замонлар Туркистон халқи сарт бўлганлар. Аммо Чингизлар ва мўғулларни истилоси сабаби-ла исмлари алмашгандур. Самарқанд ва Бухорода сарт йўқ ва ҳам тожик ва араб ва ўбеклар сарт эмас. Хўқанд ва Тошқанд халқи сартдур, азбаски, алар уруғини билмайдур ва ҳам алар на турк ва на ўбек ва на тожик ва арабга ўхшайдур. Сарт исмлиқ қабила Туронда бўлмаса-да, эски китобларда бор».

Юқоридаги сўзлар мунга жавобдур.

(Бақияси бор)

Маҳмудхўжа

*«Ойна» ж., 1915 йил, 22-, 23-, 25-, 26-сонлар,
314-315-, 338-340-, 386-388-, 478-480-бетлар*

ЭҲТИЁЖИ МИЛЛАТ¹

«Бошқа миллатларга қаралса кўрилулки, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур.

50 сана муқаддамги замонда, биз туркистонлилар якка ва танҳо яшаб, бошқалар ила муомала ва муносабатимиз йўқ эди. Энди замон ўзгариб, бошқа миллатлар ила махлут бўлдук, шарийат ва ўз урфимиз устига қонун ва Оврупо одатига итоат қилмоққа мажбурмиз.

Аммо қонун ва Оврупо одатларини билмаганимиз учун бойимиз бўлсун, қози ва миллий ҳукамомиз ва аҳолимиз бўлсун кўб ташвиш ва зарар кўрар. Замони собиқда фақат шарийат билмоқ кифоя этарди. Энди қонун ва закунни бил-

¹ Н. Очилов нашрга тайёрлаган.

моқ ҳам лозимдур. Шарият илми мадрасаларга, қонун илми Русия дорилфунунларига ўқилур. Дорилфунунга кирмоқ учун, аввало, ўн сана гимназияга ўкумоқ керак. Сўнгра тўрт сана дорилфунун ўқуб андан ҳуқуқшунос, юрист, таъбир жоиз бўлса, замона фақиҳи бўлиб чиқар. Суд маҳкамаларинда, давлат доираларинда кириб, ҳар ҳуқуқшунос ўз муваккили ва ўз миллати ва ўз тойифаси ва ўз Ватани ва ўз давлатининг нафъига сўйлашур, мудофаа қилур.

Масалан, давлат думасинда биз Туркистон мусулмонларидан шундай ҳуқуқшунос вакил бўлса, бизни дин ва миллатимиз нафъига ҳаракат қилур. Аммо шундай одам бизда йўқ.

Давлат думаси нари турсин, судга ва расмий маҳкамаларга кириб, бизни мудофаа қиладургон кишимиз йўқ. Бошимиз оғриси дўқтурга борамиз, аммо дардимизни айтмоқга тил йўқ. Ўзимиздан дўқтур йўқ.

Иккимиз бир-биримиз ила низо қиламиз. Кетамиз закунчига, сўйламоқга тил йўқ. Орадаги одамлар яна бизга фириб берар, пул берармиз, югурармиз, яна ишлар барбод, охири йўқ.

Иморат қилмоқчи бўлсак, плон-лойиҳаси лозимки, инжинерга муҳтож бўлармиз. Аммо биз ҳануз «муҳандис» исмини билмаймиз.

Контур ва расмий дафтар тутиб, касса қуриб тижорат этмоқ лозим. Илм тижорат била турган бухгалтерик ҳисоби юритадургон бойлармизга керак, ул ҳам ўзимиздан бир нафар топилмайдур.

Ҳаммолликдан бу ишлар яхши бўлса керак. Бир неча бойваччани биларманки, энг қаттиқ хизматларга гирифтор. Сабаби надур — илмсизлик. Ҳолбуки аларни «тўйи»га атоси 5 минг сўм сарф этиб эди.

Туркистон меваси, донаси, тоши, туфроғи, эски нимарсалари Оврупо бозорига кетар. Муни Оврупо даллоллари келиб оз баҳога олиб кетар, меҳнатни биз қилурмиз, фойдани улар кўрар. Ўз нимарсамизни оврупо бозорига элтиб, яхши баҳога сотатургон бизда бир одам йўқ. Азбаски, Оврупо ила савдо қилатургон кишини (ўзи) аввал ўн сана замона илми ўкумоғи лозим.

Бизда шоҳи, адрас, беқасам, алоча... бофликлар бор. Агарда бир нафар техник ва муҳандисимиз бўлса бу дастгоҳларни ислоҳ этар, аҳоли обод бўлур. Валлоҳ, яқин вақтда «дока»

бофилларимиздек зоеъ бўлиб кетар. Чунки Оврупо янги ас-
боб ила мундин яхши қилиб чиқорур.

30 сана муқаддам Самарқандни Ёмнини маҳалласинда
300 алочабоф ишчи бор эди. Ал-он 30 нафар йўқ. 10 сана
сўнгра тамоман маҳв бўлур.

Хулоса, мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадра-
самиз ва ҳар нимарсамизни замонча ислоҳи лозимдур. Вал-
лоҳ, ҳар нимарса қўлдан кетар, бизда муздурликдан бошқа
ҳеч иш қолмас. Бир ускуна, дўкон ва саройни ишлатмоқга
ҳам илми замоний ва замона шумлигини билмоқ лозим.
Валлоҳ, биздан дунё илмини яхши билатургонларга мулк
ва асбобимиз ўтар ва ўтуб турубдур.

Қисқа қилайлик, бошқа миллатларни бойлари фақир
ва етимлар учун мактаб ва дорилфунунлар соладурлар, фа-
қир ва етимларни ўқумоғи учун вақф «истипендия»лар таъйин
қилур. Бошқа миллат милўнерлари мактаби ила истипен-
дияси-ла, идора қилатургон газет ва мажалласи-ла, бино
қилган доруложизин (аёллар университети — *Н. О.*), барпо
қилган жамбияти хайрияси-ла фаҳр қиладур.

Бизникилар жуфт оти-ла, аробаси-ла, тўйи ила ва...ла
фаҳр этар. Ҳатто, ўз ўғилларини ўқутмайдургон бойлар
бордур.

Бу кетишни охири ямондур, ўқумоқ, ўқутмоқ керак-
дур. Болаларга оталардан илми диний ва илми замоний ме-
рос қолсун.

Бугун Туркистондан ўн бой йилинда минг сўмдан бер-
са, 25 бола учун Тошқанда «диний ва замоний» бир «пан-
сиун» лайли ва наҳори 5 мукамал мактаб бино бўлуб, ҳар
йил ҳукумат мактабинда 50 бола тайёрлайдур.

Ўн йилда булардин... 200 муҳандис, дўқтур, ҳуқуқшу-
нос, муаллим, техник, замона тожири, валлоҳ... чиқар ва
бизни замон одамлари қаторида қўярлар ва давлат ишга
кирарлар. Руслар ила бизни ҳасан имтизожларимизга хиз-
мат қиладурлар.

Ал-он миллатимиз бойлардан шуни кўз тутар, халойиқ-
ни барбод этатургон тўйларни эмас. Оҳ, бу сўзларни тушу-
натургон бойлар бизда етушганми?

«Самарқанд» г., 1913 йил, 12 июл

МИЛЛАТЛАР ҚАНДАЙ ТАРАҚҚИЙ ЭТАРЛАР?¹

Миллатлар тараққийиға бир неча сабаблар бўлуб, туб сабаби уламо ила агниёнинг ҳамийят ва ғайратларидур. Тараққий қилгон ва ё энди тараққий қилгучи миллатлар аҳволиға диққат қилинса, мазкур икки синф мухтарамни ўз миллатларига сўз ва оқча ила хидмат этганлари фавран зоҳир бўлур.

Ҳар миллатнинг уламози, аҳли қалами, мутафаккири ўз миллатининг ояндаси учун йўл кўрсатур, машварат берур, миллат ахлоқининг ислоҳи учун масжидларда панд ва насиҳат берур, мактаб ва мадрасаларда дунё ва охиратда кёрак илм ва фан, таълим берарлар. Китоб ва газет ила умматни муслиҳи* учун баҳс ва муколамалар қилурлар.

Тараққий қилгучи миллатларнинг уламози замондин бохабар бўлиб, ўз миллатининг «масолиҳа замонийи»си учун саъй этар, миллатни пешрафтиға оқча ила, ҳайрат ила иона қилмоқни миллат бойларига таклиф этар, ташвиқ ва таҳрис этар. Хулоса, ҳар миллатни уламози, аҳли қалами миллат учун сўйлар, ёзар ва ҳавоижии миллий ва замонияни ўз миллат мансубасиға билдирарлар. Замона агниёлари ўз миллатларини замонийча кераклиги йўлинда оқча сарф этарлар, масалан, янги усулда замонавий мактаблар бино этиб, замонийча одам тайёрламоқ учун ҳаракат этарлар. Ҳукуматни ўрта ва олий мактабларига ўқийдургон ўз миллат болаларига ионат этарлар. Ва бечора ҳамжинсларини диний ва дунёвий мактабларига беруб, ўз харажатлари ила ўкутадурлар.

Рус, армани, яҳудий ва бошқа Русиядаги ватандошларимизни бойлари доимо ўз миллатлари учун катта хайр ва эҳсонлар қиладурлар, инчунин, Кафкоз, Қирим, Қозондаки мусулмон биродарларимизни бойлари, уламози ва аҳли қалами, соҳиби фикри ўз биродарларига мол, оқча, қалам ва илм ила иона қиладурлар.

Аммо бизни Туркистонда бу ишлардин сўйламоққа ҳануз навбат келган йўқ. Ҳар ким ўз нафъи ва ўз шахсий иши ила саргардон, умумий ёинки диний ва миллий ишларни ояндаси учун, миллатни замона одамларидек тараққий этмоғи учун, халойиқни ислоҳ ахлоқи учун ғам торгучи ва ҳаракат этгучи йўқдир.

Бир карра диққат қилиб, маҳалла-кўй ва қишлоқ халқ-

¹ Ҳ. Сайидов нашрга тайёрлаган.

ларига қаралсун. Авомлик, бенимлик нақадар кўпайган. Биз мусулмонмиз. Мусулмонликга илм лозим, амал лозим. Ўқумоқ керак, нима учун бошқа миллатларда юза бир нафар бесавод йўқ экан, биза юза бир нафар саводлик йўқ?

Бошқа миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммолликда ва гадойликда. Бошқа миллат уламосига тобеъ экан, бизни уламо билъакс авомга тобеъдур. Бунинг охири харобдур. Йигирма, ўтгуз сана сўнгра яна ёмонроқ бўлур, мусулмонлик, илм ва одоб ила қоим миллат ахлоқ, фазл ва ҳунар ила боқий қолур.

Бугун ислоҳи мактаб-мадраса, яъни ислоҳи миллатга кўшиш қилинмаса раби аср сўнгра диёнат барбод бўлур ва анинг жавоби масъулияти бугунгиларга қолур, бу масъулиятдин қутулмоқ учун миллатни диний илм ва дунёвий илм-фанлар ўқумоқ учун тарғиб қилмоқ керакдур. Диний илм ва фанларнинг ўрни мактаб ва мадрасадур.

Дунёвий фанларни ўрни ҳукумат мактабларидур, иккисига ўқумоқ учун оқча лозимки, ул оқча бойларни кисайи ҳамиятидан чиқса керак.

Ҳар замон учун асбоби ислоҳ ва тараққийи ионат бошқарур. Миллатга ионат этмоқ учун, ислоҳи мактаб ва мударрис учун, русий мактабларига бола тайёрламоқ учун, деҳқон ва санъаткорларни ривож бермоқ учун «ҳамийяти хайрия», «нашри маориф», қироатхоналар, фўндлар, куружуклар, жаридалар, мажаллалар, нашриётлар... керакдур. Миллатлар тараққийси шул ила бўлур ва бу ишларга оқча керакдур, оқча бойларда ва афродда!

Маро ба тажриба маълум шуд даро ҳар кор,
Ки қадрн мард ба илм аст қадрн илм ба мол.

(Маъноси: менга тажрибадан маълум бўлдики, одамда қанчалик илм бўлса ҳам илмнинг қадрн молдадур. — Ҳ. С.)

«Самарқанд» г., 1913 йил, 30 июл

ҚОЗОҚ ҚАРИНДОШЛАРИМИЗГА ОЧИҚ ХАТ¹

Азиз қариндошларим! Мусулмон биродарлар! Ҳаммангизга маълумдурки, Туркистон, демак — туркий эл бўлиб, мундаги халқнинг қозоғи, қирғизи, сарти, ўзбеги, туркмени, татарни — ҳаммаси аслан... жаҳонгир... Темурнинг авлоди

¹ Ҳ. Сайидов нашрга тайёрлаган.

ёки оға-инисидурлар. Туркистондаги араб, хўжа ва сайидлар-да ўз тилларини йўқотиб, балки билкулли турклашиб ва ҳатто, араблиklarини эсларидан чиқориб... ҳар жиҳатдан бирлашиб кетгандурлар. Туркистоннинг энг оз шаҳарларида ва баъзи тоғларида бир оз форс, яъни тожиклар борки, алар ҳам камолан мусулмон ва сиз ила ҳаммазҳабдурлар. Тирикчиликларининг ўзбеклардан фарқи йўқ даражададур.

Боурлар! Билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва сиз билингки, ҳақ олинур, берилмас. Инчунин, мухторият-да олинур, берилмас. Яъни мухториятни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб, ғайрат ила олурлар. Албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса, бермаслар. Биз бўшлиқ қилсак ва Туркистондаги халқлар бирлашиб, мухторият йўлига саъй қилмасак, албатта, ҳозирги қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар, бул албатта, шундайдур ва бул сўзга ҳеч ким ихтилоф қилолмайдур.

Энди ишлар шу ҳолда экан, биз ҳаммамиз, яъни қирғиз, қозоқ, ўзбек, туркман, араб, форс, хулас, Туркистондаги, Қозоғистондаги ва Туркманистондаги барча мусулмонлар ва ҳам мундаги яҳудийлар ва христианлар бирлашиб, иттифоқ ила шу мухториятнинг амалга келишига саъй ва эҳтимом этмоғимиз лозимдур. Агарда бизга ўз бошимизга, шариат, урф ва одатимизга мувофиқ тирикчилик қилмоқ керак бўлса, ҳаммамиз вақтли низоъ ва «манман»ликни кўйиб, ҳамма нарсани эсимиздан чиқориб, ёлғуз «мухторият» учун ҳар нимарсамизни фидо этмоғимиз лозимдур. Мундай фурсат ва замоннинг бизга қайтиб келиши маълум йўқ, қадрини билиб ишламоқ керакдур. Вақт ўтгандан сўнгра ўкинмоқ фойда этмас.

Шуни-да билингки, қозоқ ўз бошига, шаҳар халқи ва атрофи ўз бошига ойрилиб, бошқа-бошқа мухторият қилмоқчи бўлганда, иккиси ҳам муддаоға етмайдур. Сиз, қозоқ қариндошларимиз, оре, чўлдасиз, аммо сиздан бир кўп халқлар ҳам шаҳарларда ва шаҳарлар теварагиндадур. Тирикчилик шундай нимарсаки, чўл ила шаҳар ва қишлоқ халқини бир-бирига боғлагандир. Бир-биридан ажралиб яшаёлмайдур. Шаҳар халқи ила бирлашиб мухториятни бошқарганда сизларга зарар келмай, балки фойда келур.

Мухториятни бошқармоқ учун ёлғуз сиз-да кифоят этмаганингиз каби, ёлғуз шаҳар ва атрофидаги халойиқ ҳам

кифоят эмас, балки иккингииз-да кераксиз. Шунидеки билдингки, сизлар турғун халқ ила бирлашиб мухторият қилган ила сиз ила турғун халқ учун биргина навъ қонун бўлмай, балки сизнинг тирикчилик ва одатингизга мувофиқ алоҳида сиз учун нафълик қонунлар ёзилур. Шариат ҳам кўчма ва чўл мусулмонларининг урф ва одатларига кенглик берғондир. Сиз ўйламангки, турғун халқи ва ё шарияти бизни қисадур. Йўқ, билъакс, сизга кераклик одатларингизни сизга қолдириб, сиз учун сизнинг зиёли вакилларингиз қонунлар тузайдулар. Тоғ ва шаҳар халқлари учунда, бошқа-бошқа қонунлар тузалур.

Ҳатто, Туркистондаги баъзи уезд ва шаҳарлар учун алоҳида қонунлар тузалур. На учунки, ҳамманинг тирикчилиги бир эмасдур. Яҳудий ва христианлар учунда, бошқа қонунлар туза олур. Ҳар бир халқнинг одат ва мазҳабиға рия қилинур. Хулоса: мухториятни миллат мажлиси ҳар бир халқнинг нафъини кўзда тутуб, қонун чиқарар. Агарда сиз, қозоқ биродарлар, турғун халқдан ажралиб, ўзга мухторият қилурмиз десангиз, мундан сиз-да ва турғун халқда зарар кўрар ва эҳтимолки, иккингииз-да мухториятдан насиб бўлмас, азбаски куч таралур.

Бобокалонларимизнинг машҳур насиҳати бор, у ўз ўғулларига қилиб эдики, бирлашингиз. Масалан бир даста таёқни бирга боғласангиз, кимса синдирилмас. Агарда ажратсангиз, бирин-бирин ҳар ким синдулар. Мана, бобонгизнинг буйруғи.

Чирогларим! Бошқа халқлар, масалан, серблар, италянлар, арманлар, славянлар, поляклар ва бошқалар, ҳатто, дунёнинг у бир учидаги қариндошлари ила бирлашур эканлар, бошқа катта ва қувватли давлатларга тобеъ бўлуб, ютилуб, ҳатто, тилини йўқотган ўз жинсдошларини ажратиблиб, бирлашмоқға жон ва кучларини сарф этар эканлар, биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан айрилсак, уятдур, аҳмоқликдур. Турк томуриға болта урмоқликдур.

Онгли қозоқлар ўйласинлар, тарихга қарасинлар, зиёли қозоқлар, Оврупонинг ихтилоф солиб, миллатларни ажратмоқ сиёсатиға ва икки юзлигиға қарасунлар эди. Бирлашғон Туркистон халқининг бўлунмоқиға ўзимиз сабаб бўлмасак эди. Барча ихтилофчилар ва бошқалар-да, албатта, зарар кўрарлар ва алар ила баробар татарлар-да, биз-да,

мундан зарар кўрурмиз ва ихтилофимизнинг жазосини тор-тармиз. У кунларимиза йиғлармиз, аммо фойда этмас.

Чироғларим, бирлашайлик! Кўрасиз, бу кунги руслар-да бирлашмоқдадурлар. Энди бирлашмоқ замонидир. Агарда сиз айрилсангиз, туркман қариндошлар-да айрилса, Туркистон турклари уч ерга бўлиниб кетар ва барчага мухториятдан насиба чиқмай қолур. Еттисувдаги мусулмон қариндошларга ҳам айтатурғон сўзим шулдур.

Ондаги христианларга келгунча, алар билсунларки, Еттисувда кўп бўлсалар-да, бутун тевараklarини мусулмонлар айлантириб олғон ва аларнинг-да бизнинг мухториятга қўшилмоқлари, албатта, ўзлари учун лозим бўлғонидек, Туркистоннинг бошқа жойларидаги руслар учун-да фойдалиқдур. Чунончи, алар қўшилса, миллат мажлисинда рус аъзолари кўпайур. Бизнинг мухториятимиз жорий бўлғондан сўнгра, Еттисув русларининг қўшулмасликлари асло мумкин эмасдур.

Ёлғуз сиз ила биз эмас, бутун Русия мусулмонларининг бирлашмоқлари шаръан ва ақлан фарздур.

«Оллоҳнинг ипига бирлашингиз ва тарқалиб кетмангиз» Тангрининг сўзидур. Бошқа газеталарнинг кўчирмак-ларида ражо ўлинур.

Самарқанд, «Хуррият» г., 1918 йил, 26 январ

МУХТАРАМ САМАРҚАНДИЙЛАРГА ХОЛИСОНА АРЗ¹

Аҳли хабаранинг маълумидурким, эски ҳукумат замонида ҳар нимарса амр ва буйруқ ила бўлур эди. Халойиқнинг диний ва миллий ишларини ислоҳи ва ривож и туғрисида қилатурғон ҳаракатларга йўл берилмас эди. Ҳеч нимарса ҳукуматдин бежавоб ва изнсиз қилина олмас эди, ҳозирда бўлса, Худойи таоло бизга хуррият берди. Диний ва миллий ислоҳот ва тараққийимиз учун ҳаракат ва сайъ этмоқга йўл очукдир.

Хурриятнинг учинчи ойиндамиз. Лекин биз самарқандийлар диний ва миллий ишмизни ривож бермоқ учун ҳануз бир иш қила олмагандурмиз. Аҳли жамоат ва ғайрат бир неча ёшлар, аҳли мурувват бир неча мўйсафид ва катталаримиз бир неча кун бир бўлиб, баъзи яхши ишларни

¹Х. Сайидов нашрга тайёрлаган.

бажармоқчи бўлдилар. Ҳатто, уламоёни киромдан аксари қўшулмоқчи бўлдилар, билкулли қўшулдилар.

Ёшларнинг очган «исломий қулуби» ҳар кун уламо, савдогар ва аҳли касабадан бир неча дафъа тўлуб, бўшолуб эди, ишлар яхши кетар эди, умидлар қавий (кучли — Ҳ. С.) эди. Ояндамизнинг яхши бўлушини истидолар қилур эдук. Аммо ишлар ва иттифоқлар узоқга сурилмади. Бир неча тажрибасиз ва тез ҳаракат ёшлар, бир-икки нафар нафсониятга ботган ва ўлгунча тузолмайтургон кишилар қадима иғво ва фасодни ўртага солдилар, натижада Самарқанд халқи иккига бўлунди. Балки икки эмас, юзга бўлунуб, халқнинг кўнгли совуб, баъзиларининг сўз ва ҳаракатларидан нафратланиб, тарқалиб кетдилар.

Бу кун маъноий ҳақиқийси ила Самарқандда бир жамият йўқ, миллат ва дин ояндаси учун натижалик бир сайъ ва ҳаракатни бошқаратургон бир жамият йўқдур, ҳозиргача айтур эдукким, бизнинг миллий ҳаракатимизга ҳукумат монеъдур, аммо энди ўзимиз монеъмиз.

Эй ҳазрати уламо! Эй тужжор, аҳли касоба ва ағниё! Эй, ғайратлик ёшлар! Нифоқ ва бир-бирига душманликни ташлангиз. Худо ҳақи, арвоҳи анбиё хурмати ва бу кунларда қорнини тўйғазолмайтургон етим ва бевалар ҳақи бири-бирингиз ила иттифоқ этуб, жамиятлар барпо қилуб, холиқ Худонинг нафъига, дин ва миллат йўлига хизмат этингиз. Миллат ва халқ сиздан хизмат ва яхшилик талаб этадур, нафсоният ва гурур эмас.

Эй ёшлар! Сиз ҳам бир оз оғир ва хушсўз бўлингиз. Хурриятнинг аввалида ҳалойиқ сизга инонди, сизга ўзини ташлади, аммо сизлар тажрибасизлик этиб ва ўз орангизда ихтилоф кўрсатиб, халқнинг ўз борангиздаги хушгумонлигини, афсуским, йўқотдингиз. Мана шу йўқотганингизни қайтариб топмоққа ҳаракат, сайъ этингиз. Халқ сизларга майл қилгон эди, сизлар, тўғриси, бажаролмадингиз. Мана шу тажрибасизлигингизни хотирингизга келтирунгиз ва бул ёшларга дарси ибрат бўлсун.

Муҳтарам ёшлар! Замон сизникидур, қарилар замони ўткан. Сиз киромга бобасират бўлуб, ўн дафъа ўлчаб, бир дафъа кесингиз. Оташинлик ва тезлик ила иш бўлмас. Ал-ажла минашшайтон! (Шошилган шайтондандир! — Ҳ. С.) Бу фикрни бошингиздан чиқарингизким, сизнинг ўз бо-

шингизга тараққий қилмоғингиз мушкулдур. Балки, бутун шаҳрингиз ва миллатингиз ила тараққий қилурсиз.

Ман ҳам йигирма йилдан бери ҳаракат этаманким, тараққий пайдо бўлсун, шуни сизлар ҳам билурсизки, ўн ва йигирма нафар ила тараққий бўлмайди ва бўлмас экан. Бинобарин, ўрта ва бир қадар имкони кўпроқ киши майл қилатургон йўл ила тараққий этмоқ керак ва унсиз бошқа чора йўқдир. Муни мен бир неча дафъа сизларга юз ба юз айтганман. Муҳтарам ҳамшаҳарларимдан аксари шундай биладурларки, менинг ҳар сўзумни сизлар қабул қиласиз ва сизнинг ҳар бир ишингиз менинг машваратим ила бўлур. Хайр ундай эмас. Ёшларнинг баъзи бир машварат ва ишлариға шерик бўлсалар ҳам баъзисидан беҳабардурман. Аларнинг барча ишлариға мен масъул эмасман. Зотан ҳеч ким ҳеч бир кимнинг ҳаракатидан масъул эмасдур.

Азиз ҳамшаҳарларимга, мўътабар аҳли ватаним, ҳаммангиз бир бўлуб, халқ ва диннинг ривожини учун бирлашуб, орадаги нафратларни ташлаб, Худонинг берган ҳуррият неъматидан нафъиланмоқ ҳаракатида бўлмоқ керак ва ал-он (токи — Ҳ. С.) бизнинг ҳаракатсизлигимиз биздан ҳурриятни кеткуриб, яна бошқаларга бизни асирлик даражасига тушурур ва юз йиллар ила кейин кетармиз. Бизнинг авлодимиз ҳамда халқи олам бизга раҳмат ўрниға лаънат ўқурлар.

Бу сўзлар тўғри сўзлардур. Ёш ва қарилардан, албатта, мандан ушбу сўзларим учун ранжийдургонлар бўлур. Аммо начора, тўғрини айтмагунча, ишлар тўғриланмас. Олдимизда шаҳар думаси сайлўви, мажлиси маъбусон (?) (учредителная собрания) сайлўви, мамлакат думаси сайлўви турбдур. Агарда Самарқанд ёш ва қарилари шу ҳолатда турсалар, вой бизнинг ҳолимизга! Халқи олам бизга кулар. Биз янадин бошқаларнинг асири бўлурмизким, бунга тажрибасиз ёшларимиз, тараққийни хоҳламайтургон катталаримиз сабаб бўлурлар ва ҳам бизнинг ишсизлигимиз учун бошқалардан кейин қолишимиз муқаррардур. «Қолу ал ҳақ валу кон маран» — «Тўғрини сўйла аччиқ бўлса-да!»

«Хуррият» газетаси, 1917 йил, 13 май

ҒАЛЛА, АСКАРЛИК, ЕР ВА ТАЗМИНОТИ ҲАРБИЯ¹

Тошкандда бўлатургон маориф қурултойиға қўшулмоқ учун Самарқанд анжумани маориф жамияти тарафидан бормоқчи эдим. 15 инчи июлда Самарқанд мусулмон шўросиға бориб, Тошкандға бормоғимни билдуриб, агарда ғалла тўғрисида менга бирор иш тобшурилса, бир жой(и) кетуришимни ифода этдим. Мусулмон шўроси ҳам ғаллаларнинг забти ва қўлга олинишиға муқобил экан. Шунинг учун аввало маним фикримни эшгитиб, фойдали билиб, сўнгра ман билан Тошканддаки Ниёзуф отиға мандан (ваколатнома) бердилар.

16нчи июлда Тошкандға кирдим. Йўлда вағўнда одам қўблиги учун ўтуриб бордик. Онда бориб Ниёзуф билан бирга ҳозирги Туркистон ҳукуматининг раиси Тобулин афанди ҳузурига кирдик. Ва ушбу тубандаги масъалалар тўғрисида сўйлашдук:

1) ғалла; 2) аскар олиш; 3) тазминоти ҳарбия; 4) ер ва сув масъаласи.

Ҳозирги ҳукумат ва ҳам Туркистон мусулмонларининг нафъи нуқтаи назаридан юқоридаги масъалалар хусусинда эътидол ва осон йўллари кўрсатиб, таклиф этдим ва ўзимни йиғирма йиллик муҳаррирлик ва журналистлик, 25 йил халқ ишиға аралашиб ва бир неча дафъа саёҳат этиб, дунё ва мусулмон, хусусан, Туркистон мусулмонларининг тирикчилигига ҳосил этган тажрибам юзасиндан хулоса ва салоҳияти ватан ва Туркистоннинг тинчлиги номиға бир хейли таклифотда бўлдум. Туркистоннинг ҳозирги дохилий ва хорижий душманлари аҳволини ва халойиқнинг аҳволи руҳия ва эътиқодия ва маишиясиға бир оз бўлса ҳам аҳамият бермак ва риоя қилмоқ кераклигини билдирдим.

Тобулин афанди бу сўзларға аҳамият бергандек кўрунди. Ниёзуф билан Жўрабойуф афандилар ҳам ҳозир эдилар ва маним сўзларимни таҳийя этдилар. Юқоридаги масъалалар тўғрисида таклифларимнинг хулосаси шу эди:

Биринчи, ғаллани тамоман ва ўзиға заруридан бошқасини ҳукумат бутун ўз қўлиға олиб, ғалла олиш ва сотишни, ғалла бозорини, ҳатто, хусусий нонвойхоналарни манъ қилмоқ ва бу ҳақда лойиҳа тузмак учун мамлакат озуқа комитетлари тарафинда сиезд чақирилгон экан. Бул тўғрин-

¹ Х. Сайидов нашрга тайёрлаган.

да маним таклифим шу бўлдики: Бозор очиқ бўлсун, аммо вилоят ва уезддан ғалла чиқорилмасун ва омбордорларнинг ғалла олиши манъ қилинсун. Такса (қатъий баҳо) асло бўлма-сун. Фақат ғалла эккан деҳқонлар бир ботмон экилган ердан тўрт пуд ғалла такса юзасиндан берсунларким, бу ҳам, аввало, дафтар бўлуб, сўнгра берилсун.

Иккинчи, аскар масъаласидирки, бу ҳар нарасидин муҳим ва мунинг умумий бўлуши лозим. Аммо мусулмонлар ҳануз шунга ўрганмаган ва ҳам доҳили фитначилар қора халқнинг фикридан фойдаланиб, эҳтимолки, баъзи бир фитналарга сабаб бўлсалар. Ва ҳам номаълум ва сиёсатан фикри билкулли нотўғри кишилар қўлига яроқ ўтуб, эҳтимолки, кутулмаган ёмон ҳодисалар пайдо бўлса. Шунинг учун таклиф қиламанки, то халқ ўрганиб, бир оз аҳвол ўзгаргунча умумий аскар олинмай, кўнгилли тариқинда тарғиб ва ташвиқ билан ҳам халқнинг аҳволига қараб олинса эди. Чунки...

Учинчи, тазминоти ҳарбия масъаласидирки, бу Туркистоннинг ҳар ериндин зиёда Самарқандда ҳукм сурди ва Самарқанднинг бойлари бошқа жойлардан оз бўлса ҳам рус, яҳудий, мусулмонлар ёлғиз Самарқандда саккиз миллийун қадар тазминот ва уч миллийун қадар очлиқ солиғи бердилар ва бу қаторда баъзи камбағал ва паст ҳолли кишилар ҳам жабр кўрдилар. Мунинг тақсими устинда баъзи бир одилсиз ва инсофсиз кишилар туруб ришватхўрликлар ҳам бўлиб ўтди. Хулоса: ҳар ҳолда Самарқанддин янғидан тазминоти олинмаса эди. Чунки ҳозирда маъишат ва сиёсат осойишталикни талаб этадур. Халқ ҳам очлиқ ва қимматчилик ва шунга ўхшаш оғирликлардан ҳориган ва асабийлашгандур. Оқча керак бўлса, бошқа йўллар билан солиғ тариқинда тўпланмоғи мумкиндур.

Тўртинчи, ернинг тақсими масъаласидурки, баъзи бир агарчи кичик деҳқонларники бўлса-да, тақсим қилинмоқчи ва балки тақсим бошланибдур. Баъзи бир кичик деҳқонларнинг ғалласини ҳам тамоман забт қилмоқга қарор қилгон жойлар ҳам бор экан. Ҳолбуки, бул бобда ҳануз Марказий Туркистон ҳукуматидан бир амр йўқ экан. Шунинг учун бу ишларни Марказий ҳукуматнинг чиқаргон қонунидан сўнгра қилинса эди. Мана ушбу ишлар ҳам ҳозирги ҳукуматнинг сиёсатиға зарарликдур. То таъқиқланиб Туркистоннинг умум халқи ва ери истатистик ҳисоби-ла рўйхат бўлиб, қонуний бир қарор чиқарилгунча, кичик деҳқонларнинг ва кичик

тегирмон ва кичик корхона ва устахоналарнинг «нотсиёлизатсия»си (ёинки тақсими) мавқуф (тўхтатиб — Ҳ. С.) қолдурилса эди. Ҳолбуки, Туркистонда, бохусус бизнинг Самарқандда ёри кўб киши ниҳоятда оз бўлуб, ерлар аксарияти ила деҳқон ва майда мулкдорлар қўлиндадур.

Ҳозирги ҳукуматнинг раиси Тобулин афанди билан музокарамиз икки дафъа бўлуб, бир соатдин зиёда чўзилди. Тобулин афанди юқоридаги масъалаларнинг муҳимларини ёзиб олиб, яхши ваъдалар берди. Ғалла иши сиездида бўлур, деди. Самарқандда аскарнинг кўнгилли равишда олишенига ва янгидин тазминот олинмаслигига ва ҳам ер тақсимини мавқуф қолишига фикри бирлигини сўйлади. Ва бу тўғрида тадбирлар кўрарга ваъда этди. Ва ҳозирги тақсимнинг нотўғрилигини сўйлади. Самарқанддаги доираларга бул тарзида қоғоз юбормакни ҳам ваъда этди. Хулоса: сўзимни яхши онглади ва яхши қаради. Ман шундай билдимки, маъкул сўзни болшавик ҳукумати эшитар экан, айб ўзимиздаки кўшулмаймиз ва узулуқ йўриймиз.

Ғалла тўғрисидаки ишни тамом этмак учун Ниёзуф билан «Туркистон ўртоқ қурултойи»га бордик. Кўб музокара ва сўзлардан маълум бўлдики, бир қисм аъзоларининг фикри шулки: Туркистон бутун ғаллаларни эгасининг ва деҳқонларнинг ўзига кифоя қилатурғон овқатиндан бошқасини бир ерда жамлаб, сўнгра ҳар кимга муқарраридек бир қадоқдин яқун ва оз бермакчи ва бутун ғалла бозорини, ҳатто, хусусий нонвойхоналарни беркитмакчи эканларки, бу ишларни аввалдан «пализатсия» номини эшитгандин маълум бўлуб эди. Мунинг Туркистон аҳлининг маъишатиға тўғри келмаслиги ва ғаллаларнинг ер остиға кириб кетиши, Бухоро ва бошқа тарафдин келмаслиги, хулоса: нарх ниҳоятда кўтарилиб, камбағалларга ва балки бутун халойиқға зарар ва машаққат бўлурга мунинг неча дафъа такса тайинланганда натижаси кўрулди. Агарда ғалла олинмоқчи бўлунса, уйлар ва ҳовлилар ахтарилиб маъмурлар билан халқ орасинда баъзи купилмаган ҳодисалар чиқиб қолса ажаб эмасдур.

Хулоса: кўб сўйланганум сўнгра бизнинг таклифимиз бир оз ўзгартирилиб икки кунги мажлисдан сўнгра шул равишда қабул қилинди. Чунончи, бир дисатин (яъни тўрт таноб) гача экин эккан киши ҳеч нима бермайдур. Бир дисатиндин ўн дисатингача ҳар дисатинасидан тўрт пуддин

берадур. Ўн дисатиндин 50 дисатингача экканлар ҳар дисатинасидан саккиз пуддин, юз дисатиндин ортуқ экканлар ҳар бир дисатиндан 10 пуддин берарлар. Ва бу олингон ғаллалар муфт — тегин олинмайдур, балки такса тайинланиб пул тўлаб олинур. Ушбу таклифим унга мақбул 37 кишининг товуш ва икки кишининг бетарафлиги ила қарор берилур. Нарҳига келгунча ихтилоф бўлди. Бошқалар 30 сўмдин 15 сўмгача таклиф этибдурлар ва эҳтимолки ҳар вилоятнинг таксаси бошқа бўлса ва маҳаллий шўроларга такса иши ҳавола қилинса. Мана биродарлар, Тошкандга бориб қилгон ишимиз шудир. Бу майда-чуйда ғаллаларни розилик билан берсак керак. Ўшандоқ онбордорларнинг ғалла олмоқидин ўзларини сақламоқлари керакдур. Чунки онбордорларнинг ғалласини, эҳтимолки, тамоман забт қилинса.

Маним юқоридаги таклифим бутун Туркистон учун қабул қилинди ва ўз фикримча, Туркистонли ватандошларининг бунини жон ва дилдин қабул этиб, тезлик билан беришлари лозимдур. Агарда умумдан ғаллани олмоқга қарор бўлинса эди, ман халқнинг устига бўлатургон кулфат ва оғирлиқдин ниҳоятда қўрқар эдим. Ҳар кимнинг уйи охтарилиур эди ва балки ёмон ҳодисаларга сабаб бўлуб, моли ва жони қўб зарар бўлишини ўйлардим. Лекин, алҳамдулиллоҳ, бу таклиф қабул қилинди ва Туркистон учун миллиардларча зарар ва балки бизнинг андоза фикриямиз ҳам ташқари зарар ва кулфатларнинг йўлини бу таклиф ва қарор боғлади. Агарда умум тарафиндан бу таклиф ва қарор яхшилик билан қабул этилиб, кам ва зиёдасиз ижро қилинса, ўзимни хушбахт санар эдим. Муҳтарам уламо, ҳазрати ва аҳли фикр бу таклифни аҳли халқга тушунтуруб тездан ўрунга келтирмакликнинг нафъини халойиқга онглатсалар эди. Шунини ҳам билмак керакким, бир десатин, яъни тўрт танобгача экилган ғалладан ҳеч бир нарса олинмайдур. Мева ва бедазор, ер олмаси (картошка), сабзи ва бошқа шуларга ўхшаш нарсани олинмай, фақат ғалла, яъни дони экилган ерлардин олинадур. Туркистоннинг баъзи ерларинда бир десатин 4 таноб ва баъзи ерларда 6 таноб ҳисобланадур. Аммо ҳозирги қоидага десатин ҳисоби ила яъни бир танобни 300 соржин ҳисоблаб олинур. Бир таноб 400 соржинлик жойлар бир ярим танобга бир пуд ғалла термарлар. Бир десатин 3400 мураббаъ (квадрат — X. C.) соржундур.

Фикримча, лозимки ҳар даҳа ва қишлоқ учун махсус комиссия сайлануб, ҳар кимнинг неча таноб ерда нима экани, аввало, рўйхати ва ўлпон солиқ дафтаридек рўйхат бўлуб, уезд комиссориянинг ва бу тўғридаки алоҳида бош комиссиянинг мустақкам этишидан сўнгра, ғаллани йиғиштируб, ҳар бир деҳқонга махсус дафтарда босма санад (ҳужжат — Ҳ. С.) берилса эди. Токи, хиёнат бўлмасун. Албатта, бу иш тўғрисида ҳар уезд ва вилоят учун алоҳида бош комиссия тайинланса лозим. Ҳар вўлустнинг ғалласи ўзинда тўпланиб керакинча бошқа жойларга олинур.

Биз ҳозир бўлгон Тошканддаги Туркистон ўлкаси ўртоқ курултойига ҳар уезд шўроларидин уч нафардин киши чақирилгон экан. Сирдарё ва Фарғонадин бир неча нафар мусулмон бор эди. Аммо бизнинг Каттақўрғон, Хўжанд, Жиззах ва Самарқанд уездиндин биргина нафар ҳам мусулмон йўқ эди. Демакки, ҳануз халқимиз уйқуда бўлуб, ўз нафъи ва зарури учун қайғурмай, болта келгунча кундадек ётадур. Устига бир йукни қўйгондан кейин дод дейурга ул вақтда иш ўтган бўлур. Бу ёмон одатни ташламоқ керак. Замон бошқа замондур.

Тошканднинг барча расмий комиссорияти ва ҳукумат доиралари ҳозирда қайнайду. Ҳар биринда Туркистон учун зокун (қонун) лойиҳалари тузилмоқдадур. Бир неча мажлисга каминани таклиф этдилар. Баъзисиға боролдим. Мусулмон тилини русий ҳукумат тили этмак мажлисиға ва ҳам Туркистон учун миллий комиссориятлар қонунининг музокараси мажлисиға бир неча дафъа бордим ва лойиҳалари боб-боб ўқулуб, бизнинг таклиф ва тасҳиҳларимиздин баъзиси қабул қилинди. Агарда одам бўлса, миллат нафъиға ишланатургон ишлар кўб экан.

Туркистон мактаб ва мадрасалари, вақф ва қозихоналар учун лойиҳалари тузилмақдадурки, бизнинг аҳли фикр ва донишларимизнинг иштирок этмаклари лозимдур. Мусулмон шўроларимизға вожибдурки, шундай ишлар учун одам — делегат талаб қилингонда салоҳиятлик ва муносиб кишиларни сайлаб юборсалар. Ҳозирги ҳукуматта одам керакдурки, муни иш устундагилар ҳам сезибдурлар. Чунончи, ҳукумат аъзоларининг бир мажлисинда Эрон ва Афғонистон давлатлариға кўнсул юбормак масъаласи кўзғолиб, баъзи рус ва мусулмонлар бу хизмат учун мани муносиб кўруб юбормакчи бўлгонлар эканки, ман буни эшитиб, нохушлигим учун сафар ма-

шаққатини кўтара олмаслигимни баён этдим. Зотан мен мактаб ва мадрасалар учун бўлатурғон қурултойига борган эдим. Йўлларнинг боғлангани учун қурултой мавқуф қолди. Бовужуд шул бултурғидаги комиссияга бордим. Мадрасалар прўғроммасини кўруб бир оз зичлаштирмоққа таклиф этдим. Чунки мутасарруф прўғромдаки дарсларни мадрасаларга киргузмак билан ундай дарсларни айтатурғон мударрислар йўқдур... Фаннинг ибтидоий таълимини кўрмаган кишига киргузуб таълим бермакдин фойда чиқмайдур. Охиринда шуни моъал-таассуф иқрор этаманки: сиёсий, илмий, маиший ва аскарый йўллардан замон биздин кўб ишлар талаб этадур ва бу ишлар чун замонимиз мусоиддур. Аммо бизда ишлайтурғон одам ниҳоятда оз ва бори ҳам ишламайдур ва ёинки эгри кетадур. Бу фурсатлар ўтганларидек ўтуб кетар. Сўнгра пушаймонликдин бошқа қўлда бир нарса қолмас, масалан, ҳозирда аскарый ва илмий ишлардан қочамизким, бу, бир боланинг мактабдин қочгонининг ўзгинасидур.

«Меҳнаткашлар товуши» г., 1918 йил, 2 август

МАҚОЛА ВА ЧИҚИШЛАРГА ЖАВОБЛАРДАН

Мўътабар расмий «Туркистон вилоятининг газети» 32-рақаминда «Ойна»нинг «Сарт сўзи мажҳулдур» мақолаларини ёқтурмай ва ҳам боиси фитна ва сиёсий деб ёзадур. Биз камоли эҳтиром ила баён қилурмизки, мазкур мақолаларнинг «боиси фитна ва ё сиёсий»лигига ақлимиз етмайдур. Бизча ул мақолалар тарихий, воқеъий ва илмий бўлуб ҳамда они биз ижод қилганимиз йўқ, балки бизни ёзганларимиз муаллими муҳтарам Ўстромўф ва жаноб Шерали Лапин ва бошқа насоро ва мусулмон муҳаррир ва олимларнинг бир неча саналар муқаддам қилган баёнини ёзмоқ ва ўз мушоҳидотимизни арз қилмоқдан иборат эди. Такрор айтармиз, бизни(нг) маслакимиз илмий ва фаний бўлуб, сиёсатга ақлимиз эришмайдур. Мўътабар «Туркистон вилоятининг газети»га 10 санадан зиёда бир муддатдан бери ҳар сана бир неча мақолаларимиз мудири муҳтарам Ўстромўф жанобларининг мусоадалари ила ёзилиб келмакда бўлуб, ул жаноб маслаки ожизини «мусулмонларнинг рус маданиятига ташвиқчилиги»га илм ҳосил этган бўлса керак. Албатта, биз лойхити эмас, балки «Сарт сўзи мажҳулдур» мақо-

лалариға хато бордур. Лекин муни «боиси фитна ва сиёсий» деганлариға, тўғриси, ажабға қолармиз. Дигар тарафдан, мухтарам ҳамдинларимиздан баъзилари бизни рус миссий-нериға тобеъ бўлган ва халқни рус қилдургучи, деб билмасдан ифтиро қиладурлар.

Боқий, афву қусур маржудур¹.

«КИТОБАТ УЛ-АТФОЛ»² (1908)ДАН

...Туркистоннинг қадим мактаблариндаги болалар 4–5 йил ўтқаргандан сўнг хат машқ қилиб, баъдинда иншо ёзадурлар. Ушал иншолар ниҳоят мушкул суратда арабий махлут* форсий ва туркий ёзилгандурки, шогирдлар нари турсун, баъзи мактабдорлар зўрға билур. Ўйла* мушкул иборатлик узун иншолар, албатта, бола зеҳнини очмай, балки фикрини йўқ бўлушиға сабаб бўлур. Билжумла мамолики исломиянинг мактаблариндаги болалар учун енгил суратда иншо тайёрланубдурки, ибтидоийя, рушдийя, эъдодийя мактаб талабаларини ҳар бириға мувофиқ суратда иншо таълим бериладур. Яъни шогирдлар ибтидоий мактабға кириб, қалам юргузгонидан сўнг ҳар нав мактуб таълим олмоқ ила батадриж усули таҳрир ва китобати замония ва маҳаллийя ҳам адабиёти миллий таҳсилини бошлаб, бора-бора таҳсилларини охиригача маҳорат ҳосил этадурлар. Биз ҳам шул қоидаға биноан мажмуанинг китобат ва иншо унвонинда авлоди ватан учун расмий ва хусусий ҳамда Туркистоннинг шаръий ва миллий маҳкамаларина маъмул* барча васойиқ* хужжату билжумла мусулмон валаснўйи управители (ноҳия мудирини) ҳузуринда бўлатургон дознания, протокол, қабоҳатнома ва расмий ҳар нав мактуботларни муҳтавий* бир неча жуздан мураккаб бир асар нашр этмоқ амалинда эдук. Шу мақсадға ушбу «Китобат ул-атфол»ни нашри ила шуруъ этдим. Мактабимизни асоси болалар ва барча талаба тоқатинча «тавҳиди лисон»* таъмин* ва тафҳим* мактуботи туркия ва форсиядан иборатдур. Маа фиҳи ватанимиздаги котиб ва муҳаррирларнинг фикриға, баъзи нуқталарға риояни лозим билинди. Иншоотнинг* келар жуъзиларининг тадрижи тавҳиди(ни) лисонға ходим ҳам туркийча ва форсийча адабиёт ҳолиға тақдидан ва

¹ Қусурни афв этиш ҳимматдир.

² Болалар мактуби.

бир оз муфассал ёзмоқ ниятидаман. Шуни ҳам айтайинки, Туркистонни қадим ва жадид билжумла мактаблариға форсий ва туркий назм ва нашр китоблари махлут таълим ўлу-нур. Ани учун иншоотларимиз ҳам форсий ва туркий тилла-ринда мухталит* тартиб қилинди. Муаллим афандилар мак-таб болалариға мундаги мактублардан оз-оз бўлуб, ҳар кали-ма ва жумла маъносини билдируб, сабоқ ва таълим бермоқ-лари ва имтиҳон олмоқлари маржуьдур*. Шул тариқа ила Туркия, Персия, Афғонистон, Ҳинд, Кафкоз ва Тоторис-тон мамлакатлари шеvasиға ёзилган барча мақола ва китоб-лардан истифода этмоқ ҳам алар шеvasиға қалам ишлатмоқ ва адабий тил ила ҳар нав хат ва таҳрирот ёзмоқ талабамизға мумкин ва сон ўлур умидиндамиз.

Хат ёзмоқ шартлари

1. Котиб ҳар муддаони ёзмоқчи бўлганда, ўшал муддао-ни ўзи яхши тушунуб, сўнгра ёзса керак.

2. Ўзи билмайтургон луғатни мумкин қадаринча ёзмасун.

3. Ҳар тил ва луғат сўзини ўз қоида ва имлоси ила ёзмоқ лозим. Арабий калималарни арабий ҳарф ила, форсий ва русий сўзларни ўзиға тейишли товуши ила ва ўқумакға мум-кин бўлгудек ҳарф ила ёзмоқ керак. Чунончи: сирот, азим, падар, соло,... Петербург, Нижни Новгород...

4. Ҳар ким маъносиға тушунмайтургон калима ва бегона луғатни сўз ичиға ёзмоқ лозим бўлгонда, ҳаракат қўймоқ керак.

5. Хат бориб тегадургон одамни мулоҳаза қилиб, они фаҳм ва билишиға мувофиқ ёзмоқ лозим.

6. Бировни кўр, қар, ўғри, ҳаммор* ва шунга ўхшаш айб ва ямон сифатлари бўлса, ани исмини ёзганда ўшал ямон сифатларини ёзмоқ айб ва мамнуьдур*. Магар ёзил-моғи лозим бўлган суратда (чунончи ҳукмномаларда)...

7. Ёзилатургон сўзлар ичиға ҳар ким билмайтургон луғат мумкин қадаринча ёзмасға ва инчунун, авомча ва кўчаги иборат ва айб саналатургон калима ва лақабларни ёзмасға керак.

8. Халқ орасинда бутун унутулгон эски форсий калима-ларни қасддан ёзиб, ўқувчилар зеҳнини ташвишға солмас-лик беҳроқдур.

9. Туркийча ёзилур экан ва иборатни туркиси бўлуб ту-

руб, ани ўрнига русий ва ажнабий исмини ёзмоқни аҳли дониш манъ қилгандурлар.

10. Аҳли фан, уламо ва удабоға махсус ёзилатургон хатлар, маҳкама ва дорулқазо мактублари, илмий ва сиёсий мақолалар яхши ва адабий суратга ёзилса керак. Мундай мактубларда арабий, форсий хатга русий ва франсавий баъзи бир исм ва лугатни ёзмасга илож йўқдур. Бовужуд шул бақадри имкон ўшал сўзларни туркий ё форсийчасини топиб ва топилмаганда жумла ила тафсир қилмоқ лозимдур.

11. Хатни камсўз, сермаъно ёзмоқ керак. Эрон, Афғонистон ва Туркиядек шикаст ва таълимсиз ёзмоқни тарк қилмоқ ва хушхат ёзмоқга саъй қилмоқ керак.

12. Узун бир мақола ёзгандан сўнг луғз* ва маъноси, назокат ва одоби ва тарзи шевасини тушгунуб, тасҳиҳ*, иккинчи мартаба ёзмоқ керак. Биринчисини — тасвид*, иккинчисини — табиъиз* аталадур. Мақолаларга қайси шаҳар ва маҳалладан ёзилгони билдурилса керак.

13. Мақолани ўз муаллими ва ё аҳли дўстига кўрсатиб, саҳву хатоларини билмоқ керак.

14. Ғазаб ва хафалик ва ё ниҳоят хурсанд ва беҳушлик вақтларда хат ёзмай, ҳолоти даражи эътидолға* келганда мактуб ёзмоқ авлодур.

15. Ҳар бир хатни ўқиб кўруб, баъдинда юборилсун.

16. Бир нимарса ва ё одамни ниҳоят мадҳ ва таъриф ва ё ёмонламоқ ва муболаға этмоқдан ҳазар қилиб, барча ҳолда ўрта қисмга қалам ишлатмоқ керак.

17. Мактубга ҳақорат, таъна, ҳазл, фиқс ва гуноҳга таллуқ сўзлар асло ёзилмасун.

18. Бир кишини тўғрисида хат ёзилур экан, ўшал одамни ояндаги дўст ва ё душман, яхши ва ямон бўлиши ва аҳволини тағйир топиллиши эҳтимолини ёдга тутиб, хулоса ҳар бир ишга дастуриламал ҳикмат бўлгон «Хайрул умури-авсату хо»¹ ҳадиси шарифига амал лозимдур.

Авсоф* ва одоби мактуб

1. Ёзилатургон хатлар икки қисмга бўлинадур. Бири — умумий, дигари — хусусий. Умумий хатлар девонхона, қозихона, тижоратхоналарда ёзилатургон мактублардурким, расмий аталиб, яна шаръий ва урфий деган қисмларга айрилла-

¹ Таржимаси: ишларнинг яхшиси ўртачадур.

дур. Хусусий мактублар икки киши орасига ёзилатургон ёдно-
ма, муборақбод ва хабарномалардур.

2. Хусусий мактубни бош тарафига «бисмиллоҳир раҳ-
монир раҳим» — хайрул само иборати ва ё шунга монанд
исми Оллоҳ ёзмоқ керак. Сўнгра хат бориб тегадургон ки-
шини лақаб — исми ва ё мансаби сифат ва қаробатига*
қараб туғрони исми Оллодан қуйи ёзмоқ лозим. Баъдинда
хат ёзадургонни зикр бўлгон сифат ва мартабасига муво-
фиқ онга таъзим ва дуо қаториндаги иборатларни ёзмоқ
керак. Сониян*, муддао бошланадур...

Румузлар*

Аломати савол ?

Аломати нидо, таажжуб, хитоб!

Аломати муътариза ()

Аломати муммайиза « »

Икки сўзни фарқ қилатургон аломат —

Аломати муродафот, яъни иккиси бир поғонада =

Озгина турмоқ учун ,

Баён ва тафсил учун :

Нотамом сўзлар, киноя, мубҳам* ва маҳзуф*лар ало-
мати ...

Сўзни охири ёки вақфи том аломати .

НАМУНА ХАТЛАР

Улуғ Тангрим оти ила

Меҳрибон отажоним хизматлариға

Тангрим сояи давлатингизни бошимдан эксик этмагай,
азиз қиблагоҳим!

Бу оқшом уйға жаноби халифамни зиёфатға таклиф
қилдим. Отажоним дедиларки, гўшт ва биринч йўқдур,
марҳамат қилиб таомға кераклик нимарсаларни олиб хиз-
маткордан юборсалар, хурсанд бўлур эдим, афандим.

Қулингиз...

Севикли онам ҳузури шарифаларина!

Парвардигорим доим сизни эсон сақласун!

Отажон! Меҳрибон опамни уйиға борганингизға ўн кун
бўлди. Ман сизни кўб соғиндим. Борай десам, мактабдан

қолурман. Ани учун илтимос қиларманки, энди уйға келсангиз, йўлингизга кўз тутарман, волидажоним!

Мушфиқа опамға салом айтармен.

12 шаввол, явмул чоршанба.

Жаноби устоди киромим ҳузури анворларина!

Парвардигорим файзу муҳаббат устодоноларини биздин эксик этмагай. Бойси дониш ва саодатим, жаноби мавлом! Ҳазрати воҳид ал-ато ўтган оқшом бандангизга бир ўғул биродар ато этди. Шул сабабли букун жаноби волидам хизматлариға турмоғим лозим бўлдики, мактабга боролмаганимға жанобингиздан афу тиларман, афандим.

Чокарингиз... 18 зулҳижжа...

Севикли биродарим ва шерикли мактабим!

Умрингиз узун ва илмингиз фузун бўлгай! Ийди босафон зиҳиға мушарраф бўлушингизни дўстона муборакбод этарман, азизим! Марҳаматлик парвардигорим кўб-кўб ийдаларға оила ва қариндошларингиз ила соғу саломат еткургай, омин.

Маълумингиз...

Биродари азизим!

Дунёда сабаб йўқ. Охири ҳар жамъият паришон, ҳар хонаи рўзгор вайрон бўлғусидир. Жаҳон фоний, ялғуз биз ила сиз эмас, жонликларнинг барчаси, ҳатто, еру кўк ҳукми қазо ила йўқ бўлғусидур. Боқий ва доим собит фақат зулжалол ҳазратларидур. Букун ва эрта ҳаммамиз Тангрининг аржаи нидоси ила олами арвоҳға кўчуб, ота-бобонинг муқаддас руҳлариға қовушурмиз. Дунёю дун кулфатидан ва олойишидан қутулурмиз. Ўлум навбатдур, ногузидур* ва кўб қўркулатургон нимарса ҳам эмас. Чунки анинг орқасида доимий тириклик бор. Ва руҳлар боқийдур. Ўлумни илгари ва кейин келишиға аҳамият йўқ. Мутлақо букун бўлма-са, эртага биз-да кетармиз. Онинг учун жаноби қиблагохини дорулбақоға рихлат этганлариға ҳаддан зиёда маъюс ва ғамнок бўлишингиз маъқул ва машруъ эмас. Олло бошингизни омон этсун. Ота ўлуми меросдур. Бизу сиздан дуо ва хайрот керак. Оҳу воҳ лозим йўқ. Мусибатни ўзига олмоқ фонда этмас, балки зарардур. Иймонлик ўлим тўйдур. Олло таоло кетганларга иймон ва қолғонларға умр ва сабр берсун.

Энди сизга лозим шулки, марҳум қиблагоҳ васиятларини мў-бамў ўрнига келтируб, оилани ўзингиздан рози этмоқ ва оталик ватанини обод ва зиёд этиб, қадрига етмак ва чироғларини ўчирмаслик лозим. Оилани ўзингиздан рози этиб, ота арвоҳини ёддан чиқармаслик керак.

Азизим, шунни-да ожизона ёзайинки, энди ота ўрнига оила учун отадурсиз. Ва букундан бошлаб бомаънилик ила оталардек ҳаракатда бўлишингиз кераклигини дўстона арз этарман...

Котиб ва мирзо афандилардан рижо

Хатларда «фалон маҳалла ё қишлоқни фуқароси» ёзилурки, бу яхши эмасдур. Биздан бошқалар «...аҳли» ёзарлар. Бизни муҳтарам мирзолар-да фуқарони (мискинни муродифидур) ёзмасдан «аҳли» ёзсалар яхши эрди. Масалан, бойни фалон маҳаллани бечора ё камбағали деб ёзмоқ ялғон ва таҳқирдур...

РАСМИЙ ХАТГА МИСОЛ

Ҳурматлу... уездини ҳокимиға!

...шаҳрини ...қитъа қозисини ...йили ...ойинда ...рақамли ҳукмларин нусхасини ушбунни-ла топшуруб, илтимос қиларманки... саёзд қозиларини сўровлариға юборсалар. Азбаски, мазкур қози ... сўм (ёинки бир таноб боғ) ундуруб ... ўғлиға топшурмоқға ҳукм қилдилар. Мазкур ҳукмға шарият бўйинча маним айтадургон дафъи* ва жарҳим* бордур.

...сана ...ойинда.

«КИТОБИ МУНТАҲАБИ ЖУҒРОФИЯИ УМУМИЙ»¹ (1906)дап

...Асри ҳозирни ташвиқоти ила истеъдоди ожизонамизча, батақдири ҳай, қадим фан жуғрофияға тааллуқ ушбу китобни таҳрир ва жамъ айлаб, «Мунтахаби жуғрофияи умумий» ёд қилиб баъзи маҳалиға таърих, риёзий, муҳокамоти диний, умроний, сиёсий ва андаги кутуби диниядан баён ва иқтибос* қилдук.

Фани тўғрисидаги ижмол* ва тафсилот туркий, арабий, форсий, рус лугатлариға тасниф бўлган ўттуз қадар

¹ Таржимаси: Умумий жуғрофиядан сайланма китоб.

қадим ва жадид кутуб ва расоили жуғрофия, ҳайъати риёзӣ, тарихӣ, табиийлардан мўътабар нуха ва ҳар гуна мазкур луғатлардаги газит — жариди, атлас, харита, курраи масан* — курраи мусаттаҳа*, истатически мажмуалардан жамъ ва тартиб қилингандур.

Ушбу тартиботимизни ўз сарфим ила бостуруб, илм ва хабардўст аҳиббои* аҳли Ватан маъразу* маҳфул* илмияларига манзур қилиб, тасҳиҳи саҳвини рижо этмоқни муносиб кўрулди. Асар ва таҳриротимни хатийёт* навоқисдан* мубарролигига* даъвом йўқдур.

Ғалату саҳв бар ману ту равост;
Бар жаҳон офарин ғалат наравад¹.

Матлабим арзи ҳунар ва изҳори фазл эмас, аҳли ватанга қўлумдан келгунча бир хидматдур...

...Инсонни нуқсон ва хатодан холи бўлмаслиги ҳар бир инсонга маълум. Биз ҳам инсонмиз. Воқеъ бўлгон саҳву хатоларим ҳасан ният ва камбизоатлигимга бағишланадур умидиндаям.

Ҳар фирқа арбоби заковат ва фатонат асаримни тасҳиҳ ва икмолига нашру таъминга ҳиммат ва муовинат буюрсалар, миннатдор ва шукургузор бўларимни арз ва инсофи инсониятни тасҳиҳ, тадқиқ ва танқидига асаримни ҳавола қиларман.

Отияга* баён бўлган фан ва илм тўғрисига биз ҳануз комил эмас, навқадиммиз. Яна жуғрофияи олам ва аҳволи замон бу олами рўзгорни инқилоби ва улуми асрия, фунуни замонияни тараққийси ила ҳар он тағйир топадур. Ушал тағйир ва табдилотдан баъзини отияга зикр қилинди. Эртага яна бошқа ҳайъат ва сурат ила бу олами кун ва фасодга неча вуқуот, табдилот, кашфиёти жадида вужудга келиши табиийдур. Лоҳаза*, бу асарни баъзи маводу* ахборига, вуқуот оянда муҳолифат қилса керак. Ҳамчунонки, жуғрофия ва боахбороти мутақаддимин ҳукамога фунуни ҳолия* муҳолифат этгани каби...

«Жуғрофия» деган сўзни маъноси

Жуғрофия деган сўз юнон(ча), луғати арабияга таърифи арз маносига, яъни ер ва туфроқни баён қилатургон илми атайдур. Жуғрофия илмини неча навъ қонда ва баён-

¹ Мендаги саҳву хато сенинг ризолигинг биландур; беайб Парвардигордир.

лари бўладур. Анга қараб ушбу илмга тейишли баён ва фанлар бир неча исм ила аталадур. Чунончи, Ерни шакли (ғавда — ҳажм)дан, осмон ила Ер орасидаги хосияти ва осмондаги нимарсалар ила нисбати ва ҳаракатидан баён қилатургон илмни «жуғрофияи риёзий», Ерни хосияти, туфроқ паст ва баландлиги, ҳар хил гиёҳ ва конлари, тоғ, дарё, кўл, мижоз ва ҳавосидан баҳс қилатургон илмни «жуғрофияи табиий» аталадур. Ер юзидаги катта ҳодисалар ила уруғ, ҳукуматдорлик, хулоса, ер устига бўлган воқеалар тўғрисида ҳар бир навъ ишни ушбу илмга баён қилиб, жуғрофия калимасини охирига ўшал ишга тааллуқ илм ва фанни оти қўшуладур. Чунончи, «жуғрофияи тарихий», «жуғрофияи сиёсий», «жуғрофияи умроний» ва бошқаларидек. Хулоса, бу замонга жуғрофия илми дунёни ва андаги халойиқ, ҳайвонот, умронот ва ҳар наки дунёга бордур, билдуратургон керакли, бир илмий жаҳоннамодур...

Жуғрофия қачон пайдо бўлган?

Тарих ва жуғрофия китоблариға ёзилибдурки, жуғрофия илми аввал мартаба Миср мамлакатиға Ҳазрат Мусодан илгари, фиръавнлар замониға бошланиб, Ер, туфроқ, денгизлар борасиға баёнотлар ёзилиб, харита — картаға ўхшаш «планлар» ихтиро бўлингонлиги маълум бўладур. (Фиръавнлар замони ҳижратдан 3—4 минг сана илгари эди. Ва илгари ўтган Миср подшоҳларини барчасини фиръавн аталадур.) Чин мамлакатиға ҳам ушбу илм сироят қилиб Ю деган подшо Ҳитой мамлакати хариталарини чиний коссалар устига нақш қилдурубдур. Сўнгра ушбу илм юнон халқиға сироят қилиб, алар замониға ривож топибдур. Сўнгра навбат румийларға тегиб, Искандари кабирни Эронға қилган сафари сабаб бўлуб, ҳозирги Туркистон, Ҳиндистон, Сибир мамлакатлари дунё одамлари ёинки юноний ва мисрий одамлариға билинди. Искандари кабир милоддан 350 сана илгари тириклик қилар эди. Ани устоди Арасту ҳаким бу очилган мактаблар тўғрисиға баённомау китоблар ёзиб, жуғрофия илмини ривож берди.

Ушбу ҳаким милоддан 384 сана илгари таваллуд бўлуб эди (санаи милодий таваллуд ҳазрат Исодан, санаи ҳижрий пайгамбаримизни Мадинаға кўчганларидан ҳисобланадур).

Сўнгра Истрабўн¹, Батлимус² деган юноний олимлар жуғрофия ва ҳайъат илмлари тўғрисиға яхши китоблар тасниф қилиб, бу илмларни кўп ривож берибдурлар. Аларни китоби юнон тилиға ёзилган эмиш. Истрабўн милоддан ўттуз, Батлимус саксон сана сўнгра вафот қилибдур.

Осмон тўққуздур ва Ерни атрофиға айланадур, деган киши ушбулар ва низоми маҳдуд эгасидур.

Дини ислом зоҳир бўлгандан сўнгра мусулмон уламолари, яъни араблар Андалус, Бағдод, Шом, Миср мамлакатлариға ҳар хил илмларни ниҳоят ривож ила ўқуб, ақлий илм ва фанлар тўғрисида кўп таснифотлар қилганларидек, ушбу жуғрофия илмини ҳам аввал мартаба юноний тилидан арабийға таржима қилиб, ўз билиш ва тажриба ва кўрган мамлакатларини анга қўшуб, шарҳ қилиб, ўшал замонни(нг) дунё ва қуруқлигини билиб, жуғрофия илмини тараққийсиға саъй қилибдурлар. Ўзларидан илгари уламоға номаълум турган ерларни ва мамлакатларни очиб, ўз мусулмоний жуғрофиялариға ёздилар.

Хулафон Аббосияни еттинчиси Абдулла ал-Маъмун бин Хорун ар-Рашид замони 198 санаи ҳижрияға ва андан сўнгра мадрасаларға юноний уламолардан вақтинча мударрис тайинланиб, мусулмон уламолари юнонийча ўқуб сўнгра барча улуми ақлияни юнонияни таҳқиқға бошладилар. Ўшал замонға жуғрофияға тааллуқ «даража ҳисоби»ға амалиёт — ўлчов қилдилар. Хулоса: барча улуми ақлияни бу кунги даража тараққий қилишиға уламон аҳли ислом сабаб бўлдилар. Жуғрофия, ҳайъат, риёзий, тиб, ҳикмат, кимё, ҳисоб, илми табақот ул-арз³ ва бошқалариға кўп китоблар тасниф қилиб, расад ва асбоб истеъмол қилиб ва мазкур илмларни баъзиси, чунончи, кимё, илм ал-арз фанларини ихтиро ва ижод қилдилар. Мазкур мусулмон уламолардан бир нечаларини тасниф этган китоблари ила мунда ёзармизки, у жумладан 290 тарихи ҳижрияға Абулқосим Убайдуллоҳ «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик» ва «Китоб ас-само»ни тасниф қилган ва жуғрофия тўғрисидаги китоби Франса ва Гирмония

¹ Страбон (милоддан олдинги 64/63 йиллар — милодий 23–24 йиллар) — қадимги юнон географи, тарихчиси; 17 китобдан иборат «География» асарининг муаллифи.

² Птоломей (тахм. 90–160 йиллар) — қадимги юнон мунажжими.

³ Илми табақот ул-арз — ер қатламлари илми.

тилларига таржима бўлгандур. Абу Исҳоқ Истахрий «Китоб ал-ақолим»ни, Абулқосим Мархитий ҳайъатга «Таъдид ал-кавокиб» китобини 390 санага, Ибн Ҳавқал Тужжор «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик ва-л-мағориз»ни 28 сана саёҳатидан сўнгра тасниф қилдики, фаранг тилларига таржима бўлгандур. Абул Фидо VII аср ҳижрияга «Тақвим ал-булдон» ном китоби жуғрофияга тасниф қилдики, фаранг тилларига таржима бўлди. Фуқаҳои шофеъа¹ дан Сирожиддин Ҳифс «Харитат ул-ажойиб» китобини тўрт аср илгари тасниф қилди. Саккизинчи қарн* ҳижрийга араб уламоларидан Абу Абдуллоҳ ибн Батута 25 сана доимий саёҳат қилиб, ўз вақтиндаги дунёни ҳаммасини кўруб, жуғрофия ва бир неча таснифлар қилганки, баъзиси фарангий тилларига таржима бўлгандур. Олтинчи аср уламосидан Муҳаммад бинни Абулқосим Абулфаттоҳ Шаҳристоний «Китоб ал-мулк ва-л-наҳлий» бир неча фарангий тилларига таржима бўлди. VIII аср уламосидан Шиҳобиддин Абул Аббосни ўттуз жилддан зиёда «Масолик ал-абсор фи-л-мамолик ва-л-амсор» исмли китоби Париж шаҳрига босилди. Мундан бошқа мусулмон донишманд ва уламоларидан Абулфараж Бағдодий, Ёқут Ҳамавий, Масъудий, Баҳром Дамашқий, Ибн Аёз, Абу Убайд ал-Бакрий, Шариф Идрисий, Самарқандий Али Қушчи, Улуғбек Кўрагон, Абу Али ибн Сино ва ғайриларики, тарих ва жуғрофия ва ҳайъатга таснифот қилиб эдилар. Фаранг — Оврупо тилларига юзлар йилга илгари билинмаган ва эшитилмаган жазира, мамила мусулмон уламосини китобларидан неча юзлар ила таржима ва таъб бўлдики, жуғрофия илмини букунги тараққийсига қарун васатадаги*, яъни беш юз йил илгари ўтган уламои исломияни сабаб бўлишига кимса мункир бўлолмайду. Ўшал ислом уламо ва сайёҳлари Ер юзини аҳволи жуғрофиясини муфассал ёзиб, яна Ерни ич тарафини аҳволидан баҳс очиб, янги илмларни бошлаб, хулоса мисрий, юноний замонларидан кўра дунёни каттароқ қилиб олам аҳлига билдурдилар, деб мўътабар китобларга ёзилган ва аҳли вуқуф ва тарих ўқийдургон одамларга маълумду.

Мусулмон уламоларидан сўнгра фарангийларни аҳли дониши ва Оврупо олим ва сайёҳлари денгиз ва қуруқликни ҳар тарафига араблардан зиёда ҳиммат ва ғайрат ила юра

¹ Шофеъилик мазҳабида дахлдор фақиҳлар.

бошлаб, дунёмизни иброний, юноний, арабий замонларидан кўра хейле катталигини билиб ва дунё аҳлига билдурдилар. Аввалги замонларга оти эшитилмаган Америка, Пўлинизия, Орази Кутбийя ва минглар ила жазираларни топиб, ҳозирги барча мамлакат ва жазира ва денгизларни масоҳати* ила ҳаммага билинмоқига боис бўлдилар. Дунё илми бирдан ривож топди. Санаи 1450 милодий — 854 ҳижрийдан бошлаб, бани одам илмига дунёмиз аввалгидан кўра каттароқ бўлишига Оврупо донишмандлари хизмат қилиб ва ўз давлат ва миллатлариға кўп нафлар еткурдилар.

898 санаи ҳижрияға фаранги тоифасидан Христофорўф Колумб деган илми риёзийға доно ва денгиз сафариға моҳир киши денгизға ўз ишиға бориб туруб, Америка ерларини топди. Ўнланчи аср¹ ҳижрияға Русия одамларидан Ермак деган киши ҳозирги Сибир мамлакатини кашф қилиб, русия ҳукуматиға қўшди. XI асрни аввалиға бешланчи қитъа еримизға тобеъ Пўлинизия аталгучи кўп адад жазираларни Оврупо донишмандлари топиб, ўз ҳукуматлариға тобеъ қилдилар. 1700 ланчи йилға Русияға император бўлиб турган Петр аъзам подшоҳ завжаси (малика Йекатерина) амри ила Азийя қитъасини шимоли-шарқи тарафиға азбаройи кашфиёт учун икки кема юборилдики, 1741 санаи милодияға Беринг, Черикоф деган кемачи капутанлар Шимоллий Америкағача бориб, Саника деган жазирани топиб, Янги Архангил деган шаҳарни бино қилиб, Беринг бўғозини топдилар. Хулоса, уч-тўрт асрдан бери йилдан-йилға илгари билинмаган ва эшитилмаган жазира, мамлакат ва қутблар тарафидаги ерларни аҳволи фарангий — Оврупо уламоий жуғрофийюн ва сайёҳларини гайрати ила олам ёинки илм аҳлиға билинди ва фарангийларни дин ва дунёлариға ушбу саёҳат ва жуғрофия илми ниҳоят кўп нафлар еткурди. Ҳануз жуғрофия илмини ривожига саъйлари бордур. Барча мактаблариға ўқитадурлар. Ҳозир ҳар бир катта давлат ва ҳукуматларни «жамияти жуғрофия» деган катта мажлислари ва ул мажлисларни уламоий жуғрофийюндан члон — аъзолари бордур. Дунёдаги барча жамияти жуғрофияни бир-бириға хату хабари бўладур. Янги топган нимарса ва янги саёҳатларидан бир-бириға хабар берадур. Ҳозирги жуғрофия илми

¹ Ўнинчи аср. Муаллиф Сибир истилосини Русиянинг расмий-ҳукмрон нуқтан назаридан ёритади.

ниҳоят мартаба тузатилиб, мукаммал бўлгандур. Хулоса, жуғрофия илмига ул мисрий, румий, юноний одамлари, сўнгра мусулмон уламо ва сайёҳлари, учунчи мартабага — фаранг сайёҳлари хидмат қилдиларки, ҳар бирини аҳволига илми тарих ва жуғрофия шоҳид...

Туркистон донишмандлари

Ақлий ва фанний илмларга китоб тасниф қилган мусулмон уламо ва ҳукамолари ниҳоят кўпдур. Инчунин, Туркистон музофотиға ўсуб шаръий ва ақлий илмларга китоб тасниф қилган ниҳоят машҳур уламоларни адади неча юздан ўтадур. Бу китобимиз ақлий ва фанний илмларга тааллуқ учун ақлий ва фанний илмларга китоб тасниф қилган ва ниҳоят машҳур Туркистоний уламо ва ҳукамо ва муаррих мусаннифларни* мунда ёзармизки, ушбудур. Агарда ақлий ва нақлий илмларга китоб тасниф қилган Туркистон уламоларини ҳаммасини аҳволи ва таснифотини ёзмақ лозим бўлса, ушбу китобимиздан ҳам каттароқ бир китоб тайёрламоқ керак бўладур. Шайх ур-раис Ибн Сино. Бу Али луғат, мантиқ, жуғрофия, мусиқа, ахлоқ, кимё, абтоли аҳкоми нужум, табиат, мофуқ ат-табиат, ҳикмат, тиб, расад, нужум, илми наботот, илми тавҳидға юздан зиёда китоб тасниф қилгандурки, мусулмон ҳукамоларини аввалидур. Аксар китоби Оврupo тиллариға таржима бўлган ва фарангийлар Ависин атайдурлар. Вафоти 428 санагадур. Абу Наср Фаробий замонидаги барча тилларни билар эканки, «қонун» деган асбоби тағаннийни* ижод қилиб экан. Барча тасниф қилган китоби 80 қадар. Ва илми тавҳид, фикҳ, мусиқий, риёзий, ҳайъат*, мантиқ, ҳикмат илмлариға таснифоти бор. Вафоти 339 санагадур. Хожа Фахриддин — ҳикмат, тиб, фалакиёт, ҳайъатға таснифоти бор, вафоти 868 санаға. Ҳақим Азрақий Марвий — ҳикмат, тиб, шеърға. Бадриддин Самарқандий — тибға. Нажибиддин Самарқандий — тибға. Абдурахмон Хоразмий — ҳозирги настаълиқ хатни ижод қилган, вафоти 9-асри ҳижрияға. Абу Язид Балхий — тиб, ҳикмат, ташриҳға*. Абдурахмон Марвозий — ҳайъат, тиб, ҳикматға. Абдуразоқ Ҳиротий — тарихға, вафоти 887 санаға. Абу Иброҳим Гургоний — тибға, 531 санаға. Шариф Хоразмий — тибға, Аҳмад бин Табиб Сарахсий — тиб, мантиқ, жуғрофия, тарих, ҳикмат, мусиқи, илми тавҳид, фа-

лакиёт, илми жабрға, вафоти 283 санаға, барча таснифоти 50 қадар. Абу Машъар Балхий — ҳайъат, нужумға, ўндан зиёда таснифи бор ва илми ҳадисға шугли кўп экан, вафоти 286 санаға. Абу Жаъфар Хоразмий — юнон тилиға моҳир, нужум, илми жабр, жуғрофия, ҳикмат, ҳайъатға таснифи бор. Аҳмад Фарғоний — ҳайъат, нужумға таснифоти борки, лотин тилиға таржима бўлгон, вафоти 226 санаға, Муҳаммад Чағминий Бухорий — ҳайъатға, мўътабар китоби бордур. Али Кушчи Самарқандий — ҳайъат, жуғрофия, сарф, ҳисобға таснифоти бор, вафоти 879 санаға. Шамсиддин Самарқандий — хандаса, риёзияға таснифоти бор, вафоти 600 санаға. Мирзо Улуғбек Кўрагоний Самарқандий — ҳайъат, нужумға гўё мужтаҳид экан. Самарқандға расадхона бино қилди. Зиж китобини тасниф қилганки, фаранг тиллариға таржима бўлган, вафоти 853 санаға. Муҳаммад Хўжандий — ҳайъат, нужум уламосидан ва устурлоб истеъмол қилингандур. Али бинни Можур ва ўғли Ҳасан — ҳайъатға таснифоти бор. Абдуллоҳ Фарғоний — ҳайъат, риёзий уламосидандур. Абу Райҳон Хоразмий — юнон, ҳинд тилиға моҳир, 40 сана саёҳат қилиб, тарих, жуғрофия, нужум, фалакиёт, тиб, тарихи табиий, ҳайъатға 26 мужаллад китоб тасниф қилгон ва бир нечаси фарангий тилиға таржима бўлган, вафоти 430 санаға. Фиёсиддин Самарқандий — риёзий илмиға моҳир эди. Фиёсиддин Муҳаммад Ҳиротий — тарихға таснифи бор, вафоти 942 санаға. Муҳаммад Фарғоний — тарихға таснифи бор. Ҳофизи Абрў Ҳиротий — тарихға таснифи бор, вафоти 834 санаға. Абу Санд Самъоний — 30 жилд тарихға таснифи бор, вафоти 562 санаға. Абдураззоқ Самарқандий — жуғрофияға таснифи бор. Мир Абдулкарим Бухорий — тарихға таснифи борки, фарангиға таржима бўлгандур. Булардан бошқа ақлий илмларға китоб тасниф қилган бир неча Туркистоний донишмандларни тарих ва таржиман ҳол китоблариға кўриладур. Ушбу маҳалға шу юқориға баён бўлганлар ила иктифо* қилдук. «Қомус ул-аълум»¹ («Илмларнинг денгизи») ва «Туркистон уламоси»² рисоласидан мухтасар нақл қилинди.

¹ Ш. Сомий (1850–1904) 1888–89 йилларда Истанбулда нашр этган 6 жилдлик қомус.

² И. Гаспрали (1851–1914) асари.

Жуғрофия ўқумоқни нафъи

Одам боласини қанча илми зиёд бўлса, дунё, тарих, жуғрофия илмидан хабари бўлса, шунча яхшидур. Бу илм одамга бутун дунёни ва кўб нимарсаларни билдирадур. Дунё одамларини дин ва мазҳаби, тириклик ва рафтори, тараққий ё таназзул сабаби, яхши ва ямонликлари, мамлакатларни тинч ва осойиш ё зулм ва жаврға турғони, хулоса, бутун аҳволи дунёни, подшоларни қуввати, давлати, одамларини одати, ер юзини аҳволини билдиратургон ушбу илмдур. Ҳозир ер юзидаги одамларга қараганда, аксар мусулмон тоифаси илму фан, давлат ва ҳукумат тўғрисиға кейин қолиб, илмлик мусулмонларга қараганда биз туркистонийлар замонидан беҳабар қолибмиз. Масалан, Хитой ва Ҳиндистон мамлакат ва одамлари тўғрисидаги билгумиз бутун бекор ва беаслдур. Аксар дунё ишлари тўғрисиға ҳам бизларни билишимиз хатодур, яъни дунёдан хабаримиз йўқдур. Оврупо ё Русияни ўн беш яшар бир шогирди бизни эллик яшар савдогар ё муллотарошимиздан дунё илми тўғрисиға яхши хабардордур. Ер юзидаги илмийлик мусулмонларимизни ҳам бу жуғрофия илмиға саъйлари кўб, фақат биз туркистонийлар бу илмдан бебаҳрамиз. Замонамизға параҳўд, темир йўл, ҳавоға учатургон асбоблар, тилигроф (мухбири ҳавойи) ва бошқа минглар навъ мошиналар (ҳикмати табиийъя) деган илми худо халқ қилгон* кунидан Оврупо уламоларини саъй ва ғайрати ила чиқорилди. Узоқ йўллар яқин бўлди, билинмас ерлар билинди. Они учун билгувчилар истило қилиб мамлакатимизға келдиларки, кўрармиз ва бизларға сироят* қиладурлар. Шарқ ила Ғарб аросиға қатнов, муомала, мажлис очилди. Яна ота-бобомиз эшитмаган шаҳарлар отини эшитармиз, кўрмаганларни кўрармиз, билмаймизки надур. Ёинки ерни ўртаси хатти истивоға*, кеча ва кундуз доим баробар бўлган сувратға, бизни Туркистонға на учун гоҳ узоқ ва қисқа бўлуб, кунимиз 9 ила 15 соат аросиға юрадур? Ҳар қанча ерни шимол ё жанубидаги чет (қутб)лариға қараб борилса, кун ва ё тун узаядур? Қутблар тарафиға бир-икки, ҳатто, 6 ойғача кун ботмайдур? Петербург шаҳриға қиш олти соат, ёз 19 соат кундуз бўлиб турадур? Сабаби нима, деб бир киши сўраса ёинки бир ой кун ботмайдургон жойға мусулмонни ибодатлари ва амри наҳйини қандай баржой келтуруладур? Ёинки на учун

кеча ва кундузни фарқи ер ила осмончадур? Ҳар шаҳарни тулу* ва ғуруби* на учун олдин ва кейиндур деб сўралса, бизлар, хусусан, уламомиз на жавоб берармиз? Билмаймиз, ёинки «ундай бўлмаса керак»дан бошқа жавоб айтолмасак керак. Бу саволларга жуғрофия ўкумагунча жавоб бериб бўлмайдур ва жуғрофия илми жавоб берадур. Шаръий саволларга жавоб бермоқ уламоий дин зиммасига лозимдур. Аммо на фойдаки, бизлар хатти истиво* ила қутб аросидаги ҳодиса ва ихтилоф, кеча ва кундуздан хабаримиз йўқдур. Ани учун мункир ё мулзам бўлармиз. Дини исломга ушбу сабабдан ажнабийлардан таъна тегадур. Мазкур хабарлар ва ҳодисаларга мункир бўлмоқ маълум бир нимарсага мункир бўлгандекдур. Ерни лўндалиги, ҳаракати бутун ер юзидаги донишмандларга маълум эмиш ва аммо биз билмаймиз. Истанбул, Миср, Ҳинд ва Арабистон бўлсун, ҳар бир ўкугон донишманд мусулмон уламози ушбуға иқрор ва ҳатто, ерни юруши, юмалоқлиги шариатга зарар келтурмайдур, деб китоблар тасниф қилдилар. Фақат биз туркистонийларга маълум йўқдур. Мухтасар шулки, жуғрофия илми катта ва керакли илм ва билмасликдан билмоқ, ўкумоқ афзалдур, хусусан уламомизга, Пайғамбар алайҳиссалом айдилар: «Ҳолигул ҳукамои» («Ҳукамолар қила аралаш бўлингиз»).

Жуғрофия ўкумоқ мусулмонларга лозимдур

Баъзи китобларимизга ер тўғрисиға ҳар хил сўзлар ёзилган ва ўшал китоблар кўб йиллардан бери ўқилуб, фикримизга қолган. Авомимиз бўлса, ҳар на рости ва ялғон сўз китобга ёзилган бўлса ёинки «калом ун-нос биқадрн уқулу ҳум»¹ мазмунича ёзилган бўлса ҳам инонадур. Бора-бора ул эътиқодга уламолар ҳам одат қилиб, аралашиб, қабиҳи* номаълум бўлиб кетадур. Шул тарика ишларни биров сабабини сўраса, ё нотўғрилигини исбот қилса, тингламай, дуруст жавоб бермай, кофир кўзи ила анга қараладур. Шул тарика хилофи ақл ва нақл сўзлик ҳикоят китоблар бизларни истеъмолимизга борки, илм ва хабарлик одам зеҳн қўйса биладур. Чунончи, мутолаамизга юрган баъзи китобларга ёзилганки, ер ялпоқ, бир бошдан бошқа бошиғача беш юз йиллик йўл, атрофиға Кўҳи Қоф деган забаржаддин девори му-

¹ Таржимаси: «Ҳар кимнинг сўзи ўз ақлига кўрадур».

ҳити* бор. Ер ҳўкуз шохига, ҳўкуз балиғга, балиғ сувға, сув ҳавоға, казо-казо (ҳоло осмон тўғрисидаги сўзларни қўйдук)... Аммо ҳозирги жуғрофия илми тажриба ва рўияти башарийядан билинадурки, ер курравий (юмалоқ), остига ҳўкуз, балиғ йўқ, атрофиға девори йўқ (муҳити тошдан эмас, бошқа) ва ер айланадур, ҳавоға муаллақ турадур. Бизни назаримизга сокин ва аммо ҳақиқатдан айланадур. Бу айлангани кўз ила кўрулмаи, хусусан тўрт-беш асрдин бери илм, тажриба, қоидаи асбоб ва ақл ила собит бўлгандур, деб ҳар бир ҳукамо хоҳ мусулмон бўлсун ва ғайри мусулмон бўлсун, айтадур ва китоблариға ҳам ёзибдурлар. Бас, икки йўл аросиға қолдук. Ўтган уламоларни китоблариға ер сокин, янги уламоларни китобиға ер айланадур деб таъкид қиладур. Бу икки илм ёинки китоб инсонни кўб ташвиш ва изтиробга соладур. Ҳукамо ё динға душман қиладур. Ҳар на бўлса, ушбу ихтилоф эскидур, чунки Имом Ғаззолий ҳазратлари ва Иброҳим Ҳаққий жаноблари ушбу ҳўкуз, балиғ тўғрисиға «Таҳофат ул-фалосафа...» (маърифатнома) деган китоблариға очик баён ва жавоблар ёзибдурлар. Ва бошқа китобларға ҳам ушбу тўғриға уламолар жавоб ва таъвил ёзиб, ҳўкуз ва балиғни йўқлиғиға ва ерни муаллақлиғи дурустлиғиға таслим қилгандурларки, инсон то ўшал арабий ва туркий китобларни ўқуб кўрмаса, гирдоби ваҳшатангиз ҳайратдан чиқолмайдур. Ғаззолий ҳазратлари ва бошқа муҳаққиқини киром* ер ва осмон тўғрисиға ҳар хил далилларни ҳикмат ва ақли башарға қараб таъвил қилиб, мусулмонларни бул тўғридаги изтироблардан нажот топишлариға сабаб бўлубдурлар. Ушбу таъвилларни* мунда ёзмокға маҳал йўқ, мақсудимиз жуғрофияи риёзий ва табиийдан намуна кўрсатиб, сўнгра ер юзидаги ободликдан баён қилмок эди. Иншоолло, замони ояндаға илми ҳайъат тўғрисида бир китоб ёзиб, ўтган уламо ва ҳукамо ва ҳозирги уламо ва ҳукамони ихтилоф, далил ва таъвилларидан очик ёзармиз (ушбу китоб тайёр бўлган ва ояндаға босилса керак, иншоолло таоло). Бизлар бу таъвиллар ва ўтган уламои ақл шаръийни ақл ва ҳикматға мувофиқ ёзган китоблари ва ҳозирги ақли шаръ уламони янгидан тасниф қилган китобларини ўқуб кўрмаи, беҳабарона жуғрофия илмиға мункир бўлуб, ерни атрофиға девори бор ва ҳўкуз устиғадур, десак, жуғрофиядан хабарли киши ўз ўғлимиз бўлса ҳам, бизни ақлсиз фаҳмлаб, ёинки дини ҳақ Муҳаммадийға шак келтирадур.

Чунончи, ҳоло ақлий илмларни ўқуб, илм дини ўқумаган кишиларни кам эътиқодлигидек.

Агарда жуғрофия ўқумасак, дунёга тараққий қилолмай-миз. Дунёга тараққий қилмасак, дин ишларимизни баржой келтиролмаймиз. Маа фиҳи, жуғрофия ўқутгонлар огиз ила, китоб ва газит ила баҳс қилиб, жуғрофия важҳидин бизни далил ақли ила мулзам қилиб, охири динимизга таъна берадур. Илми динни кам билатургонларимизни бўшатадур. Ҳозир дунёни катта шаҳарларини мактаблариға жуғрофия илмидан ўқутмоқ одат ва лозим бўлубдур. Истанбул, Миср, Арабистон, Ҳиндистон, Русия мамлакатларидаги одамлар ва мусулмонлар бу илмдан ўқумоқни лозим билибдурлар. Русия мактаблариға ўқутгон болаларимиз ўқуйдирларки, ер юмалоқ ва муаллақдур, атрофиға Кўҳи Қоф йўқ, хўкуз, балиғ йўқ. Ва аларға маълумдурки, Петербургдан бир одам темир йўл ила Валодивостўкға боруб, андан Америкаға парахўд ила чиқиб ва Америкадан яна парахўд ила ерни ул тарафи (ости) ила юруб Франсия мамлакатига чиқиб, яна темир йўли ила юруб, хулоса, Шарқдан боруб Фарбдан Петербургға келиб, 40 кундан кам муддатға ерни бир айланмоқ мумкиндур. Харита — глобус ва ўқутгон илмлари юзасидан аларға ушбу сафар ниҳоят маълум ва собит бўладур. Мактабға жуғрофия ўқумаганлар ҳам форсий, туркий тилиға ёзилган жуғрофияларни ўқуб, агарда илми динийдан камхабар бўлсалар, албатта, дини исломға шубҳа қиладурлар. Энди бу икки тоифа аросига кириб, ер ва осмон тўғрисидаги нақлий далилларға Фаззолий...дек муҳаққиқлар сўзларини билдирмоқ керак. Токи ёшларимиз ва нодонларимизни эътиқоди сушт ва заиф бўлмасун. Бу баҳслар жуғрофияи риёзий, табиий, тарихийни ўқуб билмоқ ҳам уламоий мутақаддимин ва мутаохирин ақли исломни ер тўғрисидаги далиллари ва таъвилот ва истидлол*ларини диққат қилиб кўрмоқ ила бўладур. Яъни илми тафсир, ҳадис, ҳикмат ва ҳайъати қадима ҳам ҳикмат ва ҳайъати жадида илмларини таҳсил ва тафтиш қилмоқ керак. Илгари замонға ҳукамоларни кашфиёти қайси йўл илаки динимиз ва эътиқодимизга ирод* ва зарар келтурса, уламоий динимиз фавран* ўшал йўлга банди важҳ тайёрлабдурларки, китоблардан маълум бўладур.

Букунги ҳукамони иродига керакки, букунги уламо-

миз садду далил тайёр қилсалар, лиҳаза*, аввалан янги ҳукамони барча муддао ва кашфиёту сўзини билмоқ ва таржима қилиб, ҳар ким ўз ҳолича уламоға арз қилмоқ керак, токи алар танқид қилсунлар. Валлоҳ, келар замонға эътиқодимизга зарар келадур. Бас, лозим бўлдики, жуғрофия, ҳайъат илмларини аввал ўқуб, эътиқодимизга муҳолифат қилатургон жойларға важҳ этмоқ керак. Илгари ўтган юнон ҳукамолар сўзини лозим бўлса, китобларимиздан чиқармоқ керак. Ушбу китобни оянда варақлариға «тафсил ва танбиҳ» деган фаслиға ушбу мақсадға тейишли баъзи баён ва шаръий далиллар ёзилгандур, диққат қилинсун. Ҳозир на мулло ва на авомларимизға жуғрофияни берадургон хабари маъқул бўлмайдур. Маъқул бўлса, истеъмолимиздаги баъзи мусулмоний китобларидан кўнгли совийдур. Асл афсуслик жойи шудур. Икки илмдан ҳам кўброқ ўқулса, бу ихтилоф ва иштибоҳлар, таваҳҳумлар* йўқ ва яқсў бўладур, дини покимизга эътиқод мустаҳкамроқ бўладур. Ерни сайёрлигини билиб, яна дини исломни мунга монийи йўқлигини билса, динға шубҳа қилмайдур. Ҳоло, ерни сайёр деб айтатургонларни хилофи зоҳирни айтадур деб маломат қиладурлар. Жуғрофиячилар бўлса, шундай одамларни нодон ёинки далили қандай далилдур, хилофи нафс ул-амр ва ақлни айтадур деб яна шубҳа қиладур.

Ва икки тараф аросиға маънавий бир нифоқ пайдо бўладур. Оллоҳ бу нифоқни йўқ этгай. Туркистон уламолари йигирма йил муддат ўқуб, хатм қиладурларки, беш санаси илм, ибодат ва ақидаға сарф бўлса, бақияси йўқ бўлган ҳукамои юнония ва фарқи золлаи муҳаррирама тарафидан оид баҳсларни жавоби ва хасми мафрузани мужодаласи ила ўтадур, яхшидур¹. Мутақаддиминимиз* ҳукамо ва фарқи золаи асриялариға яроқ тайёрлаб, фалон баҳсиға бу жавоб, ул раддиға бу истидлол деб далоийили ақлий* ва нақлий ила зафар топибдурлар. Ҳозирги замонимизни ҳукамоси ва фарқи зола ва даҳриясини сўзи иродаи кашфиёти ақлиёти бус-бутун бошқа. Ва буларға яраша асбоб керакдур. Ҳукамои жадид оламни ҳудус* ва фано*сиға қойил ва аммо бошқа навъ эътиқод ва кашфиётлари борки, ани жавобини ҳама бил-

¹ Маъноси: ...қолгани ўтиб кетган юнон олимлари ва насронийларнинг баҳс ва муҳокамаларига жавоб бериш, муҳолифларнинг фикр-мулоҳазалари билан баҳслашишга сарф бўладики, бу яхши, албатта.

моғи лозимдур. Матлабимиз жуғрофия эди, фалсафа ва калом тарафиға мойил бўлганимни кўрдум. Бу сўзларни биз ўзимиздан айтмай, балки мусулмоний китоблардан баъзисини олиб ёздук, баъзисини кўрдук, баҳс ва жавобини бошимиздан ўткардук.

Эски ва янги донишмандлар

Ер ва осмон тўғрисиға илгаридаги юноний уламолари ила ҳозирги Оврупо донишмандларини аросиға фарқ кўбдур. Юноний ва румийлар барча осмонлар Ерни атрофиға айланадур. «Ер — маркази оламдур» деб қарор бериб эдилар. Аларни баъзиси Ерни ялпоқ ва охири йўқ, атрофи Қоф деган тоғ ила иҳота бўлган, ерни тўртдан бириға одам туратургон жой бор, бақияси номаълум ва ул тарафи жин ва париларға тейишли деб айтарларки, юноний ва ибронийларни шул тариқа сўзу ҳикоятлари ҳаммаға ёйилгандур.

Эски одамлар ерни етти иқлим санар эдилар. Ўшал қадима қоидалариға қараганда иқлимни адади юзға турмай ўтадур. Охирги вақтларға бошқа қоидалар юзасидан иқлимларни тақсим қилиб юрмоқ бефойда чиқди. Эски ҳукамолар ҳозирги катта беш бўлак қуруқ ердан икки парчасини асло билмай, ҳатто, билатургон уч парчани ҳам баъзи жойларини билиб, четларини асло билмас эдилар. Бовужуд, шул эски юноний ва ҳиндистоний ҳукамолар ер ялпоқдур, охири йўқ, фил ё ҳўкуз устиға деб ҳар хил сўзларни айтиб эканлар. Бир қўлга эски юноний ва ибронийлар Қафқоз, яъни ҳозирги Кафкоз тоғини шарқи тарафидан беҳабар ва шул тоғни муҳити оламларни билар эканлар. Ерни сокин ва доим турғувчи гумон қилганларидан кўз ила кўрунгувчи беш сайёрани, Ой ва Офтобни «сабаи сайёра» деб атар, ҳар бириға бир осмон ва юрмайдургон юлдузларға алоҳида бир осмон ва яна бу саккиз фалакни устиға юлдузсиз бир фалак бор деб, жамъи тўққуз фалак ё тўққуз осмон қарор бериб, осмонлар ниҳоят тезлик ила ўзлариға ёпишган юлдузлар ила бирга Ерни олти жиҳатидан йигирма тўрт соатға бир мартаба айланиб бўладур, деб ҳукм қилиб эканлар. Шул тоифани «аҳли ҳайъати мутақаддимин»¹ аталадурки, аларни каттаси Батлимус ҳақимдур. Бизни китобларға «тўққуз фалак — на тоқ,

¹ Аҳли ҳайъати мутақаддимин — қадимий астрономлар.

на равоқ» деб ёзилган, тўққуз фалакни илгаригаги юноний, румий одамлари тахмин ва эътиқод қилгандурлар. Ва ҳам ушбу осмонларни «қаттиғ нимарса — салб» деб айтур эканлар. Аммо биз мусулмонларни эътиқодимизга осмон еттидурки, Қуръони шарифга «сабъи самовот» хабар берилгандур (агарда қавли* ҳаким ҳеч керак бўлмаса мусулмон удабо ва шуаролари на учун «тўққуз фалак ва тоқ...» деб китобларни тўлдирдилар). Аҳли ҳайъати мутаохирин¹ Ер, осмон ва юлдузлар тўғрисиға бутун бошқа баён ва далил келтирадур. Қадима ҳукамони эътиқод ва тахмини беасбоблик ва ер юзини ҳама жойини кўрмагонликдан бутун «ғалат»*тур, деб юзлар, минглар ила далил кўрсатадурларки, ҳайъат ва жуғрофия илмидан хабардор юз минглар ила мусулмон ва милйўнлар ила ғайри мусулмонға маълумдур. Янги, яъни беш юз йилдан бери пайдо бўлган ҳукамолар хоҳ мусулмон ва (хоҳ) ғайри мусулмон бўлсун, айтадурки, Ерни юмалоқлиги ва ҳавоға муаллақ туриб юмаламоғи офтобдек маълум ва шубҳа йўқдур, ани билмоғи жуғрофияи риёзий илмини ўқумоқ ила бўладур. Биз бу китобға андан озгина баён қилармиз. Ҳозирги мусулмон уламолари Ерни ҳаракати лўнда ва муаллақлиги дини ислом далиллариға зарар келтурмайдур, деб арабий, туркий тиллариға бир неча китоблар тасниф қилгандурларки, «Маърифатнома» («Таҳофат ул-фалосафа»...), «Танқид ал-осор» «Ҳайъати жадида усулини нусуси* шаръийяға тадбиқ»* ва бошқа китоблар шу жумладандур. Хулоса, янги ҳукамолар эски ҳукамоларни бир неча сўз ва эътиқод ва қарорларини ғалати ва нотўғрилиқға чиқордилар. Дарвоқеъ, хилофи нафс ул-амр² дур. Они учун бизни баъзи китобларимизни сўзи ё мўътабар китобларимизга ҳукамони қавлу* истидлол* идин ёзилган шарҳ ва тамсилу ҳикоятлар «нақл астқи, ривоят кардаанқи, овардаан ки, ва-қийл, гуфтаандқи»³ деган сарлавҳалар ила ёзилган сўзлар, яъни ҳайъат, ҳикмат, тарих китобларидан олиниб, мусулмоний китобларға ёзилган жумлалардан баъзиси хилофи зоҳир ва ялғон чиқиб қоладур. Буларни ялғон чиқиши қадими ҳайъат, ҳикмат, жуғрофияни баъзи жойи тағйир топилганидандур...

¹ Аҳли ҳайъати мутаохирин — сўнгги давр астрономлари.

² Хилофи нафс ул-амр — моҳиятан зид.

³ «Айтадиларки, ривоят қиладиларки, келтирадиларки ва шундай дейдиларки».

Бир неча асрдурки, янги асбоб ва илмлар пайдо бўлиб, илм ва фан тараққий қилди. Дурбин, хўрдабин*, болун*, парахўд, тилгироф, симсиз тилгироф, денгиз ичиға чўкиб кетатургон, ҳаво юзиға учиб кетатургон кемалар, минглар нав ҳикмат мошиналари ва бошқалари ижод қилинди. Бу асбоблар ила аҳволи Ер ва осмон ва ажром* аввалги асридан кўра яхшироқ билинди. Эски ҳукамо замониға нишонсиз асбоблар чиқди. Они учун эски ҳукамо саҳвини очиқ-очиқ билдирадур. Янги ҳукамолар ерни сайёр, яъни офтобни атрофиға юргувчидур, офтоб бўлса «Ва-ш-шамси тажаррил мустақар лиҳа» оятини хабариға мувофиқ ўз меҳвариға мустақарриға* айлангучидур. Юлдузлар ва Ер Офтобни ўзиға нишон тутуб, они атрофиға айланадур ва шул ҳисоб юзасидан Офтобни мағрибдан чиқиши дурустдур, деб қойил бўлдилар. Бу олам йўқ экан, сўнгра халқ бўлиб, боз йўқ бўладур. Фақат Ер эмас, бошқа юлдузлар ҳам йўқ ва фано бўладур деб «Худуси фано»ға иқроф бўлдилар. Бовужуд шул буларни ҳам баъзи сўзлари динимизға баҳс еткурадур, ани учун уламомизға лозимдурки, ҳозирги ҳукамо сўзини билиб, дин тарафидан жавоб ва китоб тайёр қилсунлар, ҳамчунонки эски ҳукамоларни жавобиға раддиға ўтган уламойи динимиз жавоб ва китоб тайёр қилдилар. Букунги ҳукамоға эски ҳукамо учун тайёр бўлган жавобларни баъзиси раддия тушмайдур. Шул важҳдан уламомизни билмоқлари учун янги аҳли ҳайъат ва ҳукамоларни баъзи сўзини ушбу китобға ёздим. Ҳаммасини ёзмоқға агарчи, биз роқими ҳуруф, ҳикоячи бўлсам ҳам. Яна такфир* тошларидан кўрқиб ёзмадим. Ҳам бирдан ёзиб бўлмайдур...

Янги ҳукамоларни сўзидан намуна

Аҳли ҳайъати жадида, яъни янги ҳукамолар айтадурки, Офтоб дунёни ўртасиға халқ бўлудурки, Аторуддан бошлаб қадима беш сайёра ва янги топилган икки сайёра ва кўз ила кўрулмай, янгидан дурбин ила топилган уч юзға яқин сайёралар ва буларни ичиға биз устиға турган Еримиз Офтобни атрофиға ҳар бири ўзиға тейишли доира — айланасиға айланиб юрадулар! Еримиз Офтобға нисбат учланчи сайёра (юргувчи юлдуз)дур. Юргувчи юлдузларни ҳаммаси бенур ва ёруғликни Офтобдан оладур. Барчаси ва ул қаторға бизни Еримиз ҳам ҳеч бир нимарса устиға турмай, тегмай

(маркуз* бўлмай, жисми саблға ёпушмай) барчаси ҳавоға муаллақ ва Офтобни тортқич – жозибасиға гирифтор бўлуб (яъни Олло таоло халқ қилгон ва ҳукамо тилинча қонуни жозиба сабаби ила) ўзлариға тейишли айланма майдонни ҳавоға айланиб юрадур. Офтоб ҳам бирор нимарсаға марказ (михланган) эмас, фазо, яъни Худои таолони халқ қилгон бўшлиқ дунёсиға ҳам ҳаракат меҳвари ва ҳам ҳаракат жараёни ила дўнадур – юмалайдур. Гунбадға* ўхшаган қаттиғ тўққуз осмон маълум бўлмайдур. Барча ажроми самовий, яъни осмоний нарсалар (кўк–бўшлиқ), яъни фазои лотиноҳо алҳиййя Худони майдони қудратиға балиғни сувға сузуб юрганидек, доим ҳаракатгадурлар. Барча осмонни нимарсалар ўзиға тейишли низом ила Офтоб атрофиға айланиб юруб, қоида бўйинча охири барчаси олдин ва кейин фано (йўқ) бўлуб, бузулуб кетадур. Офтобни нури ҳам охири кетиб бўлуб, бу олам ҳозирги ҳолини йўқотиб казо, казо бўладур. Боз бир тарафдан бошқа оламлар пайдо бўладурлар! Аммо мазкур ҳукамолар ҳозирги дунёмиз нега ушбу Офтобға тобеъдур, халқ бўлгонидан бери ушбу кунгача ва яна йўқ ва фано бўлатургон вақтинча қоидаи ҳайъати жадида ила ҳисоблаб, дадиллар тайёр қилгандурларки, баъзиси Қуръон ва Ҳадис хабариға тўғри ва баъзиси тўғри келмайдур. Ҳозирги мисрий, туркий, нўғойи уламолари ҳайъати жадидаи ҳукамоларини тайёрлаган китобларини ўқуб, билиб ва баъзи китоблар ўз тарафларидан қилибдурларки, ҳозирги ҳукамони баъзи сўзи айни шаръдур. Ва аммо, афсуски, ўшал китобларни ўқумоғи бизни Туркистонға тезлик ила расм бўлмайдур. Янги ҳукамолар осмондаги юлдузларни аҳволидан эскилардан кўра яхшироқ огоҳ бўлубдурлар. Чунончи, айтадурларки, юлдузларни баъзиси бизни еримиздек тош ва туфроқлик, қор-ёмғурлик нимарсалардур. Миррих (Марс) юлдузини устиға туфроқ, тош, ўт, сув, гиёҳ, булут, ёмғур, қор бордур. Миррихни гиёҳлари қизилдур. Аввалги асрларға йўқ экан, ўтган аср ичиға Миррихга икки қанал (катта ариқ) пайдо бўлубдурки, режа тортиб қозғондек тўғри ва иккисини ароси уч юз чақиримдан зиёда. Узунликлари 5000, эни бир юз чақиримдур. Буларни қозилиши илми ҳандаса ва режаға мувофиқ бўлгон учун, ҳукм қиладурларки, албатта Миррихга одам бор ва илми бизлардан зиёдадур. Одам бўлмаса, бу икки катта ариф

қандай тартиб ила тайёр бўладур, деб хаёл қиладурлар. Дурбин ила Миррихга қаралса, денгиз ва дарёларини тошқуни ва суви тортилгони ва қанча қуруқ ерини сув босгани маълум бўлуб, ер юзидаги тошқунлардек муқаррарий фаслларга бўладур. Миррихни еримизга яқин келатургон вақтлари бўладурки, ўшал ҳолатга дунёдаги барча расадхоналар, Миррихга расад ва катта дурбинлар ила қараб диққат қиладурлар. Бизни Ерни қутблари доим қор остига ётгандек, Миррихни қутбларини қори ҳам асло кетмас эмиш. Они бир кеча-кундузи 24 соатдан зиёда ва бир йили бизга қарийб икки йил бўладур. Ўзи еримиздан олти марта кичик ва кеча-кундуз, ёз-қиш, казо-казолари бордур. Ой (қамар)и икки адад эмишки, ҳар оқшом бири ғарб, бошқаси шарқидан чиқиб ярим оқшомга Миррихни осмони (уфқи) ўртасига икки ой бир-бири ила йўлуқуб, ҳар бири ўз мағрибига кетиб, бир кеча-кундузига бир даврасини тамом қилар эмиш. Ҳозирги ҳукамолар ўшал Миррих ойларини хусуф, яъни тутулишини Ердан туруб ҳисоблаб, мунтазир бўлуб вақтига кўрадурлар. Сайёра, яъни юргувчи юлдузларни ҳаммаси қаронғу ва нурни офтобдан оладур. Бизни Еримиздек бошқа юлдузга одам бўлса, бизни Еримизни ҳам юлдуздек ёруғ кўрмоқлари тайиндур. Янги ҳукамолар ялғуз Миррих эмас, барча сайёралар аҳволини таҳқиқлаб, воқиф бўлибдурлар. Ҳар бири тўғрисига ажиб баёнлари бордур. Ялғуз Миррихни барча ахборотини далиллари ила ёзмакга беш-ўн варақ лозим. Ани учун шугина хабарни таржима қилиб, бошқаларини аниқ билмоқ учун ҳайъати жадида китобларини ўқумакга кераклигини арз қиларман. Ўзумни форсий тилига ёзгон ҳайъат китобимни, Худо еткурса, бостуруб чиқорсам, ниҳоят муфассал ва очиқ баён ва юлдузларни аҳволи ва хабари анда ўқулса керак. Туркчани билатургонлар Истанбул, Қозон китобфурушларидан ҳайъати жадида китобларини талаб қилуб, ўқусалар, баҳра топадурлар. Миррихга Ердек одам борлиги, казо-казолиги дини ислом хабарларига зарар еткурмай, балки наф еткурса керак. Чунки баъзи уламо ва тафсир қилғувчилар Ерни етти қабат ва баъзилари етти адад, ҳар бирига ҳайвон халқ бор деб ёзгандурлар. Ҳоло ҳукамолар барча юлдузларни таҳқиқлаб, ўз хаёлларича билган киши бўлуб қаҳқашон (сомон йўли)даги оқ-оқ булутга ўхшаган ва яна кўз ила кўрунмай, дурбин

ила кўрунатургон «булут парчалари» тўғрисида таҳқиқ бошлаб, ўшал парчаларни ҳар бири бизни олами шамсдек миллиўнлар олами шамсни қабатма-қабат, устма-уст турганлари ва мунча нуроний нимарсаларни, ниҳоят биздан узоқга турганлари сабабидан бизга абр шуъласидек кўрунса керак, деб қоида юзасидан ҳисоб қиладурлар. Бу сўзлариға қараганда миллиўнлар ила офтобу олам бўлиши лозим келадур. Офтобға нисбат саккизланчи сайёраға илгари маълум йўқ эди. 1346 санайи милодийға топилган Нептун сайёрасини офтобдан узоқлиги 4175 миллиўн чақирим ва бизни Ердан саксон беш мартаба катта ва доирасини катталигидан бизни 165 санамизға бир мартаба Офтоб атрофиға айланиб бўладур. Бир дона қамари бордур, казо-казо деб ҳукм қилгандурлар. Офтобдан сўнгра осмонға бизни назаримизға катта кўрунатургон нимарсани бири Ой эдики, эски ҳукамолар иккинчи сайёра ҳисоб қилар эдилар. Янги ҳукамолар Ойни сайёралик мансабидан тушуруб, Ерни тобеъи деган исми қўйдилар. Курраи қамар устидаги тоғ, сой, чўл, ўчган тоғлар¹ ва дараларини дурбин ила таҳқиқлаб, ўлчаб, плонини олдилар. Ҳар жойиға кераклик ва муносиб исмлар қўйдилар. Бу янги ҳукамоларни қилган ишларини ўн бу қадар ва эллик мунча китобқа ёзилса ҳам тамом бўлмайдур. Бу тағйирот ва табдилот янги ишлар ва ажойибларға сабаби илм, тажриба ва саъйдур. Ҳикмати илоҳия ила халқ бўлгон* Ердаги нимарсалар табиатини фаранг ҳукамолари юнонийлардан яхшироқ билдилар, яхши ва саъй ила ишладилар. Ҳикмати табиия илмини яхши тажриба ила ўқудилар. Они учун ойлик йўлни кунға, йиллик хабарни дақиқаға юрмоқға, келмоқға асбоб тайёр қилдилар. Шул тариқа осмондаги нимарсаларни билмоқ учун ажиб асбоблар тайёрладилар, яъни назариёти илмияни тажриба ила бадиҳоти амалияға солиштируб, амалға киргузгонларидан тилгироф, тилифўн, тилгирофи ҳавойи, парахўд, темур йўл, болун, телескўп, микроскўп, казолар чиқардилар. Ва ушбу асбоблар сабаби ила Ер юзиға бутун ғалаба қилдилар. Шул тариқа осмон тўғрисиға ҳам асбоб ила эски ҳукамолардан яхшироқ илм ҳосил қилдилар. Ҳоло тилгироф ва темур йўлни натижа ва хосиятидан беҳабар бир одамға баён қилинса, ҳеч-ҳеч бовар қилмайдур, ишонмайдур, балки кучи етса урадур. Мунча

¹ Ёнартоғлар, вулқонлар дейилмоқчи.

жаҳли бор экан, албатта, ўлдурадур! Орий, кўрмагунча ишонмайдур, кўргандан сўнгра, то ўқумаса билмайдур. Яъни у нодон, жоҳил, замондан, табиати ашёдан, подоши саъйдан... бебахрадур. Илгари замонларга осмондаги юлдузларни, от, айиқ, ҳўкуз(ни) баъзилар Худо деб атадилар, парас-тиш қилдиларки, илмни камлигидан экан... Ҳозирги илм ва асбоблар илгариги замонга бўлса, шундай букунги ишлар, ҳақиқатлар, бадохатлар кўб илгари шоён бўлар эди. Букунга балки қандай тараққий қилар эди. Агарда бу замонга ҳам илм бўлмаса эди, осмон, Ер ва ашё тўғрисидаги сўз ва баҳслар қадима ҳолига турар эди. Чунончи, бир чўпон ва бир тоифаи саҳройи беилм ва бефандан сўралса, ашё ва олам тўғрисига 2000 йил илгари ёзилган афсона ва кўрулган тушларни айтиб ва инонадур, нафс ул-амрни* ялғон биладур. Ўзиға, диниға ўз нодонлигидан таънани сотиб оладур. Ҳазрати Имом Муҳаммад Фаззолий алайҳи раҳматулборийни марҳамат қилганидек, дўсти нодон (садиқи жоҳил) сифатиға кириб, нодон мусулмон дини исломға зарар келтирадур. Олло таоло шул тариқа нодонликдан бизни сақлагай, омин...

Янги илмдан беҳабар уламоларимиз... чуқур ўйламай, бизға ўхшаш ноқилларни ямон кўруб, ямон кўз ила қарайдурлар. Билмайдурларки, эски ҳукамо ва ҳайъатчи ва сайёҳларни сўзи «ҳикоят» мақомиға тафсирларимизгача сўқулгани учун «Ояти файласуф сўзидур, ҳаким ва роҳиб каломидур» деб баҳс қилатургон ҳозирги баъзи аҳли замонимиз ва ажнабийларға биргина далил ва кам илмлар олдиға дастаи ҳужжат бўладур. Шул сабабли асотири аввалин (эски афсоналар) ҳисобиға кирган сўзлардан китобларимизни то-заламоқ керак деб гоҳ-гоҳ олами матбуотға довуш (садо) эшитиладур. Тақсирлар, бу сўзни фақат ман айтганим йўқ, мусулмон донишмандлари айтадурлар.

Дарвоқеъ, ҳайъати жуғрофий, ҳикмати табиия ва казоказони билатургон ёшларимиз, ҳақиқати исломдан беҳабарларимиз эски афсоналарни мусулмон китоблариға кўруб, мусулмон китобларидан эътиқодлари бўшайдур. Кейинги вақтға шундай кам эътиқод ёшларимиз тез кўзга кўрунадур. Энди мунга бир даво чора лозимдур. Худоға шукрки, яна чораси эски ва янги илмларни ўқумоқ ва саъй қилмоқ ила бўладур. Аммо афсуски, эскиларимиз, хусусан, Туркистонға

эски ҳолга ва янгиларимиз ўз рафторлариға бир-бирларидан хабарсиз ва балки нафрат қиладурлар, тонимайдурлар. Эй азизлар, эски ва янгилар, бир-бирингиздан хабар олмоқ ва фикрингиз, илмингиз, иштибоҳингизни айтмоқ, эшитмоқ, дардингиз давосиға чора ахтармоқингиз лозимдур. Валлоҳ, бу ҳолат ила биз кундан-кун зоҳиран ва ботинан кейин қолармиз. Кошки фақат ўзимиз кейин қолсак, балки аҳкоми диниямиз кейин қолгандек, эътиқодимиз ҳам кейин қолиб дунё ва охиратға зомин ва масъул бўлармиз. Олло таоло барчамизни беэътиқод ва нодонликдан сақлаб, илм ва хабардан бонасиб этгай. Лекин ялғуз дуо ила бўлмас, саъй ва ғайрат лозимдур...

Ер айланганда устидагиларни йиқилмаслиги

Мақнатус, яъни оҳанрабо темурни, қаҳрабо сомонни ўзига тортиб сақлаб турган нимарсалар ҳар кимға маълумдур. Мақнатус ва қаҳрабоға темур ва сомон парчаларини тирмашган ва турган жойларини, агарчи паст тарафға ағдарилса ва айлантура берилса, остун-устун қилинса ва ҳар қандай ҳаракат берилса ҳам тирмашиб туруб тушмайдур. Яъни мазкур икки нимарсаани зотидаги халқ бўлган қувваи жозибаси юбормайдур. Модомики, аларни қувватидан зиёдача бир қувватға тобеъ бўлмасалар, ўшал темур ва сомон андан айрилмайдур. Бу тариқа қувваи жозибаси Ер, Офтоб ва барча юлдузларға ва ҳатто, барча ашёга бақадри жисм ва ҳоли бор. Аммо баъзиға кўб ва баъзиға оз эмиш. Яна бир қувваи дофеъани* борлигидан бу курраларни Офтобки, ҳаммадан катта ва қуввати кўб ва зўрдур, тортиб ололмайдур, агарда ҳозирги масофатидан яқинроқ бўлса, Еримизни Офтоб ўзига тортиб олмоқи қоидадандир...

Атроф*. Жиҳоти* аслия. Харита. План

Қутб шимолий юлдузи, яъни Темур Қозик тарафи «шимол» жиҳати ҳисобланадур. Ани ўнг тарафимизға олиб, кун ботишға қараганда, юзимиз «ғарб», орқамиз «шарқ», чап қўлимиз «жануб» тарафлариға бўладур. Қибланамо (компас) деган асбоб шимол тарафини бизға кўрсатадурки, андан иқлим ва мавзеига қараб қибла тарафини тахмин қилинадур. Аммо ер юзини ҳар иқлим ва қитъасиға қибла тарафи

бошқа ва бир-биридан фарқликдур. Чунки баъзи мамлакат Байтуллони шарқ, баъзи ғарб, баъзи шимол ва жануб тарафларигадур. Ани учун ер юзидаги мамлакатларни қибласи бошқа-бошқа тарафларга мойилдур. Ушбу шарқ, ғарб, шимол, жануб тарафлари «жиҳоти аслия» аталадурки, бир харита ё планга қараган одамни кўзини юқориси шимол, қуйи тарафи жануб, ўнги шарқ, сўли ғарбдур.

Бу тўрт жиҳати аслия ароларига яна тўрт жиҳоти фаръийя* борки, тўрт жиҳатни кунжи ҳукмигадур. Шарқи-шимолий, ғарби-шимолий, шарқи-жанубий, ғарби-жанубий аталадур...

Мунча бизни фикру ақлимизга сиғмайдургон дунёни ер юзи шаклини бир тахта қоғаз устига нақш қилибдурлар, деган ҳолга ушбу катта дунёни қандай бир тарроҳ*, аккос*, планчи юруб, неча муддатга нақша*сини олди? деган савол келадур. Бир аккос, бир планчи эмас. Минг-минг устодлар, сайёҳлар, муҳандислар дунё юзига аввалдан, хусусан, беш юз йилдан бери пайдар-пай, доим юруб, ўлчаб, ёзиб оҳишта-оҳишта ҳозирги мартабасига жўғрофия илмини ва дунё нақшасини келтурдилар. Аммо катта бир қитъа ёинки бир ботмон ерни бир тахта қоғаз устига планини кўрсатмоқ тариқаси шудурки, масалан: бир ерни узунлиги 60 сажин, эни 40 сажин экан, ушбу тул ва арз масофатларини бир варақ қоғаз устига 60 сажин ўрнига 60 нуқта масофатини кўрсатган ила фаҳмланмаги, «тарсим»* қилинмоқи мумкиндур. Ҳар бир план, харита устига охирига бир узун хат тортилган ва устига бир неча сифр ва рақамлар борки, «миқёс» («масштаб»)¹ аталадурки, ўшал харитадаги мамлакатни асл вусъатидан ушбу харита қанча мартаба кичиклигини билдурадур. Чунончи, бир жойни тули юз чақирим экан, қоғаз устига бир вершўк хат узунлиги бор ва харита охирига, «бир вершўк юз чақиримдур», деган ишора ва миқёс бордур. Мазкур харитадаги мамлакатга тоғ, рўд, шаҳарлар ҳақиқат ҳолга бўлуб, яна ушбу харита устига ишорат — аломат қўюлганки, ушбу миқёс қоидаси ила мазкур тоғ ва наҳр ва шаҳар мамлакатни қаю тарафига, узунлиги қанча, эни қанча, наҳр қаю тарафига оқадур?... ҳама ушбу миқёс ва мезон ила фақат харита юзасидан билинадур. Муфассал харита, планлар бордурки, тоғларини баландлиги,

¹ Масштаб дейилмоқчи.

тошларини хосияти, ҳайъати, наҳрларини чуқурлиги, ба-
лиғларини камаригача кўрсатадур. Яъни ниҳоят муфассал
хариталар борки, мамлакатларни, тоғ ва наҳрларини тул ва
арзи саҳин*и, ҳавоси чуқурлиги, дараларини масоҳати, ма-
софати, экилатургон зироат ва гиёҳлари, иссиғ ва совуқ-
лигини ишорат қилингон ва тортилгон хатлари ила дара-
жаи тул ва арзи ва они сабаби ила ўшал мамлакатни кеча ва
кундузини узун ва қисқалиги, ёз ва қишларини бўлиши,
алҳосил аҳволи жуғрофияси авзои табиат, иқлим об-ҳаво-
си, денгиз юзидан паст ва баландлиги бутун-бутун фақат
харитаға қаралган ила билинадур. Ҳатто, ул мамлакат халқ-
ларини жинс, мазҳаб, миллатларини бошқа-бошқа ажратиб
билдиратургон хариталар бордур. Аммо ўшал хариталарға
боқиб, аҳволи арз ва мамлакатдан воқиф бўлмоқға баъзи
илмдан хабардорлик керакдур. Харитаи хусусия, умумия,
тўпўтрофия, заўлўжия, табиийя, баҳрия, зироия, этнўгра-
фия, казо-казо аталадурки, ер юзидаги нимарсани ҳар би-
рини аҳволидан баён қилгувчи хариталарни оти бошқа бўлуб,
ушбу тарийқа хариталарни анвоъ ва аъдоди кўпаядур. Одам-
ни шаклу ҳайъатини нақадар катта ё ниҳоят кичик қилиб
кўрсатмоқ сураткашларға мумкинлигидек, илм аҳлиға ерни
шаклини истаганларича кичик қилиб кўрсатмоқ мумкин-
дур. Аларни миқёслари дюйм ё вершўклари минг чақирим,
ўн минг, юз минг чақирим, бир узун масофатға ҳам эваз
бўладур. Аммо харитани кичигидан каттасини яхши ва му-
фассаллигиға ва фаҳмға яқинлигиға сўз йўқдур. Бир неча
хариталарни бир жамлаб, китоб шаклиға тайёрланган бўлса,
атлас аталадур.

Ҳукумат ва ҳукмронлар

Ер юзидаги бадавий ва маданий халқларни ҳукмдор ва
сардорлари бўладурки, бек, амир, шоҳ ва бошқа исм ва
луғатлар ила атайдурлар. Ҳар бир тилға ҳукмдорларни луға-
ти бошқадур. Овруро халқи императўр, қирол, дўқа, принс,
президент, кеназ, тсар ва бошқа луғатлар ила атайдурлар.
Бу луғатлар ила аталган ҳар бир ҳукмдорни мартаба ва ҳуку-
мати бошқа навъдур. Ҳозирға фаранглар ўртасиға мўътабар
уч қисм ҳукумат ё ҳукмронлик бордур. Биринчи — идораи
мустақилла (идораи мутлақа)ки, они устидан қарагувчи
подшоҳ соҳиб ихтиёр ва ҳар бир рои ва амри закўн ва

низом бўладур. Амри, ҳукми, ройи* нофиздур*. Қўл остидаги барча мажлислар, маслаҳатхоналарни иттифоқи, хоҳиши, ҳукми ўшал императўрни мустаҳкам қилиши имзосиға мавқуф*дур. Шундай императўрларни янгидан мансуб бўлиши ҳар бир давлат ва ҳукуматға муқаррарий қонун ва одатлар бўюнча мерос ёинки валиаҳдлик қоидалари ва ўшал ҳукуматни қўйган тартиб ва тадбириға мувофиқ бўладур.

Иккинчи қисм — идораи машрута ҳукмронлигидурки, бу ҳукуматға тобеъ одамлар аксари аҳли илм ва хабардурлар. Эл ва уруғлари илм, ҳунар ва дунё ишлариға тараққий қилгандурки, шул тариқа фуқаролар ўз ароларидан инсофлик, илм ва дунёдан хабарлик одамларин ўзлариға катта ва бошқарғувчи вакил сайлайдурлар. Шул тариқа сайланган вакилларни подшоҳ жамлаб, муқаррарий маҳкамаларға, мамлакатдорлик ишлариға аралашиб, машварат ила тузатилмоқ ва муҳофазат қилмоқға кўз бўлмоқлари учун қарор берадурки, аларни мажлис ва маҳкамаларини «миллат мажлиси», «маслаҳатхона», «парламенту», «гўсударски дум», «мажлиси синодий», «эл мажлиси» деган исмлар ила ёд қилинадур. Яна баъзи маслаҳатхоналар борки, маслаҳатбошиларни, ҳукмдорларни ўзи тайин қиладур. Ушбу «миллат мажлиси»ни чилонлари машварат ила мамлакатдорлик ишлариға аралашиб, низом ва қонун тузатиб, ҳукмдор ва подшоҳларни қилатургон ишлариға аралашадур. Подшоҳ бу мажлис амриға тобеъдур. «Мажлиси мабъусон»* ни ройи бўлмагунча катта ишларини бошланмоқиға амр ва ҳукм қилолмайдур. Хулоса, императўр соҳиб ихтиёр бўлмай, дурустроқ ишларға қонун ва низомларни чиқарилмоқиға бутунила мажлисға тобеъ бўлуб турадир. «Идораи машрута»ни тариқаси шудур.

Учунчи қисм «Идораи жумҳурият»дурки, аксар фуқароси аҳли илм бўлуб, бу аҳли дониш аҳолини сайлаган вакиллари баъзи ҳукуматға етти йилгача ўз мамлакат ва ҳукуматларини бошқармоғи учун ўз ароларидан бир нафар донишманд одамни бошлиқ сайлайдурларки, «раиси жумҳурият», «садринишини миллат», «периздент» аталадур. Бу раис гўё бир оризи* омонат подшоҳдур. Ҳар бир ҳукм ва амр ва тартибни мамлакат ва қўбға тааллуқ ишни «Миллат мажлиси»ни қилиб бергон дастуруламал, яъни қонун ва низомномалариға мувофиқ қилиб, бутун элга тобеъ бир кишидур. Ҳар бир ишға «миллат мажлиси» ҳукмиға тобеъ, аларни ҳукму талабларини ўрниға келтургувчидур. Бу икки

тоифани подшоҳи баъзи мамлакатга «Элға тобеъ бўлуб турарман» деб қасам ичиб, баъд мансабга чиқадур. Катта ва-зирлар мамлакатдорлик мутасаддиларини тафтиш қилмоқға — терговга бермоқға, ҳатто, ўшал соатга бирдан бекор қил-дурмақға баъзи миллат мажлисларини ихтиёри бордур. Ҳозир-ги Оврупо ҳукуматларини рафтори*, одати шу уч усулни бирига дохил, тобеъ ва мувофиқдур. Мустақил ҳукмдорлар-ни қўл остига ҳам мажлислар ва машварат маҳкамалари бор-дур. Илмсиз ҳукуматлардек неча милйўн халқни маишати, рафтори, ихтиёри бир нафар одам — подшоҳни ихтиёр ё ройи ва ҳукмига йўқдур. Бир нафарни ақли, фикри ила ўн нафар аросига на қадар фарқ бордур? Ушбу сабаблардан-дурки, озгина Оврупо халқи бутун курраи арзга ҳоким ва мутасарриф* дурлар. Сабаб ҳукумат, илм ва давлат, қонуни мусовот*, машварат ва тадбирдур.

Дин ва одат

Бани одамни ҳама фирқа ва тоифаси ушбу олам ва барча одам ва ҳайвонларни холиқи борлигига иқрор, аммо сонёи олам¹ илми, худошунослик, яъни эътиқод тўғрисида ҳар тоифа ва ҳар миллат ва мазҳаб аҳлини эътиқоди бошқадур. Илм ва ҳидоят топган фирқалар Оллоҳ таолони бемисл ва бешерик ва бир биладурки, шундай фирқани муваҳҳад* атай-дурлар. Оллоҳ таолони бир билмай, адад тайин қилатургон-ларни мушрик* ёинки мажус аталадур. Муваҳҳад ва мушрик фирқаларини ҳар бири яна бир неча дин ва ҳар бир дин бир неча мазҳабларга бўлиниб кетгандур. Ҳатто ҳар бир дин ва мазҳабларга бир неча одат, расмлар қўшиллуб, агарчи, ҳақиқат-да муҳолиф мазҳаблари бўлса ҳам одат бўлган учун айни мазҳаб саналиб, амал қилинадур. Муваҳҳад, яъни Худони бир билгувчилардан биринчи: ҳазрати Муҳаммад алайҳисса-ломни пайғамбар ва расули Худо ва хотами набийюн, деб имон келтируб, чин инонган фирқадурки, аҳли ислом — мусулмон муҳаммадий аталармиз. Ҳозир дунёга уч юз мил-йўндан зиёда мусулмон бормизки, ушбу ададни учдан бири мусулмон ҳукмронлари қўл остига ва бошқаси насоро ва мажуслар қўл остига ва бу хон ва амирлардан аксари беилм ва баъзиси насоро давлатларини ҳимоятигадур. Иккинчи қавм

¹ Оламнинг яратилиши.

ҳазрати Исо алайҳиссаломга: булар муваҳҳад ва китобийдурлар, «исавий», «насоро», «христиан», «аҳли салиб» аталадурлар. Ҳоло, дунёмизга буларни адади тўрт юз миллиўнча тахмин қилинадур. Ер юзини аксари бу фирқани тасарруф ва тасаллуга* ва ҳоло дунёмизни мутасарриф озҳириси ва ғолиби шулардур. Насоролардан бошқа кучлик ва дунё тўғрисиға тараққий қилгон ва илмлик халқ йўқдур. Учунчи — ҳазрати Мусо алайҳиссаломни қавмидурки, «яхудий», «мусавий», «ибрий» аталадурлар. Булар ҳам муваҳҳад ва китобий ва аммо хейле озайганки, ҳозирға адади ўн миллиўнчадур. Бу халқ оз-оз ҳар бир мамлакат ва ҳукуматға бор ва тобеъ ва ўзларидин ҳукмронлари йўқдур. «Мушрик ва бутпараст», яъни мажуслар, китобсизлар дунёға ҳама аҳли китоб ва муваҳҳаддан кўбдир. Ададлари саккиз юз миллиўнча тахмин қилинганки, бу даҳи «браҳма», «мажус» қисмлариға аталиб, навъ-навъ фирқаларға бўлинув, мазҳаблари кўпаядур. Булар оташ, кун, юлдуз, ҳайвонот, маъданиёт, набототдан ясалган суврати санамларға парастииш* қиладурларки, барчасини «мажус», «абдиасном»*, «бутпараст» аталиб, китобийларға муносабати йўқдур. Юқоридаги уч фирқа китобийлар бир-бириға яқин шаръан ва муносабатликдурлар. Яна «дахрий» деган тоифа оз-оз борки ибодат қилмайдур. Аҳли ислом Овруро қитъасини жануби-шарқий ила шимоли-шарқий тарафлариға, Осиёни ўрта ва жанубий тарафлари ва жазиралариға, шарқий ва ғарбий жиҳатиға, Африқони шимолий ва ўрта жиҳатлариға сокин* ва мунташардурлар*. Амриқо ва Австралиё қитъалариға ҳам муслмонлардан бор. Аммо Амриқоға кам ва Австралиёға кўбдур.

Христианлар Оврупони ҳама жойиға ва бошқа қитъаларни баъзи жойлариға мунташардурлар. Мажусларни аксар Осиёни шарқиға, Африқони жанубиға сокин ва дунёни аксар жойлариға мажуслар бордур. Дунёға уч мингдан зиёда лисон — тил ва бир мингдан зиёда дин, мазҳаб борки, ҳар бири ўзларини ҳақ ва бошқани ботил* биладур. Ақлик ҳаким ва аллома одамларни таҳқиқ ва иқрориға қараганда, дунёға дини исломдан бошқа ақл ва ҳикматға мувофиқ ва мустаиди тамадун* бир дин йўқдур. Они учун ҳар мазҳабдаги бу замон алломаларини баъзиси муслмон бўладурларки, ша-рофати илмдур...

Ўлчак — миқёс, маблағ — пул

Кейинги замонларга франсуз донишмандлари ўлчов — газ тўғрисиға бир қоида вазъ қилгандурки, гўё барча олам аҳли ўшал ўлчовни истеъмол қилмакға мажбурдур. «Курраи арз»¹, «доираи нисф ан-наҳорий»²ни гўё ўлчаб, илми ҳисоб ила мазкур доирани тўртдан бир масоҳатини билиб «рубъи доира»³ни ўн миллиўндан бирини отини бир «метру» атабдурларки, доираи нисф ан-наҳорни қирқ миллиўндан бирини масоҳасини тўли эътибор қилиниб, «метру» атабдурлар. Яна бир метру ўн детсиметр, юз сантиметр, минг миллиметрға тақсим топиладур. Бир «метру» Русия ҳисобиға 22,5 вершўк бўладур. Минг метру бир «километру», ўн минг километру бир мирёметру аталадур. Бизни Русияни «вёрст» — чақирими беш юз сажин, ҳар сажин уч аршин ё етти фут, ёинки икки метру ҳам $13\frac{9}{20}$ сантиметрға ҳисоб топиладур. Бир аршин ўн олти вершўк, ё 28 дюйм, $\frac{3}{20}$ ёинки 71 сантиметрға баробардур. Шул миқёс бўйинча бизни бир вёрст бир километру ҳам $66\frac{4}{9}$ метруға баробар бўладур. Ва бизни бир мураббаъ чақирим 25 минг мураббаъ сажиндурки, бир мураббаъ километру ҳам 13160 мураббаъ метруға баробардур. Бир сажин мураббаъ 9 аршин мураббаъ ё 49 фут мураббаъ, ё 4 метру мураббаъ ҳам 55 детсиметра мураббаъ ҳам $25\frac{1}{2}$ сантиметра мураббаъдур. Бир десатин 2400 сажин мураббаъ ё 21600 аршин мураббаъ, ё 10924 метру мураббаъ, 40 детсиметру мураббаъдур. Шариатға газ урфи мўътабар, аммо ҳар мамлакатни урфи газни бир-бириға тўғри келмай-дур. Чунончи, Самарқанд газни 18 вершўкдан 20 ғача, Фарғона ва Тошканд газни 16 вершўкдан 20 ғача ва ер юзидаги ҳар мамлакатни газни бир-биридан фарқликдур. Бу газлар ҳозир фақат ҳавуз ва ерларни одамлар орасиға ўлчанмоқиға истеъмол бўладур...

«МУНОЗАРА» ҲАҚИДА

«Усули жадида» мактабларни нафлиги ва фунуни замония таҳсилнинг бухорийлар учун лузуми тўғрисида фарангий афанди ила мударрис Бухорий жанобларини орала-

¹ Ер курраси.

² Меридиан.

³ Квадрат.

рида бўлган баҳс ва суҳбат — «Мунозара» исмида бир рисо-
ла шаклинда форсий тилга таъб ва нашр бўлубдур. Биз-да
кўздин кечурдукки, ҳақиқатан бухорийлар учун нофеъдур.

Фарангий ва мударрис тилидан бу муҳим баҳслик рисо-
лани таҳрир этувчи ваҳми зонн¹га арзи ташаккур қиларман.
Иншоолло, бу рисола бухорийларни уйғонмоқига боис
бўлуб, «Мунозара» муҳарририни раҳмат ила ёд этарлар.

Ва ал-он бу рисола турки тилинда жаноб муаллим ҳам-
шаҳримиз Ҳожи Муин афанди тарафидан таржима ва ушбу
газит ила нашр бўлиб турубдур.

Ва аммо бизни фикримизча, Бухоро учун энг муҳим
бир баҳсни фарангий афанди фаромуш этибдурлар. Ва ул
энг муҳим баҳс бухорийларни русча ўқумоқ ва рус мадани-
ятинин нафбардор бўлмоқга тарғиб этмоқдин иборат эди.

Хайр, балки фарангий афанди фаромуш этмай, эҳти-
молки, бухорийларни таажжублари кўзғолмасун ва «Муно-
зара» рисоласидин умид этилгон манфаати маънавийа фавт
бўлмасун² тавҳими-ла³ русча ўқумоқ баҳсидин кўз юмган-
дур, деб зан қилармиз. Ва-ло фарангий афандини натижаи
маълумотиға назаран ўрисча ўқумоқга тарафдордур, деб ис-
тидлол қилинадур ва ҳар бир кўзи очуқ киши-да бухорий-
ларни русча ўқумоқларини, албатта лозим билур.

Бухорий қариндошларимизни русча ўқумоқлари тўғри-
сида мухтасаран бир оз ёзмоқни биз мунда керак билдук ва
умид қиламизки, «Мунозара» ношири иккинчи таъбина
русча ўқумоқ лузумини ҳам рисолаға олмоқ этдирса.

Русия давлати — 100 млн. халқлик ва ер юзини қавий
давлатларидан бири. Бухоро ҳукумати ани ҳимоясиға ва анинг
учун бухорийларни русча ўқумоқлари ўзлари учун лозим
ва фозъ⁴дир.

Бухорийларни савдо ишлари Русия иладурки, тижорат
ишларини тараққий қилдирмоқ учун, албатта, русчаға эҳти-
ёжи том⁵алари бордур.

Бухорода тилгироф, пўчта, темур йўли ва бонк ва мол,
анжоманинг ҳамли⁶ ва нақли⁷ ва оптек, дўқтур ва ҳифзил

¹ Гузал тахайюл эгаси.

² Нобуд бўлмасин.

³ Ваҳимаси билан.

⁴ Нафлик.

⁵ Тула.

⁶ Юки.

⁷ Ташиш.

сиҳата тейишли ишлар ва лавозимоти мадания ва замония ва хорижага мутааллиқ¹ барча мавод² кофа³ руслар воситасила жорий бўлурки, бул тўғрилардан русчага бухорийларни эҳтиёжлари шадид⁴дур.

Русия ила тижорати бор ҳар бир бухорий ва Бухорони ҳар бир ҳукумат доираларини русчага бор эҳтиёжини ҳар кимдан аввал бухорийларни ўзлари иқроор эдарлар.

Киши йўқлигинин ал-он Бухоро ҳукуматини хидматидаги таржимонлар кафказий ва туркистонийлардин иборатдур.

Бухорийларни русча ўқумоқлари учун далил лозим бўлса, фақат Русияни...⁵ жиҳатидин Бухорога ҳамсоялиги энг олий далилдур. Ҳолбуки, Бухоро давлатимизни ҳимоясида, яъни ҳовучиндадур.

Насора ва мажус давлатларини айтмай қўйдуқ. Бул вақт Усмонли ислом давлати катта мактаблариға русча ўқутадур ва Русияға талаба юборадур. Турк қариндошларимизни ҳар бири Русия мусулмонларини русча ўқумоқға ташвиқ этарлар. Ҳатто, Истанбул шайхулисломи ҳазратлари Русия мусулмонларини русча ўқумоқға буюрадурлар.

Чунончи, ўтган сана Самарқанд ҳожиларидан икки нафар мударрис шайхулислому жанобларини хизматлариға мушарраф бўлуб эканларки, усули жадид ва русчани лузумин баён этиб, Туркистонийларға русча ўқумоқға ташвиқ этмоқға буюрубдурлар.

Мисрдан, Шом ва Арабистондин, Истанбулдин ва Эрондин Русия мактаблариға талаба келганда, Бухородин на учун талаба келмайду? Буни сабаби бухорийларни гафлати ва замондин хабарсизлиги деурлар.

Бул жойға бухорийлар у қадар қаҳолат этдиларки, ҳатто, расмий доираларида бирорта таржимонлари йўқдур.

Хўб, Бухорода усули жадидани қўймаганларидек, русчани-да уламо қўймадилар дедук. Эй, шогирдларни Самарқандда, Туркистонда ва ё дохийий Русияға на учун юборилмайду?

Самарқандда Бухородин гадо, ўғри, қимори, жувон-

¹ Алоқадор.

² Моддалар.

³ Барчаси.

⁴ Катта, шиддатли.

⁵ Ўқуб бўлмади.

бачча келар. Ҳатто, деюрларки, фоҳишалар ҳам келур; буларга уламо бир шай демас ва хабардор бўлмас.

Талабага тамоман монез бўлурлар. Йўқ; бул жойга уламога ёпишмоқ керак эмас, балки бошқаларга лозумдур.

Бухоронинг муҳтарам ҳукмронларина, Бухоронинг тужжори киромига биз мин гайри ҳад¹ арз қилармизки, русча ўқутмақни муборак фикрларига келтирсалар, Русия давлати Бухоронинг фақат бир ҳамсоysi эмас, балки ҳомийси, васий² ва мураббийи давлатидур. Анинг учун русча билмоқ ва рус олий ва катта мактабларига кирмоқ бухорийларни ҳаёти ва саодати учун алрам³ дур.

Икки милйўн бухорийлардин нисфи аср зарфи⁴ да бир нафар таржимон чиқмаганлиги бухорийларни лоқайдликларига далил бўлур. Бу нимадан келур? Албатта; Бухоро ила Русия орасидаги муносабатни билмасликдин келур. Бинобарин, Русия ила Бухоро бейин⁵ даги муносабати сиёсийни ҳар замон аҳолига билдирмоқ керакдур. Биз сиёсий киши эмас ва илло бул тўғридаги фикримизни очиқ суратда ёзардүк. Шу қадар биларманки, расман Бухоро ҳукумати Русия давлатини ҳимоятигадур. Бухоронинг бош ҳукмрони маънан баолий⁶ амир ҳазратларини аморатлари Русия давлати тарафидин тасдиқ қилинадур. Бухорони хорижия ишлари Русия давлати тарафидин ижро қилинадур.

Хорижия давлатлари, масалан, Эрон, Афғон ва ё Усмонли давлатлари-ла Бухоро ҳукуматини хат ва хабар қилмоғи лозим келса, Русия давлати воситаси-ла муомала қиладур. Бухоро аҳли хорижияга чиқмоқчи бўлса, Русия раҳол⁷ ҳукуматини рухсати лозимдур. Бухоро учун бож ва пушпина Русия давлатини ихтиёри ила бўлур.

Билмоқ керакки, ўрусча ўқимоқ ила киши кофир бўлмайдур ва ё ўруслар бизга динларини таълим қилмайдур. Масалан, букуң Самарқанд мухталиф мактабларига юздин зиёд мусулмон боласи бор ва аларни ҳеч бирига насоро дини-

¹ Ҳаддан ташқари.

² Тарбиячи.

³ Айб маъносида.

⁴ Ҳозирги шароитда.

⁵ Орасидаги.

⁶ Асл, олий.

⁷ Йул ишлари.

ни таълим қилинмайдур. Самарқанд эъдодий гимнозиё мактабини букун ундин зиёда мусулмон боласи бор. У жумладин бири маним ўғлимдур. Ва на вақтки, болаларга насоро динини таълим берарлар, ғайри русларни, хоҳ мусулмон ва ё яхуд ва ҳатто, армани бўлсун, мактабдин чиқорадурлар. Ҳатто, насоро ақидасини таълими вақтида ёширин мактабда қолган ғайрирус шогирдга жазо бериладур.

Ғайрируслар русча ўқутандан илми дунёвий ва ҳаётқа мутааллиқ фунун ўқуйдурлар ва ҳар бир мусулмонда румча ва ё фарангча шуни ўқийдур.

Бухорони ўрта миллати учун авомча сўйлайинки, турклар, ибронийлар, туркистонийлар, қозоний, ўрунбургий ва кафкозийлар ҳамчунонки, русча ўқусалар ҳам кофир бўлмайдилар. Бухорийлар ҳам русча ўқутан ила кофир бўлмайдурлар.

Афғон ҳукумати ила инглиз давлати орасида муносабати сиёсия мавжуд ва ҳам ҳамсоядур. Они учун афғонлар Ҳиндистон инглизига ва нўфуси Англияда ўз нафии учун талаба юборадур. Қолбуки, ҳеч бир афғон инглиз бўлган йўқ. Инчунун, бухорийлар-да Туркистон устига ва ё Русияга ўз нафлари учун талаба юборсалар, хотиржам бўлсунларки, ўрус бўлмайдурлар. Шуни-да ёзайин, бухорий қариндошларимиз билсунларки, бу сўзларни биз мусулмонлигимиз учун ва Бухорони тараққийсини хоҳлаганимиз учун ёзармиз. Гумон қилинмасунки, ўруслар бизга ёздирадур.

Фарангий жанобларини фикрига биз ҳам тобеъ ва биз ҳам деймизки, Истанбул, Миср, ҳатто, Кафкоз ва Қозонга Бухородин талаба борсун ва аммо бу қаторда русча ўқимоқ учун Туркистон ва Петербургга ҳам.

Самарқанд дорулқазо муфтийларидан
Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа¹.

«Туркистон вилоятининг газети», 1911 йил,
29 сентябр, 73-сон

¹ Беҳбудийнинг мазкур мақоласи Фитратнинг «Мунозара» асари Ҳожи Муин томонидан ўзбекчага таржима қилиниб, «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилиши муносабати билан ёзилган.

МУФТИ МАҲМУДУҶА ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ҚАНДАЙ ШАҲИД БЎЛГОНЛИГИ ВА ОНИНГ ТОМОНИДАН ЁЗИЛГАН ВАСИЯТНОМА¹

Туркистон тараққийпарварларининг устози ва пешвоси бўлгон самарқандли муфти Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазратларининг Туркистонда танимайтурғон киши бўлмаса керак.

Ўз ватани ва халқи учун, фикр ва қалами ила йиғирма йил чамаси хизмат қилгон мана шундай пешвомиз, охири вазифа ва хизмат йўлида Бухоро тупроғида золим беклар қўлида ваҳшиёна суратда шаҳид этилди.

Бехбудий афанди 1919 йил 25 мартда, йўлдошлари Мардонқули Шомаҳмуд ўғли ва Муҳаммад Ўринбой ўғиллари билан Самарқанддан Бухоро тупроғига ўткан ва шундан қаерга боргонлиги билинмай, бу тўғрида турли сўзлар сўйланган ва мухталиф гумонлар қилингон эди. Охири халқ орасида шойиб бўлгон сўзлардан гумон ғолиб ила онглашилгон эдиким, Бехбудий афанди мазкур икки йўлдошлари билан золим амир Олимхоннинг ғаддор беклари қўлида шаҳид бўлгонлар. Мана шул гумон ғолиб ила муҳтарам шаҳидларимизнинг ғойиб бўлгонлариға бир йил тўлиш муносабати ила 1920 йил 25 мартда Самарқандда тантанали суратда таъзия маросими ижро этилган эди.

Бултур (1921 йил) март ойида Бухоро тупроғидан келган ўртоқ Ҳожимурод Худойберди ўғли Бехбудий ҳазратлари билан йўлдошлари Муҳаммадқул Муродқул афандиларининг Қарши шаҳриға беги Тоғайбек томонидан қандай шаҳид этилганлиги ҳақида маълумот келтурди.

Ўртоқ Ҳожимурод Бухоро инқилоби бошлангон кунда Самарқанддан ҳукумат томонидан бир маъмурият ила Шаҳрисабз ва Китоб тарафларға бориб, онда бир иш ила Қарши шаҳриға ўтган ва ўшал тарафларда 6—7 ой хизмат қилиб юргон бу муддатда хейли ишлар қилган ва кўп воқеаларни кўрган.

Ҳожимурод афанди Қарши бегида бир неча вақт «маҳрамлик» хизматида бўлгон фарғонали 17 яшар Содикжон-

¹ Ушбу «Васиятнома» ва мақола 1922 йилда «Инқилоб» журналининг 1-сонида босилган. 1988 йилда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида (16 сентябрь, нашрга тайёрловчи Ш. Турдиев), 1993 йилда «Миллий уйғониш» тўпламида (нашрга тайёрловчи Ж. Худойбердиев) қайта чоп этилди.

дан Беҳбудий ва онинг йўлдошлари ҳақида кўб маълумот олгон.

Беҳбудий афанди ва йўлдошлари бошлаб Шаҳрисабзда қўлга тушуб, тахминан икки ойдан сўнг Қарши шаҳрига юборилиб, онда (зиндонда) бир неча кун ётқондан кейин мазкур Тоғайбек томонидан шаҳид қилинган.

Беҳбудий афанди ва йўлдошлари Қарши зиндониде ётқон вақтларида, Қарши бегининг биринчи маҳрами ҳам зиндонбони Аҳмад ила 2-нчи маҳрами Содиқжон Беҳбудий ўртоқлари ила ёшурун мусоҳаба этиб аларнинг ким эканликларини билганлар. Ва ҳар вақт оларнинг аҳволидан хабардор бўлиб турганлар. Ниҳоятда, Беҳбудий афандиларнинг суҳбатлари таъсири билан мазкур икки маҳрам буларга мухлис ва меҳрибон бўлганлар.

Ҳатто, бир кун мазкур маҳрамларнинг рижа ва хоҳишлари ила бек Беҳбудий ва йўлдошларини ўз хузурига чақириб: «Сизлар на учун қўлга тушдингиз?» — деб сўраган. Беҳбудий афандилар: «Бизлар Байтуллони зиёрат этмак учун Самарқанддан чиққон эдик, йўлда амир маъмурлари «сизлар жадид, кофир ва тилчи, деб бизни қўлга олдилар. Тафтиш қилинсун, бизнинг гуноҳсизлигимиз шоят маълум бўлур», — деганлар.

Бек: «Сизлар жадид ва кофирдирсиз. Бухорога жаноб олийга тиг тортқон сизнинг маслакдошингиз эмасларми эди? Сизларни ўлдурмак керак. Сизлар қутулмоқ учун Байтуллога бормоқни баҳона этиб кўрсатасиз», — деган.

Бекнинг биринчи маҳрами ва зиндонбони Аҳмад бекнинг бу ҳақсиз сўзлариға чидай олмай, Беҳбудий афандиларни мудофаа учун бекка қараб: «Тақсир. Ул буларнинг ишларини ҳақиқатлаб кўринг. Агар гуноҳлари сабаб бўлса, сўнгра ўлдурунг», — деганда, бек аччиқланиб: «Эмди билдимки, сен ҳам жадид экансан, чунки жадидларға тарафдорлик қиласан. Ўлдурулатурғон жадидлар учта эди, энди сен билан тўртта бўлди, сени ҳам ўлдурмак керак», — деб Аҳмадни таҳдид эткан, Аҳмад кўзига ёш келган ҳолда, кўрққонидан индамай турган.

Сўнгра бек, одамларға Беҳбудий афандиларни ҳам мазкур Аҳмадни зиндонға қамарға буюрган ва амирдан яқинда келатурган фармойиш ила буларнинг ўлдуражагини билдирган.

Беҳбудий афанди, оёқға туруб жасорат ила тубандаги

сўзларни сўйлагандан сўнг йўлдошлари ила йиғлай-йиғлай зиндон сари боргонлар:

«Бизлар ўлумдан қўрқмаймиз. Балки ҳақ йўлида ўлмакни ўзимиз учун бир шараф деб биламиз. Мундай йўлда ёлғиз биз ўлмаган, балки кўп кишилар тўғрилиқ ва инқилоб йўлида шаҳид бўлгонлар».

Мундан бир неча кун ўтгандан сўнг, Содикжон амирдан бекка қатл буйруғи келганини Бехбудий афандиларга билдирган. Сўнгра Бехбудий афанди, ўзининг ҳаётидан умидин узиб йиғлай-йиғлай тубандаги «Васиятнома»ни ёзиб, Содикжонга тобшурмоқ учун Аҳмадга берган ва ҳар қандай йўл ила бўлса-да, шул васиятноманинг Самарқандга юборишини ўтинган. Васиятноманинг остида бошлаб Бехбудий афандининг ўзи, сўнгра Мардонқули ва Муҳаммадқули афандилар қўл қўйгонлар.

Васиятнома ушбудир:

«Эй, Туркистон маориф ишларида бўлгон ўртоқ ва ўғлонларим! Мен ўзим гарчанд банди бўлсам-да, сизларни эсимдан чиқармайман ва сизларга бир оз васият қилиб ўтаман. Мани севар ўртоқларим! Маним сўзларимни қулоқларингизга олингизлар! Биз икки ойдан бери Бухоро шаҳарларида банди бўлиб юруб, ахир ўн кундан бери бир ерда (Қарши шаҳрида) бу золимларнинг қўлига тушиб банди бўлдик. Жадид, кофирлик отини кўтардик. Бу ердан қутулмоғимиз гумон бўлди. Ўртоқларим Сиддиқий, Айний, Фитрат, Қори ва Ақобир Маҳмуд ва ўғлонларим Вадуд Маҳмуд, Абдулқодир Шакурый!

Сизларга васият қиламан. Маориф йўлида ишлайдургон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ёрдам этингиз! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар! Ҳар иш қилсангиз жамоат ила қилингизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Бухоро тупроғига тезлик ила йўл бошлангизлар! Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар! Бизнинг қонимизни золим беклардан талаб қилингизлар! Маорифни Бухоро тупроғида жорий қилингизлар!

Бизнинг отимизга мактаблар очингизлар! Бизлар ул чоқда қабримизда тинч ётурмиз. Манинг ўғлонларимга салом еткурингизлар. Бу ҳамроҳларимнинг авлодларидан хабардор бўлинглар! Ушбу васиятимни ёзиб Аҳмадга бердим».

Бу васиятномадан 3—4 кун ўтар-ўтмас, бек Беҳбудий афанди ва йўлдошларини ҳам Аҳмадни ўлдурўга буюрган ва алар зиндоннинг ёнидаги подшоҳлик бир чорбоққа юборилганлар. Шунда аларнинг қотиллари ўзларига билдирилган ва ўзлари учун шу боғда тўрт қабр қаздирилган. Сўнгра Беҳбудий афанди ва йўлдошлари таҳорат олиб намоз ўқимоқчи бўлганлар. Лекин шу чоқда раҳмсиз жаллод муовинлари ила етишуб келиб, аларни намоз ўқирга қўймоғон ва энг аввал Беҳбудий ҳазратларини жойнамоз устида бошини кесган. Бу ҳолни кўриб Мардонқули, Муҳаммадқули ва Аҳмад афандилар тавҳид ва шаҳодат калималарини ўқиб, ўлимни кутиб турганлар. Андин кейин жаллод аларни бир-бир бошин кесган. Сўнгра бекнинг хизматкорлари мазкур шаҳидларнинг наъшларини чиқариб, ўзлари қазғон қабрларга қўмганлар ва қабрларни (билинмасун деб) ер ила тегиз этганлар.

Бекнинг маҳрами Содиқжон, бу воқеанинг бошидин охиригача кўрган ва билгани учун ҳам Беҳбудий афандиларга мухлис бўлғонидан шу воқеани бир дафтарчада ёзиб қўйгон ва ондин ўртоғ Ҳожимурод кўчириб олиб, фожияни театр шаклида тартиб этуб, отини «Маориф қурбонлари» қўйгон.

Уч пардадан иборат бўлгон мазкур рисола биз кўрдук. Рисола керак ибрат, саҳнага қўйиш жиҳатидан хийла нуқсонлидир.

Агар рисола театр оламида хабардор бўлгон бирор-бир кишининг қалами ила тузатилса, биринчи театру рисоласи қаторига кириши шубҳасиздир.

Ўртоғ Ҳожимуроднинг сўзиға кўра, мазкур Содиқжон 1920 йил 21 декабрда амир томонидан Шаҳрисабз, Китоб ва Ғузур тарафларида қўзғатилган исёнчилар тарафидан Шаҳрисабзда ўлдирилган. Шунинг ила Содиқжон ёзган воқеа ила васиятноманинг асл нусхасида ўшал чоқда йўқолиб кетган.

*Самарқанд, Ҳожин Муин Шукрулло ўғли,
1922 йил, 7 январ*

БЕҲБУДИЙ ВАФОТИГА БАҒИШЛАНГАН МАРСИЯЛАР

ФИТРАТ

БЕҲБУДИЙНИНГ САҒАНАСИНИ ИЗЛАДИМ

Чўкмишди ер узра олам тўсиғи,
Ўқсузлик бойқуши қанот қоқарди.
Ботувда қизориб турғон булутдан
Эзилган кўнглимга мотам ёғарди.
Ҳақсизлик шаҳрининг қон ҳидли ели
Армоним гулидан бир япроқ узуб,
Баҳорсиз чўлларга совуриб қўйди.
Ул нозли япроғим сўлуб, сарғаюб,
Йўқсул қолганлардай ҳар ён югурди.
Золимлар, мазлумлар, зулмларнинг-да,
Бариға учради, барчасин кўрди.
Ўз йўқотқонин излади, сўрди.
Бир дарак топмағоч, бирдан бир тикилди,
Бор кучин тўшлади,
Золимнинг тахтини титратган бир товуш
Қичқирди:
— Отамнинг қабрини қай ерга ёшурдинг?!
Бот сўйла!...
Кирли тож кўб кўрқди ботир товушдан,
Сесканиб, титраб... ёшунди
Бир жавоб бермасдан.

С. АЙНИЙ

БЕҲБУДИЙ РУҲИГА ИТҲОФ (Шаби ҳижрон ҳавосига)

Сани мундин буён Турон кўролурму, кўролмасму?
Санинг мислингни Туркистон тополурму, тополмасму?
Сан, эй устоди олийшон, эдинг ажубан даврон,
Отингни тилга ҳар инсон буюк ҳурмат-ла олмасму?
Санинг тарихий давронинг, санинг осору урфонинг,
Санинг номинг, санинг шонинг жаҳон қолдиқча
қолмасму?

Санинг кўксунг чўкулганму, санинг белинг букулганму?
Санинг қонинг тўкулганму? Муни(нг) ҳеч ким сўролмасму?
Бошингни кесдуран қотил, у бадтийнат, у сангин дил,
Худодан гар эса гофил, халойиқдан уёлмасму?
Ватан авлоди ёд этди, сани хурмат-ла шод этди,
Ва лекин интиқомингни ололурму, ололмасму?
Жаҳонда зулмдур зоҳир, жаҳон хунхўр, жаҳон жобир,
Жаҳондан бир замон охир ситамгарлик йўқолмасму?
Беҳишту ҳурин гилмон санга Ҳақ айласун эҳсон,
Санга раҳмат, санга гафрон Худойим етказолмасму?!

БЕҲБУДИЙ АФАНДИНИ ЭСГА ТУШУРИБ, ҚАТЛ ВА ҚАТЛГОҲИГА ХИТОБАН

Эй мадфуни инсоният, эй мақтули аҳрор!
Эй маркази ваҳшоният, эй маҳмани ашрор!
Мингларча йигитлар бошини тандан аюрудинг,
Мингларча асоратзада ўғлонлари қирдинг.
Қон тўк, яна қон тўк, яна қон тўк!
Қон сели билан оқибат-ал-амр, ёрил, чўк!
Қон тўк-да, чўмул қонга! Йиқил қонга! Бўғул, ўл!
То қонга булғанмасин озода бирор қўл!
Эй деви жаҳолат уйи, эй, қон-ла тўлан гор!

Шод ўл бу кун!

Аммо бу кунинг эртаси ҳам бор!
Бир дасти риё, дасти жафо, дасти хиёнат
Мумкинми сани айласа кетдикча сиёнат?!...
Эй қотила, эй фожира, эй фитнаи Турон!
Турон эли фитнанг ила бўлсунми паришон?!
Мингларча йигит бошини калтак билан эздинг,
Мингларча йигит нашъини саржин каби тиздинг.
Зиндонлара мингларча тирикларни чирутдинг,
Тезоб ила мингларча ўлуқларни эритдинг.
Қуръонни, шариятни аёғ остида босдинг,
Беҳбудий каби доҳийи Туронни-да остинг!
Бош кес, яна бош кес, неча кун кайфу сафо сур!
Лекин кўзингни оч! Келаси кунларинги кўр!
Билгилки, бу аҳмол эмас!

Аҳмоли илоҳи!

Билгил, абадий қолмаяжак мунча малоҳи!

Бир кун келур албат, келур албат, келур албат!

Эй хоина! Ұч олмаға ожизлара навбат!

Эй мақтаули ахрор!

Эй мамкини ашрор!

Қон тўк, яна қон тўқ!

Қон тўк-да, ёрил, чўк!

Бир дасти хиёнат

Айларми сиёнат

Доим осор?

— Асло!

Бир кун келур албат, ожизлара навбат

Ұч олмаға сандан.

Эй манбаи накбат,

Кўрсам ўша кунни!

1920, IV, Самарқанд

ЧУЛПОН

МАҲМУДХҲҲА БЕҲБУДИЙ ХОТИРАСИ

Билгисиз қабрингни қора тунларда

Амалимнинг шамин ёқиб изладим.

Қизил ва пок қонинг исларин сочгач,

Кучсиз кўйи юришимни тезладим.

Амалимнинг юлдузиким, кўз тикди

Қора, жирканч ўлим кони ерларга.

Савол бердим: «Йўқотганим қайда?» — деб,

Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган эрларга.

Қўлимдаги тутам-тутам гулларим

Қабринг топиб, сочмоқ учун теринди.

Гул ўрнига захар тилар муҳитда

Унинг қилган бу ишлари бўш энди.

Мен-да ожиз у муҳитнинг олдида

Қабринг топиб кўз ёшимни тўкмакка.

Ҳамда аччиқ ҳиддатим-ла ул ерда

Оқ каллалик қора девни сўкмакка.

Шунинг учун юлдуз каби ярқираб,

Элда қолган исминг билан тураман.

Шул исми эслаб, чизган йўлингдан
Йироқ кетмай, қимирламай юраман.

Азиз отам, қўлимдаги гулларнинг
Мотам гули эканлигин билмайсан.
Шодлик гули кўпдан бери сўлганин,
Ер остида пок руҳинг-ла сезмайсан.

Ана сочдим қалбимдаги гулларни,
Термак учун чақираман қўлларни.

1920 йил

ИНГЕБОРГ БАЛДАУФ

МАҲМУДХҶА БЕҲБУДИЙ ФАЛАСТИНДА

Самарқандлик жадиднинг «Саёҳат хотиралари»
асарининг олмонча таржимасини ўқуб...

Қуддуси Шариф ва Фаластин сайёҳларнинг хотира китобларида эътибордан четда қолган, тилга олинмаган жойлардан эмас. Йигирманчи асрнинг иккинчи ўн йиллигида ҳам кўплаб сайёҳлар бу муқаддас жойлар тўғрисидаги ўз таассуротларини қоғозга туширганлар¹. Бизнинг эса асосий мақсадимиз 1914 йили нашр этилган бу мақолани, гарчи унинг муаллифи бўлмиш ўрта осиелик зиёли Фаластинни зиёрат қилган бошқа сайёҳлар тилга олмай ўтиб кетган нарсаларни тасвирлаган бўлса-да, қайтадан чоп этиб, мазкур жой тўғрисидаги маълумотларнинг кемтик жойларини тўлдириш эмас. Аксинча, мақсадимиз сайёҳнинг ўзи ҳақида баъзи маълумотларга эга бўлиш ҳамда ушбу хотиралар ойнасида акс этган сайёҳга жуда яқин бўлган, эҳтимолки, унинг кўнгил торларини чертиб ўтган нарсаларга бир назар ташлашдир.

Хали фанда «Саёҳат хотиралари»нинг муаллифи Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг (1875—1919) ҳаёти ва ижоди ўзининг аниқ-тиниқ ифодасини топмаган. Шу сабабли мақоламни Беҳбудий шахсияти² ва «Саёҳат хотиралари»нинг муаллиф ижодида ҳамда Русиядаги жадидлар ҳаракати доирасида тутган ўрнини кўрсатувчи мухтасар муқаддима билан бошламоқчиман.

Маҳмудхўжа Беҳбудийни Ўрта Осиёдаги барча жадид-

ларни бирлаштиришга интилан йирик намоянда десак хато қилмаймиз. У бутун Чор Русиясидаги хур фикрли, маърифатпарвар мусулмонлар билан мунтазам алоқада бўлиб турар, айниқса, Исмоилбей Фаспиралининг ашаддий мухлиси эди. Исмоилбейнинг маърифатпарварлиги, келажакка умид кўзи билан қарашни «мусулмон жамияти ижтиҳод эшикларини ланг очиб, яхшилик томон юз тутати, ҳозирда ҳукм суриб турган бидъат, хурфотдан халос бўлади», деган фикрларини Беҳбудий жон-дилдан маъқуллар, ўзи ҳам шундай фикрда эди. У мусулмонлардан дунёга очиқ кўз билан қарашни, замонавий ҳўжалик юритишда билим, фан билан қуролланиб фаоллик кўрсатишни талаб этарди³. Маҳмудхўжа тарихий исломий-шарқий таълимотдан воз кечмаган ҳолда, Русия ва Оврупо зиёлиларининг билимларидан ҳам баҳраманд бўлишга интиларди⁴. У Ўрта Осиё халқларини «бойлик» (яъни капитализм) томон элтадиган бирдан-бир ишга яроқли тарбия усули сифатида Исмоил Фаспиралининг «усули жадид»ини тинмай тарғиб қиларди. Дунё беаёв «ҳаёт-мамот кураши майдони»га⁵ айланган бир пайтда, Маҳмудхўжанинг фикрича, ўрта осиеликларга биринчи навбатда билим ва «бойлик» керак эди. Фақат шуларгина халқнинг бу бўҳрондан омон чиқиши ва мустақиллигини кафолатлайдиган телефон, телеграф, темирйўллар, ҳаво йўллари каби илғор техника воситаларига эгалик қилиш имкониятини туғдирарди.

Маҳмудхўжа фаолиятининг гоят ўзига хослигидан қатъи назар, у Қримдаги Фаспирали, Қозон татарларининг Қаюм Носирийси, усмонли туркларнинг Аҳмад Мидҳати сингари Ўрта Осиёнинг халқ муаллими эди. У ҳаётнинг турли соҳаларига тааллуқли замон руҳидаги билимларни юксак тарбиявий талабчанлик билан бошқаларга қараганда мароқлироқ, қизиқарлироқ, оддийроқ тарзда, халқ тилида⁶ ёйишга интилди. Халқнинг илмга чанқоқлигини қондириш мақсадида Беҳбудий бир қанча илмий-оммабоп жуғрофий китоблар ва Туркистоннинг табиий харитасини чоп этди. Кўплаб ўқув материаллари, ўқиш китоби ва диний китоблар, мактуб ёзиш қўлланмасини яратди. Бу асарларнинг баъзилари форсийда, баъзилари туркийда ёзилган бўлиб, Беҳбудий уларни Самарқанднинг янги шаҳар қисмида жойлашган ўзининг шахсий дўконида тарқатган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий халқ муаллими бўлишга интиларкан; мақсадга эришишнинг осонроқ, қулайроқ йўллари ахтаради. Саводсиз, ўқиш-ёзишни билмайдиган оми халқ орасида зиё, маърифат тарқатиш мақсадида у ерлик халқ орасида биринчи бўлиб янги театр ва кинони тарғиб этди⁷, ўзи 1914 йили «Ўрта Оснё ҳаётидан бир фожиа» ёки «Падаркуш» пьесасини яратди. 1913 йили эса миллий актёрлар труппасини ташкил қилди, бу гуруҳ 1914 йилнинг январидида «Падаркуш» пьесасини биринчи миллий театр асари сифатида Самарқандда сахнага олиб чиқди⁸.

Беҳбудий журналист сифатида, айниқса, сермаҳсул ижодкор эди. Бир неча вақтли матбуот нашрларини чиқариш билан бирга, «Хуршид», «Тужжор», «Ҳақиқат» (кейинчалик «Шухрат»)⁹ каби газета-журналларда ҳамкорлик қилди. Беҳбудий «Ойна» журналининг муассиси ва бош муҳаррири эди. Илк бора шу журналда унинг Қуддуси шарифга ҳаж саёҳати тўғрисидаги хотиралари дунё юзини кўрди. Юқорида номлари тилга олинган газета-журналлардаги мақола ва хабарларнинг катта қисмини Маҳмудхўжанинг ўзи ёзарди. У мурожаат этган мавзулар жуда хилма-хил: археология, астрономия (илми ҳайъат), жуғрофия, савдо, гигиена, қишлоқ хўжалиги, адабиёт, халқ удумлари... Беҳбудий бу мавзулардаги мақолаларини ўқувчиларга ширали тилда нимкулгули оҳангларда тақдим қилади. Одатда муаллимлар ҳар доим кўрсаткич бармоқларини юқорига кўтариб, бирор нарсадан огоҳлантириб туришади. Маҳмудхўжанинг муаллим сифатидаги шундай ҳолати унинг бирон мавзунини изоҳлаган пайтдаги юмористик руҳига бутунлай зиддир. Адибнинг мақолаларида эса, шу икки бир-бирига зид ҳолат ғайритабиий равишда уйғунлашиб, ўқувчиларни ўзига тортувчи оҳанрабога айланган.

Беҳбудий барча мусулмон халқлари тўғрисидаги билимларини чуқурлаштиришга алоҳида бир муҳаббат билан интилади. Шу сабабли у ислом дунёсидан олинган турли асл, ишончли хабарларни чоп этди, усмонли турк, татар, форс, афғон газеталарининг хабарларини шарҳлаб, ватандошларига ислом дунёси улар тўғрисида қандай фикрда эканлигини баён қилди¹⁰.

«Миллат қайғуси» Маҳмудхўжани кўплаб дастурий мақолалар ёзишга ундади, бу мақолалар ачиниш, ўкинч ҳис-

ларга йўғрилган бўлса-да, улардаги «мусулмонларни ҳозирги руҳий ва моддий тушкунликдан фақат маърифат билан фан, билим қутқара олади», деган фикр ярқ этиб кўзга ташланиб туради. Маҳмудхўжанинг газета ва журналидаги юзаки қараганда, тушкун, кишиларнинг эътиборини тортмайдиган мақолаларнинг мўл-кўллиги уларнинг узлуксиз равишда молиявий тангликка тушиб қолишга сабаб бўлган бўлса керак. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг табаррук юртга қилган ҳаж сафари тўғрисидаги мақоласида маълумотлар ва амалий йўлланмалар бир-бирига уйғун ҳолда ифодаланади.

1913 йили у ўз журнали «Ойна»да босилган «Ойна нима?» деган мақоласида ўзгага қараб ўзини кўриш, ютуқ ва камчиликларини ҳис этиш вазифасини кўндаланг қўйганди:

«Ойна шундай бир нарасаки, одам унга ўзини кўриш, юзининг қандайлигини билиш учун қарайди. Юзи эса, турли физик ва психик омиллар таъсирида қизил, сариқ, қора ёки оқ бўлиши мумкин. Киши ойнага ногаҳоний пайқаб қолиши мумкин бўлган дардларини даволаш учун қарайди».

«Ойна» Чор Русиясидаги (ҳамда Усмонли Туркия, Эрондаги) мусулмон турк маърифатпарварларининг анъанавий дастуриламали эди. Исмоилбей Гаспирали ҳам ўзининг «Таржумон» номли газетидан илгари чиқариб турган варақлардан бирини «Миръоти жадид», яъни «Янги ойна» деб атаганди¹¹. «Таржумон» газетининг биринчи сонига келган хатларнинг бирида «Бу газет аср ойнаси бўлсин» деган тилак билдирилганди.

Қози Абдурашид Иброҳимов 1902–1909 йилларда «Миръот – Кўзгу» деган ислоҳий панисломий «қалин журнал» чиқариб турган. 1910 йили эса, худди шу номда бирмунча вақт озарбойжонча-туркча адабий журнал чоп этилган. Маҳмудхўжа Беҳбудий 1913 йилнинг августида Самарқандда худди шундай, аммо тўрт тил ва тўрт номдаги «Ойна – Кўзгу – Миръот – Зеркало» журналининг биринчи синов сонини чиқариб, ўз устозларидан анча илгарилаб кетди. Бу журналдаги мақолалар форс, туркий ва рус тилларида чоп этилиши лозим эди, аммо улар фақат туркий ва форс тилларидагина чоп этилди¹². Маҳмудхўжанинг айтишича, ойна ясаш учун шишанинг орқасига симобнинг баъзи моддалар билан аралашмасини ёпиштириш керак. Ойнани тайёрлашдан мақсад эса, киши унда ўзининг ва ўзгаларнинг аксини кўра олиши,

ўзини ўзгалар билан таққослаш имкониятига эга бўлишидир. Беҳбудий шеърларидан бирида ўша амалга, яъни симоб қотишмаси «ухлаб ётган ва жанговар, ишбилармон моддийчи, тарбиячи — идеалист, ақидапараст, хаёлпараст ва маърифатпарвар Ўрта Осиё кишиларидан ташкил топиши керак», дейди. Беҳбудий фақат шу дастур билан кифояланиб қолмади. У «Ойна»ни чинакам дунё кўзгусига айлангирди, Ўрта Осиё буржуазиясига Париж билан Япония орасидаги замонавий ҳаётни кўз-кўз этди.

Маҳмудхўжа «Дўстлар бир-бирининг ойнасидир» деган халқ мақолини тез-тез такрорлар, эҳтимол, шу йўл билан у Ўрта Осиё мусулмонлари «Ойна»да ўзларининг бошқа халқларга қараганда афтодаҳолроқ қиёфаларини кўриб қолишганда пайдо бўладиган нохуш аҳволнинг олдини олишга ҳаракат қилгандир. Самарқандлик ўқитувчи ва шоир таниқли жадид Сиддиқий Ажзий¹³ Маҳмудхўжанинг энг яқин ҳамкорларидан бири эди. «Ойна» дунёга келишидан илгари у «Миръоти ибрат», яъни «Ибрат кўзгуси» номли бир ҳаёлий асар яратганди. Ажзий бу асарида ҳаёлий мамлакатларга сайр қилади ва кўз ўнгида намоён бўлган ўзининг ва Беҳбудийнинг она шаҳри бўлмиш Самарқанднинг орзудаги тимсолини тасвирлайди. «Ибрат кўзгуси» аввал Тифлисида нашр этилиб, анча вақтдан кейингина, яъни 1914 йили Самарқандда босилганига эътибор берсак, ширин орзу билан аччиқ ҳақиқат орасида қанчалар катта тафовут борлигини яққол сезамиз¹⁴.

Маҳмудхўжа ватандошларига уларнинг аянчли аҳволини кўрсатиш учун осон ва тушунарли усулларни танлайди. «Саёҳат хотиралари» қизиқарли ва енгил тилда ёзилган. Муқаддас юртга ҳаж сафари тўғрисида мақола ёзиш орқали Беҳбудий Ватан ҳақидаги аччиқ ҳақиқатларни тилга олишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган эди. Хотиралар 1914 йилнинг кузидан йил охиригача етти қисмга бўлиниб чоп этилди. Бизнинг қўлимиздаги таржима матни, афсуски, тўлиқ эмас, афтидан давоми тушириб қолдирилган бўлса керак. Аммо мен мақоланинг таржима матни хотимасидан кейин ҳам давоми бўлган деб исботлай олмайман¹⁵. Ҳар ҳолда муқаддас юрт ҳақидаги хабар худди шу ерда тугайди... Фикримча Беҳбудийнинг асосий мақсади муқаддас қадамжоларни таъриф-тавсиф этиш бўлмаган. Шу сабабли муаллиф уларни озгина таърифлаш билан кифояланган (мақолада яҳудийлар

қадамжолари, насронийлар муқаддас ҳисоблайдиган жойлар ва ислом осор-атиқаларини тасвирлашга қарийб тенг жой ажратилган). Шу иши ҳамда тасвирлаётганда эҳтиросга берилмаслиги, ўзидан қўшиб-чатмаслиги орқали Беҳбудий том маънода ўзидан илгари насиҳатомуз «Ҳажнома»лар битган муаллифларнинг анъаналаридан четга чиқади. Бироқ шунга қарамасдан, Беҳбудий мақоласи тасвир тиниқлиги жиҳатидан илгари битилган, сафарнинг барча тафсилотлари муфассал келтирилган йўл кўрсаткичнамо «Ҳажнома»ларга ўхшаб кетади¹⁶. Беҳбудий 1910-йилларда татар ва Ўрта Осиё газеталарида тез-тез чоп этилиб турган, ҳожилар учун берилган маслаҳатлар қабилдаги мақола ёзишни мақсад қилмаган бўлса-да, келажакда Ўрта Осиёдан ҳажга йўл оладиган кишилар учун жуда ҳам ҳаётий маслаҳатлар беради¹⁷.

Маҳмудхўжанинг «Саёҳат хотиралари» асарини қайсидир маънода «Саёҳатнома»ларнинг кейинги асрларда шаклланган чигатойча намуналарига менгзаш мумкин. Маълумки, ўша саёҳатномаларнинг муаллифлари жуғрофий тасвирлар орқали савдо ва дипломатик муносабатларга ижобий таъсир кўрсатишга уринганлар. Беҳбудий ҳам ватандошларини Фаластин билан савдо-сотик ҳамда саёҳат соҳасида ҳамкорликка ундаш иштиёқида бўлган. Шу маънода у берган маълумотлар жуда муфассалдир, аммо, барибир, бу хабарлар саёҳат таассуротининг фойдали, қўшимча маълумоти каби туюлади.

Типологик ва услуб жиҳатидан Маҳмудхўжанинг асари 1751 йили дипломатик йўл билан Ҳиндистонга борган ва хотираларини ярим саргузашт, ярим ҳисобот тарзида ёзган нотаниш татар савдогарининг битикларига фавқулодда жуда ўхшаб кетади. Бироқ Маҳмудхўжанинг асари татар савдогарининг битикларидан фарқли ўлароқ таълимий-тарбиявий хусусиятга эга¹⁸.

1913 йили «Вақт» газетида Қуддуси Шарифга қилинган ҳаж тўғрисидаги бошқа бир бадий саёҳатнома татар тилида бўлиниб-бўлиниб чоп этилганди¹⁹. Эҳтимол, шу асар Беҳбудийни «Саёҳат хотиралари» асарини ёзишга илҳомлантиргандир. Татар тилидаги бу эссе муаллифи ижтимоий-тарихий таҳлилдан қочиб, соф тавсифчиликка берилган, ўқилиши осон, бозори чаққон асар ёзиш учун Қуддуси шариф саёҳатини восита қилиб олганди. Маҳмудхўжа эса

Қуддуси шарифга саёҳати баҳонасида ўқувчиларга кўнглининг тубида чўкиб ётган ғам-андуҳларини, Ўрта Осиёнинг дард-ташвишларини баён этиш ҳамда ватандошларига уларнинг хатоларини кўрсатиб бериш учун бу асарни битган. Маҳмудхўжа Фаластинни бекордан-бекорга ўз дардларини айтиш учун восита сифатида олгани йўқ. У Фаластинда яшовчи мусулмон араблар ҳаёти билан Ўрта Осиёда яшовчи мусулмон юртдошларининг ҳаётини бир-бирига таққослаб кўради. Аён бўлишича, ҳар иккала халқ ҳам ажнабийлар истибдоди остида яшайдилар ва ҳар иккала ҳолда ҳам мустамлакачилар овруполиклардир. Маҳмудхўжа Фаластинда Усмонли давлати эмас, балки Оврупо империалистик кучлари ҳукмрон эканлигини аниқ кўради. Худди Ўрта Осиё мусулмонлари билан ерли ҳамда четдан келиб қолган яҳудийлар ва татарлар Русия империяси ташиб кетганидан кейин қолган-қутган моддий бойликлар устида талашиб-тортишганларидек, Фаластиндаги мусулмон араблар билан насроний араблар, ерли яҳудийлар турли Оврупо мамлакатлари вакиллари ва сионист кўчманчилардан қолган-қутган нарсалар устида талашиб-тортишадилар. У ёқда ҳам, бу ёқда ҳам ерли мусулмонлар ижтимоий табақаланишнинг энг қўйи поғонасига тушириб қўйилганди. Беҳбудийнинг фикрича ночор аҳволга тушиб қолишларида мусулмонларнинг ўзлари ҳам айбдор, чунки улар мустамлакачи ҳукуматнинг «билим олинглар» деган таклифини рад этадилар, ўзлари ҳам халқни маърифатли қилиш учун қўлларини совуқ сувга урмайдилар²⁰. Беҳбудий ўқувчиларга Фаластинда яшовчи араб мусулмонларининг тақдирини намойиш этади. Баъзилар бу қиёслаш орқали Беҳбудий панисломизм ғояларини ёйишга ҳаракат қилган деб ўйлашлари мумкин. Йўқ, аксинча, Беҳбудий бунга мутлақо интилмайди, баъзи ҳолларда эса, фаластинлик мусулмонларни «кир-чирга ботган араблар» деб тасвирлаб, хурмат-эътиборга кўпроқ лойиқ бўлган туркистонликлар бир чеккада қолиб, империячи кучлар арабларнинг эътиборини қозонишга уринаётганидан ғайирлиги кўзиганини ҳам яширмайди. Бир диндаги кишиларнинг яқинлиги ясамадир, чинакам бирдамлик эмас; камдан-кам ҳоллардагина Беҳбудий «барча мусулмонларнинг бирлиги» тўғрисида сўз юритади. Маҳмудхўжа тушунчасидаги бирдамлик фақат унинг ўз миллатига тааллуқлидир. Миллат эса, фақат

диний эмас, балки диний ва маконий нуқтаи назардан таърифланиши лозим, яъни Беҳбудий «барча мусулмонларнинг бирлиги» деганда фикримизча, биринчи навбатда, Ўрта Осиё мусулмонларининг бирдамлигини тушунган бўлса керак. Шу бирдамлик тушунчаси Беҳбудийнинг сиёсий нуқтаи назарини ҳам белгилайди. У русларнинг Фаластиндаги ишларини мақтар экан, Русия фуқароси сифатида бу мамлакатдан жуда гурурланади, бироқ русларнинг мустамлакачи сифатида Ўрта Осиё миллатига нисбатан хатти-ҳаракатларини тасвирлаётганда уларнинг империалистик қилиқларини кучли танқид ўти остига олади. Сионист кўчманчиларнинг Жаффадаги фаолияти тўғрисида Беҳбудий томонидан айтилган гаплар ватандошларига қарата: «Мустамлака занжирларини парчалаб ташланг!» — деган чақириққа ўхшаб жаранглайди: яҳудий кўчманчилар бугунчалик маркани конвертнинг ички тарафига ёпиштираётган бўлсалар, тез орада конверт устига ёпиштирадиган бўладилар — ўрта осийликлар ҳам яҳудийлар сингари ишга киришсаларгина келажакдаги мустақиллик ва истиқлолга умид боғлашлари мумкин.

Маҳмудхўжа Исмоилбей Фаспиралини қанчалик ҳурмат қилмасин ва ислом дунёсига қанчалар умид боғламасин, барибир, Фаспиралининг панисломистик қарашларини, мақсадларини маъқулламайди. Аксинча, у бутунлай бошқа, жаҳидча принципларга садоқат ила риоя қилади. Беҳбудийнинг «Саёҳат хотиралари»да унинг, асосан, дунё билан ҳамжиҳатлик, маърифатга юз буриш, маданий муассасаларни кенгайтириш, хўжалик юритишда илғор фан ютуқларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берганлиги яққол кўзга ташланади. Хотиралар сўнгида биз унинг ислом руҳонияти, халқчил ислом амалиёти ва Беҳбудий учун асосий энг долзарб масалалардан бири бўлмиш исломий ахлоққа нисбатан бўлган муносабати билан танишамиз. Қўлимиздаги таржима матнида шундай ва бундан бошқа Беҳбудий фаолиятига тааллуқли тафсилотлар изоҳлар орқали кўрсатилганлиги учун энди эътиборингизни изоҳларга жалб этмоқчиман.

ИЗОҲЛАР

1. Петер Томзеннинг «Фаластин адабиёти» (Лейпцих, 1916) китобида айтилишича, 1910–1914 йиллар орасида юздан ортиқ «Саёҳатнома»лар битилган. Русиядан келган яҳудийлар ва мусулмонлар ёзган бу асарлар Қозон, Саратов ва Одессада чоп этилган.
2. Беҳбудийнинг энг яқин кишиларидан бири бўлмиш Ҳожи Муин ибн Шукрулло «Инқилоб»да Шарқ йўқсуллари озодлигига хизмат этувчи икки ҳафтада бир чиқадиган журналда Беҳбудий вафотига бағишлаб ёзган таъзиясини эълон қилган («Инқилоб», 1922 йил, февраль, 36–38-бетлар). Таъзиянинг сарлавҳаси: «Таржимаи ҳол Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг қандоқ шаҳид бўлганликлари ва анинг томонидан ёзилган васиятнома»: «Ўзбек энциклопедияси»даги ва «Адабиёт тарихи» китобларидаги мақолалар эса, шунчаки хўжақўрсинга ёзилгандир: Улар жуда қисқалиги учун кам маълумот беради. Қайта қуриш бошлангач, жадидлик ва Беҳбудий асарларига муносабат бир оз ўзгарган бўлсада, бироқ ҳалигача тўғри баҳосини олгани йўқ. Қаранг: «Қатл этилган адиб» («Гулистон», 1988; 10-сон).
3. Худди шундай талаб 1908 йили «Шухрат» газетасининг 4-сонида Бектемиров деган муаллиф томонидан ҳам кўтариб чиқилган.
4. «Икки эмас, тўрт тил лозим» («Ойна», 1913 йил, 1-сон 12–14-бетлар).
5. «Истиқбол қайғуси» («Ойна», 1913 йил, 2-сон).
6. Беҳбудий эскича миллат тушунчаси тарафдоридир. Унинг фикрича, миллат диний ва маконий нуқтаи назардан таърифланиши керак. Аммо у қавм ёки миллат деб атаган тушунчаларни тил ва этник томонлардан ҳам таърифлагани сабабли адибнинг асарларида баъзан «мусулмон тили», яъни Ўрта Осиёда яшовчи туркий ёки форсийда сўзлашувчи аҳоли тили ҳамда «араб дини», яъни Фаластинда яшовчи арабларнинг ислом дини деган иборалар ҳам учраб туради.
7. Ерли халқнинг татар тилидаги театри Туркистонда 1904 йилдан бери мавжуд эди («Таржумон», 1904 йил, апрель). Беҳбудийнинг театр ва кинога қизиққанлиги хусусида қаранг: «Оврупода тейатролар» («Ойна», 1913 йил, декабрь).
8. Мамажон Раҳмонов. Узбекский театр с древнейших времен до 1917 года. Ташкент, 1981.
9. Александр Беннгсен. Ла прессе эт ле моувемент национал хец лез мусулманс де руссие авант 1920. Париж, 1964.
10. «Туркистонда одатий қабиҳа». «Ойна», 1913 йил, 5-сон.
11. Боқчасарой, 1882 йил.
12. «Ойна»да чоп этилган мақолаларнинг тўртдан уч қисми туркийнинг Самарқанд шеvasида, қолганлари эса форсийда ёзилган. Беҳбудийнинг «икки тилда ва халқ тилида» ёзиши кўп марта лаб тан-

қидга учраган. Баъзи ўқувчилар форсийга бутунлай қарши бўлишган: «Форсий асло керак йўқ» («Ойна», 1914 йил 15-сон). Бошқалари эса, форсийдаги мақолаларнинг кўпайтирилишини талаб қилишган. Яна баъзи бир ўқувчилар ҳаммага тушунарли, осон тилда ёзиш кераклигини уқтиришган: «Лозимки, осон ва ҳам ниҳоятда осон ўзбеки ила ёзсангизлар» (ўша сонда). Баъзи ўқувчилар эса, ношир-ни ўзбек тилини бузиб юбораётганликда айблайдилар: «Ойна» тилини авомча ва кўчаги қилиб юборилибдир» (ўша сонда).

13. Беҳбудийнинг Сиддиқий-Ажзийга муносабати хусусида қаранг: Вадуд Маҳмуд. «Турк шоири Ажзий». «Инқилоб», 1924 йил, 11–12-сонлар. Худди Беҳбудийники сингари, Ажзийнинг ҳам ҳаёти ва ижоди Ўзбекистонда янгидан ўрганилиб, янгича баҳоланиши лозим. Таққосланг: Бегали Қосимов. «Шоир хотирасини излаб...». «Шарқ юлдузи», 1989 йил, 10-сон, 178–184-бетлар.

14. Сиддиқий. «Таржimai Миръоти ибрат». Самарқанд, 1332 (1914); Бегали Қосимов. «Шоир хотирасини излаб...». «Шарқ юлдузи», 1989, 10-сон, 180-бет.

15. Москвадаги Ленин кутубхонасида сақланаётган «Ойна» журнаlining ушбу олинган нусхаси, афсуски, тўлиқ эмас. Ленинград ва Хельсинкидаги нусхалар ҳам шу аҳволда.

16. А. Х. Алиева. «Списки «Муҳаммад Амин саёҳатномаси» и живая народная речь в ее языковой структуре» («Истоки татарского литературного языка»). Казань, 1988; Б. Рифтин. «Типология и взаимосвязи средневековых литератур» («Типология и взаимосвязи средневековых литератур Востока и Запада»). Москва, 1974.

17. Чинакам саёҳат маслаҳатномаларида руҳсатнома олиш, саёҳат, озик-овқат, тунаш жойлари ва уларнинг баҳолари, хавфсизлик масаллари бўйича муфассал маслаҳатлар берилган. Уларнинг энг тўлиқ ҳисоблангани 1913 йил июлда Қозоғистонда чоп этилган «Ҳаж йўли» китобчасидир.

18. Бу мақола 1903 йили Қозонда чоп этилган («Исмоил саёҳати». Ризоуддин ибни Фаҳруддиннинг сўз боши ва изоҳлари билан). Маҳмудхўжа бу китобчани ўқиган бўлиши керак, чунки у татар адабий ҳаётида фаол иштирок этар, ношир билан эса дўстона муносабатда эди. Исмоил мақоласи оддийгина, аммо Маҳмудхўжанинг асари том маънода юксак бадний савияда ёзилган.

19. Асар 1913 йилнинг сентябрь, октябрь ойларида «Вақт» газетасида чоп этилган. Бу саёҳатнома услуби жиҳатидан Маҳмудхўжа мақоласидан мукамалроқ, аммо унда тарбиявий хусусият етишмайди. Ҳар иккала мақоланинг битта умумий томони бор, улар замирида фаластинлик мусулмонлар аҳволига қизиктиш бор.

20. Беҳбудий такрор ва такрор руслар билан бир қаторда яҳудийлар ва арманларнинг Туркистон мусулмонларига қараганда бой-бадавлат, тўкин-сочин ҳаёт кечиртиш имкониятларига эга эканликларини таъкидлайди. Таққосланг: «Хуршид», 1906 йил, 6-сон; «Тараққий», 1906 йил, 7-сон; «Ойна», 1913 йил, 8-сон («Хўқанд ва мусулмонлар» мақоласи).

ЛУҒАТ

А

Абди аспом — санамлар қули
Або — енгсиз устки жун кийим
Аважож — эгилма
Авсоф — васфлар, мақтовлар
Адам — йўқлик
Адрас — матоҳ
Ажала шайтон — шошқалоқ-лик — шайтоннинг иши
Ажром — осмон жисмлари
Аккос — акс эттирувчи, фото-граф
Акобир — улуғлар
Алам — тимсол
Алойиқи рўзгор — рўзгорга боғ-ланиб қолиш
Ал-он — ҳозирги пайтда
Албиён изом — улуғ набилар
Аmmoма (амома) — салла
Амуд — устун
Анвоъ — навълар, хиллар
Ансор — дўст, ҳомий, мадак-кор
Анфоси қудсия — муқаддас на-фас
Анқариб — қисқа фурсатда, кўз очиб юмгунча
Арз — ер; эн
Арзи мавъуд — орзу қилинган ер, жаннатмонанд жой
Асафлик — таассуфланарли
Асари ёс — катта умидсизлик, чорасизлик
Аскала — пристан, порт
Асфал — тубан
Атиббо — табиблар
Атроф — томонлар
Атрошом — атир таратувчи
Атф — қайта, яна бир бор
Афъол — феъл-атвор
Аъдод — ададлари, турлари

Аъмо — кўр
Ахуз — олинган
Ашроф — улуғлар
Ақсойи сафар — сафар якуни
Ағниё — бойлар
Аҳад — кимса, киши
Аҳиббо — дўстлар
Аҳодис — ҳадислар

Б

Баввоб — қоровул
Бадавий — маданиятдан узоқ, саҳройи
Байзо — оқ
Байтул мол — давлат хазинаси
Байъат — қасамёд
Байъона — бай пули
Баладия — шаҳар ҳокимлиги
Бандар — порт
Барроқлик — ялтироқлик
Бахшиш — садақа, ҳадя
Баъд аз ньшо — хуфтондан кейин
Баъд аз зуҳр — тушдан сўнг
Баъс — қиёмат
Бақия — давом
Баҳри абязи мугавассит — Ўрта
Ер денгизи
Баҳсу жидол — тортишув, му-нозара
Белжиклар — белгияликлар
Беша — тўқай, чакалакзор
Бизанс — Византия
Билониҳтиёр — ихтиёрсиз
Бини — бурун
Бир рубъ — тўртдан бир маъ-носида
Бир сулс — учдан бир маъно-сида
Боб — эшик
Бодғўя — шамолғоҳ

Боди Кубо — Боку шаҳри
Боло — юқори
Болун — ҳаво шари, аэростат
Боний — асосчи
Боргоҳ — ҳузур; жой
Бохари — буг
Ботил — беҳуда, бузук
Буйрўкратия мустабид — мутлақ монархия
Бурдан убудият — хоксор қул
Буқъа — масжид, ибодатгоҳ; мақбара; хужра
Бўғозичи — Босфорнинг иккинчи туркча номи

В

Важд — завқ-шавқ; ҳаяжон
Важҳа — машҳур, эътиборли
Вараса — меросхўрлар
Варис — меросхўр
Васат — ўрта
Васойиқ — васиқалар
Вақтоки — вақти келиб
Вираса — мерослик
Восиъ — кенг
Вузуъ — таҳорат
Вуқуот — воқеа, вазият

Г

Гарон — оғир
Герехмў — мураккаб тугунли, жимжимадор
Гулла — замбарак ўқи, снаряд
Гунбад — гумбаз

Д

Давр этмоқ — доира ясамоқ
Далил — йўл бошловчи, гид
Далойили ақлий — доно далиллар
Дапг — қўзғалмас мулкнинг олтидан бири
Дароятли — тушунчали, билимли

Дафъи — раддия
Дорилқазо — суд маҳкамаси, қозихона
Доро — эга
Дўраға — хона

Ж

Жабали либлон айалат — Либнон тоғлик вилояти
Жабҳа — томон, олд
Жадд — бобо, буви
Жазира — орол
Жаллий — йирик
Жамод — қуруқ, қаттиқ
Жарида — газета
Жароид — газеталар
Жарҳ — эътироз
Жимностиқ хоналар — спорт (гимнастика) иншоотлари
Жихот — жиҳатлар, томонлар
Жобулсо ва Жабулқо — Шарқ ва Ғарбнинг икки афсонавий шаҳри
Жойхоблар — ўрин-кўрпа, чойшаб ва ҳ. к.
Жозибаи қамар — ойнанинг тортилиши
Жоний — ҳаётий
Жонхарош — жон азоби, изтироб
Жубба — кенг, узун тўн
Жувар — ён, атроф, қўшнилик
Жухҳол — жоҳиллар

З

Заввор — зиёратчи меҳмон
Завжан мутаҳҳара — жуфти ҳалола
Зарина — олтин
Заъф — ожизлик, заифлик
Захра — текислик маъносиди
Зиллат — тубанлик
Зовия — бурчак
Зоиқ — завқбахш

Зоти сотуда — зоти шарифи
Зуафо — заифлар, аёллар
Зужжож — шишалар
Зулжалол — азамат, буюк
Зухурот — қутилмаган воқеа

И

Ижмолий — хулоса, мухтасар
Ижтимоъхона — одамлар тўп-
ланадиган хона
Изо — озор, азоб; изза қилмоқ
Иктифо — кифоя
Илтизом — лозим
Имтио — мол
Имтизож — бирикиш
Инфиоли даруний — ички ҳая-
жон
Иншоот — мактублар
Ирод — эътироз
Иртифоъ — баландлик
Искутво — жим бўлинглар!
Сукут сақланглар!
Истибод роъйи — зулматпа-
растлик
Истидлол — далил келтириш
Иттиҳод — бирлашув
Итҳоф — бағишлов
Ифлос — банкрот
Ифратпараст — ҳаддидан ошув-
чи
Иштирокийўн ʼомийун — халқ
социализми
Иқтибос — кўчирма
Иҳё этувчи — тирилтирувчи,
тикловчи

К

Калоба тўп — бир калава арқон
Канор — чет, чекка
Касолат — ялқовлик
Кафили ҳадидманд — ўткир
кафил
Кешги — кема
Коза — чайла

Кофий — старли, кифоя
Коши — нақшин бўлак, ка-
фель
Куллиян — бутунлай, тамоман
Кунж — бурчак
Курраи маспуа — глобус
Курраи мусаттаҳа — ер шари
Кўй — кўча

Л

Лайли — кечки
Ла ва наам — йўқ ва ҳа
Латиф-ул-ҳамим — қайнарбу-
лоқ
Лойиҳоти — башоратчи, фол-
бин
Лоятимму — тиним билмас
Лоянқотиъ — тўхтовсиз
Лоянғахи — ниҳоясиз
«Лоҳавъ» — қўрққанда ўқила-
диган дуонинг илк сўзи
Лоҳаза — шу сабабли
Лоҳутий — илоҳий
Луғз — сўз

М

Маа — бирга
Маа таассуф — афсуски
Ма фиййаху — ундан ташқа-
рида
Маа фийят — хизмат ҳақи
Маа фикҳи — шундай вазиятда,
шунга қарамай
Мабни — бино қилинган
Мавод — моддалар
Мавоҳаза — танбеҳ, дашном
Мавқиф — бекат
Мавқуф — боғлик
Мадфан — қабр, гўр
Мадфун — дафн қилинган
Мадюн — бурчли
Мадҳал — кириш жой
Мажзубона — мафтункор, жо-
зибали
Мажлиси мабъусон — депутат-
лар палатаси, парламент

Мажжоний — текин
Мазбалагоҳ — ахлатхона
Мазийят — устунлик
Маййит — ўлик
Мактаби санойеъи — санъат
(хунар) мактаби
Макъаб — ўринга қараб, куб ё
квадрат маъноларида ишлати-
лади
Мамнуъ — ман этилган
Манбит — кўкаламзор
Манҳадам — хароб
Манҳий — тақиқланган
Манхус — нахса қолган
Марбут — туташ, боғланган
Маржаъ — мурожаатгоҳ
Маржуъ — ўринли
Маркуз бўлмаган — қоқилма-
ган, осилмаган
Маррат — марталар
Марсаби баҳрия — денгиз от-
лари
Маркаби баҳрия — денгиз уло-
ви, яъни кема
Мафруш — тўшалган
Масаҳи — маҳси
Масдар — сарчашма, сабаби
асосий
Масмуот — эшитилиш
Маснаъ — бунёд этилган
Масолиҳ — зарур ашё
Масоҳат — ўлчов
Масриф (масориф) — исроф-
гарчилик
Масроф — сарфламоқ, хара-
жат
Масҳ этмоқ — юзига қўл торт-
моқ
Матин — мустаҳкам
Матоф — тавоф этиш жойи
Махатта — бекат
Махлут — аралаш, қоришиқ
Машрута — конституция
Машруъ — шариат йўл қўйган
Маъбад — ибодатгоҳ

Маъзират — узр
Маъмул — амалдаги
Маъраз — намойиш жойи
Маъгал — заиф маъносида
Мақсура — меҳвар
Мақтул — қатл этилган
Мағоза — магазин, дўкон
Мағора — гор
Маҳал — жой
Маҳз — фақат; гирт; тоза
Маҳзуф — тушиб қолган
Маҳтоб — оидин
Маҳфил — давра
Миз — стол
Мил — қувур
Минбаъд — бундан буён
Миннокори — сирланган
Мифтаҳдор — калитдор
Моддатап — аслида
Морпеч — илонсўқмоқ, ёлғиз-
оёқ йўл; ўймакор нақшнинг
бир тури
Моҳазӣ — рўпара
Муавваж — қийтиқ
Муаззот — иззат, хурмат
Муайяна — назорат
Муарраб — арабча
Мубарро — холи
Мубошир — бошқарувчи
Мубҳам — ноаниқ
Муваҳҳад — бир худолик
Мудавар — юмалоқ, айлана
Мудохала этмоқ — аралашмоқ
Мужалло — ялтироқ, жилоли
Музбала — қ. Мазбалагоҳ
Муздурлик — ёлланиб ишлаш
Музойиқ — зич, сиқик, тор
Музоҳака — кулгили
Муколима — сўз, гап
Мулавван — зийнатланган,
нақшланган, бўялган
Мулки аскарӣй — давлат аска-
рия мактаби
Мулки эъдодӣй — давлат тай-
ёрлов мактаби

Мулкияи рушдия — давлат ўрта мактаби
Мумайиз — ажратилган, айри
Мумтаҳан — имтиҳондан ўтган
Мунаббат — ёғочга ўйиб ишланган нақш
Муназзам — назму тартибга кирган
Мунташар — ёйилган
Мунқариз бўлмоқ — тугаб битиш
Мунқод — итоат этиш
Муояна этмоқ — кўздан кечирмоқ
Мураббаъ — тўртбурчак
Муратгиб — тартиб берувчи
Мураххас — имтиёзли одам
Муродиф — синоним
Мусаввир — суратли
Мусаддас — олти қиррали маъносида
Мусакирот — маст қилувчи ичимликлар
Мусамма — юқори айтилган
Мусанниф — китоб тузувчи, муаллиф
Мусаттаҳ — текис, ясси
Мусаллаҳлик — қуролли
Муслиҳ — ислоҳ
Мусовот — тенглик, баробарлик
Мусоид — имкон берувчи
Мусофират — мусофирлик
Муस्ताқар — айланиш чизиғи
Мустамлакот — мустамлакалар
Мустанд — истеъдодли; асосли
Мустанди тамаддун — маданиятга тайёр
Мустиатил — чўзилган
Мусташар — маслаҳатчи
Мутаважжих бўлмоқ — юз тутмоқ, илтижо қилмоқ
Мутавассит — оралиқ
Мутаваттун — ватан тутган

Муталло — қуйма
Мутанозеъ — низо; жанжалли
Мутасарриф — эгалик қилиш
Мутақаллимин — қадимда ўтган
Мутгасил — туташ маъносида
Мутгафиқ — иттифоқчи
Мухталиф — хилма-хил
Муфт — бекорчи, арзимас
Мушаххис — актёр, ижрочи
Мушорун алайҳ — унга далиллик қилувчи
Мушрик — кофир
Муштамил — ўз ичига олган
Муштарий — харидор, жазман
Муштирама — умумий
Муътамад — эътимодли, ишончли
Муътақид — эътиқодли
Муқарнас — қуббали нақшлар
Муқоволот — шартнома
Муқтадир — иқтидорли
Муқаррири маърозлар — воқеа ва ҳодисаларни баён, тасвир этувчи
Муҳаққақ — тўғрилиги исботланган
Муҳаққиқини киром — улуғ ҳақиқатчилар
Муҳмал — бемаъни
Муҳовара — савол-жавоб
Муҳосара — қамал
Муҳтавий — ўз ичига олган
Муътабаронлар — улуғлар
Муътодича — одатича

Н

Набон этмоқ — чиқмоқ
Навоқис — нуқсонлар
Навҳа — йиғи, тантанали ижро
Надва — анжуман, мажлис
Назарфириб — мафтункор, жозибали
Нардбон — нарвон
Насоро — христиан

Насячкн — нася йигувчи, қарз-ни ундирувчи

Нафси жомеъ — жомеънинг ўзи

Нафси иморат — иморатнинг ўзи

Нафсимга — ўзимга

Нафси Туркистон — Туркистон аҳли

Нафсул-амр — моҳият

Нафуз — таъсир

Начур — дезинфекция

Нақл қилдирмоқ — олиб келмоқ

Нақша — харита

Нахн этмоқ — тақиқламоқ

Наҳр — дарё, оқар сув

Нимкола — ярим-ёрти

Нисф — ярим

Ногузирдур — четлаб ўтмайди

Норгила — чилимга ўхшаш нарса

Нохудойи — худосизлик, иймонсизлик

Ноқис — нуқсонли, қалбаки

Ноқус — кўнғироқ

Ноҳалаф — номуносиб маъносида

Нуфуз — эътиборли

Нусус — матн

Нукуд — нақдиналар

О

Обчакорлик — суғориладиган экинзор

Овиза — осма

Одина — жума

Оёт — оятлар

Оилаи киром — буюк, карамли

Омбури ҳукумат — ҳукумат бошқаруви

Ориз — тасодифий

Оризали — сунъий ўрмон; бахтсизлик

Оре — ҳа

Осиён Васати — Ўрта Осиё

Отия — қуйи

Офоқ — олам

Оянда — келажак

Оғушта — банд бўлмоқ

П

Парастинш — эътиқод, ихлос

Пенир — пишлоқ

Пешаки — олдиндан

Пиёдагузар — пиёдаўтар йўл

Попос — поп

Попур — пароход

Порина — шўрлик, бечора

Пору — супринди, гўнг

Порухона — ахлатхона

Пўстхўрда — пўчоқ

Пўшиш — ёпинчик

Р

Работ этилмоқ — боғланмоқ

Райъ — фикр

Рафоқат — рафиқлик, дўстлик

Рафтор — юриш-туриш

Расоил — рисоалалар

Рахом — мрамор

Рехтим — жой маъносида

Рижо — умид

Рижол — арбоб, кадр

Рижоли тарихия — тарихий арбоблар

Рифоҳият — фараҳли

Рубъи маскун — куруқликнинг тўртдан бири

Руки — устун

Рушдий (рушдия) — ўрта мактаб

С

Савомеъ — ибодат қиладиган

Савқ — давват

Савкут-тийн — ершунослик

Сад — 100

Саждан убудийят — мутеъона сажда

Сажжода — жойнамоз

Сажин (саржин) — 3 газ ёки
2,13 м.ли узунлик ўлчови
Сайфия — экинзор, ёзги жой
Салб — чормих, крест
Салоҳ — эзгулик
Салоҳа — солиҳлар қисми (па-
нели)га зийнат
Самоқ — деворнинг қуйи учун
ишлатиладиган оқ тош
Самти хориж — ташқари
Санад — рақам (номер), хуж-
жат
Сарбасти — хуфия
Сари фарр — бошдаги тож
Сарроф — пул алмаштирувчи
Сатр — парда (паранжи)
Сахин — қалинлик
Сахлаттурмоқ — тўхтатмоқ
Сақо — сув машинаси (водо-
воз)
Саққолик — сувчи, мешкобчи
Саҳиҳ — соғлом, бехато
Саҳобағони бузургвор — улуг
саҳобалар
Саҳобан изом — буюк саҳоба-
лар
Саҳҳор — сеҳргарлар
Сибён — болалар
Сиво — халос, бундан бошқа
Сиёсат — муҳофаза
Сил ар-рия — ўпка сили
Силк — саф, қатор
Сина(е) матограф — кино
Сироят — таъсир
Сирф — соф
Сихҳия доираси — тиббий ку-
затув
Содот — саййидлар, пайғам-
барзодалар
Сокин — истиқомат қилувчи
Сокият — тинч, сокин
Сомон — қудрат, бойлик маъ-
носида
Сониян — иккинчидан, шун-
дан кейин
Сориб олмоқ — ўраб олмоқ

Сулс — учдан бир
Сумья — ибодатхона
Сурукламоқ — тўпламоқ
Сууд қилмоқ — юқорига кўта-
рилмоқ
Сухра — қоя

Т

Тааммуқ — ўй, фикр
Таарруз — ҳужум
Таассуби ҳуқуқ — ҳуқуқ ҳимоя-
чиси
Табдили макон — жой алма-
шуви
Табйиз — оқартмоқ
Тавассул — восита
Таваққуф — тўхталишга муҳ-
тожлик
Таваҳҳум — ваҳима
Таваҳҳуш келтирмоқ — ёввойи-
лашмоқ
Тавзен мукофот — мукофот
тақсими
Тавоно — бақувват
Тавоф — зиёрат
Тавҳидди лисон — тил бирлиги
Таданний — тушкунлик
Таҳвин этмоқ — тузмоқ
Тадриж — секин-аста
Тадрис — дарс бериш
Таждид қилмоқ — янгиламоқ
Тазалзул — зилзила
Тазйинот — зийнат, безак
Такфир — кофирга чиқариш
Талоф — қароқчи
Тальин — лаънатлаш
Тамаддун — маданият
Таманно — истак, орзу
Тамбоку — тамаки
Танвир — ёритиш
Танзил — тушиш, киришиш
Таовун — ёрдам
Тариқ — йўл, услуб, тарз, чора
Тарих биноси — қурилиш та-
рихи
Тарроҳ — тарҳини чизувчи

Тахийя — дуо, салом
 Тарсим — расм
 Тарафайн — икки тараф
 Тард этмоқ — четлаштирмоқ
 Тардиҳ — эзиш, майдалаш
 Таржеъ — такрор
 Таржиҳ — афзал
 Тарзия — қоникшиш
 Тароз — келишув
 Тасаллут — ҳукмронлик қилиш
 Тасвид — қоралаш
 Тасвидод — ёзмоқ, кўчириб ёзмоқ
 Таслиҳ — тузатиш, яхшилаш
 Тасхир қилмоқ — забт этмоқ
 Тасҳиҳ — тузатиш
 Тафриқа — ажраб кетиш
 Ташриҳ — анатомия
 Ташҳис — эътироз этиш, аниқлаш
 Таъбия — мудофаа учун ҳозирланган пистирма жой
 Таъвил — сўзни бошқа маънога буриш
 Таълифот — асарлар
 Таъмин — ёйиш
 Таъсиф — афсусланарли
 Таъхир — секинлик
 Тақрир — баён
 Тағанний — нағма
 Тағйири қиёфа — қиёфани ўзгартириш
 Тағрит — горатчи
 Таҳаммул — чидам, тоқат
 Таҳвил маъ — сув келтириш воситалари
 Таҳийя — дуо, салом
 Таҳфим — тушунтириш
 Таҳт ал-баҳр мино — денгиз ости минаси
 Таҳт ал-Жабал — Жабал тоғ ости
 Таҳқиқ — текшириш
 Тевачи — туякаш
 Тезоб — азот кислотаси кўзда тугилади

Тек — битта
 Тездод этмоқ — санаб чиқмоқ
 Тириза — дераза
 Тоати қилмоқ — алмаштирмоқ
 Тул — узунлик
 Тулонн — узунчоқ
 Тулу — кун чиқиш
 Турба — қабр
 Турма — трюм (кеманинг юк ортадиган пастки қисми)
 Туъма — таом, овқат

У

Убудият — бандалик таомили
 Ужра — ҳақ, ижара пули
 Ул зумродин — шу жумладан
 Устиу — қиём (туш) пайти
 Уърафо — шогирд, ўқувчи
 Уққол — оқиллар

Ф

Фаврап — аччиқланиб; дарҳол
 Фавт — йўқотиш
 Фавқал баҳр — сув усти
 Фажр — тонг
 Фазла — кўп, ортиқча
 Файсал — ечим, қарор
 Фано — кечмиш, йўқлик
 Фараҳ — роҳат
 Фаръийя — иккинчи даражали
 Фарра — ажойиб
 Фарш қилинмоқ — тўшалмоқ
 Фашанг — соврин маъносида
 Фақру зарурат — фақир муҳтожлик
 Фий-йа — ҳолат
 Фосила — оралиқ масофа

Х

Хабис — қабиҳ
 Хаёли фосид — ўринсиз, бузуқ хаёл, фантазия
 Хайс — мумсик
 Халқ қилгон — яратган
 Хамула — йўловчи, пассажир

Хартухар — пароканда, тартиб-
сиз

Хаттиёт — камчиликлар, хато-
лар

Хатти истиво — экватор

Хон — стол

Хориқа — фавкуллода ҳол

Хотам — муҳр

Худдом — ходимлар, хизматчи-
лар

Хуррам — тозалик, яхшилик

Хушманд — зийрак, ақли

Хушу ила — ғоят итоаткорона

Ч

Чаҳортарк — чорқирра

Чаҳорчашм — тўрткўз

Чодир — рўмол

Чошт — чошгоҳ

Ш

Шабака — жимжимадор пан-
жара

Шабакаланган — тўсилган

Шай — нарса

Шайтанат этмоқ — фириб бер-
моқ

Шарафа — карниз

Шарр — ёмонлик

Шаррот — ёвузлик

Шаторат — эпчиллик

Шаъшаълик — шуълавор, яр-
қираган

Шақий — ярамас одам

Шимитмали — симирайлик

Шодурвон — фаввора

Шоғил — банд этувчи

Шуруъ этмоқ — киришмоқ

Э

Эвет — ҳа, тўғри

Эъдодий — тайёрлов

Эътидол — мўътадил

Эътиносизлик — беғамлик,

эътиборсизлик

Эҳмол — қийинчилик

Ў

Ўйла — шундай

Ўрам — кўча

Ўтел-нўмра — меҳмонхона бўл-
маси

Қ

Қабиҳи — бузуқи, беҳаё

Қабл аз аср — аср намози ол-
дидан

Қавл — сўз

Қазаф — дашном

Қанодил — қандиллар

Қарағаса — қора тупроқ

Қариб — яқин

Қарина — кундалик ишлари
маъносида

Қаробат — яқин кишилар, қа-
риндошлар

Қаруп вуста — ўрта асрлар

Қасаба — шаҳарча

Қатор — поезд

Қиё — қоя

Қитъа — бўлак

Қонуни мусовот — тенглик
қонуни

Қофила — карвон

Қубба — гумбаз, купол

Қувваи дофеъа — даф қилиш,
мудофаа қуввати

Қуфл — қулф

Қутр — кўндаланг

Ғ

Ғалат — нотўғри

Ғалати фоҳиш — кўпол хато

Ғанойим — ўлжа

Ғарро — ажойиб

Ғизо этмоқ — овқатланмоқ

Ғуруб — кун ботиш

Ҳ

Ҳавойиж — эҳтиёж

Ҳавондор — қуюқ

Ҳаворийин — Исо пайғамбар издошлари	Ҳасир — бўйра, бордон
Ҳавос — ҳислар	Ҳафиф — енгил
Ҳажари асвод — Маккадаги қора тош	Ҳизб — партия
Ҳазиз — тубан	Ҳимам — ҳимматлар
Ҳайвон потиқ — гапирувчи жон- зодлар, яъни одамлар маъно- сида	Ҳифзан — ёддан
Ҳайъат — астрономия	Ҳосилхиз — серҳосил
Ҳаммор — ичувчи, майхўр	Хувийят — шахсият
Ҳанжор — йўл, усул	Худус — тасодифлар, ҳодиса- лар
Ҳасан — яхши, чиройли	Хулё — хаёл
	Хунжор — тартиб
	Хуснизан — яхши фикр

МУНДАРИЖА

Карвонбоши (Б. Қосимов)	5
Бадний асарлар	40
Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли (пьеса)	40
Оқ елпоғичли чинли хотун (ҳикоя)	51
Бир аъмо боланинг ҳасрати	54
Саёҳат хотиралари	55
Қасди сафар	55
Мақолалар	147
Хайрул умури авсатуҳо	147
Икки эмас, тўрт тил лозим	151
Баёни ҳол	153
Туркистон	155
Шердор мадрасаси	157
Аъмолимиз ёйинки муродимиз	158
Фавқулодда такфир	161
Бизни ҳоллар ва ишлар	162
Зўраки бой	164
Жаҳолат дардларидан	166
Оҳ, бонкалар бизни барбод этди	167
Ёшларга мурожаат	169
Тарихи ихтирои башар	171
Танқид — сараламоқдур	173
Теётр надур?	175
Муҳтарам ёшларга мурожаат	177
«Туркистон тарихи» керак	179
«Сарт» сўзи маълум бўлмади	180
Исмоилбек ҳазратлари	182
Тил масаласи	184
Бизни кемиргучи иллатлар	190
«Сарт» сўзи мажбулдур	194
Эҳтиёжи миллат	200
Миллатлар қандай тараққий этарлар?	203
Қозоқ қариндошларимизга очиқ хат	204
Муҳтарам самарқандийларга холисона арз	207
Ғалла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия	210
Мақола ва чиқишларга жавоблардан	215
«Китобат ул-атфол» (1908) дан	216
«Китоби мунтахаби жуғрофияий умумий» (1906) дан	221
«Мунозара» ҳақида	247
Васиятнома	252
Беҳбудий вафотига бағишланган марсиялар	256
<i>Фитрат.</i> Беҳбудийнинг сағанасини изладим	256
<i>Айний.</i> Беҳбудий руҳига итҳоф	256
<i>Айний.</i> Беҳбудий афандини эсга тушуриб, қатл ва қатлгоҳига хитобан	257
<i>Чулпон.</i> Маҳмудхўжа Беҳбудий хотираси	258
<i>Ингеборг Балдауф.</i> Маҳмудхўжа Беҳбудий Фаластинда	259
Изоҳлар	267
Луғат	269

Адабий-бадиий нашр
МАҲМУДХУҶА БЕҲБУДИЙ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Тошкент «Маънавият» 2006

Муҳаррир *З. Абдирашидов*
Мусаввир *Г. Шоабдурахимова*
Тех. муҳаррир *Т. Золотилова*
Мусахҳиҳ *Ш. Илҳомбекова*

Теришга 11.04.2005 й.да берилди. Босишга 22.11.2005 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108/32. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 14,70. Шартли кр.-отт. 15,12. Нашр т. 15,14. 5000 нусха. Буюртма № 2290. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 06–06.

«АКАДЕМ-ХИЗМАТ» корхонасида тайёрланиб, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонасида босилди. 700083. Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 2006.